

Гулчехра Қудратилло қизи

МЕХРГА
КОНГАН
ДИЛЛАР

Гулчехра Қудратилло қизи

Мәхрға қонған диллар

қисса



4

Nizomiy nomli
T D P U
kutegxonasi

931152

«TAMADDUN»
Тошкент – 2018

УДК: 821.512.133-3
КБК: 84(5Ў)7

Г-95

Қудратилло қизи, Гулчехра
Меҳрға конган диллар: қисса / Гулчехра Қудратилло
қизи; – Тошкент: «Tamaddun» нашриёти, 2018, – 232 б.

Урушнинг даҳшатлари жуда кўп. Энг даҳшатлиси – урушда болалик бўлмайди. Гулчехра Қудратилло қизининг ушбу киссасида уруш туфайли болалик баҳтидан мосуво бўлган болалар тақдири ҳақида ҳикоя килинади. Умид қила-мизки, Мирхосилнинг кўрган-кечирганлари ёш авлод учун одамийлик сабоғи бўлажак.

ISBN 978-9943-5115-3-8

© «TAMADDUN» нашриёти, 2018.

Нега күнлик уйкусиң хаяжондан сүңгі охир-окибат самолётта үикебүрингікка жойлашиб, камарни бойладым. Енимдә үтирган синглім білан Исломл ақамнінг қызига бір нағар бөкіб, күнгілім анға тинделінгандай бұлды-ку, аммо олдинда күтаёттан хаяжонли дамларни эслаб, юрагим ханқириб үрар, итім түлиб, тоx йиғлатим келса, тоx бүтүн овоғимни қүйиб баралла күлтім келарди...

45 йиллик айрилиқдан сұнг самолёт ердан күтарилди. Йүк-йүк, үзингни құлға ол, Мирхосилбой, дам олишинг керак ҳали, Худо хохласа ҳаммаси олдинда деб үйладим, үзимни үзим тинчлантириб. Вактни үтказиш учун күзимни юмиб ухламоқчи бўлдим. 2-3 соат орасида қотиб ухлаб қолибман.

Қулоғим остида янграган ўзбекона мусикадан аллақандай тушлар кўриб, кўзимни очдим. Аввалига мен қаердаман нима бўляпди, тушунолмадим. Синглимнинг “Ака, ака, уйғондингизми, ўзиям нахт 4 соатча ухладингиз”, деганидан ўзимга келдим.

Мусика бутун хаёлимни қамраб олиб, бир тарафдан ўша 18 ёшимга қайтганда, гўёки Зулфизарни қучгандаи бўлардим. Қандоқ экан, ҳалиям кутиб ўтирганмикан?! Ахир биз “ўла-ўлгунча”, деб қасамёд қилганимиз-ку.

Яна бир тарафдан ичимда Султонбекнинг тақдири вулқондай отилиб чиқкан эди. Отам-чи отам, отажоним, меҳрибоним, уйга қайтиб бир ўzlари бизни кутиб ўтиргандирлар...

Бирданига ҳамма қарсак чалиб оқистагина кўнган учувчини қутлаганидан, хаёлим бузилди. Ҳамма чиқишига тайёрланиб, самолёт эшиклари очилганида, бурнимга тандирда онам ёпган нон хиди урилди. Бoshim айланиб кўз ўнгимда онам гавдаландилар. “Она, онажоним, йиллар ўтиб, ҳатто мозорингизни зиёрат

қилолмаган ўғлингизни кечиринг”, деб ичим фарёд соларди. Ўрнимдан туролмасдим, ичимда кўтарилиган түғённи яшириш мақсадида ёлғондака кулиб синглимга қарадим. Синглимга қарадим-у, унинг жовдираган маъюс кўзларидан тинмай оқаётган севинч ёшларини кўриб чидолмадим. Ўз-ўзимга “Йўқ-йўқ, жим-жим”, дердим-ку, лекин минг афсуски, бу сафар эҳтиросларим мендан устун келди. Кўзимдан қалқиб чиқиб бутун юзимни юваётган соғинчли ёшимни эплаб бўлмасди. Ўрнимдан туриш учун бир-икки урингандим оёғим ҳам қимирамай қолди. Менга кўзи тушган ёнимдаги йигит аввалига кўзлари катта-катта очилиб тикилиб қолди-да, сўнг ёрдамлашиши учун қўлимдан ушлаб турғизди. Мана энди аниқ, ёмон касалга йўликиб қолган одамга ўхшардим. “Ўзбекистон мустақил бўлди!” деган хабарни эшитгандан бери, юрагим қанчалик ҳапқирса, оёғим шунчалик дағ-дағ титраб чиқиб кетарди. Йигит чўнтағидан дастрўмолчасини узатиб, “Мана олинг”, деди инглиз тилида. “Мен ўзбекман”, демоқчи бўлдим, аммо ҳаяжондан тақиллаб кетаётган тишларим гапиришга қўймасди.

Дастрўмолчани олиб, юзимни артмоқчи бўлгандим, қўлимнинг ҳам жони йўқдай, ишламай қолгандай туюлди. Самолётнинг тор йўлагидан йигитни ушлага-нимча ўзимни зўрга тута олдим, холос.

Майн ёғаётган баҳор ёмғири юзимга тушгач, беихтиёр беғубор болалик даврларим ёдимга тушди. Бошка ўзимни бошқаролмадим, самолёт зинасидан тушиб туриб овозимни баралла қўйиб йиғлардим. “Салом азиз ватаним, Ўзбекистоним”, дердим. Ҳамма безовталаниб бирор эгилиб, бирор тикилиб қарай бошлади. Энди менга барибир эди, ким хоҳласа қарасин, қанча хоҳла-

са кулишсин. Зинадан бир қадам ерга тушишим билан, ёнимда турган қош-кўзлари қоп-қора ўзбек қизига қарайман деб, оёғим чалкашиб ерга йиқилиб тушдим.

Юзимга майин шамол урилганидан уйғониб кўзимни очдим. Қия очиб қўйилган деразадан хонага кузнинг салқин шамоли эсиб киради. Ичимга тоза ҳаво тўлганиданми билмадим, уйкум буткул учиб кетиб, ўрнимдан туриб олдим. Ҳеч кимни уйғотиб юбормаслик мақсадида бир пас қулоқ тутиб турдим-да, шамолда охиста пирпираб турган пардани кўтариб, кўчага боқдим. Икки кунлик жаладан кейин ойнадан кўриниб турган тепаликлар ва унга туташиб кетган баланд тоғлар худди ҳозир ювиб олинган биллур идишларга ўхшаб товланарди.

Деразани шошиб қайта ёпдим. Ойнани каттароқ очдим-у, соғинган манзарани яқинроқ кузатиш учун бошимни ташқарига чиқариб, чукур нафас олмоқчи бўлдим. Ҳовли томондан мен томон югуриб келаётган итни кўриб, додлаб юборишимга сал қолди ўзиям. Ит бўлса худди ўғрини ушлаб олгандек менга қараб тинмай акилларди. Бу ҳам етмагандек ойна билан итнинг ораси шунаقا ҳам яқин эдики, ҳозир бир сакраса, мени тишлиб оладигандек туюларди. “Бўлди, ичимда итни койидим, – акилламай кета қолсанг-чи, ҳаммани уйғотиб юборасан!” Кейин жойимга ётдим. Бироздан сўнг ҳовлидан Ҳалиманинг овози келди: “Ҳой яшшамагур, овозингни ўчир, бор жойингга. Дераза тагига бориб акиллашингга бало борми? Мехмонни уйғотиб юборасан”.

Ўзимга келганимда, боя қўрққанимдан қандай қилиб ўрнимга ётиб, кўрпага ўраниб олганимни билмай

қолибман. Ўзимнинг қилиғимдан ўзимнинг кулгим келиб, ўрнимдан туриб, бир-икки машқ қилган бўлдим. Хона деворига осиб кўйилган тошойнага қўзим тушиб, унга якинлашиб: “Хўш, қалайсан, Мирҳосилбой, ким айтади сени айқ билан олишган, Америка бойи деб? Бор-йўғи битта итдан шунча қўрқдинг-а?” дедим нашъа килиб.

Ойна олдида ўйланиб қолдим. Ҳа, албатта, тоза хаводан нафас олиб, зилол сувларни ичиб улғайган ҳар бир йигитнинг қонида мардлик, жасурлик яшashi керак.

Устимга костюмимни кийиб, кўчага шошдим. Ҳовлига чиқишим билан кайфиятим кўтарилиб кетди. Уйнинг рўпарасида, сал пастроқда томи шифер-тунука билан ёпилган ёзги ошхонада Ҳалиманинг келини қозонда оппоқ сут пишириб, чўмич билан шопириб турарди. Худди мен 45 йилга яшариб қолгандек, юрагим яна ҳаприқиб кетди. Ҳаммаёқ топ-тоза, чиннидек. Сув сепиб супуриб-сидириб кўйилган. Ёшлигим ёдимга тушиб, ҳовлининг ўртасидан кесиб ўтган ариқ сувига юз-қўлимни ювдим. Муздай сув мени анчагина тетиклаштирди. Дорда осилиб турган оппоқ сочиқни олиб, юзларимни артаётсам, кўчага сигир ҳайдаб чиқаётган Ҳалима:

– Мирҳосил! Нега совук сувда ювиндинг? Ана қўл ювадиган човгумда илиқ сув солиб, тайёрлаб қўйибман-ку, – деди човгумни қўрсатиб.

– Шу ариқдан ювингим келдида, муздек экан. Анча тетиклашиб олдим, – деб қулиб қўйдим.

– Вой сени қара-я, мени уялтирма, – деди у кўрпа-чани айвонга соларкан.

— Йўқ, йўқ, ҳали вактли, нонушта қилгим йўқ, Ҳалима, мен ҳозир тепаликка чиқиб, қишлоғимизни томоша килиб қайтаман, — дедим пойабзалимни кия туриб.

— Ҳа, унда тўхта, — деди-да, бориб қайнаб турган сутдан бир коса сузиб келиб, қўлимга тутқазди. — Ишиб ол!

Косани қўлимга олиб, турган жойимда чўккалаб ўтириб, сутни ҳўпладим. Юрагим янада тезроқ уради. Бу таниш ҳид менга онамни, бувимни эслатди. Ичимда уйғонган ҳисларни айтмадим: нима шунча йилдан бери ўша ерларда сут ичмаганмидинг деб ўйламасин дедим ичимда.

Камерамни елкамга илиб, кўча томон юрмокчи бўлиб турсам, хонадан шошиб чиқкан шофёрга кўзим тушди. Унга:

— Йўқ, сен керак эмассан, у ёқларга машинада бориб бўлмайди, — дедим. Шофёр мени тушунганини билдири ва мен уйдан чиқиб, тепалик томон юриб кетдим. Тепаликка чиқадиган ингичка йўлга тушиб олиб, бироз юргач тез-тез нафас ола бошладим. Тўхтаб, орқамга қарадим, ҳали ҳеч қанча юрмабман-ку, дарров ҳансираб қолдим-а, карибман, шекилли, деб хаёлимдан ўтказдим. Ўзимга-ўзим далда бериб, бу ёғига тез-тез юриб кетдим.

Тепаликда, рўпарамда икки бола пайдо бўлди. Менинчча, бу болалар бир ёки иккинчи синфда ўқишса керак. Улар шахдам қадам ташлаб, дўлана еб, нималарнидир гаплашиб тушиб келишарди. Таниш манзаралар, шу болаларга ўхшаб мен ҳам ғира-ширада туриб, сигирни тоғ этагига ҳайдаб келардим. Уларга қараб кўзим қувнаб кетди. Мени кўрган болалар гапларини тўхтатиб, жимгина тушиб келишарди. Худди улар ме-

нинг шу ерларда қолиб кетган болалигим каби бирам бағримга босиб, қучоклагим келдики, асти құяверасиз. Икки дүст мени бошдан-оёқ кузатиб, салом бериши, ичимда қандайдир илиқлик пайдо бўлди.

– Ва алайкум салом, қалайсизлар, болалар, – дедим қўлимни узатиб.

Болалар “Яхши”, деб қўл бериб сўрашиши. Кетиб колишмаса деган ҳадикда уларни гапга солдим.

– Каилаи сахарлаб, қаёқдан келаяпсизлар болалар, – билиб турсам ҳам сўрадим.

Новчароқ бола бир оз ўйланиб туриб:

– Сигир ҳайдаб келяпмиз, – деди лўнда килиб.

“Ха, адашмабсан, Бой”, дедим ўзим-ўзимга. “Юинглар мен билан” демоқчи бўлдиму, айтолмадим.

Улар олис ва яқин хотираларни қўзғаб юборди, улар пастга мен тепаликка юриб кетдик. Бироз юриб яна тўхтаб пастликка боқдим.

Болалар ҳам ўйлаганимдек қўлларини кўтариб тинмай менга қараб силкитишарди. Мен ҳам қўлимни баланд кўтариб, йўлимда давом этдим.

Тепалиқдан қараганимда, бутун қишлоқ тоғ бағрида кафтда тургандек қўзга ташланиб турарди.

Хўрсиниб кетдим: “Салом менинг киндик қоним тўқилган азиз қишлоғим!” Тоғлар “Мана энди мустақил бўлдим!”, дегандай мағурланиб товланарди. Албатта, “Ҳақиқат эгилади, букилади, лекин ҳеч қачон синмайди!” деганлари шу бўлса керак, неча йиллик хўрланишдан сўнг янада яшнаб кетгани яққол қўзга ташланиб турарди.

Юзимга урилган тифдай ўткир нурдан қўзим қамашиб кетди. Камерани четга олдим. Бу баланд тоғ осмонидан шаффофдай тиниқ, юзини қўрсатиб чиққан

хуршиди тобон эди. У шунчалар яқин товланаардикى, уни кузатиб туриб, беихтиёр бу жаннатмакон диёрни бошқа ҳеч қаерда учратмаганимга яна бир бор амин бўлдим.

Куёш тоғдан баландрок кўтарилиб, ўзининг заррин нурларини Олтин танга қишлоғи узра соча бошлади.

Камерани олиб яна қишлоқни яқиндан кузата бошладим. Одамлар ҳашарга чикқандай бирор боғ ичини, бирор ҳовлисини, яна бирор эса кўча арикларини тозалаб, радио қулогини баланд қилиб эшлишарди. Эрталабки жимжитлик ўрнини энди ғала-ғовур овозлар эгаллаган эди. Ҳамма ҳовлини бир-бир кўздан кечириб бўлиб, фақат битта хонадондан кўзимни ололмай қолдим.

Боғ ичида намланиб қолган картошка пояларини бир жойга тўплаб гулхан қилиб ёқишарди. Аёлнинг ёнида 5-6 ёшли бола ва қизча ёниб турган учи чўғли чўпларни олиб, бир-бирига тутиб ўйнашарди.

Бу ҳолат худди менинг ярамга туз сепгандай ўтган кунлар бир-бир кўз олдимдан ўта бошлади. Ўша кунлар ҳамон эсимда...

Бизлар бувижоним билан бирга яшардик. Отам Ҳамидулла, онам Гулсун, синглим Жамила ва мен – Мирҳосилбой. Исмимнинг узунлиги бекорға эмас. Бувижонимни айтишларича, мен мевалар ғарқ пишган пайтда туғилган эканман. Яна охиридаги “бой” сўзини ҳам кимдир айтмай қолса борми, бувижоним жаҳллари чикиб, уришиб берардилар: “Бунинг исми Мирҳосилбой” деб. Исмимни тўлиқ айтишса, катта бўлсам, бой-бадавлат бўлиб кетарканман.

Бир куни бувим кечаси бир жойга кетаётган эканлар, уйғониб кетиб, “Мен ҳам бораман!” деб йиғлашга

тушдим. Хархаша қилишдан тўхтамаганим учун отам хоналаридан чиқиб, “Эркаланма!” деб уришиб берди.

– Нега қиз болага ўхшаб йиғлаяпсан, ўғил бола деган кўзёшини кўрсатишга уялиши керак, – деди энсалари қотиб. Бу гапдан ҳам уялдим, ҳам аччиғим келди. “Қиз бола эмасман”, деб бошимни кўрпага ўраб ётиб олдим. Отам:

– Қиз боладан ҳам баттарсан, яна бир йилдан кейин мактабга борармиш. Бу латтачайнарлигингда мактаб сени оладими.

Бошим кўрпага ўралган бўлса ҳам отамнинг ҳар бир гапини эшитиб ётардим. Юрагимни туб-тубида отам ҳақ эканлигини англағандим. Бувим “Ўғил бола ҳеч қачон отасининг гапини иккита қиласлиги керак, нима деса ҳам “Лаббай отажон, ҳўп бўлади!” деб турса, орзуларига эришади”, дердилар.

Қиз болага ўхшатганига хафа бўлдиму, лекин “мактабга борасан” дегани ёқиб кетди. Ётган жойимда хурсанд бўлиб кетдим.

Қаергадир кетаётган бувим:

– Майли мен келгунимча кимдир бунинг ёнида ётиб турсин, – дедилар. Бувим қўлларида тугунча ушлаб олганди.

– Ие, унда бу болангиз нафақат йиғлоқи, балки кўрқоқ ҳам экан-да ойи, яна бу эртага мен билан овга борармиш, – деди отам.

– Менинг набирамни ундей дема, овга олиб бор, – деди бувим.

Бошимни ёпиб ётган жойимда: “Ўзимнинг бувижоним, кўнглимдагини топиб гапирадиган жон-у жаҳоним, яхшиям баҳтимга борсиз” дедим ич-ичимдан кувониб кетиб.

Отамнинг “Узоқ йўл бўлса, кейин тулкини кўрса ҳам тиракайлаб қочар эканда, ўғлимиз, а, она”, – деган ўтиб тушиб, энди ўрнимдан туриб, “Кўркок эмасман” деб турганимда, бувим яна менинг тарафимни олди:

– Вой нималар деяпсан? Ҳали кўрасан, айик билан ҳам беллашади, набирагинам Алпомиш бўлади.

– Майли кўрамиз, – деди дадам ва устимдан эшикни ёпиб чиқиб кетиши.

Қоп-коронғу хонада ёлгиз қолгач, ўрнимдан турибок эшикка ёпишдим. Кўркқанимдан дод солиб юборишимга сал қолди. Сўнг аста қўлим билан оғзимни ёпиб зўрга ўзимни кўлга олдимда, тезда ўрнимга кириб ётиб олдим. Кўрпанинг ичидаги нафасим қайтиб кетса ҳам бошимни очмай ётавердим. Энди нима бўлса бўлар, бувим келгунича чидашим керак. Агар қўркқанимни отам билсалар борми, ҳамма ниятларим саробга айланади, овга олиб бормайдилар, деб кўнглимдан ўтди. Орзуим ҳовлимиздан кўриниб турадиган баланд тоғлар учига чиқиб, синглим Жамилага қўлимни кўтариб “қалайсан?” дейиш эди. Шу каби ўй-хәёллар билан қачон ухлаб қолдим, билмайман. Беш ёшли синглим устимдан кўрпани олганида кўзимни очдим.

– Вой ака, бир ўзингиз ётдингизми? – деди синглим. Қарасам бувим эрталабгача келмабдилар. Фуурланиб кетиб:

– Ҳа, албатта-да, – дедим керилиб.

– Кўрқмадингизми? – деди Жамила кўзлари косасидан чиқиб кетгудек қараб.

– Йўғе, нима мен сенга қиз боламидим, кўрқадиган, – дедим.

– Ҳа, билдим, бувижоним уйларига кетиб қолдиларда, сизни ташлаб, шунинг учун мажбур бўлгансиз – деди у, ажаб бўлди дегандай менга боқиб.

— Қанақа уйларига, уйлари мана шу ер-ку, — дедим, синглиминг гапиға ғашим келгандай:

- Хафа бўлиб қолганларида мен кечаси ўз уйимга равона бўламан дейдилар-ку, деди жаҳлимни чиқазиб.
- Ростдан ҳам қаёқдадур уйлари бўлса керакда ака, — деди яна жиғимга тегиб.

Унинг гапидан жаҳлим чиқса ҳам урушолмайман, негаки у ойим билан отамнинг эркаси. Мен бўлсам бувимнинг аклли ўғиллариман, синглимга ҳамма нарсани секин, яхши гапда тушунтириб гапиришим керак. Буни менга бувим айтганлар, у ҳали кичкина, ақли йўқ деб. Билмадим, буни қачон ақли кираркан, жаҳлимни чиқазгани чиқазган. Ҳозир ҳам бувимни кетиб қолди деб жаҳлимни чиқазяпти. У ўзи шунақа, кўп савол беради, билиб-билмаганга аралашаверади:

- Эй, хомкалла, шуниям билмайсанми, ахир бувижоним бизларни тўполон қиласин деб, ҳазиллашиб ўлиб қоламан, гўримга кетиб қоламан деб кўрқитмоқчи бўладиларку, — дедим жазавам чиқиб синглимга.
- Унда қаёққа кетдилар, айтингчи, — деди Жамила яна кўзларини ўйнатиб.

Мен охири унга билганимни тушунтиришга аҳд қилдим. “Ҳаммасини биламан, лекин ҳаммага айтавермайман”, дедим синглимга, худди катта сирни биладигандай.

- Айтинг ака, — ялина бошлади, — мен ҳам ҳамма гапларимни сизга айтаман-ку, — деди хафа бўлиб.
- Йўқ сен ҳали ёшсан, катта бўлсанг кейин айтаман, — дедим.

Синглим хафа бўлиб тескари караб “Сиз билан гаплашмайман” деб ўтириб олди.

— Ҳа, айтсам айтақолай, бу факат сир, ҳеч кимга гапирмайсан-а? – дедим Жамилага ўта жиддий қараб. Синглим шу заҳоти:

— Ҳеч кимга айтмайман, Худо ҳаққи! – деди. Ўзининг роса эшитгиси келаётганди.

— Жиннимисан, ҳеч качон бунақа касам ичмагин, ёмон бўлади. Бувим эшитсалар, ёмон урушадилар, биласанми. Сўзимни қайтиб олдим дегин, – дедим жиддий.

Кўзларини қўрқув босган синглим дарров “Қайтиб олдим” деб такрорлаб қўйди.

— Мен сенга айтсам, бувим бутун қишлоғимиздағи аёлларнинг дўхтири, – дедим бошимни қимирлатиб қўйиб.

— Қанақасига, уколлари йўқ-ку, – деди синглим ишонмагандай.

— Уколлари бўлмаса ҳам сеҳрли пичоқлари бор. Бобомдан қолган, уни факат менга кўрсатгандар, — дедим. Менга киприк қоқмай тикилиб турган синглимга қараб:

— Ака, у пичоқ билан нима қиласилар, – деди Жамила қизиқиб кетиб.

— Нима қиласилар, билмайсанми? – дедим билағонлик килиб.

— Йўқ-йўқ билмайман, – деди у оғзини очиб.

— Унда эшитгин. Қайси аёлни қорнида “тарвуз” ўсиб чиқиб, катта бўлса, бувимни чакиришади, — дедим баттар қизиқтириб.

— Қоринда тарвуз ўсадими? – ҳайрон бўлиб сўради синглим.

— Тарвузни ичиди кичкина болача бўлади, — дедим донолардай гапириб. Синглимнинг кўзлари бор-

ган сари каттарок очилиб, савол берарди. Синглиминг ҳолатини кўриб, илҳомланиб ўзимни ҳамма нарсани биладиган катталардек тутардим.

– Айтганча, раис буваларникига кўп борасан-ку, қизлари Хадича билан ўйнашга. Ўшанда кўрганмидинг онаси Сарви холанинг қорни тарвуздай бўлиб қолганди.

– Ҳа, ака кўрганман. Хадичадан сўрасам, ойимни корнини ари чақиб олган деган эди.

– Ҳа, йўқ, сени алдаган, ҳали кўрасан, кечаси катта акаси келди-ку бувимни олиб кетишга. Эртага борсанг Сарви холани қорни пучайиб, уйларида чақалоқ пайдо бўлиб қолган бўлади, шунда менга ишонасан, – дедим синглимга қараб. – Бувижоним сехрли пичокларини олиб, қорнини кесиб, чақалоқни оладилар-да кейин онасига берадилар, пичокларини эса жойига солиб қўядилар – дейишим билан, “Акажон росса кўрқинчли экан-а”, – деб қўзини чирт юмиди олди синглим.

– Кўрқма, унчалик оғримайди – дедим ақллидай тутиб ўзимни.

– Сиз кўрганмисиз, ака, - деди яна ҳам билгиси келиб.

– Кўрганман, фақат бир марта, қўшнимиз Ҳалималарникида. Бувимнинг орқаларидан бориб кўрганман. Бувим мени “Нега келдинг” деб койиди. Кейин “Майли, қолакол” дедилар. Мен эса бувим уйга кетиб қоладилар деб пойлаб ётиб, ҳеч ҳам ухламагандим. Ана ўшанда кўрганман. Охири бувим Ҳалимани ойисинингвой-войлашига қарамай, қорнини шартта кесиб чақалоқни олди, болача ҳам ойисига раҳми келганидан чинқираб йиғлаб юборди. Бувижоним шунда мен билан Ҳалимани олдига келиб, “Суюнчи беринглар”,

дегандилар хурсанд бўлиб. Ўшанда-чи, бувимдан “Қоринларини кесиб олдингизми”, деб сўраганимда, “Ҳа кесиб олдим”, деганлар. “Қанақа килиб қоринларини кесдингиз”, деб яна сўрамоқчи эдим, “Ўғил бола ҳадеб сўрайвермайди, катта бўлсанг, ўзинг тушуниб оласан” деганлар.

– Ёмон иш қилган эканлар бувим, ака? – деди яна жаҳлимни чиқазиб.

– Тавба, ғалчамисан, нимага ёмон қиладилар, ба-рибирам ҳамма қизлар катта бўлганида қорни ишиб тарвуздай бўлса, кейин кесиб болачасини олишади, ту-шундингми, – дедим дўқ уриб.

Йиғлаб юборай деб турган синглим, кўзлари жовди-раб “Менинг ҳамми? Мен ҳам қиз боламан-ку”, деди.

– Ҳа албатта! Яхшиям қиз бола бўлиб туғилмаган эканман, Худога шукр! – дедим уйнинг ўртасида у ёқ-дан бу ёққа юриб.

Кўркувдан лаблари титраб кетган синглим охири чидолмади, отилиб кўчага чиқиб кетди. Онам эса эр-талабдан икки кунлик ёмғирдан сўнг ҳовлимизни бир четида намланиб қолган картошка поясини ва хас-ха-шакни бир жойга йигиш билан овора эди. Жамила очик айвонга чиқиб, уввос солиб, йиғлашга тушди. Ойим кўркиб кетиб синглимни кўриб қўлларидағи хаскашни ташлаб чопиб келиб, Жамилани кучоқлаб олиб бағир-ларига босиб, тинчлантиришга тушди.

Синглим эса баттарроқ авжига чиқиб йиғлай бошлади. Жамила қорнини кўрсатиб: “Онажон, Онажон менинг корнимни бувим кесмасинлар айтинг, айтинг”, дерди йиги аралаш дод солиб.

Ойим ҳеч нарса тушунмасдан, “Ким урди, нега уради, оғрияптими” дердилар тинмай. Ойим билан

синглим ҳовлини ўртасида, мен бўлсан очиқ айвонда турардим. Шу пайт дарвоза очилиб от туёғининг тақиллаган овози келди. Бу отам эканини билдим. Ҳар сафаргидек олдига чопиб бормадим. “Вой шўринг қуриди, Мирҳосилбой, ҳозир калтак тагида қолишинг аниқ”, – дердим ўз-ўзимга.

Отам отни боғдаги дарахтга бойлаб, хавотир билан чинқириб йиғлаётган Жамила томон чопиб келдилар. Жамилани онамдан олиб, “Нима бўлди, нима қилдиларинг”, деди биз томон қараб.

Ойим ҳам гарангсиб, “Билмадим қўричак бўлганмикн?!?” дедилар. У ҳам синглимни нима учун йиғлаётганини тушунмаганди. Отам қизларини қучоқлаб эркалатган сари бу эркахон синглим ҳам кошки жим бўлса. Худди ростакамига касал бўлгандай кўлларини титратиб қорнини ушлаб йиғлашни авжига чикарди. Ҳа бўлди, йикилиб тупидим дея қол, мени сотмасдан, ахир қасам ичган бўлсанг, деб ўйлардим ичимда синглимни койиб.

Отамнинг қучоғида ўтириб анча ўзини босган Жамила дона-дона қилиб:

– Адажон мен катта бўлсан қорнимдан тарвуз ўсиб чиқарканку, кейин бувим пичоқлари билан қорнимни кесиб болача оларканлар, – деб лабларини буриштириб яна қорнини ушлаб қорним, “Вой қорним” деб йиғлашга тушди.

Отам билан онам бир-бирига қараб, бир зум жим туришди-да, сўнг бараварига кулиб юбориб, сўнг оғизларини ёпиб олишди. Мен бўлсан қочишга энди ўнгланган эдимки, онам оёқ-кыйимлар ечадиган жойга қандок етиб келдилар, билмай қолибман.

– Вой, сен билағонни нима қилсан бўлади-а?! – деб ердаги оёқ-кыйимни менга қараб оғдилар.

938152

17

Nizomiy nomli
T D P U
kutubxonasi

Мен жон ҳолатда уй ичига кириб олиб, орқасидан илгагини илиб кўйдим. Ойим жаҳлда бир-икки итардилар, агар яна бир итарсалар эшик очилиб кетардику, негадир ундей килмадилар, ортларига қайтиб кетди. Хона ичига уларнинг гаплари bemalol эшитиларди. Отам йиғлаётган синглимни кўтариб, онамга:

- Нега уни уришаяпсан? – дедилар онамга қараб.
- Биламан, бунақа гаплар мана шу шумтака ўғлингиз билан доно бувисидан чиқади, – дедилар кесатиб.

Отам индамай келиб айвонга синглимни ётқиздилар-да, сўнг ойимга:

- Бор, чой-пой олиб келгин, кўп гапирмасдан, – дедилар уришгандай бўлиб.

Онам чой дамлаб келдилар, отам чойнинг ичига бувимнинг дорисидан майдалаб солиб пуфлаб-пуфлаб Жамилагага ичирдилар.

- Адажон, акам ёлғон айтдиларми, – сўради синглим яна гапни очиб. Мен ҳам эшикни хиёл очиб қулоғимни кўйиб гап пойлардим.
- Аканг ҳаммасини тўқиган, – деди отам мен кириб олган хона эшигига қараб кўйиб.

Синглим:

- Акам бувим шундай дедилар, деб айтдилар-ку, – деди эркаланиб.
- Ана, айтмадимми, менг сизга, бу бола мени куйдирди! – деб онам мени ёмонлаб. – Ўша куниям ахлатларни сойга ташлаганимизни бувисига айтиб берган мана шу бўлади. Ўзи бу билан мундоқ гаплашсангиз бўладику. Кулоғи йўқ болани кўрдингизми, синглисига бувисининг тўқима гапларини гапириб кўркитган, – дедилар, менга эшиттириб.

Бу гапдан жаҳлим чиқиб, ичкаридан туриб, “Бувим тўқимачи эмас, ўзингиз ёлғончисиз, ҳамма ахлатларни дарё бўйига ташлаб юбориб, “Йўқ ташламадим”, дейсиз”, дедим эшикни озгина очиб.

Чой ичиб ўтирган дадам ухлаб қолган синглимини кўтариб хоналарига ётқизиб чиқдилар-да, айвонга чиқиб баланд овозда:

– Мирхосилбой, қани мени олдимга чиқ-чи, – дедилар. Мен ичкарида туриб, “Йўқ”, дедим. Отам, “Нега”, деб сўради кулимсираб. Мен “Кўрқаман” деб юборибман.

– Асли қўрқоқсан десам “йўқ” дейсан, мана ўзинг, ўз оғзинг билан тан олдинг кўрқоклигингни, – деди кулимсираб. – Яна мени қачон овга олиб борасиз дейсан, – дедилар ойимга кўзларини қисиб.

Қопқонга тушган сичкондай бўлиб қолдим, ўлай агар нима қилишимни билмасдим. Охири ҳеч нарса бўлмагандек отам билан онамнинг ёнига чиқдим. Келиб хонтахта ёнига чўккалаб ўтирдим. Отам менга қараб туриб, майин овозда гап бошладилар.

– Сен шу уйнинг каттаси бўлсанг. Айт-чи, бунақада сенга қандоқ ишонай?!

– Мен нима килдим? – дедим бошимни экканимча.

– Ҳали бу ҳеч нарса қилмаганингми, синглингга бўлмағур гапларни гапириб, кўрқитганинг-чи?!

– Ҳақиқатни айтдим, - дедим яна бошимни баттар эгиб.

Бу сафар отамнинг аччиқлари келгандай бўлди, шекилли:

– Ҳақиқатинг қурсин, сен хомкаллани, – деб кулоғимдан чўзган эдилар, кулогим оғриб, роса алам қилиб кетганидан йиғлаб, хонага кириб, аразлаб ётиб олдим. Орадан бироз ўтиб, бувимнинг овозлари келди, тезда бориб калитнинг тешигидан мўраладим.

Отам билан онам очик айвонимизда танча атрофида ҳамон сұхбатлашиб үтирадилар. Улар Жамиланинг гапига ҳали ҳам нашъя қилиб кулиб туришарди. Бувим:

– Бугун ҳаво бироз исиганига одамни уйга киргиси келмай қолди, – дедилар қүёшга үзларини тутиб. Онам үринларидан туриб, чойнакни құтариб самовар томон кетдилар. Бувим құлларини ювиб, дорда осилиб турған сочиққа артиб келиб, отамнинг ёнига үтирадилар. Танчага оёқларини қўздилар.

Онам чой олиб келиб, бувимга чой узатди, “Олинг Онажон”, деди.

– Бечора Сарви опа роса йиғлагандурлар, а, Она-жон? – дедилар ойим.

– Ҳа, шўрлик Исломдан кейин яна учтасини ерга қўйганди.

Онам:

– Ҳа, тўғри, ҳозир Ислом 18 га кириб қолди, қизчалари Жамила билан тенг бўлса керак, тўғрими, Онажон, – дедилар онам. Бувим ойимни гапларини тасдиқлаб, пиёладаги чойни хўплаб туриб: “Болалар кўринмайди”, – деб сўрадилар кўз кири билан у ёк бу ёқка қараб.

Онам отамга қараб қўйдилар:

– Иккаласи ҳам жазоланди, – дедилар жиддийроқ оҳангда отам.

– Нимага жазоланади, Худо асрасин, бу нима деганинг, – дедилар отамни кузатиб.

– Она, анави маҳмадонангизнику асло гапирманг, у билмаган балонинг ўзи йўқ, – деб гап бошладилар отам. Ора-орада гапларини тасдиқлаб отамга онам ҳам қўшилиб турдилар.

Бориб жойимга ётиб олдим-да: “Мунча чақма-чакар бўлмаса булар, энди бувимдан ҳам гап эшитсам керак”, деб ўйладим. Бўлмади, ётолмадим, яна туриб келиб эшикка яқинлашдим. Худони менга раҳми келди, шекилли, бувимнинг ҳеч ҳам жаҳллари чиқмади, аксинча рўмоллари билан оғизларини ёпиб роса кулдилар, уларга отам билан онам ҳам қўшилиб кулишди. Билмадим, нега кулишди, “Кулгилимас-ку, ҳайронман”, деб ўйладим.

– Ҳа майли, шунгаям жазолайман деб қулоғини ҷўзиш шартми? Яхши гап билан тўғри тушунтиранг бўлардику, – дедилар отамни койиб бувим. – Отанг мардикор бўлиб кетиб, қайтмади. Бўйимда бўлиб, қолиб кетдим. Сен туғилгандан кейин бутун умрими ни сенга бағишладим, лекин ҳеч қачон урмаганман. Мирҳосилбой ўғлим, жуда ақлли, меҳнатсевар, кўнгилчан бола.

Отам билан онам индамай қолишди. Бувим яна давом этди:

– Тўғрисиям шу-да. Мен раисникига кетяпман деганим йўқ-ку. Ўз акли билан фаҳмлабди.

Ўзимча хурсанд бўлиб чопиб бориб, жойимга ётиб олдим. Бувимнинг гаплари мойдек ёққанидан ўзимни зўрлаб йигламоқчи эдим, ҳеч қўзёшим чиқмади.

Хозир бувим кириб қоладилар деб қўлимга туфлаб тупугимни қўзимга сурта бошладим. Ахир мени бекорга жазолашди-да. Ростдан ҳам айтганимдай бўлиб чиқди-ку. Факат Раис бувамнинг аёлларини болачаси ўлиб колгани яхши бўлмабди-да, энди синглим ҳам менга ишонмайди. Ҳа майли, унга айтишим шартми, у ҳали кичкина, ҳеч нарсани тушунмайди, дедим ўз-ўзимга.

Онам эшикни очиб:

– Мирҳосил, бувинг чақи्रяптилар, – дедилар. Мен баттар бошимни ўраб ётавердим.

Шунда бувим:

– Келин, мен сизга неча марта айтаман, буни исми ни калта килманг деб. Мирҳосилбой деб айтинг, – дедилар хонага кириб туриб.

Бошимни очиб карамасам ҳам биламан, бу гапдан онамнинг энсалари қотиб, ўзларича ниманидир пичирлаб чиқиб кетдилар.

Ҳар доим шунаقا бувимни ўгитлари онамга ёкмайди. Мисол учун, бувим уйимизни чап тарафидан баланд тоғлардан оқиб тушган катта сойдаги дарёга ахлатларни ташламанглар, деганлари деган. Ойим: “Ахир дарёга ташламадим, ёнидаги қамишзорга тўкиб келдим” десалар, бувим: “Қамишзорга ҳам ташламанг, у ерлар одамлар ифлос қилганни ёқтирамайди, келин. Ой тўлишганида Қирққизлар келиб ўйин-кулги қилиб кетишади”, дейдилар ҳар сафар. Бу гапдан ойимнинг бирпасда аччиғи келиб, аламларини отамдан олдилар.

– Тўйсам тўйиб бўлдим, ойингиз ҳар нарсаларга бурниларини тиқиб, холи-жонимга қўймайдилар, - деб арзиҳолга тушадилар куйиб пишиб.

– Оббо яна бошландими, нима гап? – дейдилар отам.

– Нимамиш мен ахлатларни қамишзорга ташласам ҳам, ўша жойниям қизғанадилар ойингиз. Қирққиз одамга зарар етказиши мумкинмиш. У ердан сув ташийдиган мен-ку, ойингизмас, нима ишлари бор чиқиндиларни тўплаб қўйсам ўзлари Мирҳосилбой билан қишлоқ этагидаги одамлар қум-тупрок олинган катта ғорга ташлаб келармишлар, гапларини қаранг.

Кўрганлар нима дейди, қайноаси чиқинди ташиб юрибди демайдиларми?!

– Бўпти, ташлама деса ташламагин, тушундингми,
– деб отамнинг жаҳли чиқиб. Онам ҳам шу билан жим бўлардилар.

Бувим келиб олдимга ўтириб, ўраниб олган кўрпам устига қўлларини кўйиб:

– Мирҳосилбой, ўзимни ҳаммадан ҳам ақлли ўғлим десам, бу нимаси катта бўлиб қолган йигит ҳам кичкина синглисини шунаقا деб қўрқитадими?

Кўрпани ичидан “Тўғрисини айтдим”, дедим жаҳл билан. Бувим, “Эшитмадим, бундоқ юзингни очиб гапир”, дедилар кўрпани очиб, “Тўғрисини айтдим-да”, дедим такрорлаб жаҳл қилиб, бувимга:

– Ўғил бола деган бунаقا гапларни ҳаммасини ўзида сир саклайди. Катта бўлганинг сари ўзинг тушуниб бораверасан. Бошқа такрорлама, тушундингми? – дедилар жиддий.

– Хўп бўлади, – дедим қовоғимни уюб.

Эртасига отам овга отланмоқчи бўлиб, ниманидир қидириб, онамга чориқларини тахлаш учун ертўлдан олиб чикишларини буюрдилар. Мен ҳам буни сезиб шошиб қолдим, тезда бориб латтани ёғлаб келиб, отамнинг чориқларини яхшилаб ёғлаб бериб, хушомад қилишга тушдим.

Отам бўлса “Сенам отлангин” дейиш ўрнига қуруқ “Раҳмат” деб кўя қолдилар индамай. Бу ҳам кор қилмади деб ўйлаб, ошхонада нимадир қилаётган онамнинг ҳам олдиларига чопиб бордим. Мени кўрган онам:

– Ҳа тинчликми? – деб сўарди.
– Онажон, жон Онажон, айтинг, отам мени ҳам овга олиб борсинглар, – дедим ялиниб.

– Кўйсанг-чи, у ерларга боришига ҳали сен кичкинасан, нима бор? – дедилар юрагимни сиқиб. Ойимни маҳкам бўйинларидан ушлаб ўпдимда, илтимос қилдим. Шунда ойим:

– Менга қара отангнинг кайфиятлари йўқ, яхиси бувингга айта қол, уларга йўқ демайдилар, – дедилар қатъият билан.

– Бувим кечаси ухламадим, бирпас дамимни олай деб ухляяптиларку, – дедим ойимга.

– Хозир пешин намозини ўқишига турадилар.

Хонага югуриб бордим. Секин кирмоқчи эдим, лекин ҳаяжонланиб ўзимни қўлга ололмай қолдим.

Мен тез-тез нафас олардим. Агар отам кетиб қолсалар борми, ана шунда ёмон бўлади деб ўйлардим. Шу билан отам, о-ҳо-о, кейинги йил овга чиқсалар керак. Кейинги йил аниқ бормайман, нимагаки, мактабга чиқаман.

Уй ичига киришим билан бувим ёстиқдан бошларини кўтариб:

– Ҳой болам тинчликми? – дедилар менга савол билан қараб.

– Кечиринг, сизни, сизни... уйғотиб... – дейишим билан бувим:

– Ҳа майли, шундоқ ҳам турмоқчи эдим, – дедилар. Гапира қол, нима дейсан, – деб қўлимдан ушлаб олдиларига ўтказдилар.

– Охир-оқибат бувим гаплари билан овга борадиган бўлдим. Отам ҳеч қачон бувимга йўқ деёлмайдилар, буни биламан.

Мен ҳам ҳеч қачон онамга йўқ дейишим керакмас экан, бувижоним айтганлар буни менга.

Ўзимда йўқ хурсандман, бувим ва онам билан ҳам бориб хайрлашиб, отам ўтирган отнинг орқасига ўти-

риб олдим. Отам отларни қарайдиган фермагача анча йўл, билмадим, у ёқдан менинг отимни оламизми ёки йўқ, уни ҳозирча сўролмайман. Отам сал-пал хафага ўхшайди, синглимни хафа килганим учун бўлса керак деб ўйлардим.

Текис йўлга тушиб олиб, отни оёқ ташлаб юришини тинглаб кетавердик. Худди мусиқага ўхшайди-я, отам иккаламиз ҳеч ҳам бунака жим кетмаганимиз. Кишга яқин яйловдаги отларни ҳайдаб келиб катта фермада боқилади. Кўпинча мен отамга ёрдамлашиб, бирга бориб уларга қарашаман. Лекин ҳаммасига вакт қаёқда дейсиз. Фақат ўзимни битта отимга зўрға вактим етади. Уларни сувга олиб чиқиш, тагини тозалаш ва ҳоказо дегандай.

Бойчиборни эгарлаб, бўйим етмагани учун катта ҳарсанг тош устига чиқиб, яғрин елкаларини тозалаб, ёлларини ҳам яхшилаб тараб қўяман. Лекин эртагача яна бир аҳвол бўлиб, худди кимдир ёлини ўраб-чирмаб ташлагандай бўлиб қолади-я. Бувимга айтганимда, “Отларнинг ҳам деви бўлади”, дердилар. Бу гапдан кўркиб кетганимни бувимга билдирамайман.

– Одам ундан кўркмаслиги керак, у одамдан кўркиб қочиб кетади, – дейдилар бувим. Балким ростдор, лекин унчалик ишонмадим бувимнинг эртакларига. Наҳотки баҳайбат дев деганлари кичкина одамдан кўркса деб ўйлайман.

Ҳамма ишни қилиб бўлиб яна отамга эргашиб ўтириб, қош қорайганда сухбатлашиб уйга қайтамиз.

Бугун эса бизлар ҳамон жим кетардик. Кичкина қиляликка етиб келдик. Отам отни ортидан сирпаниб кетмаслигим учун маҳкам қўлимни белларидан ушлатиб кўйдилар. Мен ҳам бу имкондан фойдаланиб, дадамга

бажонудил ёпишиб олдим, кейин ҳидларини хидлаб, яна ўйладим. “Ҳа, отам мени барибир яхши кўрадилар, мен ҳам уларни роса яхши кўраман. Отам ҳеч нарсадан кўркмайдилар, ҳатто бувим айтган сойдаги Қирқиздан ҳам.” Бизлар фермадан баъзи пайтлар қанча кеч қайтсак, уйимиз ёнидан оқадиган катта сой ичидағи дарё шунчалик баланд қичкирардики, мен унинг олдидан нафас ҳам олмай ўтардим. Отам бўлса парво ҳам қилмай гапираверардилар bemalol. Кундуз кунлари эса сойнинг овози анча паст эшитилади, буни бир неча марта синағанман.

Мен ҳам катта бўлсан, отамга ўхшагим келади. Энди отамни ҳеч ҳам хафа қилмайман. Айтганча, отамдан кечирим сўрашим керакку, деб анча жойгача ўйлаб бориб, сўнг охири:

— Дадажон мени кечиринг, — дедим бошимни елка-ларига қўйиб.

Отам отни оёклари билан йўргалатиб қўйдиларда, бироз ўтиб:

— Сени кечирмасам, олиб келармидим, — дедилар белларини ушлаган қўлимни қўллари билан сиқиб қўйиб.

Ҳурсанд бўлиб кетганимдан отамни янада каттирок кучоклаб, қўлимни билаклари остига қўйиб олдим.

Бизлар фермага кирдик. Энди яйловдан тушиб келган беш-олтита отнинг ичидаги менинг Бойчиборим ҳам бор эди. Отини айтиб чакиргандим, худди у ҳам мени танигандек аста мен томон юрди. Отам иккаламиз биттадан отга ўтириб, баланд тоғларни ёқалаб, йўлимиизда давом этдик. Қуёш ҳам ботишга яқинроқ қолганидан биз узоқ юрганимизни сездим. Баланд тогдан оқиб тушган шаршарага етиб, отдан тушиб, шу жойда ту-

наб қолдик. Эртасига туриб, отни етаклаб баланд тоғга чирмашган икки поя йўл билан бирин-кетин юриб, тепаликка чиқа бошладик.

Бир пайт пастга кўзим тушиб қолиб, қўркқанимдан бошимдан ҳушим учиб кетгандай бўлди. Шунда билдим, тоғнинг учида турган эканман. Биз юрган сой бўйидаги йўлдан шунақанги чукур катта дарё кетганди, энг пастида эса катта-катта ҳарсангларга урилиб пишқириб оқаётган дарё аҳён-аҳёнда дарахтлар орасидан кўзга ташланиб коларди.

Олдинда отни етаклаб олган отам менинг қўркқанимни сезиб қолдилар шекилли, “Пастга қарама” деб бақириб бердилар.

– Ҳечам пастга қараб бўлмайди, бошинг айланиб, тушиб кетишинг мумкин, фақат юрган йўлингга қаргин, тушундингми.

Мен “Хўп” деб тезда ўзимни тутиб олдим. Бизлар анча-мунча юриб сойдан текисликка чиқиб қолдик. Отга миндик, шунча яёв юрганимиздан кейин отга мишиш жоннинг роҳатидек туюлди. Бу каттакон адир бориб тоғларга туташиб, адоги йўқдай қўринарди. Ҳовлимиздан бу ерни кузатганимда унчалик катта қўринмаганди. Энди ўрмонзор бошланиб, отам йўл-йўлакай устимизга осилиб тушган дўланалардан узиб берарди. Фарқ пишган ёнғок дарахтини қоқмоқчи эдик, биздан олдин кимдир уларни қоқибди, ерга тўкилган ёнғоқлардан билдик. Отамдан “Буни ким қоқкан”, деб сўрасам, “Айқ еған”, десалар бўладими.

– Дадажон, нима айқ дарахтга чиқа оладими? – дедим ҳаяжонланиб.

– Чиқиш у ёқда турсин, одамга ўхшаб қоқади ҳам, – дедилар бамайлихотир.

- Кейин менга кулимсираб қараб:
- Күркмагин у одамга ҳеч қачон тегмайди, – дедилар.
- Мен ҳечам қўрқаётганим йўқ, – дедим қўркканимни отамга билдириласлик учун.
- Отам отга ўтиаркан, менга қараб, кетдик дегандай имладилар. Бизлар энди қалин ўрмон бўйлаб яна тепаликка қараб юрдик. Қош қорайиб қолди. Отда юриб, бу бепоён ўрмонни кузатарканман, бу мўъжизавий манзаранинг кўзни қамаштирувчи ранглари-ю, ҳавосининг мусаффолигини кўриб кўзларим қамашиб, ўпкам бир қоп шишиб кетарди.

Коронғу тушганда кўз билан илғаш қийин бўлса ҳам иккинчи тепаликка чиқиб олдик. Узокроқда чироқ қўрингандей бўлди кўзимга. Отамга “Қаранг чироқ”, дедим шошиб қолиб. Отам “Уша ёкқа борамиз”, дедилар. Отнинг жиловини бурдик. Мен эса ичимда қўркдим. Тим қора ўрмондан энди ҳар хил овозлар келарди, кимдир хуштак чалгандай, увиллагандай бўларди. Нихоят чироқ ёнган жойга етиб келдик.

- Дадажон, бу ерда кимдир борми? – дедим дарҳол.
- Бормас, бу ерда яшашади, – дедилар отдан туша туриб.
- А-а, – деб юбордим, кимдир бошимга гурзи билан ургандай. Ичимда қўрқиб кетдим.

Отдан тушдик, баданим увишиб қолди. Бу ерларда одам боласининг яшashi менинг калламга ҳеч ҳам сифмасди. Жонҳолатда атрофга аланглай бошладим. Бизлар шохлар билан қўрғон қилиб ўралган жойга кирдик. Ерўчоқда қозонда нимадир қайнаб турибди, ёнгинасида лойдан қурилган пастаккина уйдан отам тенги бир киши қўлида фонусни кўтариб чиқиб келдилар.

- Ким, ким бу? – дедилар. Отамга яқинрок келиб:
- Мен, мен Ҳамидулламан, – дедилар отам ҳам уларга яқинрок юриб.

Бизларга яқинлашгач, у киши:

- Ҳамидулламисан? Вой дўстим, сени кўрар кун бор экан-ку! – деб хурсанд бўлиб отам билан сўрашди кучоқлашиб.

- Насиб шу кун экан-да дўстим, – дедилар отам. У киши менга сўрашиш учун қўлларини узатиб:

- Баракалла, қандингни ур, ота ўғил, – деб ерда турган обдастани олиб қўлларимга сув қўйдилар, кўлимни ювиб олдим.

Хона ичига кириб ўтирдик. Мираҳмад акани аёллари Фарида хола ҳам бувимга ўшаган жуда меҳрибон эканлар, “Болам-болажоним” деб гапирадилар, лекин уйларида бирорта бола кўринмасди. Бу уйчани кўриб, бувимнинг эртаклари кўз ўнгимда жонланди.

Отам билан дўстлари узок сухбатлашиб ўтиришиди. Фарида хола неча марта кўркмасдан кўчага чикиб, бемалол қайтиб хонага киравердилар. Мен ҳам ўзимда куч йиғиб, холага қарашгандай бўлиб, ташқарига чиқдим. Кўрсангиз, тўрт томонингиз қоп-коронғу, бир пайт холанинг ити қаердандир чопиб ўтакамни ёрилаётди. Фарида хола итга қараб:

- Қаерларда юрибсан яшшамагур, чақирсам ҳам келмадинг, овқатинг совиб қолди, бор егин яна узоққа кетиб бўриларга ем бўлмагин, – дедилар одамга гапиргандай итга қараб. Ит ҳам худди тушунгандай думини ликиллатиб, уйчаси томон чопиб кетди.

Эрталаб қўзимни очганимда хонада ҳеч ким йўқ эди. Ўрнимдан сакраб туриб, ойнага ёпишдим, атрофда баланд арчазорлар ястаниб ётарди. Ҳовлида Фарида

хола юрганларини күриб, ташқарига чиқдим. Ичимга ҳаво тўлиб кетгандай бўлиб, бориб юз-кўлимни ювиб, атрофга бокдим. Бепоён арчазор ва ўрмонни узоқ томоша қилдим. Фарида хола қўлларида чеълак билан:

- Болажоним турдингми? – деб сўрадилар.
- Ассалому алайкум хола, – дедим уларга якинрок келиб.
- Ваалайкум салом, ҳозир сут пишираман, – деб ерўчоқ устидаги козонга чеълакдаги сутни солиб, ба-ланд қилиб олов ёқдилар.

Билсам, уларнинг иккита эчкиси ҳам бор экан. Отам билан дўсти кўринмасди. Бу жойлар анча салқинроқ, эрталаблари баданингиз увишади, хола ёқкан олов олдига келиб исиниб олдим.

- Холажон, дадамлар қаёққа кетишди, – деб сўрадим гулханга ўхшаб ёнаётган олов олдида кичкина қўлбола стулчага ўтириб.
- Икковлари тоғ устига овга кетишди, болам.
- Мени олиб бораман дегандилар.
- Жон болам, у ёқларда сен юролмайсан, улар сен кечаси ухлаб қолганингда кетишди.
- Мен ҳам кийик, айик, бўрини кўрмокчи эдимда, – дедим бормаганимга ачиниб.
- Хафа бўлмагин, агар хоҳласанг мен сенга шундок ҳам айиқни кўрсатаман. Кўркмайсанми ўзи, – дедилар кулимсираб, ёнаётган оловни тўғрилаб, елкамга қоқиб.
- Йўқ кўркмайман, қачон кўрсатасиз? – дедим шошиб.
- Сен шошмагин, ҳали шом тушсин, ана у сой ичидаги ёнғоқзорга келишади, ёнғоқ ейиш учун, – деди ёнғоқзорни қўллари билан кўрсатди.

Холам билан роса тил топишиб олиб, тинмай савол

берардим. Ўша куни ҳам кўп жойга бордик, эчкilarни тепароқка ҳайдаб бориб, қўйиб келдикда, сўнг ўтин териб келиш учун тепаликдан ошиб, сой томон юрдик. У жой холам турадиган жойдан янайм баландда экан. Бизлар сухбатлашиб юриб, битта катта ғор устидан чиқдик.

– Хола бу ниманинг уйи, бўриникими? – деб сўрадим қизикиб кетиб.

– Йўқ болам, айиқни қишлийдиган уйи, – дедилар бамайлихотир.

– Келиб қолса-я, – дедим уларга тикилиб.

– Келиб қолсаям, одамнинг ҳидидан сезиб, қочиб кетишади, хавотирланмагин, – деди менга қараб кулгилари келиб.

Фарида хола билан ўша кун қанақа ўтганини билмай қолдим. Айкларни кўролмадик, холамнинг айтишларига караганда кетиб қолишибди, улгурмабмиз. Уйга қайтдик. Отам билан дўсти ўша куни ҳам келишмади. Ўзимиз қолдик, ўша кеча ярим тунгача холамнинг дардларини эшитиб ётдим.

– Ўлсам, кўмадиганим йўқ, – деганларида чидолмай кўзимдан ёш чиқиб кетди. Эртасига атайлаб ёнғоқзорга бориб, тепароқка жойлашиб, айклар келишини пойлаб ўтиридик. Холани айтишларича, айик одамнинг ҳидини сезса, келмасмиш. Анча ўтиридик, шом кириб колди. Бир пайт кимдир ёнғоқ чақандай бўлиб, қасир-кусур қилган овоз эшитилди.

– Ана-ана, кара, – дедилар аста катта тош ортидан бошларини кўтариб хола. Қарасам, каттакон она айик худди одамлардек ёнғоқнинг устига чиқиб олиб коқарди.

– Вой-бу, мунча катта, – деб юборсам бўладими.

Ёнғоқнинг тагида учта боласи тушган ёнғоқларни талашиб чақиб ейишарди. Уларни кузатиб туриб,

бувимнинг гаплари эсимга тушиб, мийигимда кулиб қўйдим. “Айик билан беллашармишман! Айик билан олишиш учун ўша айиқдай куч керак!” деб ўйладим ичимда. Айиклар билан орамиз яқин бўлганигами, “Холажон, олдимиизга келмайдими”, дедим секингина.

– Кўркмагин болам, ахир улар одамларни емайди-ку. Қара уларга, Худойим қандай ширин болалар берган-а, – дедилар айик болачаларига ҳавас билан караб. “Мен ҳар сафар уни учратганимда, эй она айик менга ҳам бирон паҳлавондай ўғил ташлаб ўт”, дейман дедилар кўзлари кувнаб.

Она айик ёнғоқдан тушиб, безовталаниб, ҳар қаёққа қараб бурнини чўзиб ҳидлашга тушди.

– Ана кўрдингми, у бизни сезиб қолди, – дедилар ва овозларини чиқариб, – Ҳой она айик, қани менга бола олиб келганинг?! – деган ҳам эдиларки, болаларини олдига солиб, кочишга тушди. Она айик бизлардан анча узоқлашгач, одамга ўхшаб икки оёқда туриб олиб, бизларга қараб-қараб, йўлларида давом этишди.

– Ана кўрдингми, бир куни ташлаб кетаман, деяпти, – дедилар холам. Бу ҳазилми ёки чин мен тушунмадим.

– Ҳеч замонда айик одамзотга бола ташлаб кетмаган, хола, – дедим охири чидолмай. – Қани энди иложи бўлганида мени ўзим сизга олиб келиб берардим, холажон. – дедим ичим куйиб.

– Раҳмат болам, иложи йўқни, ўзи йўқ, ҳаммаси Яратганни кўлида, – дедилар ярим табассум қилиб.

Мираҳмад ака билан отам ўша куни кечаси келишибди. Мен кўп юрганимданми ёки тоғнинг ҳавоси ёқибдими, хуллас, ухлаб қолиб, келишганини ҳам сезмабман. Эрта тонгда турган отам:

– Түрмайсанми энди ёки қолмокчимисан? – дедилар кулимсираб. Уларга Мирахмад ака қүшилиб:

– Үзинг бирорта боламни бераман деган бўлсанг, дўстим, шуни колдириб кетакол, – дедилар отамга кўзларини қисиб. Агар ҳазиллигини сезмаганимда “Колмайман”, деб йиғлашим тайин эди. Индамадим ва ўйлаб қолдим. Холамга раҳмим келса ҳам қандоқ қилиб уларга ўғил бўламан, бунинг иложи йўқ. “У ёқда бувим, онам, отам, колаверса, синглим бор, уларни кўрмасдан туролмайман, ахир”, дедим ўзимга-ўзим. Холам эрталабдан лаганда гўшт қовуриб кирдилар. Ҳаммамиз ўтириб маза қилиб, гўштхўрлик қилдик. Оғзимга шунака ширин туюлдики, уни таърифлаб бериш қийин. Яхшилаб овқатланиб бўлгач, улар билан хайрлашиб йўлга тушдик.

Йўл-йўлакай отамга ҳамма кўрган-билганларимни бир-бир сўзлаб чарчамасдим. Отам ҳам мени дикқат билан эшитардилар, айниқса, айиқни кўрганимни, бувим айиқ билан олишади деганларини, мен тугул отами ҳам унга қучлари етмаслигини айтганимда, отам хоҳолаб кулиб юбордилар:

– Биринчидан, айиқ одам боласи билан олишмайди. Агарда айиқнинг боласига заар етказсанг ёки унинг боласини ушлаб олсанг, ана ўшанда айиқ сенга ташланиши мумкин, – деб тушунтирдилар отам.

– У боласини яхши кўрадими? – деб сўрадим яна қизиқиб.

– Албатта, одамзот боласини қандай яхши кўрса, у ҳам боласини шундай яхши кўради, – дедилар отам.

Хуллас, бир дунё таассуротлар билан икки кун деганда уйга етиб келдик. Бизларни кўриб чопиб келган синглим худди ҳеч нарса бўлмагандек менга қараб:

кол ўғлим, менга ёрдамлашгин бугун, бир сизларга ош дамлаб берай!” – дедилар.

– Хурсанд бўлиб отамга қараша бошладим. Гуручни тозаладим. Отам пешонасини бувимни эски рўмоллари билан боғлаб олиб, гўштни майдалашга тушди.

– Дадажон, нега пешонангизни боғлаб олдингиз? – савол бердим.

– Терлаб қолсанг, қозонга теринг тушмаслиги учун, – деди.

Иштаҳам очилиб, отам ошни қандай пиширишини диққат билан кузата бошладим. Гуруч пишгач, устини тоғора билан димлаб қўйди, тоғора устига эски ювиб қўйган дастурхон билан ўраб:

– Бор уйдаги соатга қараб чиқ, ярим соатдан ўтса, ош пишди деявер, – деди суюниб.

Мен соатни неча бўлганини билмаганим учун соатни ўзини кўтариб чиқиб отамга кўрсатдим. Онам ҳам келиб у бу ишга қарашмоқчи бўлгандилар чидолмай:

– Бор, ҳеч бўлмаса бугун-эрта ётиб тургин, дўхтири айтганини қилгинда энди, – деб уйга онамни киргизиб юбордилар урушгандай бўлиб.

Бувимни эса ҳар куни юришлари бор. Ҳозир ҳам қаёққадир чиқиб кетганлар, ҳали замон пешинни мўлжаллаб келиб қоладилар. Узок кутилган ошимиз пишди. Отам қўлимга лаганни тутқазиб, ўzlари усталик билан ошни устини очди. Ҳаммаёқка ошни ҳиди гуркираб кетди. Эшикдан бувим билан синглим ҳам кириб келишди.

– Вой-бу, ошни ҳиди ҳаммаёқни тутиб кетибдику, қўшниларга ҳам бир коса чиқариб юборинглар, – дедилар бувим.

Ҳаммамиз хонтахта атрофига йиғилиб, баҳтиёр оиласадек ош едик. Шунака мазалики, ҳеч ҳам онамнинг

ошларига ўхшамасди. Ҳамма, онам ҳам, бувим ҳам ошимизни мақтаб-мақтаб ейиши.

Шу йили отам билан бирга мактабдан келиб, фермага бориб отларга қарашибадиган бўлдим. Отам билан ўрин алмашиб ишлайдиган кишини ҳайдашибди. Сабаби, у киши отларга бериладиган буғдойдан ўғирлаган эмиш. Мен бир-икки ой орасида деярли ҳамма отларга ўрганиб, тўрвасига буғдойини солиб, бўйнига осиб чиқадиган бўлдим.

Ҳаттоки, катта қорабайирнинг ҳам олдига бориб, “ҳа жонивор” деб бўйнини силасам, калласини этади. Шунда тўрвасини осиб кўя қоламан, бўлмаса бўйим етмайди-да. Мени таниб қолган, мен ҳам уларни жуда яхши кўраман. Ҳар куни бир чеккадан бошлаб битта отни олиб чикиб, тозалаб, сочларини тараб, устига ўтириб, чавандозлардек чоптириб келиб, жойига боғлаб кўяман. Эртасига бошқа отни чоптираман, ҳеч ҳам отлардан чарчамайман. Кечки пайт эса отам билан Бойчиборимга ўтириб сухбатлашиб уйга қайтамиз.

Орадан қиш ҳам ўтиб, баҳор келганида отлар билан хайрлашишга тўғри келди. Энди улар яйловга кетиши керак-да, бошқа иложи йўқ. Майли сиқилмасам ҳам бўлади, ҳар ҳолда бу йил Бойчиборим қоладиган бўлди-ку.

Иккинчи синфга ўтганимда отамни раис яхши ишлаганлари учун ўзларига ёрдамчи бригадир қилиб олдилар. Хурсанд бўлиб кетдим. Мен ўқишларимни аъло баҳоларга тугатиб, учинчи синфга ўтдим. Буёғи таътил, отамнинг ёнларига бориб, қарашиб баҳона Бойчиборимга ўтираман деб ўйлаб, отамни ишдан келишларини ухламай кутиб ўтирдим. Отам уйга келганида вақт алламаҳал бўлган эди. Отам:

– Нега ухламай ўтирибсан, – дедилар ёстикка ёнбошлаб. Энди гапирмокчи эдим, косада овкат олиб кирган ойим мендан олдин гап бошладилар.

– Ҳа энди, бу кишим ҳам таътилга чикибдилар, далаға бораман деб қўймаяпти, – дедилар отамга қараб.

Отам менга норози оҳангда ўгирилиб қарадилар, шу пайт ичкаридан айвонга чикиб келган бувим гапга аралашдилар.

– Майли, борса бора колсин, ўқишиларни аъло баҳоларга тугатиб, учинчи синфга ўтди, энди катта йигит бўлиб қолди, – дедилар мактаб.

Ичимда хурсанд бўлиб кетдим. Отам ҳам бувимнинг гапидан сўнг “йўқ” дея олмади.

Мен ўрнимдан туриб, чопиб бориб латтали сумкамни олиб келиб кўрсата бошладим. Отам:

– Ҳаммадан ҳам русчани яхши ўргандингми? Ўрганишинг керак, кейин бизларга ўхшаб кийналиб юрмайсан ўғлим, – дедилар жиддийроқ оҳангда. Совхозда ҳеч ким русчани билмайди. Тунов куни комиссия бўлиб икки киши келган эди, гапиролмай кийналдик. Бизларни-ку тушунса бўлади, русча ўқимаган бўлсак. Уларга ҳам ҳайронман, ё ўзлари ўзбекчани асло тушунмайди, ёки ўзлари билан таржима қиласиган олиб юрмайди. Нимага келдию, нимага кетди, на раис тушунди, на мен. Қўлимиизга канакадир карор бериб кетди – дедилар бувимга қараб.

Мен сумкамдан “Буквар”ни олиб шариллатиб ўқиб, китобдаги сўзларни ўзбекчасига айтиб бердим. Отам хурсанд бўлиб:

– Ҳа майли, фақат уй ишларига қарашиб, кейин борасан, бу ёғи иссиқ бўлса, нима азоб сенга, ўғлим, – дедилар яна кулиб.

— Йўқ, йўқ бораман, – дедим дарров.

Онам кулиб:

— Иссикни писанд қиласмиди, у ёқда от борку, отлар эса бунинг жону-дили, – дедилар ярим кесатиб. Ҳамма кулишди.

— Унда эртага мен отни ташлаб кетаман, сен ишларингни қилиб бўлиб, эҳтиёт бўлиб отга ўтириб, борарсан, – дедилар отам.

Ҳар куни онамга қаралиб, кейин отам олдиларига, яъни далага отланадиган бўлдим. Кунлар ўтиб, ҳамма ўримга чиқди. Бу йил буғдой ҳар йилгидан ҳам серхосил бўлди.

Ҳосилни хирмонга тўкканимизда аллақандай усти очик машинада тўртта башанг кийинган кишилар етиб келишди. Улар ҳам ҳосилни кўриб, “Вот молодцы” деб макташди.

Ҳамма даладан кетганидан кейин кечроқ улар шийпонда иккита меҳмон, совхоз ҳисобчиси, раис ҳаммалари катта чўтни олиб ҳисоб-китоб қилишга тушишди. Улар узоқ ўтиришди, ниманидир келиша олишмасди. Мен отам билан хирмон атрофларини тозалаб, уларни кузатиб турардик. Бир пайт раис:

— Ҳамидулла, – деб чакириб қолди. Отам улар ёнига бордилар. Мен ҳам уларга якин бориб, дараҳтга суяниб, кузатиб турдим. Отам чўтни олиб, шарақлатиб уради. Юкоридан келган иккита киши ҳам отамни дикқат билан кузатиб туришди. Охири келишиб олишди, шекилли, ҳаммалари ўринларидан туришди. Меҳмонлар кетиши учун шайланиб отамга:

— У тебя голова гения, смотри, – деб машинага ўтириб жўнаб кетишди.

Уларни кузатгач, негадир раис бува билан отам хафа бўлиб қолишиди. Мен уйга кетиш учун отларни тайёрлаётган эдим. Улар биргалашиб аста қадам ташлаб, шийпондаги супага келиб ўтиришиди. Уларнинг бу ҳолатидан юрагим ғаш бўлиб кетди.

Орадан бир муддат ўтгач, раис бува бир уф тортиб қўйди-да, ўринларидан туриб:

— Кетдик, ўтиргандан нима фойда, — дедилар сиқилиб.

Мен чопиб бориб отларни олиб келдим. Ҳамма хомуш, раис бува кечагидай мен билан ҳазиллашмайдилар ҳам. Отам билан отга минганишиб олдим. Улар жим кетишиди. Охири раис бува чидай олмадилар.

— Бундай ноҳақликларга фақат одамзотгина чидаса керак. Агар ер бўлса ёрилиб кетарди, осмон бўлса отилиб кетарди, — деди раис.

Отам:

— Сикилманг, бўлган иш бўлди. Бир кун охири бордур, — деб далда бергандай бўлди.

— Ҳа тўғрику-я, лекин сен ҳисоблаб берганингда ўзлариям қафасга тушгандай, нима дейишни билмай қолди.

— Эҳ айтаман десанг гап кўп, аслида ҳар йили шу аҳвол. Сен энди кўраяпсан буларни, — дедилар отамга ҳафсалалари пир бўлиб Раис.

Биз уйга келганимизда вақт алламаҳал бўлиб колганди. Мен хонамга кириб, жойимга чўзилдим. У ерда нима гап бўлганлигини аниқ билгим келаётган бўлса-да, отамдан буни сўрашнинг иложи йўклигини билардим. Отам, “нима қиласан катталарнинг ишига аралашиб, сен ҳали ёшсан, тушунмайсан” деб жавоб беришларини биламан. Нима бўлганда ҳам менга уларнинг

хафа бўлганлари ёмон таъсир қилди. Ахир кечагина қилган меҳнатларидан хурсанд эдилар-да. Бугун эса ҳаммаси кўкка совурилгандек, шунисига хафа бўлдим, тўғриси.

Кузда далада йигим-терим бошланиб, раис билан отамнинг чехралари очилиб, анча ўзларига келиб қолишиди. Қишига якин отамни беминнат меҳнатларини қадрлаган раис бува бизга совхоз номидан битта сигир совға қилди. Уйдагилар роса хурсанд бўлишиди, сигиримизни қўшнимиз Фотима хола ҳам кўргани чиқди. Мен бўлсан отам хоҳлагани учунми ёки уларнинг тил билмай қийналганларини кўрганим учунми, рус тилини яхши ўрганишга ҳаракат қиласдим. Баҳор ўтиб, ойимнинг қорни яна ишиб, “тарвуз”лари анча катта бўлиб қолди.

Мен кун санаб, таътилни кутаман. Отда юришни соғинганимдан сабрим етмай дам олиш кунлари бормоқчи бўлиб, отамни ухламасдан кутиб ўтирадим. Отам рухсат бермади, умидларим пучга чиқди.

– Сен энди кичкина бола эмассан, мени ортимдан от чоптириб юрадиган, онангга қарашгин, – деди жиддий қараб.

“Хўп бўлади” дедимку, лекин барибир бораман деб қўйдим ичимда. Биламан, отам онамни ўйлаб, оғироёқ бўлганларига шунаقا деяпти, йўқса ҳеч ҳам “йўқ” демасдилар. Эртасига дам олиш куни кун бўйи онамга уй ишларига қарашдим.

Барвакт туриб, сигиримизни тепаликка ҳайдаб келаётсан, йўлда Йўлчи амакимни, яъни қўшнимизни учратиб колдим. Улар даладан бир қопни опичлаб олиб келарди; чарчаб кетганларидан ҳар икки қадамда қопни ерга қўйиб, у ёқ бу ёққа олазарак бўлиб, дам олар-

дилар. Мен ҳам ёрдам бериш мақсадида уларга етиб олиб, салом бердим.

Йўлчи амаки мени кўришлари билан олазарак бўлиб қолди. Саломимга алик ҳам олмасдан кесатиб гап бошлади:

– Ҳа, тинчликми, сизларнинг дастингиздан кочиб ҳам қутулиб бўлмайди, – деди заҳарханда қилиб.

Мен бу жавобдан нима қилишни билмай, жойимда тўхтаб қолдим. Йўлчи амаки ўзича ғўлдираб бўлмағур гаплар билан кимнидир сўкарди.

Келинг амаки, мен ёрдамлашай, – дедим оёклари билан қопни ёпиб турган Йўлчи амакига. Негадир амакининг баттар жахли чиқди:

– Вой сен тирранча-ей, шуниям қўрдингми-а? – деб иккита бармоғини кўзимга никтаб. – Мана шу чақчай-ган кўзларингни ўйиб олайми?

– Мен бу ҳазилми ёки чинми асло тушунолмадим. Ўз йўлимга тушиб кета бошлаган эдим, Йўлчи амаки:

– Ҳой хафа бўлдингми, ҳазиллашдим, қани бир ёрдамлашгинчи, – деб қолди.

Ортимга каттакон қопни ортди, унинг оғирлигидан оёкларим чалишиб кетди. Ўзимни зўрга тутиб, юра бошладим, амаки ортимдан:

– Ҳа-а, яшша, қиши билан совхозни текин сигирини сутини ичгандан кейин сен кучли бўлмай ким кучли бўларди, – деди хингирлаб кулиб.

Мен бор кучим билан зўрга қопни опичлаб борардим. Ахийри қопни ерга ташладим, қўлим бардош бермади.

– Нега ташладинг, бебурд, –деб жахли чиқиб бoshимга чертиб, уриб ҳам қўйди.

Ўтириб нафасимни ростладим. Йўлчи амаки раҳматнинг ўрнига кўзларини ола-кула қилиб, ёқамдан ушлаб ўзига тортди.

– Менга кара, мана шу гап шу ерда қолсин. Сен мени кўрмадинг, мен сени кўрмадим. Тағин бориб отангга гуллаб қўйма, ўғил боламисан, ёки ановиларга ўхшаган ҳезалакмисан, – деди ўта жиддий.

– Чин ўғил бола сўзим, ҳеч кимга айтмайман, – дедим мен ҳам.

– Ана шундок бўлсин, гап битта, жўна, – деди ортимдан итариб.

Мен орқа-олдимга қарамай чопиб кетдим. Маҳаллага етганимда Йўлчи амакининг гапларини ўйладим. “Тавба, бу қанақа одам ўзи, билолмадим, дам уради, дам кулади. “Ҳезалак” дедими, кимни айтди, наҳотки отамни айтган бўлса”, деб ўйладим ичимда.

Қопдаги нарса кийикнинг гўшти эди, лекин “Баҳор пайтида уларни ҳеч ҳам овлаб бўлмайди” деганди отам. Онамнинг гапларига қараганда шу Йўлчи амаки жуда ёвуз одам, бир йили ити овга бормаганида уни отиб ташлаган экан. Ҳовлига киришим билан онам:

– Намунча қолиб кетдинг, болам, – деди хавотирланиб.

– Сигирни тепага ҳайдаб келдим-да, онажон, – дедим.

– Бўлди киракол, чой-пойингни ичгин, кейин иш қиламиз, – дедилар ўзлари боғ томон ўтиб.

Шу куни онам билан ер чопдик, кечга яқин ҳовлини супуриб тозаладик. Онам яна чиқиндиларни ёқмасдан ҳаммасини сойга ташлаб келишимни буюрди. Мен онамга норози караб индамай жойимда туравердим. Ахлатларни тўплаб қопга ўзи кола туриб:

– Нега унақа қарайпсан, бувинг айтаверадилар, ана Йүлчи ака, – деди жаҳл билан. – Ўлса, ана шу Йүлчи ака аллақачон ўлиб кетарди. Балоям урмаган, ўқдай юрибди. Дарёга нимаики бўлса, олиб чиқиб отишади.

– Ҳа, энди Йўлчи амаки томдан ўзини ташласа, биз ҳам ташлашимиз керакми? – дедим онамга баландрок оҳангда.

– Шунча ахлатни ким кўтариб тупроқ кавлайдиган жойга олиб боради. Отанг ишдан чарчаб келса, уларни аяшимиз керак-ку, – деди ўзиникини маъқуллаб.

– Ҳеч нарса қилмайди, ўзим Жамила билан икки марта бориб ташлаб келамиз, тўғрими, – дедим синглимга караб. Жамила ҳам хўп дегандай бошини қимирлатиб қўйди. – Шунда уйда ҳеч ким хафа бўлмайди, бувим ҳам хурсанд бўладилар, – дедим ўзимни катталардек тутиб. Бу гапимга онамнинг ғаши келди.

Ойимни айтганларини қилиб, ахлатни синглим билан олиб тушишга тушдиму, кейин афсусланиб қолдим. Бувим айтмаганида ҳам бу жуда нотўғри-да, ҳақиқатан ҳам, деб ўйлаб қолдим. Онамни ташлаган ахлатлари анча-мунча бўлиб қолибди. Ичимда, наҳотки бувим алдоқчи бўлсалар, деган савол пайдо бўлди.

Шу дарёдан сув ичамиз, ахлатни эса ичган жойимиздан салгина пастроқقا ташлаймиз. Бувим ўзлари сойга тушган пайтлари доим супурги олиб бориб атрофларини тозалаб, супириб-сидириб келадилар, буни биламан, ўзим кўрганман, сойдаги чинор дарахти орасига супургини илиб кўйганлар.

Бувим унақа алдоқчимаслар ҳеч ҳам, онам айтаверадиларда. Фақат шу Қирққизни кечки пайт сувга тушганларида кўрганман деғанларига ишониш қийин. Қирққиз бувимни ушлаб олишганмиш. Шунда бувим:

– Мен сенларга нима ёмонлик қилдим, жойларингни супуриб тозалаб қўяяпман, – деса, Қирқиз бувими ни қўйиб юбориб, ўзлари қамишзорга кириб кетишганмиш. Ҳа, бу гапларнинг турган битгани эртак-ку деб ўйладим.

Синглим билан дарё ёнида роса ўйнадик, дарё суви ҳали кўпайиб улгурмаган. Баланд тоғдаги корлар эришни бошласа, атрофига келиб бўлмайди. Худди ҳозир ютиб юбораман дегандай пишқиради. Биз синглим билан тошдан-тошга сакраб, қувламачоқ ўйнаб, дарёни у томонига ўтиб кетибмиз. У томонда катта текислика олмазор бор. Ўйинимиз қизигандан қизиди. Жамила мени қувлади, мен Жамилани. Мен тепага дарё оқимига қараб чопдим. Анча тепага чиқиб, орқамга қарасам, синглим чарчаб қолиб кетибди.

Жойимда ўтириб олиб уни кутдим ва беихтиёр дарёнинг у томонида кимнидир кўргандай бўлиб, секин сойга яқинлашдим. Қарасам, Йўлчи амаки хотини билан бирга катта қопда ахлатларни олиб чиқиб, сойга тўкишяпти. Мен турган жойимдан уларни кузата бошладим. Дарё атрофида жойлашган хонадонларнинг ҳаммаси шу сойдан сув ичишади. Буни ҳамманинг боғидан сойга қараб тушган йўлакдан билса бўлади. Фақат Йўлчи амаки билан бизларнинг томонимиз ахлатга тўла.

Амаки мени кўриб қолиб, кўлини бигиз килиб кўрсатди. “Ҳап сенми қараб тур, мени коровуллаб юриши кўрсатаман”, дегандай бўлди.

Бирдан бувимнинг овозлари келди, бизлар уй томон чопиб кетдик. Уйга кира туриб, “Хозир бувим билсалар борми, ахлат ташлаганимизни, роса жанжал бўлади-да” деб ўйлаб бордим. Уйга келсак, айтганимдек

бўлибди, бувим онамни роса уришибдилар, шекилли, онамнинг қовокларидан кор ёғарди...

Ёз яқинлашиб учинчи синфни ҳам аъло баҳоларга тугатиб, таътилга чиқиб олдим. Уйда онамга карашиб бўлиб, далага чиқиб кетаман. Отам баъзида, “Сенга нима азоб, иссик кунда”, деб қўяди мени аяб. Баъзида эса отни яхши кўришимни билиб, ҳеч нима демай иссикда қорайиб кетган бошимдан то оёғимгача қараб чиқади-да, бошини чайқаб, менга билдирамандай кулиб қўяди.

Далага борган заҳоти, “Ана отинг, бор сени пойлаб ётибди. Олдин сув ичишга олиб бор, эҳтиёт бўлгин,” – дейди.

Мен ҳам худди шу гапни пойлаб тургандай ўқдай учиб кетаман. Отам ортимдан “Эҳтиёт бўл!” деб қолади. Тепаликда отим ҳам менга маҳтал тургандай бошини кимиirlатиб қўяди.

Отимни катта ариққа олиб бориб, яхшилаб ювиб-тараб, кейин маза қилиб, дала айланамиз. Раис бува кўриб қолса, “Менинг отимни ҳам сувга олиб бориб ювинтириб, суғориб кел” дейдилар. Уларнинг ҳам отини миниб, далани айланаман.

Хуллас, ўзимга ёқкан ишни қилиб, ошигим олчи бўлиб юраман. Саратон иссиғи бошланиб, буғдойларни бошлари борган сари катталашиб ерга осилиб борарди. Отамнинг айтишларига қараганда, бу йил ҳам ҳосил яхши бўлармиш. Буни кечки пайт отамнинг отига мингашиб уйга қайтаётганимизда Раис бува билан отамнинг сухбатидан билиб олдим.

– Айтганча, буғдой бошоклари қанчалик кўп бўлмасин, қушларни ҳеч эплаб бўлмаяпти.

– Нима қилса бўларкин? Эртага еганидан ташкари бошокни тўкиб ташлаши мумкин, – деди Раис бува отамдан маслаҳат сўраб.

– Эртадан бошлаб қушларни ҳайдаб туришга бирор одам ёллаш керак, – дедилар отам.

Мен бўлсам отамни орқаларида миқ этмай ҳамма гапни эштиб кетаман. Шу кундан бошлаб отам билан эрта кетиб, кеч қайтадиган бўлдим. Отам пачаги чиққан бир тоғора топиб берди. Отни устида юриб, иккита чўп билан тақиллатсан, гала-гала қушлар буғдой бошидан учиб кетишади. Энди ҳар куни отга ўтириб олиб ҳосил атрофидан тоғорани тарақлатиб юраман. Кушлар ҳам бўш келишмайди.

Мен билан қушларни ҳайдаш учун тайинланган қоровул амаки иккаламиз ҳосил атрофидан нари кетмай қушларни пойлаймиз. Кунлар ўтиб қушлар ҳам бизга ўрганиб қолдими ёки улар ҳам шунчалик ақллими, билмадим, тоғорани қанча тарақлатмайлик, парво ҳам қилмай, буғдой бошоғига ёпишиб олиб, пакқос тушуришарди.

Қоровул амаки ҳам қушларнинг парво қилмаётганидан чарчади, шекилли, тушлик пайтида раис билан отамга қараб:

– Раис бува, қушларни эплаб бўлмаяпти, бир ёқдан ҳайдасанг, бошқа жойга қўниб олишяпти, олдига бориб ҳайдамагунча тарақлаган тоғорамизни ҳам писанд қилмай қўйди, бошқа чорасини излаш керак, – дедилар.

Бугун биз отам билан уйга эртароқ қайтдик. Бувим айвонда ўтирган экан. Салом бериб, отам қўрпачага چўзилди. Отамнинг чарчаб кетганини сезган бувим:

– Вой болам-ей, ҳеч тиниминг йўқ, бирпас дам олай демайсан, ишингам бор бўлсин. Мундоқ одам ўзини ҳам ўйлаши керак-да, – деди куюниб.

– Иш бўлгандан кейин нима қилай... Ойи, болали-гимдан ҳалол нон топиш кераклигини ўзингиз ўргат-гансиз-ку, – жавоб берди отам.

– Тўғри ҳалол меҳнат қиляпсан, лекин косанг оқа-рармикан. Колхоз деб тиним билмайсан, лекин топганингга корнинг тўймайди. Ана ўтган йили раис иккавинг жон олиб, жон бериб ишлаб, режани ортиғи билан бажардиларинг. Хўш, нима бўлди? Ўзингдан қолар гап йўқ, болам.

– Хўп, Онажон, нима қил дейсиз, ишлаш керак-ку, – деди отам хафа бўлгандаи бўлиб. Орага бироз жим-житлик чўкди.

– Бу орада ойим овқат олиб келиб қўйди, отам билан бирга қовурилган картошка едик. Овқат еб бўлганимиздан сўнг отам ташвишланиб бувимга маслаҳат солди.

– Онажон, буғдойимиз шунаقا ҳосил бердики. Олдинги йилдан ҳам яхши, Худо хоҳласа. Фақат шу қушларни эплаб бўлмаяпти. Нима қилиш керак, ҳайронман. Бирор нима ўйламасак, ҳосилнинг ярмидан айрилиб қоламиз.

– “Қўриқчи” қўймадингларми? – деди пиёладаги чойларини бир ҳўплаб бувим.

– “Қўриқчи” нима дегани? – деди отам ўйлаб туриб.

– Бирор бир козикқа одамни кийимини кийгизиб, ҳосилнинг у ёқ бу ёғига кокиб, бўйнига шакилдоқ осиб, сим билан тортиб қўйинглар. Шунда қушлар қўркиб қочади, – деди бувим.

Отам кеч бўлганда бувимнинг таклифларини айтгани раиснига кетдилар, мен ҳам эргашдим. Икки кундан кейин бешта қўриқчини кўтариб қоровул амаки билан ҳосилнинг у ёқ бу ёғига қокиб чиқдик. Уни иккитаси аёллар кийимида, биттасига эса аскарча шинел билан бошига айвонли шапка кийгизгандик фирт қизил аскар бўлди-қолди! “Амаки қаранг!” дедим қўриқчини кўрсатиб. Бувим бу кийимни ўзимизнинг томимиздаги эски сандиқдан топиб бердилар, тоғангни деб. Турғун амаки “Бу қушлар аскардан роса қўрқиб қочадиган бўлди-да болам”, деди кулиб. Кейин эски-туски банка, мис қошиқлар дейсизми ҳам масини симдан ўтказиб, бўйнига осиб арқонни узунрок килиб, ўтирадиган жойимизга тортиб қўйдик. Шундан кейин қушлар сезиларли даражада камайди. Онда-сонда қушлар адашиб келиб қолса, Турғун амаки бир арқонни тортиб қўяди. Улар тирақайлаб қочиб қолишади.

Ишимиз анча осонлашди. Энди даланинг у четидан бу четига тоғора кўтариб юрган коровул амаки шийпон четида дам олиб ётганча арқонни бир-бир тортиб қўяди, колган пайт носни оғзига солиб, мизғиб ўтиради.

Қушларнинг камайиши ҳамманинг кайфиятини кўтариб юборди. Мен ҳам аввалгидек отларимни ювиб-тараб, ўз ишимни қилиб юравердиган бўлдим.

Буғдой бошоқлари пишиб, ўрим ҳам бошланиб кетди. Ҳашарга келганлар ҳаммаси даромад жуда катта бўлишини айтишарди. Бу йил отам билан раис бувани роса мақташса керак, балки мукофот ҳам беришар совхозга деб ўзимча хурсанд бўлиб кетаман. Яна бувимнинг гаплари ёдимга келиб, ҳа, Мирҳосилбой, орзуга айб йўқ, деб ўзимни юпатаман.

Куну тун меҳнат билан хирмонга ҳосил сиғмай колди. Ўтган-кетган одамлар кўриб: “Раис бува, хорманг, энди хирмонга барака! Бу йил катта мукофот кўзлабсизми, дейман” деб қўйишарди. Улар “Ҳа раҳмат, раҳмат” деб, хурсандчиликларини яшиrolмайди. Раис буванинг кувонганини кўриб, мен билан отам ҳам қувонамиз.

Шунаقا онларда отамнинг меҳнатдан қадоқ бўлган кўлларини, келган чилланинг иссиғидан қорайиб кетган юзини кўриб, ич-ичимдан эзилиб кетаман. Эҳ, қани энди, тезроқ катта бўлсаму, бувим айтгандек Мирҳосилбой бўлиб, самолётларда дунёни у четидан бу четига отамни айлантириб юрсам.

Бу сафар машинада битта ўзбек ва битта рус киши келишди. Улар ҳосилни кўриб кўзлари косасидан чикиб кетаёзди. Раис бува ва отамга ўзбек киши:

– Катта текшириш келяпти Москвадан, нима деса ҳам хўп деб туринглар.

– Сиз ҳам келасизми, улар билан? – дедилар отам қизиқиб.

– Билмадим, ким келиш-келмаслигини улар ҳал қиласди, – деди ўзбек киши.

– Бирон бир ўзбек тилини биладиган одам келса осонроқ бўларди-да ака, бир-биrimизни тушунмай қийналмасдик, – дедилар.

– Мен ҳаракат қиласман, эгилган бошни қилич кесмас деганлар, нима дейишса ҳам хўп денглар, хўп дегани русчада “да, ладно” дегани, шу икки оғиз сўзни ўрганиб олиш қийинмасдир?! Негадир улар шунча ҳосилга хурсанд бўлиб бизга раҳмат дейишнинг ўрнига. Мен сизларни огоҳлантириб кетаяпман. Эҳтиёт бўлинг, – деб, машинага ўтириб, жўнаб қолишли.

Раис бува билан отам бир-бирига сўзсиз қараб қошлиди. Мен уларни кузатиб, шуни сездимки, отам ҳам раис бува ҳам қанча меҳнат бўлса қочишмайди, лекинadolatsizlik ва камситишга чидолмайди. Ўзбек киши балки шуни назарда тутгандир.

Раис бува кўпинча отамга бир гапни қайтарардилар:

– Сен укам, Ҳамидулла, ҳисоб-китобга келганда, бўш келмагин, мен ҳам олдингда тураман, – дердилар негадир кўнгиллари ҳижил бўлиб.

Учинчи кун деганда битта усти очик машинада беш киши бўлиб келишиди. Олдинги сафар келган ўзбек киши олдинга тушиб отам билан раисга ҳам қарамай, шерикларини тўғри хирмонга бошлаб кетди. Меҳмонлар биринчи хирмонга кўзи тушгач, бир зум бир-бirlariga қараб жим қолишиди. Раис бува, отам ва ҳисобчи амаки олдиларига бориб, улар билан қўл бериб саломлашдилар.

Улар узоқ ўтириб, ҳисоб-китоб қилишганидан зерикб кетдим. Ариқдан муздек сув олиб келиш баҳона отга миниб айланиб келдим. Олиб келган сувимдан ҳамма ичди. Мен яна бир четда туриб, уларни кузатища давом этдим. Отам аламданми ёки рус тилини билмаганиданми, қизариб кетганлар, қайтиб-қайтиб чўтни уриб, қофозга ёзиб уларга тушунтиришга зўр бериб ҳаракат қиласардилар. Улар отамни ҳеч ҳам эшитгиси йўқдай туюларди менга.

Ўзбек киши эса раис бува билан отамга “Хўп денглар”, дейишдан нарига ўтмасди. Отам тушунтириб чарчадилар, чамамда, бироз четга чиқиб ўйланиб ўтирдилар-да, сўнг ўзларини анча босиб олиб, чўтни қайтиб олдиларига кўйиб, келган кишига қараб:

– Ака, сиз ҳам яхшилаб мени кузатиб, қараб туриңг, – дедилар, чүтни шараклатиб уриб ёзиб уларга тушунтира бошладилар. Ўзбек киши рус тилини яхши билмас эканми, нукул ҳа, “да-да, есть, ладно” деган сўзни такрорларди, холос. Шунда отам туриб ҳамма меҳмонларга қараб, “Бу ҳисоб-китобни соков одам ҳам тушуниши аник”, дедилар бу сафар рус тилида амаллаб. Олдинги йили келган кишини авзойи бузилиб, супадан туриб кетиб сигарета чека бошлади. Орадан яна бироз ўтгач, менга кўзи тушиб қолиб, папиросни тутатиб олдимга келди ва кулимсираб:

– Как зовут тебя? – деди менга қараб. Мен саломлашдим-да:

– Мирхосилбой, – дедим овозимни бемалол чиқаби.

– Как-как ой божи мой, что за имя, а я Игорь Анатольевич, чем занимаешься? – деди қайтиб саволга тутиб.

– Катаюсь, – дедим отни кўрсатиб.

– Хо-о-хорошо, молодец, ну-ка приведи, – деди қизикиб.

Мен уни тушуниб, тепароқда эгарлаб боғлаб қўйилган отимни олиб келдим. У:

– Не кусается? – деди ўтиromoқчи бўлиб.

– Никогда, – дедим отни унинг ўтириши учун тўғирлаб.

– Вот ты даёшь, ты чей сын? – деди Игорь ака.

Мен отамни қўрсатдим.

– Вот почему ты такой головастый, – деди бошини кимирлатиб.

Мен бу охирги сўзларига яхши тушунмадим-ку, лекин у ёмон сўз айтмади деб ўйладим. Рус киши отга

зўрға мингашди қўркиб. Унинг кўркқанини кўриб, отимнинг юганидан ушлаб етаклаб секин юргаздим. Буғдой ўрилган далаларни айлантиридим, шунда кушларни ҳайдаш учун қўйилган аскарча кийинган "кўрикчи" ёнидан чиқиб қолдик. Игорь Анатольевич:

- Кто это? – деди қизиқиб, худди бир муҳим нарсани кўргандай бир менга, бир қўриқчига қараб.
- Никто, – дедим кулиб.

Рус киши қўриқчига яқинлашди, унинг атрофидан айланиб кўрдида:

- Надо же кто это мог сделать? – деди рус тилида.
Мен яна яхши тушунмадим, лекин қўғирчоқни қандай ясаганимизга қизиқаётганини билдим.
- Это твой папа сделал, да? – деди менга галати қараб.

– Да, да, – дедим қўриқчига қараб бу ишидан ғурурлангандек.

– Вместе с раисом, да – деди яна Игорь Анатольевич, мени зимдан кузатиб. Мен "Йўқ, буни ҳаммамиз маслаҳатлашиб, қушлар учун қилганмиз" демоқчи бўлдим-ку, лекин русчалаб айттолмаганим учун "Да-да все" дедим.

– Да вы что? – деди кулиб ва бирданига менга ғалати қараб. – Так нельзя, – деб бошини сарак-сарак килиб қўйди. Мен тушунмадим.

Орқага қайтдик, тўғри шийпонга келиб, Игорь ака ёнидагиларга нималарнидир гапирди, бироздан сўнг ҳаммани қайтиб қўриқчининг олдига бошлаб келди. Мен ҳам уларга эргашдим.

Мехмонлар қўриқчи атрофига алланималарни ўзаро гаплашиб, ўзлари билан келган ўзбек кишига, яъни Камол акага қараб жаҳл билан тушунтириди.

Камол ака икки букланиб, “Да, да” деб тураверди жавоб беролмай. Охири отам Камол акага:

– Ака, мундок тушунтириб гапиринг, бу қўрикчидан нима кўрди булар, – деди сал баландроқ овозда.

Кўзлари ола-кула бўлиб кетган Камол ака:

– Қилғиликни қилиб қўйиб, нега осмондан кела-сиз? – деди ўзича уришиб.

Бу гапдан аччиғи чиққан раис бува:

– Нима гуноҳ қилиб қўйибмизки, ётволиб таъзим қилишимиз керак? Ўзи буларга баҳона керакми дейман, ҳисоб-китобни ташлаб, келиб қўриқчига ёпишиб олишди. Сиз айтинг, режани бажариш учун фақат меҳнат қилиш етарли эмас, каллани ҳам ишлатиш керак. Бу бор-йўғи қушларни қўрқитиш учун қилинган қўрикчи бўлса, – дедилар жаҳллари чиқиб.

Уларнинг гапларини тушунмасдан кузатиб турган Игорь амаки қўлини кўтариб:

– Хватить, всё ясно, не ругайтесь. – деди-да, қўғир-чоқни ердан суғуриб олиб, – этого прямо в Москву к товарищу Сталину отправим, – деди, қўриқчини олиб келиб машинага юклади.

– Нет-нет, ну зачем, – дедилар амаллаб отам.

– Да, заикаешься, – деди хириллаган овозда айёрона тишларини ғижирлатиб Игорь амаки.

Отам “Нима деди” дегандай, Камол амакига тушунмай қарадилар. Улар:

– Мен сизларга айтдим-ку, хўп денг деб, – дедилар зарда билан. Отам қанақа қилиб тушунтиришни билолмай,

– Да, да ҳеч қанақа Сталинмас бу, – дедилар яrim ўзбекча қилиб.

Раис бува ҳам отамнинг гапларини маъқуллаб:

– Энди шу баҳона бўлдими, – дедилар хафсалалари пир бўлиб. Игорь амакининг ёнидаги ёшрок киши бориб машинага ўтириб жўнаб кетмоқчи бўлиб турганда, ноилож қолган отам у ёқ-бу ёққа караб, нажот излаб кимнидир қидиргандек бўлиб, менга тушунтир дегандай тикилиб қолдилар.

Отамнинг бу қарашларидан қўғирчокни биз қушларни ҳайдаш учун қўриқчи сифатида қўйганимизни Игорь амакига тушунтириб беришим кераклиги билдим. Машина ёнига чопиб бориб, Игорь амакининг қўлидан маҳкам тутиб олдимда:

– Дядя Игорь, это для птиц сделана, – дедим амаллаб.

Улар менга қараб қах-қах отиб кулдилар, сўнг:

– О чём говоришь ўшенок, иди отсюда, – деб силтаб ташлади-да машинага ўтириб, жўнаб кетишиди.

Қолганлар ҳайрон, бир-бирига қараб, жойида котиб туришарди. Шу турганча анча туриб қолишиди, охири ичи тўлиб кетган раис бува жимликни бузиб:

– Буларга бир баҳона керак эди, ҳар йили шу ахвол, – дедилар уф тортиб. Неча йил раис бўлган бўлсам, режани ортиғи билан бажарсанглар, мукофот пули берамиз, техника билан таъминлаймиз, деб ҳар йили ваъда беришади, ваҳоланки, оғзимиздаги ошимизни ҳам юлиб кетишади, – дедилар шийпонга омонатгина ўтириб.

– Майли раис бува, хафа бўлманг, ҳали ҳосилимиз қўлимида, – дедилар, ҳисобчи амаки далда бўлиб.

– Уларга ҳаммасини тўғри ҳисоблаб бердик, билишса ҳам, тан олгиси келмаяпти-ку, – дедилар раис бувам яна аламзада бўлиб.

– Бирортасида виждони бордир, ахир, – дедилар отам куйиниб кетган раис бувага қараб.

Раис бува бошидаги дўпписини олиб, бир қоқиб қайтиб бошига кийиб:

— Менимча, укам, ҳар йили келадиган беш-олтига қароқчилар донни Москвага жўнатамиз, деб фойдасини ўз чўнтакларига уришади. Бултур “Ленин йўли”нинг раиси булар билан талашгани учун қамалиб кетди-ку, — деди отамга тик қараб.

Эртасига далада раис бува кўринмадилар, кечки пайт отам билан иккаламиз қайтдик. Отамнинг айтишларича, аёлларини шаҳарга дўхтирга олиб кетибдилар. Биламан, Сарви холам кўп касал бўладилар, болалари ўлиб колади кўпинча.

Отам билан кеч қайтганимиздан атрофга анча қоронғу тушиб, юлдузлар осмонга бирин-кетин чиқа бошлади. Ёзning иссиғидан кейин бунақа кечки пайтлар салқин жонга ором бағишлайди. Битта отда отамни белларидан маҳкам ушлаб олиб, осмонга қараб юлдузларни кузатардим. Отам:

— Нима қиласиган? — деди орқасига қарагандай бўлиб.
— Юлдузлардан Игорь амакига инсоф бер, деяпман — дедим.

Отам овозларини чиқариб кулдилар ва осмонга бокиб:

— Юлдузларданмас, Худодан сўраш керак, юлдузларни ҳам Оллоҳ яратган, — деди: — Кимки пок ният билан Худодан тилагини сўраса, эртами-кечми, албатта, беради. Шуни билиб олгин.

— Юлдузлар ҳам одамни эшитадими, дадажон, — отамни саволга тутдим. Отам салгина кулгандай бўлди-да:

— Ҳа эшитади, албатта, ҳаммани эшитади, ҳаммаси-
га гувоҳ бўлиб туради. Ким ёлғон гапиради, ким рост.
Худо тўғри сўз одамларни яхши кўради, — дедилар.

— Дадажон, унақада Игорь амакини жазосини Худо
берсин деб нега сўрамайсиз? — дедим.

— Ҳеч кимни жазосини берсин деб бўлмайди, ҳам-
манинг инсофини сўраш керак, ўғлим, — дедилар ку-
либ.

Биз ана шу 3–4 кун ичида раис бувам келгунлари-
ча отам билан жуда яқин, худди сирдошлардек бўлиб
қолдик. Бу орада ёз ўтиб, мактабга тўртинчи синфга
бордим.

Ҳаётнинг илк зарбаси

Бир куни мактабдан уйга келсам, отам ишдан бар-
вакт келиб, бувим билан нима ҳақидадир жиддий га-
плашиб ўтиришарди. Онам бўлса ҳовлида нима билан-
дир овора, коринлари шишиб қолгандан оҳиста ўтириб
турадилар. Бувимнинг гапларига караганда, онамга
ўхшаганларни “оғироёқ” дейишаркан. Мен ҳовлига
киришим билан онам саломимга алик олиб, қўлида-
ги супургини четрокқа қўйди. Айвонда ўтирган отам
билан бувим менга бирров қараб бошларини чайқаб,
“Вaalайкум” дейишди, бўлди. Бошқа эътибор ҳам қил-
маганларидан билдимки, гап ўта жиддий эди.

Уйга кириб, шоша-пиша портфелимни қўйдиму,
нима гаплигини билишга шошилдим. Келиб отам билан
бувимнинг ёnlарига ўтириб олдим. Онам косада овқа-
тимни сузиб келиб қошиқни коса ичига қўйиб “Олақол”
дедилар. Отам шунақа жиддий ҳолатда эдиларки, асти
қўяверасиз. Отамга раҳмим келиб кетди. Ўзимни овқат

еяётганга солиб, пойлаб ўтирдим, улар деярли гаплаш-
мас, отам битта нуктага тикилганча хаёл суреб ўтиради.
Афсуски, сухбатнинг охирига келибман. Томоғимдаги
овқат ҳам ўтмай қолганини сезмадим.

— Ҳа ўғлим, нега котиб қолдинг, ол овқатингни
егин, — дедилар бувим.

Гап нима ҳақдалигини билиш ҳисси мени тинч қўй-
масди, лекин на бувим, на отам сўрасам ҳам айтишмай-
ди. Ҳали буни билишга ёшлик қиласмишман. Сиқи-
либ, охири тоқатим ток бўлиб турганида бувим гапи-
риб қолдилар. “Худога шукур” деб юбордим ичимда:

— Майли болам, ҳадеб ўзингни сикмагин, бир кун
ёруғ кунлар ҳам келиб қолар, — дедилар отамга караб.

Менинг ичим шув этиб кетди, билдим, бу ўша Игорь
амакининг иши.

Отам дикқатлари ошиб кетган:

— Она ахир бизлар уларга қул эмасмиз-ку, бу тарзд
муомала қилгани? — дедилар куйиб-пишиб.

Адашмаган эканман, демак Игорь амаки буғдоини
хисоб-китоб ҳам қилмасдан машинага ортиб кетгав
деб гумон қилдим. Ичим ёниб кетди.

— Яна Игорь Анатольевичнинг дағдагасига ўласиз-
ми, — дедилар отам ўзларини босолмай. — Нимамиш
“Ҳали сенлар конун олдида жавоб берасизлар”, дей-
ди-я, она, — дедилар бувимга тикилиб. Тушунганим ўз-
шу бўлди. Яна кўп гапларни гапирди, асосан раис був-
иккаламизга дўқ қилиб, оғзимизни очтиргани йўқ, шу-
ниси алам қиласди-да, онажон. Устига-устак Йўлч
акани айтмайсизми. Қолганлар-ку жим ўтиришибди,
кишим тушунмасалар ҳам чапак чалиб, уларни қўлла
ўтирибди, — деди бўғилиб кетгандай суюниб ўтирга
ёстикларини бошқа қўлтиғига олиб.

– Нима, сен уни қанақалигини билмасмидинг. Битта ёмон күй бутун подани булғатади, дейишган. У совхозга қўшилмаса, ишга чиқмаса, эртаю кеч овга чикиб, дуч келган жониворни отиб келаверади. Қишлоқда мен билганим битта шу Йўлчи, ундан кўп нарсанни кутса бўлади. Эҳтиётингни қил, болам, колхозга қўшилмаган одамни мажлисга нега чақирасан, – дедилар бувим ҳам сиқилиб.

– Мен чақириб жинни бўлибманми, ўзи бориб, мажлисга қўшилиб олди, мен нима қила олардим?

Ичим така-пука бўлиб, ўзимни кўярга жой тополмасдим. Бувим иккаламизнинг шу кеча анчагача уйкумиз келмади. Охир бувим ухлаб қолгач, туриб ҳовлига чиқдим. Сикилганимдан осмондаги юлдузларга қарадим, “Художон шу “Игорь амаки ўлсин”, демокчи бўлдимку, лекин бувимнинг: “Бирорга ўлим тилагандан кўра, ўзингга умр тила” деган гаплари эсимга тушди. “Художон, бизни кўролмайдиган Игорь амакининг нега кўзларини кўр қилмайсан?” дедим юлдузларга қараб. Ҳовлида анча қолиб кетиб, кейин уйга кирдим.

Далада олма, узум терими ҳам бошланди. Отам теримчиларга бош бўлиб далага чиқиб юраверди. Баъзи пайтлар раис бува келиб отам билан ўтириб, бу йил улар шунча даромад қилиб, ҳеч нарсасиз қолганларини яна Сталинни мазаҳ қилибсизлар дейишганича отам билан дардлашардилар.

Мен ҳам улар билан ўтириб ҳеч ҳам зерикмасдим. Отам “Бор, ётақол” десалар ҳам китоб баҳона уларни эшишиб ўтираверман. Шу кунларда онамнинг ҳам қоринларини кесадиган кун яқинлашганга ўхшаб қолди, менимча. Тунов куни бувим қўшнимиз Фотима хола чиққанларида “Келинимни ҳам ой-куни яқинлашиб

қопди, Худойим оқ йўл берсин”, деб дуо килдилар. Ўшандан билдимки, яқинда уйимизда чақалок йигиси эшитилади. Фақат Ҳалиманикларга ўйнашга чикканимда ойиси ушлаб олиб, Ҳалима ҳовлиларни супургунча сен бешикни тебратиб тур деб ўтказиб қўйди, шуниси ёмон экан. Бешикни тебратавериб зерикиб кетдим. Тебратишдан тўхтатсам, чақалок йиглайди. Бешикда ётволиб, бирор тебратиб турса, ухлаш кимга ёқмайди, дейсиз. Чакалоклар гапиришни билмаса ҳам калласи яхши ишларкан, деб ўйладим.

Кузнинг биринчи ёмғири ёғиб чанглар босилиб, кунлар шунаقا ёкимли бўлиб колди. Даражатларнинг барглари сарғайиб бирин-кетин тўкила бошлади. Уйга кирсам бувим намоз ўқиётган эканлар, тугатгунларича кутиб турдим. Бувим “омин” қилиб, ҳа болам дедилар. Мен салом бериб:

– Бувижон, қачон менга пальто олиб берасиз, эгнимдаги костюмим йиртилиб кетған, яқинда совук бошланади, – дедим эркаланиб.

– Болажоним, отангнинг ишлари яхши бўлиб кетсин, кейин янғисини олиб берамиз, унгача яхшилаб ямаб, тикиб бераман кийиб туравер, – деб ҳовлига чиқдилар. Ҳаво айнигар эди. Учиб келган каргаларга қараб: – Намунча қағиллайди булар, совук хабаринг ўзинг билан кетсин, ҳа яшшамагур, – деб бувим иккаламиз ердан тош отиб ҳайдадик.

Ўша кечаси котиб ухлаб қолибман. Бувим билан мен ухлайдиган хонамиз ота-онамнинг хонасига қараганда кўча эшигига яқинрок эди. Бир маҳал кўча эшигимиз шунаقا таракладики, чўчиб уйғониб кетдим. Бувим тез ўрниларидан туриб, рўмолларини қўлларига олиб, “Ким, ким у?”, деб ҳовлига чиқдилар. Орқаларидан

мен ҳам чиқдим. Бувим дарвозани очиб улгурмай туриб учта қоп-қора, узун шинел кийиб олган киши уйга бостириб кирди. Чопиб бориб очиқ айвонда хира ёниб турган шамчирокни баланд қилдим.

Бувим улардан “Нима, нима гап, тинчликми?” деб сўради ташвишланиб, овозлари титраб. Уларнинг икитаси ўзбекка ўхшаса ҳам, лекин ўрисча гапиришарди. Ўлардан бири менга қараб

– Где папа? – дейишди. Мен уларга қарасам, биттаси бир кўзини қора латта билан боғлаб олган, дарров танидим, бу ўша иккиюзламачи Игорь амаки эди. Бувимга бирров қараб, отамни қаерда эканлигини айтишим керак эмаслигини тушундим. Улар янада баландрок овозда отамни сўрашди. Мен “Папа уехал в Ташкент” дедим амаллаб. Игорь амаки оёғидаги кирза этиги билан айвоннинг ўртасига бориб, қулоғимдан каттиқ чўзиб, ҳовли томон судради. Миқ этмадим, бувим ҳам деярли овозларини чиқармадилар. Баланд бўйли киши: “Ну-ка говори, где твой папа” дерди баттар мени қийнаб. Мен ўзимни тушунмаганга олардим. Қулоғимни шунча қаттиқ чўзса ҳам овозимни чиқармадим. Лекин қўзимдан дўланадек-дўланадек ёшлар оқиб тушарди.

Буни кўрган бувим чидолмадилар, жон-жаҳдлари билан у кишининг кўлига ёпишдилар, “Хой яшшамагур, болани қулоғини узиб юборасан” деб ажратмоқчи бўлдилар, аммо кучлари етмади. Шу он Игорь амаки бувимни силтаб-турткиласб, хонага олиб кириб, эшикни чунонам қаттиқ ёпдики, тарақлаганидан синиб тушди деб ўйладим. Бундай шовқиндан ажабланган отам чиқиб келди. Ичимда “Нега турдингиз, ота?” дедим худди бир нарсани сезгандек.

Игорь амаки отамни кўрган заҳоти қулоғимни қўйиб юборди. Максадига етган новча амаки ўзбек бўлса ҳам отамга қараб: “Вот где находится враг народа” деди кайфияти кўтарилиб. Улар ялтираб турган этигининг ёнидан қамчига ўхшаган нарсасини олиб, қўлида ўйнатиб отамга яқинлашар экан, гердайиб уни ўз этигига шараклатиб уриб-уриб қўярди.

– Собираися, быстрей, – деди ёнидаги паканарок киши қўлидаги аллақандай қоғозни кўрсатиб.

– Сени асли иккала кўзинг кўр бўлиши керак эди, ҳаромхўр, – дедилар отам нарироқда ҳеч нарсани билмагандай турган Игорь амакига қараб. Сўнг “Нари турҳозир чиқаман” дегандай имо қилдилар баланд бўйли ўзбек кишига қараб.

Отам худди бир умрга кетаётгандек бизга узоқ тикилдиларда, уйга кириб кетдилар. Зум ўтмай, онам уйдан отилиб чиқдилар кўзлари жовдираб новча амакининг оёғига йиқилиб, зор-зор йиғлаб ялина бошладилар. У амаки айвон устунига қамчисини қаттиқ уриб:

– Перестаньте, хватит, – деди жаҳл билан.

Ойим жим бўлиб ерга энгашиб қолган эдилар, бувим уларни қўлтиқлаб четга олдилар. Отам хонадан эгниларига ранги ўчган фуфайкаларини кийиб кетишга тайёр бўлиб чиқдилар. Улар аста айвондан тушиб, бувимга яқинлашиб:

– Онажон, йиғламанг, биламан, сиз матонатли аёлсиз. Шунча йил отамни кутган, бу нима бўлибди, ўзингиз яхши биласиз, мен ҳали бировнинг омонатига, давлатга хиёнат қилмаганман. Ҳақикат учун керак бўлса жонимни беришга тайёрман, – дедилар.

– Йўқ, йўқ унақа дема, болажоним, – дедилар бувим отамни қучоклаб олиб.

Отам сўнг бир ахволда йиглаётган онамга яқинлашиб бошларини силаб:

– Ўзингни эҳтиёт қил, болалар бор, – деган эдилар. Онам отамни кучоқлаб олиб:

– Йўқ-йўқ, хеч қаерга юбормайман, – деб дод солдилар.

Игор амаки отамни онамнинг қучогидан юлиб олиб, қўлларига киshan солиб қўйди. Отам уларнинг олдига тушиб ноилож кўча томон юрди. Дарвозадан чиқдик, усти очик қора машинада, ёnlарида иккита куролланган аскар билан қўллари кишанланған раис бува ўтиради. Буни кўриб чидолмадим, уввос солиб отам томон югурдим. Кўзим ёшга тўлиб кетганидан ерни кўрмай йиқилиб тушдим. Машинага чиқаётган отам жаҳл билан:

– Қани ўрнингдан тур-чи, тур, – дедилар баланд овозда қаттиқ дўқ уриб. Мен ўрнимдан туриб тезда ўзимни йиғишириб олдим ва отамга қарадим. – Қани менга хеч қачон йигламайман деб, сўз берчи, нима бўлганда ҳам сен ўғил боласан, агар яна бир марта кўз ёшингни тўкар экансан, мен сендан хеч қачон рози бўлмайман, – дедилар бошларини мардонавор тик кўтариб.

– Ана осмонга қара, юлдузлар гувоҳ, – дедилар кўзимга тикилиб.

Мен бошим устидаги ғиж-ғиж юлдузларга қараб:

– Сўз бераман, бундан буён ҳечам йигламайман, – дедим хириллаган овозда.

– Ана шундай бўлсин, ўғлим, – дедилар хиёлгина жилмайиб.

Бувим бўлса Игорь амакининг ёнига бориб олиб:

– Игорь болажоним, Худо хайрингизни берсин. Отаси мардикорликда ҳалок бўлди. Биттаю-битта кў-

зимнинг оқу қораси тер тўкиб, ҳалол меҳнат қилса-ю, сен олиб кетасан. Ўғлим меҳнаткаш, заҳматкаш, аклли бола, қандай қилиб ҳалқ душмани бўлади?! – деб ялиниб йиғлардилар.

Игорь амаки:

– По-русски говорите, я вас не понимаю, ваш сын очень дерзкий, – деди Игорь амаки. Бувим Игорь амакининг нима деганларини ҳеч ҳам тушунмадилар-ку, аммо билдиларки, улар энди отамни қўйиб юборишмайди. Бувим оқиб турган кўзёшларини юзларидан қўллари билан сидириб ташладилар ва қоматларини қўтардилар.

Умидини узган бувим нимчаларининг чўнтағидан дастрўмолларини олиб, қўлларида баланд қўтариб уларга қаратса йиги аралаш:

– Менинг отам рус бўлмаса, сенинг тилингни қайдан билай?! Вой-дода-вой-до-да, дастингдан дод-а.

Онам ҳам рус миллатига хос бўлмаса, мен нетайин, дод-вой-я-дод-вой-я-вой-до-да, – деб юракни эзадиган оҳангда аста қадам ташлаб машинага яқинлашдилар.

Машинада ўтирган раис буванинг юзлари кўз ёшидан ой шуъласида ялтиради. Машина жўнаб кетди. Менинг ичимга худди олов тушгандек машина кетидан чопиб борардим.

Чангда қолиб кетсам ҳам машина ортидан югураверардим, чунки сойдан ўтиш учун машина секинлашини билардим. Машина секинлашгач, жон-жаҳдим билан машинага ёпишдим ва отамга қўлимни узатдим. Аммо отам менга қўлларини узатмадилар. Менга мунгли боқиб турдилар.

– Ота, отажон мен сизни жуда ҳам яхши қўраман, – дедим ҳансираб.

- Сенга анча гапларим бор эди, ўғлим, афсус ул-гурмадим. – дедилар, машина тошлар орасидан секин ўтарқан.
- Отажон мен ҳаммасини биламан, сизларнинг гуноҳингиз йўқ.
- Ўғлим, уйдагиларни сенга, сени Худога топширдим. Онангни эҳтиёт қил, – дейишлари билан машина шунақа тез юриб кетдики, сараган сувдан уст-бошим жикка хўл бўлди.

Машина узоклашган сари сув ичидা, харсанг тош устида туриб ичимдаги чўғ энди катта гулхан бўлиб ёнаётганини сездим. “Йўқ, йўқ, отажон, факат кетманг”, дердим ўзимга-ўзим. Совуқ ҳаводан кўксимни тўлдириб нафас олсан ҳам ичим керосин қуйгандек баттар ёнарди. Чидолмадим, кўйлагимни ечиб, сувда хўллаб олиб, юрагимнинг устига қўйдим, муздай сув баданимга ёкқандек бўлди. Охири сув ичига ўзимни ташлаб, чалқанчасига осмонга қараб ётиб, “Йўқ менинг отам ҳеч қачон ҳалқ душмани бўлмаган” дердим ўз-ўзимга.

Осмон тўла юлдузлар, улар ёнида ой ҳам сузиб юрибди. Юлдузлар билан гаплашмоқчи эдим. Улар мендан олдин гап бошлаб қолди: “Сен ётавер, отанг кетаётган машина довондан ошди, отанг қачон келишини сўрамадинг-ку?” Ўрнимдан сакраб туриб кетдим. Баданим қип-қизариб, шишиб кетган бўлса ҳам, ҳеч нарсани сезмасдим.

Отам кетган томон бор кучим билан югуриб борардим. Энди ҳеч нарсадан: на бўридан, на бувим айтган айик олдимдан чиқиб қолишидан қўрқмас, у билан тенгма-тeng олишишга ҳам тайёр эдим. Қолаверса, ўша қирқ қизлардан ҳам, уларнинг гулханидан ҳам

күркмасдим. Ҳаммага кучим етади, керак бўлса ҳамма билан ҳамма билан, ҳатто дарё билан ҳам олишман, фақат мени отамни қўйиб юборишса бас, уларда ҳеч қандай айб йўқ дердим такрор ва такрор ичимда. Бошимдаги ўйлар билан тепаликка қандай чиқиб олганимни билмай қолибман.

Ой шуъласида ҳам дараҳтлар ва арчазорлар орасидан кесиб чиқадиган калта йўлни тополмай шошиб қолдим. Бирданига баландликда мана-ман деб тебраниб турган чинорга қўзим тушди ва ўша томонга югуриб бордим. Атроф ой шуъласидан ёруғ бўлса-да, катта чинор тагининг қоронги эди. Мен чинорнинг баланд шохига чирмасиб чиқиб, узундан-узун туташиб кетган йўлни кузата бошладим. Дараҳт устидан йўл яққол кўринарди, эсаётган совуқ шамол менга хуш ёкарди. Нихоят, бурилишдан чиқиб кетаётган машинанинг чироғи кўринди. Юрагим уриб додлаб юбордим:

– Ота, отажон, мана мен, кўряпсизми? – деб қўлимни баланд кўтариб, шоҳ билан бирга тебрана бошладим.

– Ота-отажон қачон келасиз? – деб овозим борича тинмай қичкирдим. Отамдан ҳеч ҳам садо чиқмасди.

Аллақандай овозлар эшитила бошланди. Бу кирк кизлар мени алдаб чақираётган бўлса керак, деган ўй хаёлимдан ўтди. Мен келаётган овозларга аҳамият ҳам бермай, машинани кузатишни давом этардим. Юриб кетаётган машина эса йўлида давом этиб, мендан узоқлашгани сари юрагим қинидан чиқиб кетаётганга ўхшарди: о-та-жо-ним-о-та қачон келасиз жавоб беринг, илтимос.

Шамол кучайиб дараҳт шохлари у ёқдан бу ёққа эгила бошлади. Қўлим билан шоҳни маҳкам ушлаб туриб,

бошимдаги ушалмас орзуларим билан машинадан күзимни узолмасдим. Бир пайт Мир-хосил-бой-й бо-лам, каёк-да-сан? – деган овоз борган сари якинроқ эшитила бошланди. Беихтиёр орқамга, яъни келган йўлга қардим. Олдинда бир одам, унинг ортидан оппок соchlари тўзиб кетган аёл. Танидим, у бувим эди. Улар рўмолларини кўлларида ушлаб олиб, мени қайта-қайта чақириб югуриб келишарди. Бувимни кўрдиму кўз олдим корогилашиб кетди. Бечора бувижоним урушда бувамни йўқотганлари стмагандек, энди яккаю ёлғиз ёдгорларини халқ душмани деб олиб кетса, ким чидайди бундай хўрликка? Мехнатда суяги қотган оддий бир кишлок аёлига шунча жабрми? Фарёд солгим келарди.

– Буви-жон, бу-ви-жоним, мен шу ердаман, фақат кўрқманг, кўрқманг, – дедим, бирданига кўтарилиган шамолдан йикилиб тушмаслик учун дараҳт шохини кучиб. Яна бир марта отам кетган йўлга назар ташладим. Ҳеч ким кўринмасди. Юрагим тиф билан кесгандай зиркираб кетиб, кўлим дағ-дағ титрарди, нима бўлаётганини тушунмай қолгандим.

Бирданига ҳавонинг авзойи бузилиб, шамол тўдатуда булутларни тепамга судраб келди, булутлар орасидан бир кўриниб, бир кўринмаётган оймомага қардим:

– Оймоможон, менинг сендан биргина ўтинчим отамни тезроқ уйга қайтар, мен уларсиз яшолмайман, – дедим.

Кучли бўрон бошланиб, дараҳт шохи ерга эгилиб турарди. Мен ўзимни сезмай қолдим шу онда. Худди ичимга ҳаво кириб осмонга учириб кетгандай бўлдим, “Ота-жон, о-та о-та-жоним, меҳрибоним”, – дердим нукул.

Кўзимни очганимда ҳамма тепамда парвона, бувим, онам, синглим ва қишлоғимиздаги онда-сонда пайдо бўлиб қоладиган биттагина фельдшер ўтиришарди. “Худога шукр, ҳаммаси туш экан”, деб энди ўйлаган ҳам эдимми, бувимни титроқ лабларидан бу тушмас эканлигини тушундим.

– Ҳа, шоввоз, яхшимисан? – деб қолдилар Жонталпос дўхтир амаки.

– Яхши, – дедим онамга қараб. Онам эса “Болажоним, болам” деб кўзларидан тинмай ёш оқарди.

Бувим овоз чиқармай ичларида йиғлардилар-ку, лекин иложи борича билдирамасликка ҳаракат қилиб, ўзларини кўлга олиб ярим кулиб турадилар:

– Болам, кўзингни очдингми, шунисигаям шукр.
– Ҳа, бувижон яхшиман – дедим.
– Дараҳтда нима бор эди, Йикилиб тушдинг-ку, болам, – дедилар ним табассум билан яна соchlаримни силаб.

Яна нимадир сўрамокчи эдим, баданим қизишидан ўзимни лоҳас ҳис қилиб ва кўзимни юмиб олдим. Оғизимга қанакадир суюқлик қуишиди.

Уч кун деганда ўзимга келиб, эрталаб анча тетик уйғондим, кўл-оёғимни сеза бошладим. Бувим ёнгинамда ибодат қилиб ўтирадилар. Анча тузалиб қолган бўлсам ҳам кўнглим ғаш, ичимнинг қаериладир нимадир туғиб ташланган эди. Бувим узок дуо қилиб, намозларини тугатиб мамнун ҳолда менга қарадилар. Мен салом бердим. Улар алик олиб:

– Вой болам, паҳлавоним, Алпомишим, илоҳо яхши бўлганинг рост бўлсин! – дедилар суюниб.
– Мен яхшиман бувижон, – деб ўрнимдан турмокчи бўлдим.

– Йўқ, йўқ ҳали турмагин, – дедилар-да, печка устида тайёрлаб қўйилган малҳамдан ичириб яна ётқизиб, кўрпа билан ўраб қўйдилар.

Бувим ойнага тикилганча ташқарида ёғаётган кор аралаш ёмғирга караб нималардир деб пи chirlab-pichirlab қўярдилар. Сезиб турардим, иchlарида нимадард борлигини билардим.

– Бувижон нимани ўйлајapsiz, – дедим ётган жойимда.

Бувим дарров ўзларини ўнглаб:

– Ҳа болам, нимани ўйлардим, сенинг тузалиб кетишингни-да, болам, – дедилар пешонамни силаб.

– Тузукманку буви, сиз ҳам кўп хафа бўлавермангда унда, – дедим уларга тикилиб.

– Нега хафа бўларканман, Худо сени қайтариб бердику, хурсандман, – дедилар ярим қулимсираб. – Сен ётатур, мен онангдан бир хабар олиб, кейин сигирга ҳашак солиб келаман, – деб нимчаларини энларига илиб ўринларидан туриб кетдилар.

– Бувижон, мен ўзим қиласман, – дедим шошиб.

– Сен аввал қувватланиб ол, ана ундан кейин ўзинг ҳаммасини қиласверасан, – деб эшиқдан чиқдилар.

Сал ўтмай хонамга Жамила кириб келди. Синглим бўлган воқеани, дарахтдан йиқилиб тушганим, ҳушимни йўқотганим, кечаси раис буванинг ўғли Ислом ака мени қўтариб келганини айтиб берди. Кунлар ўтиб, мен эса оппок корлар ёкқанда ўзимга келиб, кўчага чиқа бошладим.

Отамдан ҳали ҳам дарак йўқ, бувим билан кечалиари узоқ сухбатлашиб ётамиз. Бувим менга кўп насиҳат қилиб, энди мен катта бола бўлиб қолганимни, отамнинг йўқликларини синглимга, онамга билдириласлигим кераклигини ўргатдилар.

Киш кунларининг бирида кун бўйи кор кураб чарчаганимдан эрталабгача котиб ухлабман. Кўзимни очсам, ёнимда бувим ўрнида Жамила ётарди. Ўрнимдан ховликиб туриб, онамларнинг хоналарига ўтдим, у ердан чақалокнинг овози эшитилди. Хурсанд бўлиб хонамга қайтдим, синглимни уйғотиб суюнчи сўрадим. Жамила уйқусираб, “Алдаяпсиз”, деди.

– Нега алдайман, ишонмасанг бориб кўргин, – дедим қувончим ичимга сиғмай.

Синглим ҳам шошиб онамнинг хоналарига чопиб кетди. Мен хонада бир ўзим кўрпага ўранганча ўйга толдим. “Ота-отажон, қаердасиз, суюнчи беринг укали бўлдик, ахир” дегим келарди бакириб.

Оппок деворга осиғлик соатга қараб туриб 100 гача чиқ-чиқини санадим. Сўнг, “Қизик яна неча марта чиқиллаганини санасам, отам кириб келаркинлар-а!” деб ўйладим. Хаёлан соат билан ҳам гаплашдим.

– Ахир сен ҳам отамни кўргансан-ку, – дедим девордаги соатга қараб.

У:

– Ҳа, кўрганман – деди чиқиллаб. Мени тўхтаб қолмаслигим учун занжиirimни оҳиста ўз вақтида ушлаб тортиб кўярдилар, – деди соат.

– Ҳа тўғри занжирдан ушлардилар, эсимга тушди, – дедим соатға.

Ўрнимдан туриб соатни девордан олмоқчи бўлдим. Бўйим етмади. Тахмондан учта ёстикни олиб, соатнинг тагига тахлаб устига чиқиб, занжирини ушладим. Юрагим алланечук бўлиб кетди. Дадам бу соатни Москвадан келган, деганларини эсладим. Бувимдан бу ҳакида сўраганимда, улар йиғламсираб, московчи бой отаси олиб келганини айтганлар.

Занжирдан ушлаб, уни хидлаб кўрдим: отамнинг хидларини сезмадим. Қайтиб унга тикилдим. Соат менга тахмонни ишора килиб, “Ана кийган чопонида бор, занжирда одамнинг хиди қолмайди-ку” деди.

– Э, ха тўғри – деб, тезда бориб тахмон устидаги пардани очиб отамни, чопонини олдим.

– Отажон, – деб чопонни олиб хидлаб кўрдим. Ҳа хидлари бор эди. Қучоклаб тўйиб-тўйиб хидлаб турсам нохос эшик очилиб, бувим кириб қолсалар бўладими? Улар мени кўрдилару жойларида лом-мим демай қотиб туриб қолдилар. Шунда билдим, бувижоним ҳам отамни роса соғиниб кетгандарини. Йиғлагилари келса ҳам ўзларини тутиб турдилар. Буни бувимнинг лабларини титрашидан сезиб қоламан ҳар сафар.

– Қани чопонни менга берчи, нима бор экан бу чопонда, – дедилар ўзларини билмаганга олиб – Қани тур, бу нимаси ҳаммаёқни ёйиб ташлабсан. Ундан кўра, бор онангни ёнига, укали бўлдинг, ахир. Жамила аллақачон кўтариб ўтирибди, – деди урушгандай. Ёлғиз қолгилари келаётганини сездим.

Индамай онамни олдиларига чиқиб кетдим. Онамни қучоклаб ўпдим. Онам ҳам мени эркалаб, бағрига босиб:

– Болагинам, мени ишонганим суянганим сенсан – деди ва ҳар доимгидек кўзёшларини оқизиб.

– Онажон, йиғламанг, ҳали ҳаммаси яхши бўлади. Ўйда чақалоқ туғилиши яхшиликнинг аломати, дейдилар-ку бувим. Онажон! Мана кўрасиз, якинда отам эшикдан кириб келадилар! – дедим онамни юпатиб.

– Айтганинг келсин болам, – деди кўзёшларини рўмолларининг учига артиб.

Бизлар аста-секин онамнинг йиғлашларига ҳам ўрганиб қолгандик. Ўйда фактат мен билан бувим йиғламай-

миз. Онам билан синглим ҳар куни бир йиғлаб олиш маса, күнгиллари жойга тушмайдиган бўлиб қолишган.

Жамила кучоклаб ўтирган чақалокни бир пас кузатиб турдимда:

- Менга бер, – дедим синглимга.
- Йўқ йиқитиб юборасиз, – деди, бергиси келмай.
- Оббо, сенга ўхшаган лапашанг эмасман, – дедим жаҳлим чикиб.

Онам ётган жойларидан секин туриб ўтирдида:

- Бера қол қизим, – дедилар мулойимлик билан.

Мен чақалокни қўлимга олгандим, онам “Ўтир, ўтириб ол”, деди тушириб юборишимдан хавотирланиб. Аста онамни якинроқ бориб ўтирдим. Чакалокчани ўпомоқчи бўлгандим, ундан шунаканги бир ифор таралардики, хидлаб тўймасдим. Бир зумга олиб ўтиришимга ҳам сабр қилмаган синглим “Беринг-беринг” деб хархаша қила бошлади.

Шунда онам:

- Бўлди, тегманлар, бувинг келсалар уришадилар,
- деди хавотирланиб.

Бувим нариги хонада қолганлари эсимга тушиб, олдиларига кирдим. Бувим деворга суяниб отамнинг чопонларини бағрига босганча ўтирарди. Бувим ҳатто менинг кирганимни сезмадилар. Фурсатдан фойдаланиб роса тўйиб йиғлабди, шекилли.

- Буви, бувижон, – дедим якинроқ келиб.
- Ҳа, болам, нима бўлди? – деди ўзини тезда ўнглаб.
- Буви йиғлабсиз-а, – дедим ёнига ўтириб.

Бувим “Йўқ болам, нега йиғлайман, аксинча хурсанд бўляпман. Ўйимизга янги меҳмон келди. Илоҳо ортидан отаси ҳам кириб келсин”, деб омин қилди. Бувим билан узок сухбатлашиб ўтиридик.

Соғинч

Орадан вакт ўтиб шу йили отамни кута-кута баҳор ҳам кириб келди. Ҳовлимизда дарахтлар гуллаб, дилларга сурур бағышлади. Кечки пайтлари айвонда овқатланиб ўтирасак, хәёлимга худди отамнинг этиклари товуши келгандай, ўзи ҳам ҳозир келадигандай. Далада ишлар ҳам бошланиб, Йўлчи амакини отамнинг ўринларига бригадир қилиб тайинлашганини эшишиб, алланечук бўлиб кетдим. Бу гапни бувимга Саври холани кўргани борганларида кимдир айтибди. Раиснинг ўрнига ҳам нариги қишлоқда турадиган Жўрахон амакини тайинлашганмиш.

Дардим ичимда. Бу хабарни эшишиб, айвонда чой ичиб ўтирган жойимдан туриб кетдим. Алам қиласарди, “Озгина ҳам кутишмабди-да” деб ўйладим. Бувимга сездирмаслик учун қўлимга иккита челакни олиб, сойга сув олиб келиш учун тушиб кетдим. Бу йил корқалин ёғгани учун дарё суви кўпайиб, шунақа пишқириб оқардики, яқинлашган сари қулоғингиз битиб қолай дерди. Челагимни бир четга қўйиб, баландликдан тошларга отилиб тушиб, сўнг яна осмонга сачраётган сувни томоша кила туриб, қулоғимни қўлим билан бир очиб, бир ёпардим. Юрагимни безовта қилаётган дардан қутулиш учун бор кучим билан овозимни баралла қўйиб, дарёга қараб бақирдим: “Дарёжон, эй азим дарёжон, сен неча-неча одамларни кўрасан, отамни кўрсанг айтгин тезрок келсинлар”, – дедим. Ичимни тўкиб дарё билан анча гаплашдим. У бўлса гапларимни эшигиси келмай пишқираверарди. Челагимга сув тўлдириб уйга қайтсам, бувим пешвоз чикиб: “Келдингми болам, қолиб кетганингдан хавотир олдим. Бу

йили сув роса кўпайиб кетган, эҳтиёт бўлгинда болам. Майли энди кириб дарсингни қилақол, эртага мактабга борасан”, – дедилар сувни қўлимдан олиб.

Бу орада мактабга ҳар куни бормасам ҳам хафтада 2-3 марта бориб турадиган бўлдим. Синф раҳбаримиз ажойиб кишида, менинг аҳволимни тўғри тушуниб, ҳеч уришмайдилар. “Фақат ўкишдан кўп қолиб кетмагин”, – дейдилар, холос.

Менга колса-ку, аслида мактабдан қолгим келмасди. Иложим йўқ, далага ишга чикмасам, уй ишларига қарашмасам, ойим билан бувим қийналиб қолишарди-да. Дарсларимни тайёрлашга ҳам вакт топаман. Хуллас, тиним билмайман, отамнинг ўрнига мен оиласизни боқишим керак. Бувим шундай деган.

Кунлар ўтиб ҳаммасига секин-секин кўнишиб қолгандим. Мактабда болалар орқамдан “Халқ душманинг ўғли” деб пичирлашганига ҳам ҳам парво қилмайман. Биринчи кунлари тушкунликка тушиб кетиб ўзимни қўйишга жой тополмасдим. Секин-секин бувимнинг насиҳатлари билан ўзимни қўлга олдим. Менинг тушгунликка тушиб қолишумга ҳаққим йўқ деб ўйладиган бўлдим, чунки отамга кетаётгандаридан ваъда берганман, қолаверса отам “Иродали бўл!”, деганлар, Йўлчи амаки Бойчибор отимни миниб, ёнимдан ўтиб кетсалар ҳам парво қилмайдиган бўлиб қолгандим. “Майли, нима бўлса ҳам эсон-омон келсалар бўлгани, ўшанда гапирганларнинг ўзи уялиб қолишиди” – деб ўйлардим.

Бугдой ўрими бошланиб, мен ҳам одамларга қўшилиб ҳашарга чиқдим. Иккита ўртоғим билан катта йўл яқинидан қаторлашиб ишга киришдик. Албатта, бу ишларнинг ҳаммаси менга отамни эслатарди.

Агар ўтган кунларни эслайдиган бўлсам, жинни бўлиш хеч гап эмас. Энг яхиси ўйламаслик эканлигини англаб етганман. Кечагина ўйнаб-кулиб, баҳтили болалик гаштини сураётган булсам, бугун эса бошимни буғдой бошоғидан кўтармай ишлардим. Мехнат ҳамма нарсага даво, мана 3 кундан бери тер тўқяпман. Ўртогим “Бўлди бироз ўтирайлик”, деди. Чарчаганга ўхшадим. Бироз дам олиш учун ишимни тўхтатиб, атрофга назар солдим. Отам ўтирган шийпон, иккаламиз. ишдан кейин тепаликка чиқиб кун ботишини кузатганимиз, узок сухбатлашганимиз ҳамма ҳаммаси ҳозиргидай эсимда, лекин нима қиласай, иложим йўқ ўйласам, ичим эзилиб кетарди. Устига-устак одамлар ҳам худди ўчакишгандек мендан отамни сўраб-суриштиришар, “Янгилик борми?” деб қўйишарди.

Мен иложи борича билмаганга олиб, булар ҳақида ўйламасликка ҳаракат қиласдим. Шундай кунларнинг бирида Йўлчи амаки Бойчибор отимни йўргалатиб, қок пешин пайтида пайдо бўлди. Мен доим Йўлчи амакининг қўзидан нарироқ юришга ҳаракат қиласман. Улар ҳам мени кўрса хеч бўлмаганда бир кесатиб, устимдан кулиб узиб олмасалар қўймайдилар. Мана бугун ҳам ҳаммага бақир-чақир қилиб, ўзларини кўрсатяпдилар.

– Тезроқ ҳаракат қилинглар, намунча имиллайсизлар, бунакада бор ҳосилни ҳам чумчуклар еб кетади-ку, – деб дағ-даға қилдилар от устидан.

Мени одамлар ичидан пайқаб қолмасликлари учун бошимни асло кўтармасдан ишлардим, шу пайт янги раис ҳам совхознинг каттакон тулпорини миниб келиб қолдилар. Буғдой шохига ёпишиб, пақкос тушираётган чумчукларни от кўйиб ҳайдадилар.

Янги раис от устидан тушмай Йўлчи амаки билан ниманидир гаплашишди. Мен кўз қирим билан Бойчиборимга қарадим, бечора терлаб кетибди-я. Отдан тушишса бўлади-ку, деб ўйладим. Улар ниманидир келишолмай, охири отдан тушиб, отларни дарахтга боғлаб, ўзлари ўрик соясига ўтиб, сухбатни давом эттиришди. Мен яна аста отимга қарадим, от тинмай ер депсинарди. Билдим, бечора Бойчиборим чанқаб кетган. Йўлчи амакининг парвосига ҳам келмайди, ҳеч бўлмаса, отнинг тизгинини тушириб кўйса бўлади-ку, – дедим ўз-ўзимга жахлим чиқиб. Бошимни эгиб яна ишимни давом эттиридим, бироз вакт ўтар-ўтмас беихтиёр яна раис билан Йўлчи амаки ўтирган жойга қарадим. Секин бориб отни олиб сувлантириб келсаммикин, ўйладим. Оралари жуда яқин, борсам, мени кўриб Йўлчи амаки яна “ноёб” гапларидан гапириб, юрагимга тифсанчийди. Лекин отимга ачиняпман, бечора отим.

Таътилга чиқмасдан олдин мактабдан келаётганимда йўлда Йўлчи амакини учратиб қолдим. Ўшандা “Халқ душманининг болаларини мактабдан ҳайдамай ўқитаётган совет давлатига раҳмат”, деганди кесатиб. Бу гаплари кўнглимга жуда оғир ботди, лекин ҳеч кимга айтмадим, ҳатто бувимга ҳам айтиб, кўнгилларини ғаш қилгим келмади. Майли нима деса-десин, бувим айтганларидек, ҳақиқат эгилади, букилади, лекин ҳеч қачон синмайди. Мен энди сув келса, симираман, тош келса, кемираман, лекин бир куни ҳақиқатни қарор топтираман, деб ўйлаб тез-тез буғдойни ўриб одамлардан анча олдинга ўтиб кетибман. Хаёлимни яна отнинг кишинаши бузди.

Бойчиборнинг тоқати-тоқ бўлган. У энди сувсизликка чидолмай ўзини ҳар тарафга тортиб охири бо-

шини бир силкитди-да, тизгинини тушуриб юбориб, орқа олдига қарамай, ариқ томонга чопди. Ҳамма ишчилар ишини ташлаб, отни олдидан қайтаришга киришиб кетди. Бойчиборнинг бундан баттар жаҳли чиқиб, буғдойзор ўртасидан кесиб ўтмокчи бўлди. Ҳашарчилар отни ўраб олишди. Йўлчи амаки бориб, отни ушламоқчи бўлди. От икки оёқлаб туриб, бир кишинади-ю, ер тепиб одамлар орасидан чиқиб қочиб кетди.

Мен бўлсам бир четда томоша қилишдан бошкасига ярамай турардим. Чунки ҳозир, “Отни ўз ҳолига қўйинглар”, десам, тамом Йўлчи амаки буни сен атайин қилгансан деб туриб олиши ҳам мумкин. Шунинг учун индамай туравердим, улар отни роса қувлашди. У буғдойзор ичиде кочиб, буғдойни анча-мунча ерини босиб ташлади. Жаҳли чиқиб кетган Йўлчи амаки раисга қараб:

– Бунақа отни сўйиб, гўштга топшириб юбориш кепрак, – деса бўладими. Бу гапдан турган жойимдан чопиб кетганимни билмай қолдим.

– Йўқ, й-ў-қ, й-ў-қ, Бой-чи-бо-рим, кел ўзимга, мана мен, – деб икки қўлимни баланд кўтариб от томон чопдим. – Бойчиборим, ёввош ундей қилмагин, кел, бу ёққа! – деб тинмай такрорлардим.

Оти мени овозимни эшитиб, таққа тўхтади. Мен отимдан бунчалик кароматни ҳеч ҳам кутмаганидим, ҳаяжонланиб кетдим. Ундан-да тезроқ чопдим, отга этишга озгина қолганида нимагадир қоқилиб, юзим билан чунонам йиқилдимки, бир зум ўзимни йўқотгандек жойимдан қимирлаётмай қолдим. Оёғимни тиғ кесгандай оғрирди. Ерда тескари чўзилиб ётганимча ўзимни ўнглолмай ётардим. Шу пайт, орадан бироз вақт ўтиб ёки ўтмай кимдир орқа бошимга қўлини қўй-

гандай бўлди. Билмадим, бирор ишчилардир, ичимдан ўтди. Бир хуркиб қўйишидан кўзим катта-катта очилиб кетди, билдим, бу менинг Бойчиборим эди. Ётган жойимда зўрга ағдарилдим, отимнинг бошини икки қўллаб қучоклаб олдим, бизлар сўрашдик. У ҳам менинг бoshимдан оёғимгача ҳидлаб чиқди. Мен унинг бўйнига осилиб ўрнимдан турдим, худди оғриқ кочиб кетгандай эди.

– Ўзимнинг Бойчиборим, ақллигинам, меҳрибоним, – деб эркаладим. – Сени қийнаб қўйишдими? Юр, ҳозир сени ариққа олиб бораман, тўйиб сув ичиб оласан, – дедим.

Оғриётган оёғимни судраб, чап оёғимни зўрга босардим. Кўзимга оёғимни оғриши ҳам қўринмасди. Хаёлимни ҳаммаси олдимда турган Бойчиборимда. Ҳамма лол қолганча бизни кузатарди. Аёллар эса “Вой тавба эгасини таниди-я,” деб ёқасини ушлаб туфлаб-туфлаб қўяр, лекин ҳеч ким бизнинг олдимизга яқинлашишга ботинолмасди. Негаки отни яна қочиб кетишидан қўрқишарди.

Аста оёғимни судраб Бойчиборимга мингашиб олдим-у, караб турганларга қўлимни кўтариб, “Чўллаб кетибди, ҳозир келамиз” дедим ва катта ариқ томон чопиб кетдик. Отимни ариқда яхшилаб ювинтириб туриб, унга ичимдагиларни тўкиб солдим.

Бойчиборим ҳам худди мени тушунаётганга ўхшаб, миқ этмасдан турарди. Фақат гапириб-гапириб ўтириб, оёғини юваётганимда бўйнини чўзиб елкаларимни ҳидлаб қўярди, гўёки “Хафа бўлмагин” деб менга тасалли бераётганга ўхшарди.

Отимни яхшилаб ювинтиридим, шунда билдимки, бечора Бойчиборим фақатгина чўллаб қолиш уёқда

турсын, күпинча оч ҳам қоларкан, ковурғаларини сана-са бўладиган ҳолатга келиби.

Мен у билан гаплашиб, “Бошқа бунаقا қилмагин тушундингми”, – дедим кўзига тикилиб.

– Бизларнинг бу қора йўлларимиз, агарда аста-секин юрсак, албатта, ёруғ йўлга чиқамиз, лекин сенга ўхшаб бесабрлик қилсак, шикаст етиши аниқ, шуни унутмагин, – дедим унинг устидан сувини тозалаб туриб.

– Бу бувимнинг гаплари, мени ўзимдан тўкияпти деб ўйлама. Биласанми, уларнинг кўп айтган гаплари тўғри келади, мен ишонаман, сен ҳам ишон, – дедим яна такрорлаб.

Бизлар ўйнадик, гаплашдик, биргалашиб чўмилдик, сўнг ортимизга қайтдик. Отим устида келарканман, у айтган гапларимни тушунгандай, ҳозирги шўхликла-ридан асар ҳам қолмагандай, оғир-босиқ бўлиб қолган-га ўхшарди хаёлимда.

Йўлчи амаки ҳам шийпонда бизни кутиб турарди ичимда “Нима деса дер” деб ўйладим. Мени кўрган раис бува шошиб ўрнидан турди. Отдан тушиб яқин-роқ бориб салом бердим, мени ўзига тортиб:

– Яша, ўғлим, бор экансан-ку, қўлни ташла, – деб қўлимини сиқиб бағрига босиб қўйди сўрашгандай қилиб.

Мен янги раис бувадан бундай манзиратни ҳеч ҳам кутмагандим. Ичим ёришиб кетиб, хаёлимда: “Яхши одам экан-ку, мен бўлсан бўлмағур гапларни ўйлаб юрибман. Отамни бошқалар олиб кетган бўлса, бу ки-шида нима айб?” – деб ўйладим турган жойимда. Се-кин Йўлчи амакига разм солдим. Улар раиснинг олди-да ўлганинг кунидан захарханда қилиб, ноилож ку-либ қўйди.

Раис бува эса менга бироз хомуш қараб туриб, тұхтаб тур дегандек имо қилиб, чүнтакларини кавлаб-кавлаб охири конфет топиб узатдилар. “Йүк-йүк” десам ҳам қўймадилар, “Олақол” деб. Аслида хурсанд бўлиб кетдим, “Рахмат, раҳмат” деб конфетни қўлимга маҳкам ушлаб буғдойпоя томон кетдим. Шоша-пиша конфетни очиб, оғзимга солиб олдим.

Ўша куни Йўлчи амакининг аламлари ичида колдида. Энди олдидан чиқиб қолишдан қўркиб кўзига камрок кўринишга ҳаракат қиласдим. Агар қўлига тушиб қолсам борми, нақд ғажиб ташлашларини сезардим. Билмадим, бу одам нега бизнинг оиласизни ёқтирамайди? Тўғрисини айтганда, бувим ва биз ҳам уни хуш кўрмаймиз. Бир куни бувимдан “Нимага Йўлчи амакини ёмон кўрасиз?” деганимда, “Ёмон кўрмайман, факат феълини ёқтирамайман. Биринчидан, дарё бўйига чиқинди ташлаганини, иккинчидан, кийик овлаб келишини, бу яхшиликка олиб келмайди. Ҳамма нарсанинг ўз вақти-соати бор”, дейди куйиниб.

Кунлар ойларга, ойлар эса йилларга уланиб, укам Умиджон ҳам икки ёшдан ошди. Ҳамон на отамдан, на раисдан дарак йўқ эди. Укамни кўрганимизда ҳамманинг юзига табассум югуради. Олдинлари дастурхон бошида ўтирасак, отам ўтирган жой бўш турганини кўриб юрагимиз эзиларди. Энди Умиджон отамнинг ўрнида чордона қуриб нималарнидир гапириб, бизга эрмак бўларди. Гарчи юзим кулиб турса ҳам юрагим тубидаги соғинч мени тинч қўймасди. “Отажон, қачон келаркинсиз, укамни қачон кўраркинсиз? – деб ўйлаб-ўйлаб ўйимга етмасдим ва яна, “Майли нима бўлса ҳам сабр билан биз сизни кутиб яшаймиз”, - дердим ўз-ўзимга.

Рўзғоримиз кундан-кунга оғирлашиб борар, устига пешонамиздаги бир дона сигиримизни ҳам шаҳардан келган солиқчилар пул ўрнига олиб кетиши. Ҳаммадан ҳам сут ичадиган Умиджон укамга қийин бўлиб қолди.

Биз ойим билан иккаламиз далага ишлагани чикализ, бувим, синглим ва укам уйда қолишади. Хуллас, бир амаллаб кун кўриб яшаб турибмиз. Бир куни даладан уйга қайтсак, ўқитувчим келиб кетибди, “Мирхосилбой ўқишига чиқсин, боши бутун, ўқиши керак”, дебди тайинлаб. Эртасига мактабга қатнай бошладим. Ҳеч ким мен билан дўстлашмаганигами ёки ҳар хил гапларни гапириб устимдан кулишганигами, хуллас, ҳаммасининг ўқишдан олардим.

Баҳорга чикиб, яна далага ишга чиқиб кетдим. Энди мактабга камрок борадиган бўлдим. Бир куни эрталаб далага чиқмокчи бўлиб турсам, ҳаво айниб, осмон гумбурлаб, чакмоқ чақиб, жала куйиб юборди. Йўлдан қайтдим. Далага чиқмайдиган бўлдим, куним бекор ўтмасин, деб тезда мактабга шошилдим. Жаладан кейин тоққа қўзиқорин тергани бораман деб кўнглимга тугиб қўйдим. Эртасига аzonда тоғ бағрига қўзиқорин тергани чикиб кетдим. Ёмғирдан кейин тоғ ва арчазорлар чўмилиб олгандай топ-тоза, осмонга қарадим, ялтиратиб ювиб қўйган биллур идишга ўхшайди-я, кўнглимдан ўтди.

Ўйнаб-кулиб пешин бўлмасдан туриб, анча-мунча қўзиқорин терганимни сезмай қолибман. Қопни кўтариб яқинроқ деб қиялаб кетган ингичка якка йўлни танлаб, уйга қараб йўл олдим. Тепаликка етганимда кимнингдир овози эшитилди. Қопни опичлаб олган бир одам тез-тез мен томон келарди. Тўхтаб ортимга қараб

кузатиб турдим, қишлоғимииздан яна кимдир далага чиқибдида деб үйладим. У анча яқинлашгач, бошидағи бойлаб олган кора рўмолини ечгандан кейингина таниб қолдим. Йўлчи амаки эди. Ичимдан бир нарса ўтиб кетгандай бўлди, билганимда кутиб турмай ҳалигача қочиб кетардиму деб үйлаб қолдим, лекин энди кеч эди. Мени кўриб, “Ана энди қўлга тушдингми?” дегандек туради, назаримда. Ўзимни қўлга олиб салом бердим. У хириллаган овозда айёrona кулиб:

– Гар саломинг бўлмаганида икки ямлаб ютардим, – деди юзаки кулиб. Ҳазиллашгандай бўлиб бўйнимни шунака сикдиларки, оғриғидан “дод” деб юборай дедим ўзиям. Сўнг қопимга қараб, – “Вой-бу шунча тердингми, балонинг ўқисан, отангдан ҳам ўтасан”, – деди кўзлари ала-кула бўлиб.

Биз аста ёлғизоёқ йўл бўйлаб юра бошладик. Йўлнинг ингичкалигидан уларнинг ортидан юришга мажбурман. Йўлчи амаки мени шундок қўйиб юбормаса керак. Ё қўзикоринларимни олиб қўяди ёки мени боплаб савалайди, феълини биламан-да. Қочсаммикин, бу ердан қочишнинг иложи йўқ, йўл четидаги ўтлар шунақанги баланд-баланд бўлиб кетганки, қочишга йўл бермайди. Дарё бошидаги баланд тоғдан тушиб турган шаршарага яқинлашдик. Бу шовқин суроннинг баландлигидан гапирсангиз ҳам эшитиш жуда кийин. Сувнинг важоҳатидан ҳозир осма қўприкни бузиб юборадиганга ўхшарди. Дарёдан ўтишим билан қочиб қоламан, деб үйладим ичимда.

Қўприкдан ўтгач, Йўлчи амаки нимадир деб шаршара томонга бурилди. Мен ўзимни эшитмаганга олиб, қопимни орқаладиму тезда қадамимни катта-катта ташлаб, юра бошладим. Буни кўрган Йўлчи амаки:

– Ха тирранча, кочмоқчимисан? – деди ортимдан бақириб.

Мен индамай жон ҳолатда қоча бошладим. Қоп билан кочиш қийинроқ экан, бор кучимни түплаб югурдим. Құлим оғриб кетганидан қопимни ерга қўйиб, иккінчи елкамга ортиб олдим. Унгача амаки менга анча яқинлашиб қолди. Мен эса қисқа йўлни танлаб, ўтлар орасидан кесиб ўтмоқчи бўлдим. Ўтлар оралаб югуриш унданда қийин эди, шу пайт оёғим кечаги ёмғирда намланиб қолган ўтларга сирпаниб, йиқилиб тушдим, ўрнимдан туришга улгурмадим. Устимда тишларини ғижирлатиб Йўлчи амаки пайдо бўлди.

– Ха, қўлга тушдингми, шайтонвачча, – деди ҳозир ғажиб ташлайдигандай. Бўйнимдан маҳкам ушлаб, шаршарагача судраб келди. Катта тоғ устидан тушаётган сув худди музхонадан оқадигандай совук эди. Қўлга тушгандан кейин, нима қилса қилар, нега у кишидан қўрқишим керак деган фикр кўнглимдан ўтиб бироз ўзимни босиб олдим.

Йўлчи амаки мени катта гуноҳ қилиб қўйгандек оғзига келган гап билан нуқул сўкарди.

– Биз сизга нима ёмонлик қилдик, нукул сўкинасиз, нима ҳаққингиз бор қўлимни қўйиб юборинг, – дедим мен ҳам охири.

– Ҳали сен тирранчани тилинг ҳам чиқиб қолдими-а? – деб бориб қўлимни орқага қайириб, шаршарнинг муздек суви тагига бошимни тиқиб ушлаб турди. Сувнинг совуқлигидан нафасим ичимга тушиб, тарашадай қотиб қолдим. Чидолмадим, қаршилик қўрсатиб, амаллаб қўлларидан чиқиб кетдим, орқага қочдим, совуқдан дағ-дағ титрардим. Жиққа ҳўл бўлган қўйлагимни эгнимдан ечиб олдим. Йўлчи амаки

яхшигина аламларидан чикди, шекилли, мени бошқа қувламади деб ўйлаб турсам, копимдаги қўзиқоринни дарёга оқизиб юборса бўладими. Ўзи эса тинмай хохолаб куларди. Шунағанги жаҳлим чиқиб кетдики, аламимдан ўзимни сувга отиб юборишимга сал қолди. Амаки қопини кўтариб тез-тез қадам ташлаб жўнаб кетдилар. Менга эса алам қиласарди, юрак-бағрим ўт бўлиб ёнарди, ўзимни майсалар орасига ташлаб, осмонга караб ётиб олдим:

– Эй Аллоҳим, агар бор бўлсанг, нега шу амакини тилини кесиб, урган қўлларини акашак қилиб қўймайсан, токи одамларга ибрат бўлсин, – дедим аламимдан.

Охири амаллаб ўзимда бир куч топиб ўрнимдан туриб, бўм-бўш қопимни олиб яна тоғ бағрига жўнадим. Қуёш ҳам анча тиккага келиб, кун қизиб қолганди. Мен аламимданми билмайман анча-мунча юқорига чиқиб олдим, тез-тез юрганимга баданим ҳам қизиб кетди. Тепаликда қўзиқорин ва лолаларнинг кўплигидан кўзим қамашиб қолди, кайфиятим ҳам кўтарилди. Кечга яқин қопимни яна қўзиқоринларга тўлдириб, бир даста лола териб уйга қайтдим. Уйдагилар мени кўриб хурсанд бўлиб кетишли.

Шу куни мазза қилиб қўзиқорин қовуриб едик. Бувим мени хурсанд бўлиб узок дуо қилди:

– Илоҳо оғзингдан чиққан ҳар бир ниятинг амалга ошсин, болам!

Йўлчи амаки ҳақида уларга миқ этмадим.

Шу кунларда ишим жуда кўпайиб кетди. Далага чиқаман, уй ишларига қарашаман, бир соат бўлса ҳам дарс тайёрлашга аранг вакт топаман. Бу йил 5-синфга ўтиш учун имтиҳон топширамиз. Устозимнинг айтишларича, райондан комиссия келармиш. Ўйласам,

юрагим орқага тортиб кетади. Мабодо бирор саволга жавоб беролмасам, мени синфда қолдиришлари турган гап. Агар отамни билсами, халқ душманининг ўғли деб мактабдан ҳайдашлари хам мумкин деган қўрқув хам йўқ эмасди. Бахтимга устозим яхши. Отамда заррача гуноҳ йўклигини билади.

Ўша куни мактабда охирги икки соат жисмоний тарбия дарси эди. Кўчада ёмғир томчилаб турганига устозимдан жавоб сўраб уйга қайтдим. Ёмғир тезлашмай туриб, тўхтамай чопганимча уйга етиб олдим. Ҳовлига киришим билан ер чопаётган онам мени ҳаллослаб келганимни кўриб, қўлларидаги лапаткани ташлаб, дарров олдимга келдилар-да:

– Тинчликми, яна нима гап бўлди, ўғлим? – дедилар хавотирланиб.

– Ҳеч гап йўқ она, – дедим ҳайрон бўлиб.

– Нега унда бунақа чопиб келдинг, – деди тергагандай.

– Шундок ўзим, тезроқ келиб, уй ишларига қарашман деб югуриб келдимда, – дедим ҳансираф.

– Ҳа, шунақа демайсанми, – деди онам ошхона томон юриб. – Мен бу югуришингдан Йўлчи амаки топилибдими деб ўйлабман.

Бу гапни эшишиб турган жойимда сесканиб кетдим.

– Нима дедингиз, мундок тушунтириб айтинг, – дедим ҳаяжонланиб.

– Ҳа, шунақа. Йўлчи амакинг икки кундан бери йўқмиш, бугун аёллари чиқиб, йиғлаб-йиғлаб, гапириб берди, – дедилар онам шошмасдан. – Катта ўғиллари тоқقا чиқиб роса қидириб тополмай келибди.

Ўша кундан бошлаб ғалати ахволга тушиб қолдим. Бувимнинг айтишларича, у киши яна овга кетганмиш-

лар. Йўлчи амакини қишлоқдагилар бир ҳафта қидиришди. 3-4 киши бўлиб ҳатто тогнинг чўкқисига ҳам чиқиб келишди ҳам.

Қишлоқда эса дув-дув гап юради. Орадан яна икки кун ўтгач, ишдан чарчаб келиб, дастурхон бошида ёстиққа бошимни қўйиб чўзилиб олдим. Ҳар кунгидай Йўлчи амаки ёдимга келди, аммо бувимдан хайиқиб, бу сафар сўрамадим. Олдимда ўтирган бувим бошимни силаб, мени эркалатиб:

– Болам чарчаб кетибсан, бунақада силланг қуриб қолади, ҳеч тиниминг йўқ. Бўлди, эртага дамингни ол, мактабга ҳам далага ҳам борма, – дедилар.

– Йўғ-э, бувижон ўзи бор-йўғи ҳафтада икки марта мактабга борсам, бу йил имтиҳон бор, – дедим бошимни тиззаларига қўйиб олдим.

– Тура қол, болам, овқатингни еб олгин, – дедилар онам сузиб келган косадаги овқатни кўрсатиб.

Ўрнимдан туриб, энди овқатимни емоқчи эдим, кўча эшик очилиб синглим билан Умиджон чопганича кириб келишди:

– Ака, акажон, эшилдингизми Йўлчи амаки топилибди, – деди шошиб-пишиб Жамила. Бувим зарда билан, “Ҳа яхши топилган бўлса болаларига бош бўлсин” деб кўйдилар.

– Вой, буви билармидингиз, каердан топилибди, айтмайсиз ҳам.

– Шундок олдиларида экан, тоғ-тошларни қидириб юришибди бекорга. Дарё бўйидаги қамишзорда кизи кўриб қолибди. Менимча қизи ҳам дарё бўйига ахлат ташлагани чиқкан бўлса керак, – дедилар энсалари қотиб.

– Бувижон шу бир қадам жойдан уйларига чиқиш қийин эмас-ку, – деб сўрадим янада баттарроқ билгим келиб.

– Хуши ўзида бўлмаса, гапиролмаса уйини қандок топади... дедилар бу сафар ёқаларига туфлаб.

“Йўқ, йўқ бўлиши мумкин эмас!” демоқчи бўлдим, лекин зўрға ўзимни босиб:

– Буви, нималар деяпсиз? Мундоқ ўйлаб гапиринг, – деб юбордим.

Бувим мени бошдан-оёқ кузатиб туриб: “Мунча рангинг оқариб кетди. Ўзингни қўлга ол”, – дедилар мени тинчлантирумоқчи бўлиб.

– Ҳа, шунака, соқов, гапиролмайдиган бўлиб қолибди шўрлик, – деди ойим, бувимни гапларини такрорлаб. Йўлчи амаки шаршара тагида бошимни муздек сувга тиқиб турганида ҳам бунчалик совқотмаган эдим. Баданим музлаб қолди. Аҳволимни кўрган бувим:

– Сен болага ҳеч бир гап айтиб бўлмай қолди ўзи, энди шуниям ўйлаяссанми? Худонинг иши, сен билан мени қўлимиздан нима ҳам келарди?! Ол, овқатингни егин, совиб қолади, – дедилар мени урушгандай бўлиб.

Томоғимга нимадир тиқилгандек, чидолмадим, ўрнимдан туриб кетдим.

Хонамга кириб эшикни кулфлаб олдим. Катта-катта қадам ташлаб ҳаяжонланиб, хонанинг у ёғидан бу ёғига юра бошладим. Ўзимга-ўзим: “Йўқ, йўқ, мен ҳеч қачон соқов бўлиб қолсин демоқчи эмасдим. Мени кечир, Художон, гапирган гапимни қайтиб олдим”, дердим қайта-қайта. Нима килсам экан, бувимга айтсаммикин деб ҳам ўйладим. Шу куни томоғимдан ҳеч нарса ўтмай ўзимни гуноҳкордай хис қилиб ётдим.

Орадан яна кунлар ўтиб, Йўлчи амакининг катта ўғиллари шаҳар касалхонасида даволатишга олиб кетишиди. Орадан вақт ўтиб мен барибир Йўлчи амаки тузалиб қолишини Худодан сўраб юрдим. Баъзи пайт-

лари ўғилларини күчада учратиб қолсам, “Яхшимилар” деб кизиқиб сўрайман. Йўлчи амаки кузга яқин кишлокқа қайтди, анча тузалиб, кўчага чиқиб, ҳассага суюниб ўтирадиган бўлди. Аммо энди колхозда ишламасди, нафақага чиқазишибди. Амакини деярли ҳар куни кўриб тураман кўчада. Соқовча гаплашишларига қишлоқ аҳли тезда ўрганиб ҳам қолишиди. Тенгдoshлари келиб қолса, елкаларига уриб, “Ҳа ўртоқ, сени Қирқиз яхши кўриб қолишгани учун, лабингни бураб қўйишган” деб ҳазил ҳам килишарди. Амаки бўлса, кизариф-бўзариф нималарнидир тушунтирумокчи бўлиб, дудукланиб қоларди, афсуски, ҳеч ким унинг гапини тушунмасди.

Йўлчи амакининг бу ҳолатига факат менинг кўнишиб жуда қийин бўлди. Ҳар сафар амакига дуч келсам, ўзимни гуноҳкор ҳис қиласдим. “Эй, фалак, бу қандай сир эканки, соппа-соғ одам қамишзор ичига кириб, соқов бўлиб, лаблари қийшайиб қолса?”. Наҳотки бувимнинг айтганлари рост бўлса?! “Сувни булғаб бўлмайди, ҳар бир жойнинг ўз одамлари бўлади, жаҳлини чиқаришса, жазолайди”, деганлари хаёлимдан бир-бир ўтарди.

Буларни эслаб, беихтиёр “Ахир мен ҳам ойимнинг кистови билан оз бўлса ҳам ахлатни олиб чиқиб ташлаганман-ку” дердим ўзимга ўзим, ишониш, ишонмасликни билмай қийналардим ичимда. Ҳар қанча Худодан зорланиб, амакининг тузалишини сўраб турсам-да, фойдаси бўлмади. Сиқилган юрагимни ушлаб яна бувимнинг гапларини эслайман: “Жаҳл устида айтилган сўз – отилган ўқ”, - дейдилар. Онам биздан жаҳллари чиқиб, “Ҳой, яшшамагур” десалар, бувим онамга танбех берардилар. Кўпинча кичкина укам Умиджон ҳар-

хаша қилиб йиғлайверса : “Нима дейсан, дунёда яшаб, орқамда колгур”, деб уришадиган бўлган эди онам. Аввалига бу урушишлари менга кулгули туйилсада, кейинчалик оддий ҳолат бўлиб қолди.

* * *

Ўша куни ҳеч эсимдан чиқмайди, кечки пайт отам билан даладан қайтдик. Овқат пайтида сездим, бувим билан онам хафалашиб қолишган. Отам ўзини билмаганга олиб, ёстиққа ёнбошлаб олдида ҳар кунгидай баланд овозда синглимни чакирдилар.

– Кизим, ҳой қизим, Жамила! Қани, менинг онаш қизим? Оёқларимни ким уқалаб қўяди энди?

Жамила кўча эшик олдида кўшни қизлар билан холакасим ўйнаб ўтиради. Онам Жамилани чақиргани кўча томон чиқдилар.

Фурсатдан фойдаланиб бувим отамнинг ёнларига ўтириб олиб, алланималар ҳақида гапириб-гапириб, кейин хоналарига кириб кетдилар. Бироз ўтмай онам Жамилани бошлаб кирди. Ёстиққа ёнбошлаган отамнинг ёнларига якин ўтириб:

– Ўлсам, ўлиб бўлдим, бу онангизнинг дастидан, айтинг, мендан нима хоҳлайдилар ўзи? – деди зарда аралаш.

– Бўлди қил! – деди отам жаҳл билан ва туриб ётоқка кириб кетди.

Мен отамга бувим нима деганларини тахминан тушунгандим. Ўша куни мен ҳам бувимдан қаттиқ хафа бўлдим. Бувим шу гапларни отамга айтишлари шартмиди? Коронғу тушиб, ётар пайти бўлганда бувим. “Жойингга кириб ёт, вақт алламаҳал бўлиб қолди”, деди. Мен эса очик айвонда бувимга жаҳл

қилиб, атайлаб ўзимни китоб ўкиётгандек қилис күрсатиб ётавердим.

– Бўлди кил, отанг ҳам, ўзинг ҳам чарчаган бўлсанг. Эртага яна азонда туриб кетасизлар, дамингни ол, – деб такрорлади тепамга келиб.

“Отам чарчаганларини билсангиз, нега бўлар-бўлмас гапларни отамга айтиб, чақмачақарлик қилдингиз?” дегим келдию, аммо ўзимни босдим. Мен уларнинг гапларни эшитмаганга олиб, индамай ётавердим. Бу ишим билан худди бувимдан ўч олаётгандек сезардим ўзимни. Бувим эса менга анча тикилиб турди-да, чироқнинг пилигини пастроқ қилиб эшикни ғирчиллатиб очиб ичкарига кириб кетдилар. Шу заҳоти қўлимдаги китобни отиб юбордим-у, бу жим-жит қоронғу кечани томоша қилиб чалқанча ётиб олдим. Кунбўйи қизиган кундан сўнг кечаси эсган бу майнин шабада одамга хуш ёқарди. Кечгача сайраб чарчаган қушлар ҳам, тиним билмай меҳнат қилган қишлоқ аҳли ҳам мазза қилиб ором олишаётганга ўхшарди. Очик айвонда милтиллаб ёниб турган шамчироққа тикилиб фақат мен уйғоқ ётардим.

Шу пайт онамнинг нималарнидир гапириб йиғланлари эшитилди. Мен секин уларнинг деразаларига якинлашиб, қулоғимни “динг” қилиб турдим. Отам, “Майли бир жойга тўплаб қўйинглар, вақтим бўлганида ўзим ташлаб келарман”, деганларини эшиттим. Онамнинг йиғи аралаш гапирганлари учун аниқ нима деганларини англолмай қолдим. Отам бир уф тортдилар-да, “Бўлди кил, шунгаям шунчаликми? Нима кил дейсан, ахир, онамни хафа қилолмайман-ку?! Мана шу уйдан бадар кетсам кутуламанми сенлардан?” деб жеркиб бердилар. Шундан сўнг онамнинг бошқа овозлари чиқмади.

Эрталаб кўзимни очганимда ҳамон отамнинг гаплари кулоғим остида жарангларди. “Бадар” деганлари нима дегани экан, ўйладим. Бувимдан сўрагим келди-ю, лекин улардан хафалигим учун сўрамадим. Отамни олиб кетишганидан кейин анча вакт ўтиб:

– Бувижон “бадар” дегани нима дегани? – деб сўраганимда:

– Қаёқдан эшилдинг бундок номаъкул сўзни? Оғзингдан чиқкан ҳар бир сўзга елкангда турган фаришталар “омин” дейди. Жаҳлинг чикиб кўнглингга ёмон сўз келганида оғзингдаги суюксиз тилингни тишлаб қўй, токи бундай бўлмағур гапни гапирмасин... – дедилар койиб.

* * *

Аразлаб бир тарафга қараб ётиб қолган эканман, елкамнинг эзилганидан уйғониб кетдим. Секин бувим томонга карадим. Аллақачон намозга туриб, таҳоратга чиқсанга ўхшади. Ўринларини йифиб, яна хаёл суришда давом этдим. Наҳотки отамни олиб кетишларига шу бир оғиз ёмон сўз сабаб бўлган бўлса-я, “Отажон, қаерда бўлсангиз, баҳтимга соғ бўлинг!” дедим пицирлаб.

Кейин яна ухлаб қолдим. Кўзимни очсам, кун ёришиб кетибди. Туриб ҳовлига чиқдим. Ҳаммаёкни ноннинг иси тутиб кетибди. Югуриб бориб, кўча арик сувига юз-қўлимни ювиб, анча тетиклашдим. Шошганимча тандирхона томон чопдим. Ишонгим келмаяпти – унимиз йўқ эди-ку. Ҳа билдим, бу бувимнинг ишлари, мени нон есин, деб топиб келган бўлишлари мумкин. Ошхонада онамнинг бир ўзи эди. Негадир бувим кўринмасдилар.

– Ойи ким билан гаплашайпсиз, – дедим.

Бувижонинг яшириб қўйган жойларидан ун олиб чиқдилар сени ўйлаб! Илоҳо, кўп яшасинлар, – деб гапни бошқа ёкка бурди.

Нонни кўлимга олиб ҳидлаб кўрдим, иштаҳам очи-либ кетганидан нафсимга чидолмай, озгина узиб оғ-зимга солдим.

Нон шунаقا ширин эдики, асти қўяверасиз.

– Онажон нега ўзингизга-ўзингиз гапириб юрибсиз, – дедим яна такрорлаб.

– Бор, бувингни чақириб чик. Мен хонага кирдим. Бувим йўқ эди.

– Онажон, бувим йўқлар, – дедим баланд овозда айвонда туриб.

– Вой, қаёқда бўлишлари мумкин? – дедилар онам ошхонадан чиқиб келиб.

Бувим ҳеч ҳам ойїмга айтмасдан бирор жойга бормасди. Қайтиб ховлини, томорқани кўриб чиқдим. Овозимни чиқариб, бақирдим. Ҳамма ёқ жимжит. Юрагим дук-дук уриб кетди. Хавотирланиб кетдим. Охири ўйлаб туриб, катта йўлга қараб чопиб кетдим. Онам ҳам орқамдан эргашдилар шошиб. Чопганимча катта йўлга тушиб дарё бўйига яқинлашдим. Бувим харсанг тош устига чиқиб олиб, отам кетган йўлга тикилганча оғзини рўмолларининг уни билан ёпиб ўтиради. Кўрдим-у бувимниң хаёлларидан нималар кечётганини билдим, юрагим вайрон бўлиб кетди. Ўзимдан ўзим нафратланиб кетдим. “Нега хафа қилдинг, Мирҳосил”, дедим ўзимни койиб:

– Буви, бувижон, мени кечиринг илтимос, – деб бақирдим бувим томон чопиб келарканман.

Бувим худди узокдан ўғиллари келаётгандек хаёллар оғушида узок-узокларга тикилиб ўтиради. “Бу-

вижон, бувижоним”, деб харсанг тош устига чиқиб, олдим.

Сесканиб тушган бувим: “Вой болажоним, нима гап?” деди хаёллари бузилиб. Мен бувимнинг юз-кўзларидан ўпид, “Мени кечиринг, бувижон, кечиринг”, дедим бағрига ўзимни ташлаб. Бувим елкаларимга уриб, бошимни силаб:

– Илоҳо, бошинг тошдан бўлсин! Болам, нега кечирим сўрайсан? Ўз боламдан хафа бўлишга ҳакқим йўқ. Тўғрисини айтинг-да! Болам, мен ҳам авлиё эмасман, хатоларим кўп, – дедилар, ҳам йиғлагандай, ҳам кулгандай бўлиб.

– Йўқ бувижон, мен нотўғри гапирдим, нотўғри, – дедим юзларига боқиб.

Бувим ярим кулиб:

– Болам, айтганларимни сен ўзинг учун билиб кўйсанг бўлгани. Онангни, мени энди қўявер. Сен ҳали кўп яшашинг керак, катта одам бўлганингда бу гапларим керак бўлади, қулогингга куйиб ол.

– Хўп бувижон, – дедим-у, лекин “Ҳаммасига ишонман-ку, аммо шу “Кирқиз”ларингизга ўлсам ҳам ишонмасам керак”, деб қўйдим ичимда.

Биз уйга қайтдик. Очик айвонда ҳаммамиз ўтириб, иссиқ нон билан мазза килиб, овқатландик. Бувим отам орқаларига қўйиб ўтирадиган ёстиқни қокиб-қокиб тўғрилаб қўйди, худди ҳозир отам келиб ўтирадигандай.

Бувимнинг бу ҳолатидан баданимда чумоли юриб кетгандек бўлди. Ҳаммага зимдан назар солиб чиқдим. Синглимга қарадим, у менга “Ака қаранг, бувимнинг қилганларини, отам келармиканлар?”, дегандек қараб қўйди. Онам бўлса ўзларини худди отам биз билан ўтиргандек тутиб, деворга суюб қўйилган ёстиққа

қараб, “Дадаси олинг!” десалар бўладими! Ҳаммамиз сесканиб кетдик. Ростдан ҳам шу қунларда онам кўзимга ғалатироқ кўриниб қолганларини бугун аниқ билдим. Синглим билан иккаламиз даҳшатга тушдик десам ҳам бўлади. Фақат бувим метинде мустаҳкам иродалари билан ўзини тутиб, шифокорга кўрсатиш керак, асаблари ҳам чарчадида, дедилар. Эртасигаёқ онамни, шаҳарга шифокор ҳузурига олиб бориб, до-ри-дармон олиб уйга қайтдик.

У иш, бу иш, қишига тайёргарчилик деб бирпас тиним йўқ, бир кун бозорга борсам, бир кун олма тери-мига чиқаман. Берилган режадан икки баробар қилиб термасам, иккита челагимни тўлдириб олма беришмайди. Бунинг ҳисобини шунчалик аниқ олгандимки, агарда икки челак тўла олма билан бозорга борсам, бо-зор-ўчарни ҳам яхшироқ қилиб келаман.

Кечки пайт уй ишларига карашаман. Қачон кеч бўлганию, қачон тонг отганини билмай қоламан баъзи кунлари. Бир куни бозордан вактлироқ қайтдим, онам ҳам, бувим ҳам ҳовлида кўринишмасди. Фақат Жамила билан Умиджон пешвоз чиқиши. Синглимнинг гапини эшитиб, бошимдан ҳушим гўё учиб кетгандек бўлди. “Акмал синфдошингиз ўлибди”, деди кўзимга қараб. Қўлимдаги нарса-ларни ташлаб, Акмалникига югуриб кетдим. Бутун қишлоқ йигилган. Ишонгим келмай ичим куйиб, ўзимни гуноҳкордай ҳис қилиб кетдим. Одамлар ҳар хил гапиришарди. Акмал уйида нимадир еб қўйиб, ичкетар бўлиб, ўлиб қолганмиш. Докторлар бу боланинг касали бор деганимиш. Бу гапни эши-тиб, асабларим ўйнаб кетиб, олдимдаги қўшни ама-кини уришиб ташладим:

– Қанака нарса еб қўйибди, амаки, – дедим дўқ ургандек. – Ахир пахтадан касал бўлиб келганди-ку.

Бири у дейди, бири бу дейди, лекин Акмал нимадан ўлганини мен аниқ билардим, аммо қўлимдан ҳеч нарса келмаслиги алам киларди. Кимга айтаман додимни, ким ҳам мени эшитарди. Афсус, минг афсус, виждон азобида қолгандим.

Устига-устак ота-онаси ҳам тузалиб кетар, деб шаҳардаги касалхонага ётқизишмабди. Ётқизишга шароитлари ҳам йўқ эди. Ўзим олиб борсам бўларкан. “Мажбурлаб, дўхтирга олиб бормадим, ахир касаллигини билардимку”, деб ўйлаб ўзимни койирдим. Охирги пайтда роса озиб кетган-ди ўзиям. 5–6 кун олдин бозордан қайтаётганимда йўлда кўриб қолгандим. Анча яхшиман дегандику, лекин ўхшамасди.

Анчагача Акмални ўйлаб ўзимга келолмай юрдим. Ўртоғим пахтага сепилган доридан заҳарланиб ўлганини бувимга айтиб бердим. Бувим:

– Ҳа тўғри, болам, булардан ҳар нарса кутса бўлади. Бизларни одам ўрнида кўрмайди, улар, – деб роса ачиниб гапирдилар.

* * *

Ҳамма нарсага вақт даво, дегандай яна орадан вақт ўтиб, хазонлар тўкилиб, қиши ҳам яқинлашиб қолди. Пахта терими тугаб, ўқишлиар бошланиб кетди. Мен ҳам ўқишига чиқдим, балким Акмалнинг ўлгани билан кимдир қизикиб қолар деб умид килгандим. Лекин ҳеч ким Акмалнинг нима сабабдан ўлганини суриштирмадијам, ёпилган қозон ёпиқлигича қолди. Ҳар сафаргидек бир ўзим синфдан чиқмай ўтираман. Болалар билан ўйнагани чиқсан, биттаси бўлмаса биттаси,

албатта отамни юзимга соларди. Аламимни китобдан оламан. У ҳаммадан ҳам мен учун беминнат дўст эди.

Ўқишдан чикиб, тезрок уйга боришга ошикардим. Ўша куни кўчамизга етганимда Жамила кўча ҳовлида қизлар билан ўйнаб ўтиради.

– Мактабдан қачон келдинг? – деб сўрадим.

– Анча бўлди, – деди Жамила.

– Нега анча бўлади? – дедим мен уни ўзимча синчковлаб.

Билмадим, бир соат ўқидик, кейин ҳаммага жавоб беришди.

– Уйда ким бор? – дедим яна саволга тутиб. Бекинмачоқ ўйнаётгани учун синглимга ёқтирмайгина жавоб берди.

– Вой-бу, мунча сўрадингиз, ака. Бувим йўқлар, ўлган жойга кетдилар. Онам борлар, – деб ўйинида давом этди.

Уйга киришим билан ичкаридан Умиджоннинг овози эштилди. Уйқудан турди, шекилли, деб ўйладим.

Хонамга кириб ечиниб, ерга солиб қўйилган кўрпачага ўзимни ташладим. Умиджоннинг йиғлашига энди зътибор бермай, ишларимни режалаштириб ётиб кўзим илиниб, ухлаб қолибман. Кўзимни очсам, тушимиidi ёки ўнгиммиди укамни олдимиздаги дарё оқизиб кетаётган эканмиш. Менга қараб “куткалинг”, деб додлаб йиғлармиш.

Кўркиб кўзимни очдим. Умиджон ҳамон йиғларди. Тезда ўрнимдан туриб, айвонга чиққаним билан ҳушим ўзимга келди. Йиглайверганидан укамни ҳиқичоқ тута бошлиганди. Шошиб қолдим, ўқишдан келганимда йиғлаётган эди-ку, эсимга тушди. Наҳотки олдида ҳеч ким бўлмаса, ахир ойим бор деди-ку, деб хонага отилиб кирдим.

Киришим билан бурчакда ўтирган ойим мени кўриб, қаҳ-қаҳ отиб кула бошладилар: бир сўз билан тасаввур қилиб бўлмайдиган манзара эди. Умиджонни қўл-оёқлари рўмол билан маҳкам боғланган, ўрнидан туролмай йиғлаб ётарди. Жон ҳолатда укамни бўшатиб олиб, бағримга босдим. Бутун аъзойи баданим титраб, онамга қарадим, укамни олиб чикиб, чойнакдаги чойдан ичирдим. Бор овозим билан синглимни чакирдим. Ютуриб келган Жамила, қўлимда ҳали ҳам ўпкаси тўлиб йиғлаётган Умиджонни аҳволини кўриб, қўлимдан олмокчи бўлиб: “Йиқилдими, ака”, деди қўркиб кетиб.

Мен унга бир ўқрайдим, лекин тилим сўзга келмасди, “Хонага кирайлик” деб имладим. Синглим менинг аҳволимни кўриб, “Ака нима бўлди?” деди шошиб ва биз бирга уй ичига кирдик. Ойим хонада йўқ эдилар. Баттар қўнглимдаги қўрқув ўт олиб кетиб:

– Ойи, Онажон! – чакирдим шоша-пиша.

Шу пайт парда ортидан кўрпачалар тахлаб қўйилган тахмондан ойимнинг хохолаб кулганлари эшитилди. Жамила иккаламиз бир-биrimизга қараб, тахтадай қотиб қолдик. Биз ўзимизга келгунимизча Умиджон синглимнинг қўлидан тушиб, бориб пардани кўтарди. Ярим тахмон кўрпаларнинг устида ойим худди тўйда ўтиргандай ўтирадилар...чапак чалиб. Қўлларим қалтираб, тишларим такиллаб кетди. Войдод, бу нимаси? Кўз-олдим қоронғулашиб нима қилаётганимни билмасдим. Жамила қўркиб кетиб, бақириб йиғлашга тушди:

Синглимни ҳолатини кўриб дарров ўзимни қўлга олишга харакат қилдим. Жамилани “Бўлди қил” деб уришиб бердим. Жамила йиғи аралаш ойи нима қиласиз, бўлди қилинг, – дерди баланд овозда. Бутун

вужудим олов бўлиб ёнарди. Бувимни ховлида учратдим. Мени кўрдилар-у “Нима гап?” дедилар. У ёк бу ёққа қараб, хушёр тортдим. Мен “Ҳеч нима” дедим, айтгим келмай. “Қани гапирчи яширмасдан” дедилар яна. Сўнг юринг буви, ўзингиз кўрасиз дедимда, тахмонда ўтирган ойим олдига бошладим. Бувим пардани очиб кўргач, кўзлари олазарак бўлиб кетди. Сўнг ерга титраб-титраб ўтириди, аммо кўз ёшлари чикмади.

Шу бўлди-ю, ойим тузалмадилар, дўхтирга ҳам олиб бордик, домлаларга ҳам ўқитдик, ҳеч ким нима бўлганини билмасди. Бувим, “Бу факат Қиркқизларнинг иши”, дердилар баъзи-баъзида. Мен бувимга индамасам-да, лекин уларнинг фикрига ҳеч қўшилмасдим.

Ойимнинг кўп йиғлаганларидан асаблари ишдан чиқкан, деб ўйлардим.

Энди биз онамдан тириклайн ажрагандик, улар ҳеч кимга гапирмас; ўзлари билан ўзлари овора, агар бирор нима десангиз факат қаҳ-қаҳ отиб кулардилар, холос. Бувимни ойимга қўйган ташхисларининг битта жойи мени сал ўйлантириб қўярди. Уларни йўқотиб қўйсак, нукул дарёнинг бўйидан топардик. Шунаقا кунларнинг бирида эрталаб Жамила ойим жойида йўқликларини айтди. Иккаламиз сой бўйига чопдик. Узокдан дарё бўйида ойимни кўрдик. Ойим дарёнинг у тарафига ўтиб олиб, сувнинг шарқираган овозига шунаقا рақсга тушардики, буни қўриб бутун баданим увишиб, томоғимга бир нарса тиқилгандек бўларди. Жамиланинг эса шашқатор кўзёшлари тинмай окарди. Уни қўриб, менинг ҳам тўйиб-тўйиб йиғлагим келарди-ку, аммо ўзимни тутардим. Бир-икки томоғимни кириб, йўталиб олдим-да, синглимга юзландим:

– Нега йиғлаяпсан? – дедим унга дўқ ургандай, у энди овозини чиқариб йиғлай бошлади.

— Ака, мактабда шундок ҳам отанг халк душмани дейишгани етмагандек, энди жиннининг қизи дейишяпти, — деди ўксисб-ўксисб.

Бир сесканиб тушдим, синглимга ачиниб кетиб, нима десам экан? Жамиланинг кўнглини кўтариш учун орзуга берилдим:

— Шунгаям йиғлайсанми, кўявер гапирганлар, гапираверсин. Ҳақиқат бир куни қарор топади, мана кўрасан. Ана шунда мен ҳақиқий Мирҳосилбой бўлганимда ҳаммаси пушаймон бўлади. Ўшанда бизни чиройли қора машинада шофёр олиб юради. Биз дунё кезамиз. Биласанми, мен сени Амрико деган жойни айлантириб келганимда, ҳамманинг оғзи очилиб қолади, тушундингми? Шунда ҳамма сени масхара қилиш ўрнига, сенга худди хонзодалардай эгилиб салом беришади. — дедим ўзимдан тўқиб.

Синглим бу гапни эшитиб, тиниб қолди-да, кўзлари жовдираб, ростданми ака, деди қизиқиб. Мен уни яна ҳам ишонтириш учун “Сенга ваъда бераман!”, дедим синглимни кўзига тик қараб. Жамиланинг салгина кўнгли ёришиб, ярми сув ичидаги турган харсангтош устига сакраб ўтди-да, устига ўтириб: “Худо хоҳласа, Аллоҳу акбар”, — деди кўлинин юзига тортиб.

Ойим бизни кўриб, ўйнашдан тўхтаб, ёвқарашиб қилиб қўркиб жойларига ўтириб олдилар. Ойимни дарёдан ўтказиб, уйга қараб юрдик.

Шу кунларда бир нарсани тушуниб етгандим. Қандай қийинчилик бўлса ҳам мен ўзимни тутиб, машаккатларни енгиб ўтиб, қийналаётганимни синглимга ҳам, бувимга ҳам сездирмай юришим кераклигини билдим.

– Ака, ростдан ҳам сой бўйини ифлос қилганликлари учун ойимни кирқ қизлар касал қилганмикан? – деди синглим йўл-йўлакай менга қараб.

– Эй, нималар деяпсан, сен шунга ишонасанми? – дедим ярим кулиб.

– Билмадим, – деди синглим елка қисиб.

– Қани айт-чи, сен шунча йилдан бери яшаб, дарё бўйига тушиб, ўша Қирқ қизларни кўзинг билан кўрдингми? – дедим унга ҳушёр бокиб.

– Йўқ, – деди синглим менга тикилиб.

– Шунинг учун кўзинг билан кўрганингга ишонгин. Бувимнинг мана шу сўзларига ҳеч ҳам ишонгим келмайди, бунинг ҳаммаси ойимнинг кўп йиғлаб асабий-лашганларидан, – дедим синглимга.

– Ака унда ойим отам келганларича тузаладилар-а? Ҳозир дориларини ичираяпсиз-ку, – деди кўзимга умид билан боқиб.

– Ҳа, худди шунака, – дедим ишонтириб. Онамни етаклаб уйга келдик. Синглимнинг ҳам кайфияти кўтарилиб қолди. Буни кўриб ўз-ўзимга шунча ёлғонни ўзим ҳам амалга ошадиган орзудек ўйлай бошладим. “Номи улуғ, супраси қуруқ Мирхосилбой, эй яшаворей”, деб мийигимда кулиб кўйдим. Энди онамни кун бўйи кўздан қочирмасдик. Аксига олиб тузалиш ўрнига бир куни кечаси ҳам сой бўйига чиқиб кетди. Жамила билиб қолиб ётган жойимдан уйғотди, иккаламиз бориб олиб келдик. Атроф чет бирам қўрқинчли эди, шунда ҳам “Қирқ қизларни кўрмадик-ку” деб ўйладим.

Синглим билан Умиджон бувимнинг хоналарида ётадиган бўлди. Мен эса шу кундан бошлаб ойимнинг қўлини қўлимга боғлаб олиб, ёнма-ён ётардим. Орадан кунлар ўтаверди. Ойим касал бўлганидан кейин бу-

вимга ҳам осонмасди. Бир ёқда уй ишлари, дегандек. Жамила ҳам ўйнагани деярли чиқмасди, мен йўқлигимда ойимни пойлаб ўтирас, бечора синглим кечагина эркаланиб, сухбатлашиб ўтирадиган ойимдан тириклайн ажралганди.

Кундан-кунга ойимни эплаш оғирлашиб борарди. Улар уйда ўтиришни хоҳламас, кўзни шамғалат қилиб, сой бўйига қочиб кетганлари кетган. Синглимга бўйсунмас, бувимни бўлса, умуман эшитмасдилар. Бувим бу ҳам кўргилик эканда, деб бошларини чайқаб-чайқаб индамай қўя қолардилар. Шунака пайтларда ойимга қаттикроқ гапиришимга тўғри келарди. Мендан қўрккан бечора ойим уйнинг бурчагига биқиниб олиб, бошларини эгиб, менга ёв қараш қилиб бармоқларини санашга тушар эдилар.

Бир куни кечки пайт “уйга кирмайман, ҳали кеч бўлмади”, деб туриб олдилар. Синглимни бақир-чақир қилиб уришиб итариб юбордилар. Ишдан энди келиб хонамда ечинаётган эдим, охири бўлмади, ҳовлига чиқиб хонага олиб кириб урушиб-урушиб ташладим. Ойим ҳар доимгидек бурчакка тикилиб, мени зимдан кузатиб, бармоқларини яна санашга тушдилар. Ҳар сафар уришганимдан сўнг алланечук бўлиб, сиқилиб кетаман. Бугун ҳам сиқилганимдан мен ҳам уларни кузатиб турдим. Уларга қараб кўнглим вайрон бўлиб, ойингни ҳам урушасанми, Мирҳосил, дедим ўзимга ўзим.

Аста келиб, онамнинг ёнларига ўтириб:

– Ойи, ойижон, нимани санаяпсиз? – дедим мулоимлик билан.

Ойим:

– Йўқ, айтмайман, – дедилар бармоқларини яшириб.

Нимани санарканлар ҳар сафар деб жудаям билгим келди.

– Айтинг, илтимос, Онажон нимани санаяпсиз? – дедим елкаларига бошимни күйиб. Онам мушукдек юввош тортиб, олтита бармокларини күрсатиб, шунчадан кейин кетаман, – дедилар хурсанд бўлиб.

– Кетасиз? Қаёқка? – дедим кўзим хонасидан чиқиб кетгудай бўлиб. Ойим “узокқа” дедилар бармоклари билан осмонни имлаб.

Жойимда бўшашиб ўтириб қолдим. “Нималар деяпсиз онажон?” деб қучоклаб олдим. “Йиғласаммикин?” деб ўйладим. “Нега мени қийнайсиз ойи, ўзингизга келинг, қачон тузаласиз, айтинг. Кетаман деб бизни қўрқитманг, онажон!?” дедим зорланиб. Ойимнинг бу гапларидан сўнг қочиб кетсалар, жанжал қилсалар, нимаики номаъқул иш қилсалар ҳам иложи борича камроқ койишга харакат қилардим. Айникса, ойимнинг “Кетаман” деган гапларидан кейин олти кун ўтгунича қўркиб, ҳар вақт ойимни ўйлаб сиқилиб юрдим. Худога шукур, мана бугун еттинчи кун ҳам ўтди, анча кўнглим тинчиidi. Ойим ўлишлари керак эмас, йўқ отам уларни менга топшириб кетганлар, эсимда, “Онангни эҳтиёт қил” деганлар. Ойим отам келгунларича тузалишлари керак. Ўзимга-ўзим аҳд қилдим, Худо хоҳласа яна пул ишласам ойимни яхшилаб қайтиб даволаб албатта тузатаман. “Бизлар яна баҳтли оила бўлиб яшаймиз”, деб катъий қарор қилдим.

У ёқ бўлиб, бу ёқ бўлиб, амаллаб баҳорга ҳам чиқиб олдик. Умиджон З ёшдан ошиб, анча катта бўлиб қолди. Одамзот ҳамма нарсага кўникар экан, бизлар ҳам шу яшашга кўнишиб бораардик.

Баҳорга чиқиб, иш қайнагандан қайнарди. Мактабдан кейин далага чиқаман, чарчаб келиб, онамнинг кўлларини қўлимга бойлаб ўрнимга ётишим билан қотиб ухлайман. Онамнинг кўлларини бойлаганим ёқмай, тескари қараб аразлаб оладилар. Кунларнинг бирида қаттиқ чарчаб келиб жойимга ётдим. Онам эса бугун негадир хурсанд эдилар. Худди эртага отам келадигандек. Ойнага қараб, рўмолларини тўғрилаб, қаҳқаҳ отиб кулардилар. Ётишлари ҳар кунгидан чўзилиб кетди.

Жуда уйқум келаётганидан, овозимни кўтариб, дўк ургандай қилдим.

– Бўлинг ойи, мана шунаقا қилиб жаҳлимни чиқарасиз, кейин уришсам хафа бўласиз, – дедим сал юмшок тарзда. Шунда ойим шошиб олдимга келдилар-да, кўлларини боғласам аразлаб тескари қараб оладиган одам, ўзлари кўлларини боғлаб, жилмайиб кўйдилар. Бу сафар эса тепамда ўтириб олиб, сочларимни силадилар. “Қизиқ, илгари ҳеч ҳам бунаقا қилмасдилар-ку”, деган фикр кўнглимдан ўтди. Аммо ўйқу устун келиб, ухлаб қолибман. Эрталаб кўзими очсан, ойим ёнимда йўқ. Қўркиб, сакраб турдим, боғланган арқон пичоқ билан кесилган эди. Тахмонларни қарадим, кейин кўчага отилдим. Оёғимни қўлимга олиб сой томонга чопдим. Дарёга етар-етмас, баланд дараҳтда шамолда чайқалиб осилиб турган онамга кўзим тушди. “Йўқ, йўқ, й-ў-ў-ў-қ”, деб овозим борича.

– О-йи-ж-о-н! Ойи-жон! Нима қилиб кўйдингиз? – деб бориб қотиб қолган оёқларига ёпишдим. – Мени кечиринг, Онажон, сизни тушунмабман. Мендай нодон ўғлингизни кечиринг, Онажон!

Бутун дунёни бошимга кўтариб дод солардим. Бир-пасда бутун қишлоқ йигилиб уйимиз азахонага айланди қўйди.

Биргалалиб майитни қабрга қўйиб келдик. Ойим бечора отамни кута-кута охири омонатини топширдилар. Одамлар тарқалиб, ойимнинг йигинлари ўтгандан кейин билдимки, уйимизда касал бўлсалар ҳам ўз ўринлари бор экан. Шунда ойим қўллари билан кўрсатган 6 раками олти ой эканлигини тушундим. Бувим менга, тушкунликка тушмасликка ўргатиб: “Ўзингни тут, бардам бўл болам, ўлим ҳак”, деб кўзимга тикилардилар далда бериб. Мен энди кексайиб, қадди букилиб қолган бувимга қараб хавотирда яшардим. Бувижоним энди сиз қаридим деманг, баҳтимизга соғ бўлинг деб ичимда Худога илтижо қиласдим.

* * *

Кунлар ўтиб ғам-андух ҳам бизлардан сал чекингандек бўлди.

Олмалар пишганида эса мен бозор қилишга шунчалар уста бўлиб кетдимки, 2 челяк олмамни сотиб бўлиб, маҳалладаги аёлларга ҳам сотишга ёрдам берардим.

Бувим айтган ҳамма нарсани сотиб олиб, қайтишда чойхонага қириб, бир дона сомса билан бир пиёла иссиқ чой ичиб оламан. Иккинчи сомсанни егим келса ҳам ўзимни тийиб, пулни Умиджон учун хўрозқандга асраб қўяман. Хуллас, кечки бозор-ўчарларимни тугатиб, қайтишга тайёр бўлиб ўтираман. Анчадан кейин қишлоғимиз аёллари ҳам етиб келишарди. Улар мени кўриб гапга солади. Бири: “Вой болам, нима, сени ол-

маларингга кечки пайт бувинг дам солиб берадиларми дейманда-а”, деса, иккинчиси, “Мирхосилнинг қўли енгил-да”, дейишарди.

Эски арава такиллаганча йўлга тушди. Мен аравада чўккалаганча, эртанги кун ишларимни режалаштириб, яна қандай қилиб даромадимни кўпайтириш ҳақида ўйлаб бораман. Пул орттириб бувимга битта жун пайпок олиб беришим керак, бўлмаса, кишга яқин оёклари оғрий бошлайди, синглимга пальто, Умиджонга этикча олишим керак деган ўйлар билан уйга етганимни билмай қолардим.

Эртасига эрта билан ҳаммадан олдин олмазорга чиқиб, қолганлар ишга келгунча анча-мунча олма териб қўйдим. Буни кўрган раис бува, баракалла болам, эрта турганга Худоим насиба бераркан, дедилар мамнун бўлиб.

Яна икки кун олма тергани чиқиб, эртасига тонг сахардан туриб, бозорга жўнадим. Бозоримни кўрсангиз эди, одамлар навбатда туришди. Нархини ҳар кунгидан кимматроқ қилиб сотдим. Ўзиям олдимдаги олма сотиб ўтирган аёлларнинг кўзи чиқиб кетдиёв, дейман: “Вой тавба, тирмизакдек бўлиб туриб, пишиклигини айтмайсизми”, дейишарди бир-бирларига. Шу куни жун пайпок сотиб олдим. Ўзимда йўқ хурсандман. Уйга қайтдим.

Пайпокни кўриб бувим роса хурсанд бўлди. Ўзим ҳам қувониб кетдим. Бувим бечора нукул:

– Вой, болам тушмагур-эй, факат бизни ўйлайсан, ўзингга ҳеч нарса олмадингми, ахир сен бизни боқувчимиз бўлсанг, – дердилар.

– Ҳечқиси йўқ, бувижон, ҳали ҳаммасини олишга улгураман, – дейман худди катталардек.

Бугун кун роса исиди, ўзиям. Кечга бориб очик айвонга чикиб ётиб олдим. Бувим, “Уй ичи ҳам салқинку, уйда ётакол. Бу ёк яхшику, лекин кун ёришмасдан туриб қушлар уйку бермайди, уйда ётиб, дамингни ол дегандимда болам” дедилар.

– Бу ер шабада, эсингиздами, ёз чилласида дадам билан шу ерда ётардик, – дедим бувимга.

– Ҳа, эсимда, болам, у кунларни эсдан чиқариб бўладими? – дедилар бувим менга тикилиб туриб.

Шу куни мен очик айвонда, бувим, Жамила ва Умиджон ичкари уйда ётишди.

Онам ўлганларидан бери ота-онамнинг хонасига деярли ҳеч ким кирмасди. Ҳаммамиз бувимнинг хонасига кўчиб ўтганмиз. Отам келсалар ўз хоналарида ётадилар, Худо хоҳласа, деб ширин хаёлга берилардим. Қачон келаркинлар-а? Тахминан қанча муддатга қамашганини ҳам билмаймизда, дедим ўз-ўзимга. Ислом акам шаҳарга бориб, роса суриштирганларида ҳам бирор аниқ жавоб олмасдан келганларини эслайман. Ахир икки йил ўтдику, яна ҳам ўтар, эсон-омон келсалар бўлгани деб ўзимни овутаман. Ҳаёлимни йифиб ётишга ҳаракат қиласман, бўлмаса, уйқум ўчиб, эрталаб туролмайман деб донг қотиб қоламан. Қулоғимга кирган шунака ёқимли овоздан кўзимни очдим. Аввалига тушунмай яхшилаб қулоқ солиб турдим, сўнг англадим. Ичкарида бувим алла айтардилар. Қўрпа остида ётганча қулоқ солдим. Кейин аста бориб, эшикка ёпишиб, кулок тутиб турдим. Аллани сал тўхтатсалар, укам инжиқланиб йиғлашга тушарди. Томоғи оғриб қолдимикан, деган ўй ичимдан ўтди.

Алла, болам алла-ё, овунчогим алла-ё,
Бедарак кетган
болагинамнинг боласи-ё, алла ё-алла
Кўзгинамнинг қораси-ё, алла ё-алла.
Саксонга чиқиб, чақалоқли келинчак қилиб кетган она-
си-ё, алла-алла

Келақолсачи отасиё алла-алла
Тезрок олаколсангчи-ей, алла ё-алла
Ишонмагин, мен қариб қолган онангга-ё, алла ё-алла
Улим хам эшик қокмоқда-ку болам, алла ё-алла.
Кўзимни ғалат қилиб,
Омонатини олмокчи-ё алла-алла.

Эшигдим-у, баданим увушиб ваҳимага тушиб, юра-
гим дук-дук уриб кетди. Беихтиёр кўз ўнгимда яна отам
гавдаландилар. Таъсирланиб кетиб, ўрнимдан туриб
олдим. “Агар бувим ўлиб қолсалар, мен бир ўзим нима
қиласман?!” Хаёлимга келган бу даҳшатли фикрдан
қўрқиб кетдим. Ҳозир кираман-у, қанақа ўлим ҳақида
гапирайпсиз, ўлиш керак бўлса мана мен ўлиб кета қо-
лай, сиз яшанг, демоқчи бўлдим. Кейин бу шаштимдан
қайтдим. Оёқяланг ҳовлига тушдим. Йўқ, ўлишлари
мумкин эмас, Худо ҳам кўриб турибди-ку, битта уйдан
неча киши ўлиши мумкин, ахир. Бувим ўлсалар бунга
ҳеч ҳам чидолмайман, деб ўйлардим у ёқдан бу ёққа
юриб. Ичим ёнарди, юриб ўчоқбошига бориб қолиб-
ман. Усти ёпиқ катта челякда сув турарди. Бир чўмич
олиб ичиб олдим, сал тинчланғандек бўлдим. Келиб
ўрнимга ётдим. “Нега унақа қиласяпсан, Мирҳосил-
бой”, дедим ўзимга-ўзим. “Бор-йўғи бир алла бўлса”,
дедим яна ўзимни тинчлантириб.

Эрталаб бувимга ҳеч нарса демадим. Чунки ҳозир
кечаси нега йиғладингиз десам, ҳеч ҳам йиғламадим,

йиғлаш яхшиликка бўлмайди деб ўзларини оқлади-
лар. Буни жуда яхши биламан.

Нон қадри

Орадан бир йил ўтиб бувимнинг тез-тез тоблари қочадиган бўлиб колди. Менинг қўрққанимни сезган бувим, “Касал бўлди дегани ўлади дегани эмас, болам, мен ҳали тўйингни кўришим керак”, дердилар мени юпатиб.

Аммо баъзи кунлари мени ёнларига ўтқизиб, “Мен ҳам бир кун келиб, омонатини топширишим керак, билиб қўй шуни”, дедилар, худди мени муқаррар йўқо-тишга тайёрланаётгандек. “Туғилиш борки, ўлим ҳам бор. Сен энди кичкина бола эмассан, мабодо вақти-со-атим етиб, бу дунёдан ўтсам, дод-фарёд солиб ўтири-магин”, деб қўшиб қўйдилар кўзимга қарамай. Бу билан “Агар ўлиб қолсан, сен тушкунликка тушмагин”, дегандай бўлдилар. Бу гапларни шундай одди гапдай гапирдилар.

– Буви, нималар деяпсиз, ахир менинг юрагим тош эмас-ку, – дедим ҳам жаҳлим чиқиб, ҳам ғалати бўлиб кетиб.

– Ўзингни бос, мен ҳали ўлганимча йўқ, лекин буни билиб қўйганинг яхши, – деди босиклик билан.

Бу орада уруш бошланиб, қишлоғимизнинг аксар эркаклари ишга кетди. Колхоз чоллар, аёллар ва болаларга қолди. Қаҳатчилик барча оилани қамраб олди. Яна ишга шўнғиб кетдим. Кунларимиз ўтаверарди. Рўзғор энди менинг бўйнимда эди. Лекин отамдан ҳамон дарак йўқ эди. Бир куни эрталаб уйғонсам, кун ёришиб кетибди. Бувим дамини олсин деганлар, ше-

килли, мени уйғотмабдилар деб ўйлаб хонамдан, яъни отам билан онамнинг хоналаридан чиқдим. Ҳовли супурилмаган, сув ҳам сепилмаган. Кўча дарвоза ҳам негадир ёпик. “Эрталабдан бирор қўшниникига чиқиб кетганмикинлар, бувим аёлларнинг доктори-ку”, кўнглимдан ўтди. “Укам уйғониб кетмаслиги учун хоналарини эшигини ёпиб кетганлар, менимча”, дедим ичимда. Бориб секин хонани эшигини очиб, мўрададим. Уй ичи кўзимга қоп-коронғудай, яхши кўролмадим. Эшик ёпиб қўйилганигами, хона ичи дим эди. Ичкарига киргим келмади. Хаёлимда раис буванинг ўғли Ислом акамнинг хотини оғироёқ эди, ўшаларникида бўлсалар керак деб ўйладим.

Жамила ҳам ухлаб қолган, ҳаммамизни бувим ўйғотадиларда, шунга ўрганиб қолганмиз. “Жамилани ўзи турса бўлади-ку, энди қиз бола деган” деб ўйлаб, кўча ариққа томон ювингани йўл олдим. Эшикнинг ичкари илгаги очилмаганини кўриб, жойимда таққа тўхтаб қолдим ва шу заҳоти орқамга қайтдим. Юрагим ёмон нарсани сезди.

Отилиб бувим ётган хонага кирдим, не кўз билан кўрайки, бувим худди ухлаб ётгандай жойларида ётардилар. “Бувижон, бу-ви-и-жо-ним, нега ётибсиз!” Дод солиб ўзимни бувимнинг устига ташладим, нима килаётганимни билмасдим, ўзимни ҳар ёққа урадим. Бир пайт Ислом акамни уришишлари билан ўзимга келгандай бўлдим. Қўшнилар қўлимдан ушлаб ҳовлига олиб чиқишиди. Мен худди сояга ўхшаб қолгандим. Жаноза ўқиб бўлингач, тобутни кўтаришимиз билан синглим Жамиланинг юракни ўртовчи овози эшитилди:

– Бувижон, бувижоним, қайтинг, бизларни кимга ташлаб кетаяпсиз? – деб зор-зор йигларди.

Синглим бир ахволда, ўзини ҳеч ҳам тутолмасди. Аёллар уни қўлтиқлаб олишган, кимдир сув сепади, кимлардир “Ўзингни тут” деб урушиб бериши. Нима бўлаётганини яхши тушунмаган Умиджон эса Жамилани оёғига ёпишиб йиғларди. Ана шунда яна бувимнинг гаплари ёдимга тушди. Уларни кўриб, баттар эзилиб кетдим. Ҳозироқ ўзимни тутмасам, унда укаларимга кийин бўлишини англадим.

Ойимнинг қабри ёнида яна бир қабр пайдо бўлди. Мозордан қайтиб келаётганимизда бувимнинг битта-ю-битта, тепа маҳаллада турувчи, қариндошлари Шермат амаки ёнимга келиб:

- Маъракаларига бирор нарсаси бордир, – дедилар оғзимга тикилиб.
- Ҳа, ҳа амаки, бор, – дедим.

Үйга келиб, бувимнинг хонасига кирдим. Пулни токчадаги чойнак ичига кўярдилар, чойнакнинг қопқоғини очдим. Ичидан мен бозордан ортириб берган пул ва қулокларига такиб юрадиган балдоқ зирақ турарди.

Зиракни кўриб тушундимки, бувим ўлишларини билиб ўзлари туриб, қулокларидаги зиракни ечиб, уни пул ёнига солиб қўйганлар, бўлмаса, бу зиракларни на кечаси, на кундузи ҳеч қачон қулокларидан ечмасдилар. Оҳ, қандоқ бутун вужудимни титратиб юборадиган лаҳзалар. “Эй Худо, ўзинг сабр бер” – дердим ўз-ўзимга.

“Буви ким олиб берган бу зирагингизни?” деб сўрасак, “Ўзимнинг отам олиб берганлар!”, дердилар фахрланиб. Пул ва зиракларни амакига олиб чиқиб кўрсатдим. Амаким пулнинг бир қисмини олиб, “Бўлди етади”, деди. Қолганини менга қайта-

риб берди. Шу заҳоти Шермат амакимни аёли, олдимиизда пайдо бўлди-да, “Вой дадаси нималар деяпсиз, ахир одамлар орасида нима деган одам бўламиз. Ҳа, бу нима бўлади деди амакимга ўқрайиб.” “Мана келинойи олинг керагини ишлатарсиз”, деб чойнаги билан узатдим.

У чойнакни қўлимдан олиб:

– Йиғинларни ўзимиз қиласиз, – деди мамнун. Бувимнинг йиғинлари ўтиб, ҳамма ўз уйига тарқалди. Нариги қишлоқда турадиган онамнинг биттагина сингиллари – холам ҳам йиғлаб-йиғлаб: “– Бизларнида туринглар”, – деб таклиф қилди.

Мен:

– Йўқ хола, ўзимизнинг уйда яшаймиз, пешонамизда борини қўрамиз, – дедим.

Тўғрида, уларнига борганман, кичкинагина уйда қайнота-қайнона, бир этак болалари яшашади. Биз ҳам уч жон бўлсан. Уй эмас, бозор бўлади. Уларнида яшашга рози бўлмадим. Шермат амаким келинойим билан “Бизларнида яшайсизлар”, деб ҳеч қўйишмади. Ноилож “Хўп” дегандай бошимни қимирлатиб қўйдим.

Шермат амакимни аёлларини яхши билмайман, уларнига факат кичкиналигимда бувимга эргашиб борардим.

Келинойим ҳам ҳоли-жонимизга қўймай “Бизникига кўчиб ўтасизлар”, деб охири кўндиришди. Орадан икки кун ўтиб, холамни катта йўлгача кузатиб чиқдим. Холамнинг кўз ёшлари тўхтамасди.

Ортимга қайтдим, хона ичидаги келинойим билан Жамила бувимнинг сандикларини очиб, нималарнидирикдиришарди.

Мен бувимнинг кийимларини ювуқчиларга беришса керак, деб ўйлаб уларга эътибор қилмадим. Ҳовлига чиқиб, у ёк бу ёкни йигиб-термокчи бўлиб, атрофга боқдим. Аммо, қани энди қўлим бирор ишга борса. Қўлим ҳам худди юрагим билан бирга музлаб қолганга ўхшарди. Ўйланиб турсам, кўча дарвоза очилиб, Шермат амаким кириб келди. Уларга кўриб, кўнглим ёришгандек бўлди. Яхшиям шулар бор, бўлмаса ёрилиб кетишим мумкин, деб кўнглимдан ўтқиздим.

Келинойим ичкаридан иккита катта тугун олиб чиқиб, айвоннинг зинасига қўйиб:

– Адаси, олиб кетмасак бўлмайди, ҳозир одамларга ишонч йўқ, бизницида турса, тинч ётамиз, – деди. Негадир хурсандлигини сездим.

Уларнинг ёнида Жамила ҳайрон бўлганича турарди. Келинойим бошчилигига ўша кечқурун қишига ғамлаб қўйилган буғдойгача ҳаммасини йиғиб, амакимнигида олиб чиқиб кўйдик.

Эртасига эрталаб туриб ҳамма кетишга шайланди.

Бу уйда сиқилиб кетаётган бўлсам-да, кетиш мен учун ундан-да қийин эди. Худди ҳаммадан, отамдан, ойимдан кейин бувимдан воз кечаётганга ўхшардим. Энди ойим билан бувим қайтмасликларини билсам-да, лекин мен ҳамон улар билан бирга отамни кутардим. Амаллаб амакимдан яна бир кеча ётиб, кейин боришимга кўндиридим.

Амаким билан келинойим эртага эрталабдан эшикларни қулфлаб боришимизни тайинлаб, қўлларида иккита тугунни кутарганча чиқиб кетишли. Уларни кузата туриб, “Бор-бисотимизни олиб уйига ўтган бўлсак, келинойим яна нимани тугунга бойлаб олганкан?” деб ўйладим. Эшикдан аста ортимга қайтдим,

йўлакдан юриб келарканман, ха майли нима бўлса бўлмайдими, одамдан азизмасдир деб ўз-ўзимни юпатдим.

Очиқ айвондаги устунга суюнганича хаёл сурин турган синглим ва унинг ёнида бир қўли билан Жамиланинг этагидан ушлаб, иккинчи бармоғини оғзига соганича укам турарди. Кўрдим-у, ичимни бир нарса тилиб ўтиб кетди. Укаларимнинг бундай туриши менга кўчада ота-оналари ўлиб, ғариф қолган етимларни эслатарди. Мен бундай ҳолатларни китоб расмларида кўрганман. “Йўқ-йўқ унақа бўлиши мумкин эмас, асло биз ҳали етим эмасмиз, отам бор-ку қамоқда бўлса ҳам борлар. Фақат Худодан биргина ўтинчим келсалар бўлди”, деб ният қилардим ўзимча.

Нима қилсам экан, иккала укамнинг икки кўзи менда, ўзимни қандоқ тутсам экан. Йиғлаб юборайми ёки укамни қитиклаб кулдирайми, бўлмасдим. Ахири ҳолатни ўзгартириш мақсадида:

— Келинойим яна нима олиб кетдилар, Жамила — сўрадим. “Энди нима қиламиз, ака” деб дод солиб йиғлашга тайёр турган синглимга қараб, ўзимни жиддий олиб. Синглим менга бошқача бир қараб кўйди-да, сўнг истамайгина, “Уйдаги кўрпа-тўшакдан бошка, ҳаммасини ҳатто бувимнинг тилла тақинчоқлари-ю сарпаларигача олиб кетишидди”, деди ерга ўтириб.

Худога шукур, йиғлашдан нарирок кетгандай бўлдик. “Ахир бувим тақинчоқларини сенга ташлаб кетганларку”, дедим. “Ўзингиз ҳам индамадингиз-ку, икки кун нарсаларни ташидик”, -деди энсаси қотиб уни. Мен бу гапни овутиш учун айтған бўлсам ҳам, ўйлаб кўриб, “Нима бирданига бутун уйдаги донимиздан бошлаб, бутун рўзғоримизни супуриб-сириб олиб, боришига йўл қўйдиммикан, балким ҳали ўз уйимиз-

га қайтиб келармиз”, ўйладим. Аммо ҳақиқатдан ҳам, нега бувимнинг тилла тақинчокларидан тортиб сарполяригача олиб кетишади, хайронман. “Хали келишсин сурайман”, дедим йиғлайвериб кўзини милклари шишиб кетган синглимга.

Бизларни бутун вужуди билан кузатиб эшитиб ўтирган укам бирданига ховлиқиб баланд овозда, “Ака, ака, бувимлар қайтиб келадими, акажон”, деса бўладими. Синглим иккаламиз бир-биримизга қараганча колдик. Синглимнинг кўзлари ёшга тўлиб бошини эгиб олди. Жамиланинг юзини юваётган кўз ёшини кўриш мен учун не чоғлик оғир бўлмасин, қўлимдан ҳеч нарса келмасди. Чидолмадим, ўрнимдан туриб кетдим. “Ё Оллоҳим, ўзингдан келган жазога ҳеч ҳам даво йўқ, деб бувим айтардилар, бугун айни ҳақиқатлигига ишондим”, дердим ичимда. Ичимдаги алам, хўрлигими ни босиш учун уйимиз ортига ўтдим.

Томорқамиз баландликда, киярок бўлганига ҳамма дарё-ю, тоғ-у тошлар яққол кўриниб турарди. Бориб, ёнғоқ дараҳтидан ясалган ўриндиқقا ўтирдим. Ҳа, нимаики бўлмасин, ҳамма-ҳаммаси бувимни эслатарди, ҳатто шу ўриндик ҳам. Хоҳламасам-да, бувим кечагина шу жойда укамни ўйнатиб ўтирганлари ёдимга келди. Йўқ бўлмади, кўп ўтиrolмадим.

Кун салқин бўлганига қарамай, устимизга қалин кўрпа ёпиб ётавердик. Ичкарига киришга ҳеч кимнинг юраги дов бермасди. Негаки ҳали бувимнинг ҳидлари кетмаган эди. Мижжа қокмадим. Ярим тунга бориб, Жамилага ҳам “Ухла-ухла” деявергач, охири ухлаб қолди. Бечора, салгина дам олсин ахир деб ўйлардим. Қани энди, ўзим ухлай олсам, қоп-қора сокин тунга термулганча ўтган мудхиш кунлар кўз ўнгимдан бир-

бир ўтиб, мени тинч қўймасди. Шу пайт қанақадир ҳашорат келиб, шамчироқ устидаги деворга тарсиллаб урилди-да ерга тушди. Чигиртка бўлса керак, кўрпамиз ичига кириб олмасин, деб ўйлаб, тиззамда бориб, паст қилиб куйган чирокнинг илигини кўтариб, қарадим. Кўрдим-у, кўзим хонасидан чиқиб кетгандай бўлди. У арвоҳ-капалак эди. Кўркиб кетганимдан ҳатто баданим сесканиб кетди. Шунда ўртоқларимнинг гаплари ёдимга келиб, “Наҳотки шу бувим бўлса? Нега мен буни бувимдан сўрамаган эканман?”, деб ўйладим. Кўлим дағ-дағ титрарди. Сиқилган юрагимга ҳаво етмай қолди. “Йўқ бўлди, эртагаёқ бу уйдан кетамиз, бўлмасам юрагим ёрилиб ўлишим аниқ”, дедим ўз-ўзимга.

Эртасига эрталаб ўйлаб ўтирмай укаларимни олиб амакимнинг уйига кириб бордик. Келинойим билан амаким бизни яхши кутиб олишди, уларнинг ҳам бир қизлари ва олти ўғиллари бор эди. Энди биз ўнта бола эдик. Аммо жойимиз ўзгарганигами ёки бувимни, онамни, отамни эслатадиган ҳеч нима йўқлигигами, билмадим, синглимнинг чехраси очилиб қолди. У амакимнинг қизи Зулфия билан дўстлашиб, иккаласи бир хонада, қолган ўғил болалар ҳаммамиз бошқа хонада ётадиган бўлдик. Кўнглим анча таскин топгач, энди укаларимни ўзим боқишим керак деб, белимни бойлаб ишга киришдим. Уйимизда нимаики ишлар қилган бўлсан, шу ишларни қилиб далага ишга чиқиб, колхозчилар билан баробар ишлаб кун қоронғу тушганида келиб, эрта сахар туриб кетаман. Укам билан фақат ёнига ухлашга кирганимдагина кўришамиз. У мени ухламай кутиб ётади, эшикдан киришим билан “Ака, акажон келдингизми”, дейди қувониб, бизлар анча гаплашиб ётамиз. Шу кунларда Умиджон амакимнинг ўғли Са-

иддан арз қиласиган одат чиқарди. Бир куни Саид “Мени урди” деса, бир кун “Овқатимни еб күйди”, бир кун “Ўзимнинг нарсамни бермади” дерди йиғламсираб. Мен ҳеч нима қиласлигини, унинг ақли йўклигини, бизлар уларнинг уйида яшаётганимизни айтиб тушунтиришга ҳаракат қилар эдим.

Шу тарзда вакт ўтиб, баҳор ёзга, ёз кузга тулашди. Энди мен бир кун олма тергани борсам, бир кун бозорга бориб, олмаларни сотиб келинойимга пул олиб келиб берадиган бўлдим. Келинойим дастлаб хурсанд бўлиб, дуо қилди. Кейинчалик кечаги бозордан бугун камроқ пул олиб келсан, “Нега кам олиб келдинг, еб кўйгандирсан, ундан кўра укаларингни ўйласанг бўларди?” деб жеркиб берадиган одат чиқазди. Бу гапнинг тагида “Укаларингни боқиб ўтирибман-ку!” деганди. Ўша кундан бошлаб иложи борича олмаларни қимматроқса сотиб кўпроқ пул қилишга, ҳатто битта дона ейдиган сомсамни ҳам емай уйга қайтадиган бўлдим. Кун бўйи оч юрганимгами, билмайман, кечки пайт уйга келиб қорним шунаقا таталаб кетардик, келинойим олиб қўйган ярим коса овқатга тўймай қолардим.

Бир куни бозордан вактлироқ қайтсан, келинойим уйда йўқ экан. Саидни олиб қаёқладир кетибдилар. Укам мени кўриб, чопиб келиб, “Менга хўrozқанд олиб келмадингиз”, деб хархаша қилиб йиғлади. Олиб келиб беришимни айтдим, ҳовли супураётган синглимни кайфияти йўқ эди. Хонага кириб ечинмоқчи бўлиб турсам, ортимдан Жамила кирди. Умиджон билан Саид ҳар куни урушишини, баҳонада келинойим “текинхўрлар” деб роса қарғанларини айтиб, кўз-ёши қилди. Бироз ўйлаб турдимда, сўнг Жамилагага “Нима қилиб-

ди урушса, аклли бўлинглар деганда” дея синглимни тинчлантиридим.

Амаким яхшилар, ишдан келиб “Нима единг, нима қилдинг”, деб сўраб туради. Аммо бу келинойимга борган сари ёқмай бораарди.

Шунақа кунларнинг бирида амаким менга меҳри-бонлик қилиб, “Яхшилаб овқатлан, кўп ишлайсан, мадор бўлади”, деб косаларидан овқатларини ярмини менга солиб бердилар.

Ҳаммамиз хонтахта атрофида ўтиргандик. Шунда келинойим чидолмади:

– Намунча шу етимларни эркалатмасангиз, – деб эрини жеркиб берди. Устига-устак Умиджон билан уларнинг кичкина ўғиллари нуқул талашиб колишгани колишган. Мен уларни зўрға яраштириб қўяман.

Кечки пайт ухлашга ётганимизда улар б 6 та ўғил, бизлар билан саккизта бўлиб бир хонага зўрга сиғардик. Умиджонга эса кўрпача ҳам етмасди. Куз келиб, салқин тушганида эса укам совуқ қотиб қолмасин, деб кучоқлаб ётардим. Амаким четга олиб бу гапларни кўнглимга олмаслигимни, ҳамма уйда ҳам уруш бўлиб туришини тайинларди. Мен ҳам ўйлаб кўриб, тўғрида, ҳар бир нарсага эътибор бераверсам, яшаб муроса қилиб бўлмайди, деб ўйлаб, ишга чиқиб кетдим. Омадим чопиб шу куни колхоз идорасида ҳамма меҳнат ҳакини олишарди. Мен ҳам таваккал деб бориб навбатга турдим, майли қанча берса ҳам дўкондан конфет олиб, укам билан синглимни хурсанд қиласман деб ўйладим. Агар бухгалтер чакирса кираман, бўлмаса йўқ деб турсам. Раис бува келиб қолди. Улар мени чакирдилар, ичкарига отилиб кирдим. “Мана, ойлигинг”, деб пул ёзибди. Биласман буни Раис бува айтган. Пулни олиб

хурсанд бўлганимдан, раҳмат-раҳмат деб, дўконга чо-
пдим. 250 грамм конфетни сотиб олиб уйга қайтдим
Ойлигимни келинойимга бериб, конфетнинг иккитаси-
ни чопиб келган укамга узатдим. Буни кўриб келиной-
им бошладилар жанжални: “Сенлар уч бош бўлсалла-
ринг, қайси бирингга етказаман пуллингни, тўлик олиб
келиб бериш ўрнига, укаларингга конфет ташийсан.
Балки яшириб ҳам қўйгандирсан”. Нима дейишни ҳам
билмай индамай туравердим. Нарироқда синглим ҳам
бошини эгиб, жим қараб турарди. Ўша кечаси ярим
тунгача ўйлаб ётдим. Эрта туриб яна далага чикдим.

Куз келиб, далада иш ҳам камайиб қолган. Уйга
кечроқ бориш учун айланиб юравердим, у-бу ишни қи-
либ. Аср вактида уйга қайтиш учун йўлга тушдим. Не-
гадир ичим қоп-қора, чироқ ёқса ёришмайди, келиной-
имни кўргим келмади. Ўзимизни уйимизнинг олдида
кимлардир ўтиришарди. Узоқдан кўзим тушди. Бего-
на болалар бўлса керак, деб ўйладим. Анча яқинлаш-
гач танидим: Жамила билан Умиджон эди. Синглим
йиғлаб, ўпкаси тўлиб гапиролмасди.

– Нима бўлди? – деб синглимдан сўрадим. У йиғи-
аралаш Умиджонга имлади. Укамнинг юзига кўзим ту-
шиб, жойимда қотиб қолдим. Кўзи шунақангни шишиб
моматалоқ бўлиб кетганки!

– Нима бўлди? – дедим жон ҳолатда.

– Урди, урди, – деди укамнинг хўрлиги келиб.

Ичим куйиб, укамни даст кўтариб олдим.

Жаҳл устида ҳозир бориб дабдаласини чиқараман,
деб кетаётсам, синглим тўхтатиб колди.

– Йўқ, йўқ, акажон ундей қилманг, яхшиси уйи-
мизда ўзимиз яшайлик, уларникуга бормайлик, – деди
ялиниб.

Синглим анча тинчигач ҳаммасини тушунтириб берди. Келинойимнинг кичкина ўғли Сайд Умиджоннинг косасидаги овқатни тортиб оламан, деб косани синдириб қўйибди. Кося синганига жаҳли чиқкан келинойи уйдан амакимнинг қамчисини олиб чиқиб, Умиджонни бошига чунонам туширибдики...

– Укам бира-тўла жойида қотиб овози чиқмай қолди, – деди синглим. – Акажон, у ерга бошқа бормаймиз, нима бўлса ҳам ўзимизнинг уйда яшаймиз.

Ўйлаб туриб, ўзимнинг ҳам ҳеч боргим йўқлигиданми, билмадим, рози бўлдим. Кулфни бузиб сим билан ўраб ташланган эшикни очиб, ичкарига кирдик.

– Бўлди қил, Жамила, – дедим, унинг йиғлайверишидан аччиғим келиб. – Бўлди, ўз уйимизда яшаймиз.

Синглим йиги аралаш жилмайди.

– Шундок ҳам уларникида сенга доим овқат етмасди. Тўғрими, – дедим мулоим тортиб синглимга.

“Ха”, дегандек бошини қимирлатиб қўйди у.

– Кўяверинглар, энди бозорга бориб, ўзим боқаман сизларни, – дедим укаларимнинг кайфиятини кўтариб.

Сўнг синглим билан укамни ўзимизнинг уйда қолдириб, амакимнидан у-бу нарсаларни олиб келгани бордим. Келсам, келинойим аллақачон амакимни ўзларининг томонларига оғдириб бўлибдилар. Мен ҳали гап бошламасимдан туриб, келинойим:

– Ха, нима синглинг йўлда сени пойлаб туриб, роса мени ёмонладиларингми, яна қайси юзинг билан келяпсан, – дедилар ўдағайлаб.

– Нималар деяпсиз, келинойи, нега ёмонлар эканмиз, – дедим вазиятни юмшатиб бирор бир егулик олиб чиқиши мақсадида.

— Ҳа-а, ана шундок бўлсин-да, мен ҳали ҳеч кимга ёмонлик қилмаганман. Гуноҳим факат сенларни бокқаним, болаларимдан заррача кам кўрмаганим, — деб йиғлашга тушди.

Амаким дастурхон бошида индамай бир нуктага тикилиб ўтирадилар.

— Майли, келинойи, биз яхиси ўз уйимизда яшай қолайлик, — дедим мулойим оҳангда.

Бу гапимдан қизишиб кетган амаким:

— Кетсанг кет, йўколинглар кўзимдан, яхшилик ёқмаганлар, — деди тутақиб.

Мен ичкарига кириб, ул-бул нарсаларимни олгунимча келинойим тўхтамай бизни, оғзига келган гаплар билан қарғарди. Мен бўлсам бир амаллаб ошхонага кириб битта нон билан 5-6 картошкани олиб келиб кийимларимиз ичига солиб ўраб олдим.

— Етим қўзи боқсанг, оғзи-бурнинг ёғ бўлар. Етим бола боқсанг, оғзи-бурнинг қон бўлар, — деб орқамдан чиқиб, эшикни ёпиб олди зарда билан.

Кутулганимга шукр қилиб уйга қайтдим. Синглим ҳовлига сув сепиб супурарди. Укам эса ҳовлида озод бўлган қушдек толни шохини от қилиб устига ўтириб олган. Ҳовлини у четидан бу четига қараб, “от”ини чоптириб юрарди. Унга ҳар сафар караганимда кўкарған кўзини кўришим билан юрагим орқага тортиб кетади. Шунчалик ҳам урадими болани, одам деган бундай ишни килиш учун одам тошбағир бўлиб туғилиши керак.

Бувим ўлганларидан бери биринчи марта учовимиз дастурхон атрофига йиғилдик. Ҳар биримиз ўз жойимизда ўтирадик. Беихтиёр кўзим бувимнинг жойларига тушди. Дарров ўзимни ўнглаб, синглимга карадим. У ҳам ниманидир хаёл сурा бошлаганди. Энди

жимликни бузмокчи эдим, бизни кузатиб турган укам бувимнинг жойига ўтиб, чордона қуриб олди. Жажжи кўлларини фотихага очиб, бошини сал эгиб, пичирлаб, бизга қаради. Биз ҳам қўлимизни очганча уни кутиб турардик. Укам қўлчасини юзига тортиб, омин деб “Мен бувижонман”, деди кулиб.

Бизлар кулишдик.

– Унда сени бувижон дейликми? – дедим. Яна кулгу улашмоқчи бўлиб.

У уялганидан ўрнидан туриб, эркаланиб, бўйнимга ёпишди.

Худога шукур, энди машъум кунлар анча биздан узоқлашгандай туюларди. Бизлар шу кундан бошлаб, ўзимиз яшай бошладик. Қорнимиз унчалик тўк бўлмасада, лекин қулоғимиз тинч эди.

Қайтганимиздан бир-икки кундан сўнг дарвоза очилиб, кимдир уйга кирди. Чикиб қарасам, остоңада жаҳл отига миниб олган Шермат амаким тез-тез қадам ташлаб келяпти. Салом бердим, алик ҳам олмай, “Ҳа ўтирибсизларми, яхшилик ёқмаганлар”, – деди. Айвонга омонатгина ўтирди. Қўлларида аллақандай тугун бор эди. Умиджон хонадан югуриб чикиб, салом берди. Унга қўзи тушган амаким, бирданига чўчиб кетиб:

– Вой нима қилдинглар, – деб қайтганимиздан сўрадилар. Жамила энди гап бошламоқчи эди ҳамки, аммо укамни ўзи ҳаммасини оққизмай, томизмай гапириб берди. Шу заҳоти уларнинг жаҳлидан асар ҳам қолмади. Укамни қўлларида кўтариб, юзини яхшилаб кўрди-да, ичларида кимнидир уришиб сўкиб ҳам қўярдилар.

– Сенга овқат олиб келдим, – дедилар тугунни кўрсатиб. Уришгани келган эканми дейман, шу билан бошқа гапирмади ва бироз ўйланиб сўнг:

— Майли, мен ўзим қарашиб тураман. Эртага қолган нарсаларингизни олиб келиб бераман. Чиқиб кетаётиб:

— Дарвозани ичкаридан қулфлаб ётинглар, — тайинлади.

* * *

Шундай қилиб, кунлар ўтиб аста-секин учаламиз бир кун яхшиrok, бир кун ёмонроқ яшайвердик. Бир куни далага чиқиб, кун бўйи юриб дарахтларнинг устида қолган битта-яримта олмаларни йигиб, зўрга челягимни тўлдириб бозорга отландим. Бозордан бир-икки кунлик рўзгор қилиб келиб, эртасига мозорбошига синглим билан боришга келишдик. Укам худди тўйга бориб, бувимни кўриб келадигандек хурсанд ҳолда соchlарини текислаб ясаниб олди.

Учаламиз йўлга тушдик. Кетатуриб фақат укам гапиравди. “Ассалому алайкум, бувижон мана мен келдим! — дедим ичимда кабрбошида туриб. Айтганингиздай, дод-вой солмаяпман. Лекин ичимда нима кечётганини билгандирсиз. Бувижон, 100 га кирмоқчи эдингиз-ку. Эсингиздами, кечаси укамни аллалаб айтган гапингиз, “Аллаё, алла 80 га чиқиб чақалоқли келинчак бўлдим, аллаё, алла”. Алла баҳонасида ичингиздаги дардларни айтиб олардингиз. Мен-чи, мен. Буви 12 ёшга кириб, икки боланинг ҳам отаси ҳам онаси бўлдим”, деб йиглайми, бувижон? Қани энди ҳеч бўлмаганда отам келганида эди”, дердим ичимда йигини зўрға босиб. Йиғламасликка ҳаракат қилиб, қабрлари атрофини супуриб-сидириб, билганимизча дуо қилиб уйга қайтдик.

Кунлар ўтаверди. Уруш эса янгидан-янги қурбонли кларни талаб қиласарди. Куз ҳам тугай деб қолди. Но-

ябрь ойининг охирлари ҳаво худди эрта-индин қор ёғадигандек хирадашиб турибди.

– Вакт ғанимат, яна бир-икки бозорга у-бу нарса олиб бориб, буғдой олиб келиб қўйсам, – дедим синглимга маслаҳат солиб.

– Ҳа тўғри айтасиз, ака, – деди ҳушёр тортиб, – лекин ҳеч нима қолмадику далада. Нима қиласиз, энди – деди Жамила ҳомуш бўлиб.

– Агар билганимда, келинайимга пулимни бермай яшириб қўйган бўлардим, – дедим синглимга.

– Ҳа, тўғри, у офат ҳеч ҳам бермайди энди, ака – деди синглим ҳам ўйланиб қолиб.

– Майли, қўявер Ҳудо бир ризқимизни берар, – дедим синглимни тинчлантириб.

– Яхиси, наъмatak тергани борамиз, – деб маслаҳат солдим. Синглим рози бўлди. Укамни уйда қолишга қўндиrolмадик.

Эрта туриб укамни етаклаб, бир бурда зоғора нонни рўмолга туғиб учаламиз тоғлар оралаб кетдик.

Анча йўл юриб, чарчаб укам энди юришга ҳоли қолмаганди. Синглим билан галма-галдан опичлаб тоғ бағрига етганимизда наъмatakни ҳам аллақачон териб кетишган эди. Яккам-дуккам шоҳда қолганини синглим билан тера бошладик. Шунаقا тикани ёмонки, нинадан ҳам ўткир. Қуёш тиккага келганида укам “Нон ейман”, деб қолди. Синглим, “Бирпас сабр қил”, деб уришгандек бўлди.

Ишимизни тугатиб, тоғдан оқиб тушаётган сув бўйига етиб келдик. Бир бурда нонни синглим авайлаб қўйнидан олди. Нонга қўзим тушиб, нондан-да азизроқ нарса йўқлигини билдим. Коронғи тушиб кеч бўлганда уйга етиб келдик.

Азонда туриб бозорга жүнадим. Борига барака, деб наъматакни яхшигина пул қилдим. Бориб буғдой со-тиб олиб, автобусга ўтирганимда қор учқунлай бошлади. Бир тарафдан бозоримга хурсанд бўлсам, иккинчи тарафдан “Буғдойни жуда тежаб есак ҳам зўрға яrim ойга етарди. Қишини қандай ўтказамиз”, деб бошим қотарди. “Амакимдан фойда йўқ, келиойим бермаслиги аник”, деб ўладим.

Эртасига турганимизда ҳаммаёқ оппоқ қор билан бурканган эди, “Мана сенга қор” дедим ўзимга-ўзим. Қишининг совук кунлари ҳам бошланиб кетди. Қиш пайтида қўшниларга укамни қолдиришга одамга ноқу-лай эди. Мактабга галма-гал қатнайдиган бўлдик. Бир кун синглим укам билан қолса, иккинчи куни мен.

Уйда қолган кунларим қор курайман, ўтин ёриб, синглимга осонроқ иш қолдириб кунни ўтказаман. Буғдойим ҳам, олма қоқимиз ҳам декабр ярмида би-ратўла тугади. Кечаси билан ўйлаб ўйимга етмай миж-жа қоқмадим. Очликнинг учинчи куни эрталабдан укам йиғлашга тушди. У деб алдадик, бу деб алдадик, кўн-мади. Охири укамдан қочиб ҳовлига чиқдим. Сиқилиб кетганимдан бориб тахлаб қўйилган ўтинлар устига ўтириб ўйламоқчи бўлдим. Ўтинни пастидан олавериб таги бўшаб қолган экан чамамда. Оёғимни қўйишим билан думалаб туша бошлади. Кейин ёйилиб кетган ўтинларни бир четдан тахлай бошладим. “Ўтирмай ўл, Мирҳосил”, дердим ич-ичимда. Қайта тахлаётганимда, курук чўплар орасида қанакадир тугун кўринди. Тепа-роқ турган йўғонроқ ўтинга илиниб турарди. Шошиб, тугунни олдим. Таниш дастрўмолча. Бу отамнинг дастрўмолчаси эди. Юрагим беихтиёр дук-дук уриб кетди. Ҳаяжонланиб ичини очдим. Ўрик мағзи ипдан

ўтказилган ҳолда, дастрўмолга ўраб боғлаб қўйилган эди. Билдим, бу бувимнинг ишлари. Улар еган ўрикли-римизнинг данагини териб келиб, чакиб ипдан ўтқизиб, деворга осиб қўярдилар. Кишда ердик. Афтидан бувим қуритиш учун ўтин устига қўйган. Кейин эсидан чиққан.

Оёғимни қўлимга олиб хонага чопдим. Қуриган мағизни ювиб ўртага қўйиб, мазза қилиб едик. Укамнинг хурсандлигини гапирмасам ҳам бўлади.

Кечки пайт қурт еган, ярми чириб сўлиб қолган олмани чиройли қилиб кесдимда, сўнг ичига битта-иккита мағзни қўшиб, дастурхон ёйиб, косаларга қўйиб чиқдим. Ҳар кимни олдига бир пиёладан иссиқ чой қўйдим. Учаламиз дастурхон атрофида ўтириб, дуо қилдик. Қошиқни олиб, худди овқат егандек оғзимизга солиб, чайнаб-чайнаб устидан чой хўплаб ичдик. Синглим чойини бир хўплаб менга юзланди:

– Ака, қойилман, ош еганимизда ҳам бунаقا мазза қилмаганман, – деди кулиб.

Мағзимизни икки-уч кунга зўрға етказдик. Қор ҳам уч кундан бери тинмай ёғиб, ҳовлидаги том билан барабар бўлиб қолди.

Буёғига ҳеч нарсамиз йўқ эди. Орада яна уч кун оч ўтиридик. Синглим кундан-кунга ранги оқариб, касалга ўхшаб борарди. Умиджонни-ку гапирмаса ҳам бўлади. Озиб кетиб, турган жойида боши айланиб, йиқилиб тушарди. Эртасига ўйлаб ўтириб, охири учаламиз кор кечиб амакимникига бордик. Эшикни тақиллатгандим, келинойим чиқиб келдилар, бизларни қўриб афти ўзгариб, ҳайдаб солдилар. Шундан кейин тушундимки, минг ялинсак ҳам бизни уйларига қўймайди. Охири 5-6 картошкани ёлвориб олиб уйга қайтдик. Амаллаб

мактабга бордим. Бошим тинмай оғрирди. Синф раҳбаримиз мени қўриб, олдиларига чақирдилар. “Яхши мисан, укаларинг яхшими, нега бунчалик озиб кетдинг? Бирор жойинг оғрийдими?” деб сўрадилар. Бирайтиб юборай дедим, лекин индамадим. Устозим ҳам ўйлаб қолиб, “Майли хафа бўлма, ҳозир ҳаммага ҳам осон эмас”, деб идорага томон кетдилар.

Дарснинг охирида биринчи партанинг тагида нимадир ётганига кўзим тушди. Роса қарадим, нималигини билмадим. Лекин ейдиган нарсалиги билиниб турибди. Туриб олиб оғзимга солсаммикин, деб ўйладим. “Йўқ Мирҳосилбой, чидагин, насиб қилса, ейсан”, дедим ўз-ўзимга. Дарс тугаб, ҳамма кўчага отилди. Мен ҳам кўчага чиқдим. Болаларнинг кўзини шамғалат қилиб, синфга қайтиб кирдиму, парта тагидаги нарсани олиш учун эргашиб кўлимни чўздим. Столдан ўтиб деворни бурчагига тушгани учун кўлим етмади. Охири ерга чўзилиб ўша нарсани ушладим, юмшоқ экан. Шу пайт эшик очилиб, кимдир кирди, мен ётган жойимда кўлимдаги нарсани дарров оғзимга солдим. Туришга улгурмасдим шунинг учун ётавердим, олдимга келган аёл, “Мирҳосил, сенмисан, нима қилиб ётибсан?” деди ажабланиб. Мен гапирлолмасдим. “Қани, тур-чи”, деди жиддийроқ. Секин ўрнимдан турдим. Синфимиз фарроши Мавжуда хола экан. Мен салом ҳам беролмасдим. Оғзимдаги иккита туршак шунчалик катта эдики, лабларимни зўрға ёпиб турардим.

Улар мени бошдан-оёқ яхшилаб кузатиб турдилар-да: “Нима бўлди, болам, ейишдан қийналяпсизларми?”, дедилар. Мен “Ҳа” дегандек бошимни қимирлатиб қўйдим. Улар тушундилар, шекилли, уйлаган кўйи челякдаги сувни олиб синф ичига сепа бошладилар.

Мен аста-секин синфдан чиқдим, четга ўтиб, оғзимдагини кўлимга олдим. Оғзимдаги туршак юмшаб, мазаси чиқаётган экан. Кўлимга олиб, биттасини емокчи бўлдиму, тўхтаб қолдим. “Укаларим неча кундан бери туз totишмаган”, дедим. Яна бир “Шу билан тўйишармиди, еб қўя қолай”, деган хаёлга ҳам бордим. Зўрға чўнтағимга солдим.

Уйга боргунча неча марта олиб, неча марта ушлаб кўйдим. Қалин корни кечиб уйга борганимда этигимнинг таги тушиб колганини билдим. Эшикдан зўрға кириб, тинка мадорим қуриб кетганди. Кўрпача устига ўзимни ташладим. Бувимнинг катта рўмолига ўраниб, кампирга ўхшаб қолган синглим, мени кўриб қўрқиб кетдими дейман:

– Ака, акажон ўлманг, фақат сиз ўлманг, – деса бўладими. Бир бурчакда икки бармогини пиёладаги чойга ботириб, дам-бадам оғзига солиб шимаётган укам ҳам Жамиланинг гапини эшитиб, ўрнидан туриб мен томон келди. Бор кучимни тўплаб, бошимни кўтардим-да:

– Жамила, жиннимисан, нега ўламан, этигимнинг таги узилиб қолди. Қалин қор кечиб келиб, жуда чарчадим, холос, – дедим. – Чўнтағимдагини ол, – деб тайнинладим.

У чўнтағимга кўлини тикиб, туршакларни олди. Укам бер деб йиғлашга тушди. “Биттасини укамга бер”, дедим ётган жойимда. Синглим қайноқ чой дамлаб, илитиб берди-да, ҳаммасини бирдан еб қўймаслигини, чойга ботириб-ботириб шимиб ейишни тайнинлади. Умиджон бориб жойига ўтириб олиб опаси айтганидек факат шимарди. Мен ҳам йўқ деганимга қарамай оғзимга ярмини солиб кўйди.

Отам даврида ҳам шунча ўрик еб, бунақа мазали бўлишини сезмагандим. Синглим иссиқ чой берди.

Мен ётган күйи ўрикни шимиб ётдим. Баданимга сал жон киргандек бўлди. Синглим совуқдан қотиб қолган оёқларимни кўрпага ўраб кўйди. Кўзим илинди, қорним очлигидан кечга яқин уйғониб кетдим.

Синглим печкага суюнганича ўтиради. Укам бўлса, ишонсангиз, ҳалиги ўрикни совиб қолган чойига ботириб ҳалигача шимиб чарчамасди. Нима қилсам экан деган саволга жавоб излардим. Гоҳ у қишлоқда, гоҳ бу қишлоқда “Очликдан шишиб ўлибди” деган хабарларни эшитардик. Бунақада ўлиб кетиш ҳам ҳеч гап эмасди.

Яна бир тонг отди, ўрнимдан туриб деразадан ховлига бокдим. Ҳаммаёқ оппоқ қор. Баҳор келишига ҳали анча бор. Бирор бир егулик топмасам ҳолимизга маймунлар йиғлаши турган гап. Ҳовлига чиқдим, қор яна майдалаб ёғиб кўчага чиқадиган йўлакни ёпиб қўйибди. Куракни олиб тозалай бошладим, кучим етмай оёқларим дағ-дағ титрарди. Куракка суюниб турдим. Шу пайт кўча эшикни кимдир тортгандек бўлди. “Ким?”, дедим турган жойимдан. Узокдан қандайдир овоз келди. Ҳеч нарсани тушунмадим. “Ҳозир” деб куракда ўзим учун кичкина йўл очиб, эшик томон бора-вердим. Ногахон миямга “Бу отам бўлса-я!” деган фикр келди. Ахир қийналаётганимизни Худо ҳам кўриб турибди-ку, бу қаҳратон қишида бизниги яна ким ҳам келарди? Ҳозир очарчилик пайтда, ҳеч ким ўзидан ортмаса. Амаким-ку келмаслиги аниқ, келинойим қўймайдилар. “Бу отам”, деган хаёл келганида икки ёнимдан қанот чиқкандек бўлди, куракни ташлаб, эшик олдига қандай бориб қолганимни билмайман.

“Ота, отажоним, бошимдаги тож-у тахтим, менинг давлатим, ахири келдингизми?” – деб фарёд соларди

ичим. Қор куралмагани учун эшикни очилиши қийин бўлди. Қорни оёғим билан зўрга нарирок сурдим.

Эшик очилди. Ташқарида қалин рўмолга ўралган аёл киши турарди. Тарвузим қўлтиғимдан тушди, хафсалам пир бўлиб, ғалати туриб қолдим. Ва яна ўзимни қўлга олиб, “Майли, Мирҳосилбой, хафа бўлма”, деб ўзимни-ўзим юпатишга тушдим. “Бугун келмадилар, лекин бир кун, албатта, келадилар, мен бунга ишониб яшайман. Баҳор келиб, лолалар гуллаганда, уйларимиз нонга тўлганда келадилар отам. Ана ўшандада мен, мен ўғлингиз, деб бориб отамнинг бўйниларидан маҳкам қучиб оламан”, деган хаёл ўтиши билан рўпарамда факат кўзи кўриниб турган аёл келиб, бўйнимга ёпишди. Худди отамни қучоқламоқчи бўлгандек, аёлни маҳкам қучиб ичимда “Отажоним!” деб сўрашдим. Аёл қучоқлаганича нималарнидир гапириб-гапириб, йиғларди. Анчадан сўнг танидим: ойимнинг ҳиди таралиб турарди. Холам эди. Бизлар узок сўрашдик. Холажоним қўлларида кичкина тугун. Бечора холам ўзлари амал-тақал қилиб яшасалар-да, яна қалин қорда, бизни йўқлаб келибди.

Уларни уйга бошлаб, қор билан қопланган рўмолларини қоқиб, печ устига ёйиб қўйдим. Уйимиз бир ёришгандек бўлди. Холам синглим билан укамни кўриб, “Вой шўрим қурсин, сизларга нима бўлди?” деб йиғлаб-йиғлаб кўришдилар. Укам бўлса худди онамни топгандек холамнинг қўлларидан тушмасди. Анча гаплашиб ўтириб, уларни зимдан кузатдим. Тавба, аллақаёқлари худди онамни ўзгинаси-я. Беихтиёр холамга қараб, онамни эсламасликнинг иложи йўқ эди. Синглим дарров печка устида қайнаб турган чойни дамлади. Мен дастурхон ёздим. Холам олиб

келган тугунни ечиб, мис товоқдаги аталани ўртага кўйдим. Устида уч бўлакча зоғора нонни ҳам ўтириб, пакқос туширдик. Корнимиз тўйди. Биздан баҳтли одам йўқ эди.

Холам билан пешингача сухбатлашиб ўтиридик. Сўнг улар дастурхонга фотиҳа қилиб, кечгача уйига зўрга етиб олишларини айтиб, йўлга тушдилар.

Холамни эшиккача кузатиб чиқдим. Бизлар хайрлашдик. Уларни ортларидан қараб туриб, беихтиёр осмонга қарадим. Оппок қор думалаб-думалаб юзимга тушарди. Эй, ҳаммасини кўриб турган Зот, пешона-миздаги битта-ю битта ғамхўримиз шу холамниям па-ноҳингда асрагин, дедим илтижо билан.

Бугун корни тўйган синглим билан укамга жон киргандай эди. Ўзим ҳам қадимни кўтариб олдим. Эртасига ҳам бувимни ўгитларига амал қилиб, барвакт туриб, ҳовлини кураб, ертўлага кирдим. Ертўламиз ўзи қоронғироқ бўларди, фонуснинг жойини тахминан пайпаслаб топиб амаллаб ёқдим. Ҳамма ёғини бир-бир кўздан кечириб ҳеч нарса топмай, хафсалам пир бўлди. Энди чиқмоқчи ҳам эдимки, оёғим тешикка тушиб кетишига сал қолди. Тешикнинг усти қоп билан ёпиб кўйилган экан. Бу ўра эди. Бир вақтлар ичига картошка солиб қўярдик. Шошиб қолдим, балки ичидан қолган картошка бордир деган фикр ўтди бошимдан. Мўраладим. Ҳеч нарсани кўролмагач, ерга чўзилиб ётиб бoshim билан белимгача ўра ичига тушдим. Қўлимни узатдим, етмади, энди ярим белимгача ўранинг ичига осилиб, қўлим билан ўсиб чиқсан картошкани амаллаб илдизи билан суғуриб олдим.

Олишга олдиму, қани энди ўранинг ичидан чиқа олсам. Уринавериб чарчаб кетдим. Шу алфозда икки

соатча оёғим осмонда бўлиб ётдим. Осилиб қолган бошим қизиб, кўнглим айний бошлади. Ўлганнинг устига тепган қилиб, фонуснинг керосини ҳам кам эканми дейман, лип этиб ўчиб қолди. “Ана энди ёта-вер Мирхосил”, дедим ўз-ўзимга. Бирдан Жамиланинг “Ака, акажон қаердасиз?”, деган овози келди. Бир-икки “Мен шу ердаман”, дедим, лекин овозимни ўра ичидан чикмасди.

“Овози ошхона тарафдан келаяпти, аммо ертўла-га кирмаса керак,” деб ўйладим. Чунки у қоронгудан кўрқади. Синглим ичкарига мўралагандай бўлди, мен бор кучим билан оёғимни ерга тепиб, ура бошладим. Жамила эшитгандай бўлди, чамамда, эргашиб юрган укам эса минғиллаб йигларди. Орқасига қайтган синглим “Бўлди қил, кимдир гапирдими дейман, эшитмай қолдим”, деб укамни урушиб қўйди. Умиджон жим бўлди. Яна бор кучим билан оёғимни кўтариб ерга урмоқчи бўлдим. Шунда оёғим нимагадир тегиб бир нарса шараклаб ерга тушди. У деворга суюб қўйган белкурак эди. Синглим билан укам ичкарига кириши-ди. Иккаласи ўтириб олиб, оёғимдан тортишди, қимир этмадим. На ўра ичига туша оламан, на чиқа оламан. Охири ўйлаб, синглимга белкуракни дастасини ўра ичига беришини айтдим. Дастага тирагиб, гавдамни кўтаришга харакат қилдим, улар оёғимдан тортишди, ахийри ўрадан чиқиб олдим.

Ўрадан чиқдим-у, аммо юролмадим, ертўла ўртаси-да узала тушиб ётардим, иккала укам тепамда йигла-шарди. Амаллаб, синглим ёрдамида уйга кириб олдим, кўрпага ўраниб кечгача ётдим. Синглим бечора атро-фимда парвона. Ўрадан олган картошкани сувга солиб пишириб кечги пайтга едик. Эртасига ўрнимдан туриб,

келинойимнига боришга аҳд қилдим. Бошқа иложим ҳам йўқ эди.

Эшикдан кириб бордим. Рӯпарамда пайдо бўлган келинойимга салом бердим. Келинойим мени итариб чиқармоқчи бўлдилар, мен бўлсам буни сезиб ичкарироққа кириб олдим.

– Ҳа, шумоёқ, яна нимага келдинг? – деди мени ғажишига тайёр итдек, қўлларини белига қўйиб.

Мен икки қўлимни чўзиб, индамай туравердим.

– Ҳа, оч қолдиларингми, а....? – деб яна шанғиллаб дийдиёни бошладилар. Нима деб қарғаса ҳам чидадим. Бизларни “шумоёқ”, “дардисар” деб карғарди.

Менга барибир эди. Корним оч бўлгани учун бу ҳакоратлар таъсир қилмасди. Мақсадим эсон-омон укаларимни баҳорга олиб чиқиш эди. Нима деса ҳам бирор бир егулик берса бўлди деб ўйлардим. Индамай туравердим, келинойимни эса оғизи тинмасди.

– Сен гадойвачча, кўзимдан йўқол, – дерди баттар овозини кўтариб.

Мен шунда ҳам икки қўлимни узатиб туравердим. Келинойим ахiri шаҳд билан ёнимга келиб, бўйнимдан ушлади. Шу пайт қўзим келинойимнинг қулоқла-ридаги бувимнинг зиракларига тушди. Мен ҳам фур-сатдан фойдаланиб, қулоқларини маҳкам ушлаб олдим. Келинойим мендан буни кутмаган эди, албатта, эсанкираб қолди.

–Ол қўлингни, –деб туртганди, зиракнинг биттаси қўлимга тушди. Маҳкам ушлаб қўйнимга солиб олдим. Келинойим жазавага тушиб, баттар қизишиб, мени урмоқчи бўлиб қўлларини кўтарди.

– Бу бувимники, уйимиздан ҳамма нарсаларни олиб келиб олдингиз. Укаларим оч ўтиришибди, бермайман, – дедим мен ҳам бўш келмай.

- Бер, тезроқ, бу ўзимники – деди келинойим ёлғонлаб.
- Бу сафар найрангиз ўтмайди. бирор егулик берсангиз, кейин бераман, – дедим кўзига тик боқиб.
- Вой, яшшамагур! – деди тишларини ғижирлатиб.
- Укаларим оч ўтиришибди, нима бўлса ҳам беринг, тушундингизми, – дедим баланд овозда.

Охири гапира-гапира ошхона томонга кетди. Келинойимнинг ортидан караб, кўзимни лўқ қилиб, ишқилиб, бирор тузукроқ егулик олиб чиксинда, дердим ичимда. Зум ўтмай, бир халтачада картошка билан бир товоқда атала ва уч бурда нон олиб чиқиб, зарда билан кўлимга тутқазди

Мен зиракни бердим-у орқамга қарамай, кўчага интилдим. Келинойим эшикни тараклатиб ёпди. Мен тугунни қучоқлаганимча келар эканман, ҳали ҳеч нарса томоғимдан ўтмаган бўлса-да, оёкларим анча тетиклашгандай эди. Йўлчи амакининг эшигига етганимда, итни овози эшитилди. Бу маҳаллада битта уларда ит бор.

Бошимга келган фикрдан жойимда таққа тўхтаб қолдим. Кейинги сафар Йўлчи амакиникидан ҳам ёрдам сўрасаммикин? Негаки улар бошқалардан кўра анча яхширок кун кечиришади. Амаки кунора овга боради. Бошқа иложим ҳам йўқ, ҳали баҳоргача, оҳ-ҳо-о. Ишқилиб, унгача укаларим ўлиб қолмасин. Ўтириб аталанинг ярмини нон билан мазза килиб еб олдик. Қанчалик тежаб есакда, бешинчи куни яна оч ўтиридик. “Йўлчи амакиникига қандай сўраб бораман” деб ўйлагунимча орада иккинчи кун ҳам ўтди. Укам яна йиғлашга тушди. Кеч кирди, бошимга келган фикрдан ўрнимдан туриб, ҳовлига чиқдим. Ой баланд кўтарили-

ган, ҳаммаёқ оппоқ қор күрпаси остида ётарди. Мен таваккал қилиб, Йўлчи амакининг уйи томон юрдим, дарвоза очик экан, ит сезиб қолмаслиги учун аста юриб, уйга яқинлашиб, ойнадан мўраладим. Улар дастурхон атрофида ўтиришарди. Эшикни тақиллатдим, бироздан кейин, ичкаридан катта ўғли чиқди. Саломлашди:

- Қалайсан, – деди Акмал.
- Яхши, ўзинг-чи, – дедим.
- Бўлади, нима гапинг бор? – сўради Акмал.
- Мен озгина ёрдам сўраб келгандим, – дедим пастроқ овозда.
- Ҳозир, – деб ичкарига кириб кетди.

Анчадан кейин Йўлчи амаки чиқди. Башараси буришиб кетган, дудукланиб, нималарнидир жаҳл билан гапиравди. Мен тушунмай жойимда туравердим. “Ҳали ҳам одам бўлмапсан”, дедим ичимда. Қарасам, ўтинхонадан узун чўпни кўтариб келаяпти. Биламанки, бу одам аяб ўтирамайди. Жон ҳолатда қалин қор кечиб, боғ тарафга қоча бошладим. Белимгача қорга ботиб, беш-олти қадам зўрға юриб, жойимда тўхтадим. Орқамга қарадим. Йўлчи амаки ҳовлида қор куралган жойда туриб, мени қидирарди. Мен ҳам Йўлчи амаки кўрмаслиги учун қор устига ётиб олдим. Ит бўлса тинмай акилларди. Бироздан сўнг уй эшиги очилиб, хотинининг овози эшитилди.

– Ҳой, ҳой қанақа одамсиз ўзи. Шунгаям шунчами, қўлингиздаги билан урсангиз, ўлиб қолади-ку. Ғирт етим бўлса?! Ҳеч тавба қилмас экансиз-да. Сизни энди фақат гўр тузатади. – деб эрини уйға олиб кириб кетди.

Кор устида ётиб бу гапдан ғалати бўлиб кетдим. “Йўқ, мен ғирт етиммасман, опоқижон, отам борларку, ўлганларини ҳеч ким кўрмаган. Бир кун кириб келса-

лар ўзингиз уялиб қоласиз”, деб пичирлардим ўз. Аста ўрнимдан туриб, ҳовли этагидаги ҳожатхона олдида устимни қоқиб турсам, бойлаб қўйган ит бор овози билан менга қараб баттар акиллаб кетди. Ёз пайтлари маҳаллада қўриб қолсам, бошини силаб эркалатардим.

— Йўлбарс, йўлбарс, бўлди қил, бу менман танингми – дедим. Ҳартугул ит мени таниб, акиллашдан тўхтаб думини ликиллатди.

Олдига бориб, бошини силаб эркаладим. Ит думини ликиллатиб устиларимга сакраб ўйнамоқчи бўлди. Шу пайт уй эшиги очилиб, кимдир биз томон кела бошлади. Шошиб қолиб, ҳожатхона ичига кириб олдим. Акмал келиб итни ечиб юборди-да, ялоғига нимадир тўкди. Турган жойимда “Агар ҳожатга кириб қолса-я”, деб юрак ҳовучлаб турдим. Ҳожатхонанинг бир тарафида тахлаб қўйган шохлар устида турган қопларга кўзим тушиб, қўлимга олиб, бошимга кийиб шохларга суюниб ўтиrmокчи бўлдим. Қопни қўлимга олишим билан тагидаги дон тўкилиб тушди. Акмал ит билан ўйнаб-ўйнаб ўйга қайтди. Энди ҳожатхона ичida тахлаб қўйган қопларни биттадан қоқа бошладим. Уч косага келадиган бўғдойни йигиб олиб, ташқарига чикдим. Йўлбарс товокдагини еб бўлиб мен томон қарди. Шунда итнинг ялоғидаги бир талай суюкка кўзим тушиб, кўзларим ёниб кетди. Суюкларга оч бўридай ташланиб қолдим ва режамдан қувондим. Суюкларни йиғиштириб олдим-да, Йўлбарсга раҳмат айтиб, тўғри ўйга қараб жўнадим.

Ўйга яқинлашганда кўча ариқда суюкларни яхшилаб ювиб олдим. “Мирҳосилбой, нима ишлар қилаяпсан ўзи?”, деб ич-ичимдан эзилардим. “Укаларим оч ўтирибди. Бошқа иложим йўқ, Художон, ўзинг кечир”.

Неча марта сирпаниб, ариқ ичига ҳам тушиб чиқдим. Маҳалладагилар ариқдан сув олганларида челякдан сачраган сув музлаб, сирпанчик бўлиб кетган эди. Суякларни ертўлага олиб-кириб, фонусга керосин куйиб ёқдиму, шошиб укаларимдан хабар олиш учун хонага кирдим. Жамила жойида ғужанак бўлиб ётарди. Қўркиб кетиб, олдига яқинлашиб, “Жамила”, дедим ваҳима билан, у қўзини очди, “Худога шукур, тирик экан”, деб юбордим.

– Ҳозир сизларга овқат қилиб бераман, – дедим.

У ҳеч нарса демади. Умиджон эса печка олдида тескари қараганча бир-бир инграб қўярди, холос. Ошхонадан катта қозон олиб кирдим-да, ичига сув солиб, оловни баландлатиб қўйдим. Қайтиб ертўлага тушиб бувимдан қолган ҳавончада суякларни янча бошладим, яхлаганигами ёки кийик суяги ёш эдими ҳар қалай, янчиш қийин бўлмади. Майдалаб ундеқ қилиб эладим-да, ярим косасини олиб, бўғдойга аралаштириб, сув қайнаб турган қозонга солдим. Қолганини ҳам яхшилаб майдалаб, тугунчага тугиб қўйдим. Соувқ ўтиб кетгани учун кўрпага ўраниб, бирпас исиниб олмоқчи бўлиб, шу билан қотиб ухлаб қолибман. Укамнинг йиглашидан уйғониб кетдим. Ҳовлиқиб ўрнимдан туриб бориб, бақирлаб қайнаётган қозоннинг қопқоғини кўтардим. Беихтиёр, “Ё Оллоҳ, кудратингдан”, деб юбордим. Бувимнинг ёд бўлиб кетган сўзларини такрорлаб. Қозонда оппоқ атала қайнарди, ишонгим келмасди. “Худойим назар солмаган бўлса, шунчалик бўлиши мумкин эмас”, деб ўйладим. “Худди сутли бўтқага ўхшайди-я”, хурсанд бўлиб кетдим.

Ойнага қарадим, кун отиб қолибди. Қуюқлашган аталага озгина сув солиб, яна бироз қайнатдим.

Эрта тонгда суюқдан қилинган овқат тайёр бўлди. Кайфиятим кўтарилди. Иккита тавоқчага оқ атала-ни суздим. Синглимнинг ёнига бориб, қошиқ билан пуфлаб-пуфлаб, оғзига қуиб едирдим. Жамила факат култ-қулт этиб ютарди, холос.

Синглимнинг ичига иссиқлик кириб, овози чиқди. Косадаги овқатга имо қилиб “Ўзингиз енг” дегандай қилди. Мен “Хавотир олма, хали овқат кўп”, дедим, печка устида турган қозонни кўрсатиб.

Умиджон овқатини еб бўлди-ю, жойига ётиб, яна ухлаб, хуррак отишга тушди. Ўшанда укам бечора корни очлигига ётгани билан, лекин ҳечам ухламаслигини сездим.

Укамнинг ёнига чўзилиб, кўнглим сал тинчили. Асосийси, синглим ва укамни баҳоргача эсон-омонтирик олиб чиқиб олсан бўлди. У ёғига амалларман. Тун-у кун факат шуни ўйлардим.

Икки кун деганда синглим ўрнидан турди. Ўзим камроқ есам ҳам синглимга кўпроқ овқат едира бошладим. Укам ҳам анча ўзига келиб, ўйнаб-куладиган бўлиб қолди. Синглим овқатни қаердан олганимни сўрайвериб кўймасди. Мен “Узумини егину, боғини суриштирма”, деб қўяман. Вақт ўтиб, яна юрагимга ғулғула туша бошлади. “Энди укаларимни оёққа турғазиб олганимда, яна оч қолиб кетишса-я”, деган ўйда ертўлага тушиб, майдалаб, тўрвага солиб қўйган суюкларни қараб чиқтим. Кам қолибди. Шу кеча ухламай чиқдим, бошим қотгди. Роса ўзимни тийиб кам овқат ейман. Етмай қолмасин деган хавотирда юраман. Яrim тунда бошимга келған янги фикрдан ўрнимдан туриб кетдим. Синглим:

– Ҳа, ака, нима гап? – деди.

– Сен ҳам ухламаяпсанми? – сўрадим.

– Йўқ, ухламаяпман. Овқатимиз тугаб қолса, ке-йин нима қиласиз? Шуни ўйладяпман-да ака, – деди синглим ҳам. “Қишининг бу забтида март у ёқда турсин апрелда ҳам баҳор келиши қийин” дедим яна ташвишли оҳангда.

Сўнг Жамилага караб, “Калламга бир фикр келди”, дедим ётган жойимдан туриб. Синглим билан узок маслаҳатлашдик.

– Нима десангиз денг, мен ҳам сиз билан бораман, ака. Бўлмаса, майли, очликдан ўлсак ҳам сизнинг бир ўзингизни жўнатмайман, – деб туриб олди, Жамила.

Эртасига эрталаб туриб кечгача тайёрландик. Устимизга ёпиш учун оқ чойшаб қидириб, тахмонларни бузиб, қарадик. Бувимнинг сандигидан 3 метр оқ чит топдик. Синглим уни устимизга ўлчаб, бошимиздан киядиган паранжига ўхшатиб тикиди.

Жамиланинг оёғига бувимнинг жунли пайпоғи устидан маҳсисини ҳам кийгаздим. Йиртилай деб турган пальтосининг устидан онамнинг катта жун рўмолларини ўраб, орқасига боғлаб кўйдим. Ўзим ҳам устимга отамнинг калин фуфайкаларини кийиб олдим. Лекин оёғимга киядиган этигим йўқ эди. Ертўлага тушиб, отамдан қолган эски чориқларини топиб чиқдим. Оёғимга пайтавани ўраб, устидан чориқни кийдимда ипи билан ўраб-чермаб боғладим. Қорнимизни тўйдирб, иккаламиз устимизга оқ бўзни ташлаб, қоронғу тушишини пойлаб ўтиридик.

Қош қорайганда укамга хўрозқанд, овқат олиб келишимизни айтиб, колишга кўндиридик.

Ноиложликдан укам бечора “хўп” деб, бурчакка бориб аразлагандай ўтириб олди.

– Тез келинглар мен қўрқаман, – деди қайта-қайта. Укамни устидан қулфлашга-кулфладиму, аъзои баданим увишиб, кўнглим бўм-бўш бўлиб қолди. Қўркиши аник, бор-йўғи б ёш бўлса...

Кўча эшикка етганимизда Умиджоннинг йигиси эшитилди. Иккаламиз бир зум бир-бири мизга тикилиб турдик-да, лекин орқамизга қайтмадик. Катта йўлга тушиб, бир вақтлар отам ишлаган от бокиладиган колхоз фермасига қараб йўл олдик. Ферма бизлардан анча узок. Давондан ошиб, яна пастликка қараб юриш керак. Устига-устак йўлимиз шунаقا қўрқинчли эдики, ҳозирнинг ўзида олдимииздан бўри чиқиб қолиши шубҳасиз. Ҳозир бўриларнинг оч пайти. Ҳаммаёқ оп-пок, қордан бошқа ҳеч нарса йўқ. Бўрилар факат оч қолганидагина одамга ташланаркан. Буни отам айтган. Анча жойгача иккаламиз ҳам укамни ўйлаб, жим бордик. Борган сари изғирин шамол кучайиб, орқамииздан уриларди. Совукдан қотиб, иккаламиз ҳам дағ-дағ титраймиз. Бир-бири мизга ёпишиб олиб, кор кечиб борардик. Ярим йўлга етганимда оёғимдаги отамнинг чориқларининг ёни йиртиқ эканини сезиб қолдим. Синглимга айтмай, индамай кетавердим. Олдинига жимжилоғимнинг совуқдан қотганига чидашнинг ўзи бўлмади. Юравериб, йўл тугамаганигами, наҳотки бу йўл шунчалик узок бўлса, деб ўйладим. Бизлар узокдан-узок юриб, тепаликка етганимизда эса битта оёғим тошга айланиб қолгандай туюларди. Булутлар орасидан ғира-шира ой кўринди. Тўхтаб пастга қарадик, колхоз отхонаси қўзга ташланди. “Худога шукр, охири кўринди-я”, дедим ўз-ўзимга ичимда. Синглим “Келдикми” деб сўраганида тиши-тишига тегиб тақилларди. Менинг ҳам совуқдан овозим ҳам ғалати

чиқар, иложи борича ҳаракатдан тұхтамай, синглимга "Бармокларингни, құлларингни кимирлатиб юр", деб қайта-қайта тайинлардим.

Биз энди қалин қорни кечиб, отхонанинг орқа тара-фидан тепаликdan туша бошладик. Оёкларимиз сирпа-ниб кетиб ҳатто бир неча марта думалаб қорға кори-шиб кетдик ҳам.

Колхознинг отлари турадиган узун отхонага анча яқынлашиб жойимизда тұхтаб, кузата бошладик. Тур-ган жойимиз баландлик бүлгани учун отхона-ю, коро-вуллар ўтирадиган уйгача ҳаммаси кафтдек күриниб турарди.

— Мен бу отхона ичини жуда яхши биламан, — де-дим синглимга.

Туравериб қотиб қолмаслик учун у ёқдан бу ёққа юриб оёғимизни бир-бирига урганча, дикқат билан ку-затиб турдик.

Коровулхона ичидан иккита одам чиқиб келди. Олдиларида думини ликиллатиб ит ҳам пайдо бүлди. "Ишқилиб, бизни ит сезиб қолмаса бүлгани" деб ўйла-дим ичимда. Иккаласи ҳам тұрваларга буғдойни солиб, отхона томон кириб келишарди. Уларнинг ортидан ит ҳам келиб, у ёқ, бу ёққа қараб, ниманидир сезгандай акиллаб-акиллаб қўярди.

Орадан бироз вакт ўтиб, коровул амакилар отхона-дан қайтиб чиқиб, нарироқда жойлашган қоровулхона томон қайтишди. Ит ҳам уларга эргашди. Сабри етма-ган синглим, "Бўлинг, ҳозир отлар еб қўйишади", деди.

— Шошмагин, насиб қилганини оламиз, — дедим итни нарироқ кетишини кузатиб.

Коровуллар хонага киришди, лекин ит биз томон-га қараб акилларди. Синглим билан оқ бўзни яхшилаб

устимизга ёпиб, баланд кор устига ётиб олдик. Ит пай-қаб қолдими, деб қўркиб кетдим, чунки у тўхтамай биз томон чопиб келарди.

— Ака, бизни қўрди, шекилли, — деди қорга бурканаб ётган синглим.

— Қимирламай ёт, — дедим юрагим така-пука бўлганини билдирамай.

Ит кураб қўйилган жойгача чопиб келиб тўхтади, бошқа тарафга қараб вовуллай бошлади. Шунда уйдан ҳалиги икки киши милтиқ кўтариб чиқиб келишиди. Ётган жойимда юрагим уришдан тўхтаб қолгандек эди. Уйда қолган укамни ўйлардим. Бизнинг-ку, шу жойда битта ўқ билан жонимиз чиқиб кетар, лекин у-чи. Синглим ҳиқиллаб-ҳиқиллаб йиғларди. Улар ит олдига келиб тўхташди. Амакилардан новчароғи итга қараб, “Ха, нима гап, нимани қўрдинг?” — деди. Ит биз томонга қараб акиллаб қўйди. Бўйи пастроқ киши у ёқ бу ёкка қараб, “Тулки бўлса керак”, деб милтиқни ўқлаб, осмонга қараб икки марта отиб қўйди, сўнг яна хоналарига кириб кетишиди. Ит эса орқада колди. Новча киши хонадан товоқда нимадир олиб чиқиб, “Хайбар, Хайбар, ма, Хайбар” деб итни чакирган эди, овқатни кўрган ит чопиб кетди. Амаки у ёқ-бу ёкка назар солиб, яна уйга қайтиб кетди.

Тезда ўрнимдан турдим. Шошиб синглимни тургизиб, тез-тез ҳаракат қилишини айтдим. Отхонанинг орқа томонидаги гўнг ташланадиган туйнукка яқинлашдик. Ит шунда ҳам тинмади, овқат еб турган жойида отхона томонга қараб, вовиллайверди. Шу пайт қоровулхона эшиги яна очилиб, ичидан паст бўйли киши, худди бизни пайқагандек, тез-тез юриб чиқиб келди. Биз қўркиб кетиб, жойимизда бир-биримизни қучоқла-

ганча, жим туриб қолдик. Бу қалин корда кочишнинг ҳеч ҳам иложи йўқ.

Қоровул амаки: “Хайбар,xo Хайбар, кани жим бўл” дедилар жаҳл билан. “Одамга тинчлик бермайсан, бу нимаси кириб жойингга ёт-чи” деб қайтиб кириб кетди. Худога шукр, ит ҳам хонасига кириб жим бўлди. Ичим анча ёришди. “Энди иложи борича тез харакат қилишимиз керак”, деб ўйладим. Туйнук олди гўнг ташлангани ва яна унинг устига қор ёққани учун нақ томга етай деб қолганди ўзиям. Шунинг учун туйнукдан отхонага кириш осон эди. Синглимни туйнук олдида қолдириб, бирор чиқиб қолса дарҳол хабар беришини тайинлаб, қўлига қопни тутқазиб, ичкарига сакраб тушдим. Биринчи турган от чўчиб орқага тисарилди. Отлар қатор туриб, бўйнига осилган тўрвасидаги буғдойни кутурлатиб ейишарди.

Биринчи отнинг бўйнидаги тўрвани олиб, ичидаги арпанинг ярмини халтамга тўқдим. Тўртта отнинг тўрвасининг ярмисини бўшатганимда халта тўлди. Уни олиб, туйнукдан синглимга узатдим.

Халтамни 4-5 марта тўлдириб, қопга бўшатганимда синглим “Бўлди энди ака” деб қолди. Битта от сал шўҳроқ экан, шекилли, мени кўриб оёгини ерга тап-тап уриб безовталана бошлади. Амаллаб бошидаги тўрвани олдим-у, ўзимни йўқотиб қўйдим. У мени ўзимдан олдин танибди. Бу менинг Бойчиборим эди. Мехрим қайнаб, худди туғишганимни қўргандай хурсанд бўлиб кетдим. Бўйнидан маҳкам қучоқлаб, “Танидингми, ақллигинам, меҳрибоним, қадрдоним”, деб бошини силаб эркалатдим. Ишимни тугатиб синглимнинг олдига чиқдим. Йиғилган буғдойга қарадим, нақ ярим қопдан

ошибди. Синглимнинг кўзлари кувнаб, ялтираб туради. Атрофга алангладим, ҳаммаёқ жим-жит.

Жамилага Бойчибор билан хайрлашиб чикишимни айтдим. Синглим қаршилик қилди. “Тез чиқаман”, деб, қулоқ солмай кириб кетдим. Бойчиборнинг бўйнидагини олганимда эсимга тушди отхона устунига қоқиб қўйилган михда отларнинг тароги туради. Карасам, ҳали ҳам бор экан. Отимнинг соchlарини тараб, сухбатлашиб хуморимдан чиқдим. Синглимнинг овози эшитилди, шошиб колдим. Ит отхона томон акиллаб, чопиб келарди. Эшик очилди-ю, энди чиқишининг иложи йўқ, охур ичига чўзилиб ётиб устимга ҳашакни тортдим. Қоровуллар отларнинг тўрvasини бошидан олишга тушди. Итнинг акиллаши қулоқни қоматга келтиrap, бу гал ҳам паст бўйли киши урушиб берди: “Эй бўлди-эй, намунча бугун чакагинг очилди сени” – деди. Итнинг овози сал пасайгандек бўлди. Бойчиборнинг ёнига келишганида отим худди мени тушунгандек, орқага тисарилиб туради. Улар отхонадан тўрvalарни олиб чиқиши билан бориб туйнукдан карадим. Синглим қорга ёпишганча ётарди. Аста туйнукдан ташқарига чиқдим. Қоровуллар қўринмасди. Ит ҳам тина қолмади. Бошқа кутишнинг иложи йўқ. Биз отхонанинг орқа томонидан тепаликка қараб, келган йўлимизга қопни опичлаб кета бошладик. Юришнинг ўзи бўлмасди. Зўрга қадам ташлардим. Биринчи дўлана дарахтига етганимизда ўпкам оғзимга тиқилиб бўлганди. Тепаликка қарадим. Ҳали анча бор. Ит ўлгур ҳамон ҳурарди. “Қоровуллар чиқиб қолмасин”, деб жоним ҳалак. Қопни кўтариб йўлимизда яна давом этдик. Катта арча тагига етай деб қолганимизда қоровуллардан бирининг овози эшитилди. Ортимизга карадик. Улар

бизни пайқаб қолган чамамда. Қор ичига белимизгача кўмилиб, устимиздан оқ бўзни тортиб олдик. Ит энди бизларни аник кўргандай тўғри биз томон чопиб келарди. Иккала амаки ҳам кўлида қуроли билан қор кешиб, биз томон келмоқда. Ичимдан нималар ўтганини факат Яратганни ўзи билади, холос.

“Бўлди, умидим қолмади, бизни ҳозир ушлаб олишади, бу аник, ишқилиб отиб ташлашмаса гўрга эди”, дердим ўзимга-ўзим. Ҳозирнинг ўзида қўлимни кўтариб таслим бўлсам, балки синглим кутулиб қолар, деб ўйладим. Ит бизларга яқинлашиб келарди. Бошимни кўтариб, туришга тайёрланиб, синглимга, “Менга қара, нима бўлса ҳам сен уйга – Умиджоннинг олдига кетишинг керак, тушундингми, дедим. У ноилож “Хўп” деди. Энди таслим бўлиш учун ўрнимдан турмокчи ҳам эдимки, қулоғим остида отилган ўқ овозидан кўркиб кетиб жойимга, яна кор устига чалқанча тушиб, чўзилиб қолдим. Осмонга қўзим тушиб, бувим ёдимга келиб, дунё тор бўлиб кетдим. “Буви, бувижон тепамда турган бўлсангиз, нега қараб турибсиз, ахир!” - дедим. “Ҳамма гапларингиз ёлғон, ҳаммаси сафсата”, дедим аламимдан қорни муштлаб. “Улсам ўлиб кета қолай. Факат уйда устидан қулфлаб келган укам-чи, буви айтинг, айтинг нима қиласай, дедим алам устида. “Жамила, тур бекинмачоқ ўйини тугади”, деб бошимни кўтардим. “Энди нима бўлса бўлар”, деб ўйладим ичимда. Шу пайт тепаликдан иккита бўрими ёки икки тулки, билолмадим, биз томон чопиб келарди. Уларга қараб ҳали бу ҳам бормиди, кўнглимдан ўтди. Қани мана, мени еғин дегандай уларга юзландим. Кўзимни очиб-юмишга улгурмадим ҳамки, улар олдимиздан ўқдай учиб, пастга қараб югуриб кетишли.

Коровуллар бизга етишига 100 қадамча қолганида ит тулкиларни қувлаб кетди. Ортидан иккала амаки ҳам чопганича, биздан узоклашди. Турган жойимда нима бўлаётганини тушунмай довдираб қолдим. Мен гуноҳкордек осмонга қарадим. “Мени кечир, Художон”, дедим хурсанд бўлиб. Шунда билдики, улар бизни кўришмаган экан. Синглим тиши-тишига урилиб, қалтираб йиги аралаш куларди. Бориб синглимни турғаздим, бизлар бир-биримизни кучоклаб бироз туриб қолдик, “Худога шукур” деб юбордик баравар.

Қопни оркамга опичлаб олиб тепаликка қараб йўлга тушдим. Қалин кор устидан бир қадам ташлашга оёғимда мадор колмаганди.

Бор кучимни тўплаб, иложи борича олдинга интилардим. Буни пайқаган синглим, қопга икки қўлини кўйиб, ортимдан олдинга итарар, оёғи сирпаниб йиқилиб тушар ва яна “Ерга қўйинг ака бирга кўтарамиз”, дерди ўзи зўрга қадам ташлаётган бўлса ҳам.

Яна бир-икки қадам олдинга юриб, кучим етмай охири қопни ерга қўйиб, устига ўтириб олдим. Бувим шуни айтарканларда, “Йўл азоби гўр азоби”, деб ўйладим. Оёғимни кимиirlатишга ҳолим бўлмай ўтириб қолдим.

Жамиланинг оғзи кимиirlагандай туюлди, хаёлимда. Қарасам, қорни олиб оғзига соляпди. “Нима қиляпсан?” дедим хушёр тортиб. “Ака, чанқаб кетдим” деди, “Ширин экан, еб қўринг” кафтида қорни менга узатди. “Шамоллаб қоласан”, демокчи эдим-ку, лекин ўзимни тутолмадим. Қорним очлигидан синглимнинг кафтидаги кор бир парча нондай қўринди кўзимга. Олдим-у, ҳеч иккиланмасдан оғзимга солдим. Оғзимда эриган қордан бутун азои-баданим намлангандай бўл-

ди. Шунда хаёлимга келган фикрдан шошиб, дарров қопнинг устидан туриб, оғзини очдим-да, ичидан бир чангалдан буғдойни олиб синглимга узатдим. Иккала-миз ўтириб олиб, чайнаб-чайнаб, қор билан юта бошладик. Синглим кафтидагини еб тугатиб, “Мазали бўларкан ака”, деди сал жон киргандай.

Мен яна кафтига солиб бердим-да, “Секинроқ яхшилаб чайнаб егин”, дедим.

Ваҳоланки, ўзим арпани на қаттиқлигини сезардим, на хомлигини, худди ширин-ширмой нондай томоғимдан ўтарди. Бир чангалдан кўпроқ буғдойни еб, анча жон киргандай бўлиб, ўрнимдан турдим.

Бизлар тамаддини тугатиб, йўлнимизда давом этдик. Энди юришим тетиклашиб, анча-мунча жойгача дам олмасдан бордим. Жамиланиям гаплари тетикроқ чиқа бошлади. Охир-окибатда довонни ошиб тушдик. Буёғига текис йўл бўлганлиги учун қўнглимиз анча ёришди. Текис йўл олдидан ўтириб, яна бир чангалдан арпани қор билан еб, катта йўлга тушиб олдик. Синглимга, “Бўл тезроқ агарда ҳаракат қилмасдан яна бироз турсак, шу жойда муз парчасига айланниб қолишимиз мумкин”, дедим, копимни опичлай туриб.

Тепаликка чиққанча унчалик совукни сезмагандик. Буёғи текислик бўлганигами орқамиздан қаттиқ изғирин шунчалик урилардики, синглимни ерга йиқитиб, қорга буркаб ташларди. Жамила йиқилаверганидан қўлидан қўлтиғимга маҳкам босиб олиб, бир-биримизга ёпишиб юра бошладик. Қопни опичлаганча юравериб, қўлларим эзилиб тушгандай бўлса ҳам, дам-бадам қўлимни алмаштириб, йўлимда давом этардим. “Эй, Худойим, бу йўл шунчалик узокмиди?” деган савол чархпалакдай айланарди. Бизлар йўл юрдик, йўл юр-

сак ҳам мұл юрдик, охири қишлоғмиз ёнидаги дарёга етиб қолдик.

Қопни ерга ташладим-у, тарашага айланиб қолган қўлимни амаллаб кўтаришга тушдим. Бирданига синглимга кўзим тушиб, юрагим увишиб кетди. Унинг юзи кўринмасди, бир парча қорли музга айланиб қолганди.

– Жамила, – дедим қўркиб кетиб., “Ҳа” деди у. – Юзинг қани, – дедим қўлим билан рўмолининг музи ни қокмоқчи бўлиб. Музлар тарашадай қотганди. “Ҳа майли энг кераги тирик, эсон-омон етиб келганимиз, ўёғига Худо пошшо”, деб ўйлаб, ўзимни тинчлантирдим. Кулоғимизга қаёқдандир бўриларнинг увиллаган овози эшитиларди. Жамила, “Туринг, ака, етиб келгандა бўриларга ем бўлмайлик”, деди атрофга аланглаб.

Қопнинг устидан турмоқчи бўлдим, чап оёғимнинг томири шунака тортилиб оғридики, хушдан кетай дедим.

- Нима бўлди, – деди синглим.
- Чап оёғим, – дедим қўрсатиб.
- Оғрияптими, – деди у.
- Ҳа, Чорикнинг бир ёғи тешик экан.

Оғрик кўйиб юборгандай бўлди. Ўрнимдан туриб, қопни опичлагач, анча жойғача оксаб-оксаб бордим. “Нега чўлоқланаяпсиз?”, ака деди синглим. “Ўзимам билмайман”, дедим. “Оёғим бор-йўклигини билмаяпман”, деб кўшиб кўйдим. “Худо ҳоҳласа кўрмагандай бўлиб кетасиз, ака”, деб кўнглимни кўтарди Жамила.

Үйимизга яқинлашгач, укамни ўйлаб, ачиниб кетдим. “Бечора укам!”, деб ўйладим. Дарвозани очдик, ҳаммаёқ жимжит. Қопни кўйдим-у, калитни олиб, уй эшигини очишга шошдим. Укам уйнинг ўртасида чўзилиб инグラб ётарди. Амаллаб устимдаги тошдай ко-

тиб қолган фуфайкани ечиб, жонхолатда укамни күтариб олдим. У йиғлайвериб, холдан тойганди. Умиджон менга қараб, нима демокчилигини тушундим. Унинг бошларини силаб, “Кўркдингми”, дедим эркалатиб. У “ха”, дегандек бошини қимиirlатди. Ичи тўлиб йиғламоқчи бўлди, лекин кучи етмади.

– Энди сени ҳеч қачон ташлаб кетмайман, тушундингми, – дедим уни қучоқлаб. – Сенга кўп овқат олиб келдим, ейсанми? – дедим.

– Ҳа, –деди укам бошини қимиirlатиб.

– Ҳозир пишириб бераман, – дедим хурсанд бўлиб.

Олдимда кийимларини ечолмай, йиғламсираб турган синглимга кўзим тушди. Дарров унга ёрдамлашиб, укамнинг ёнига ўтқазиб уларни кўрпага ўраб ўзим ишга киришдим. Печкамиз ҳам ўчиб қолибди. Синглим ўтирган жойида титроқ босарди. Мен бўлсам на совуқни, на иссиқни сезардим. Оёғимдаги чорикни ечмоқчи бўлиб, анча уриндим, аммо бу чориқ дегани аллақачон музга айланган эди. Пичоқ билан кесмоқчи бўлдим, ҳеч эплолмадим, бунақа қилиб ўтирсам, Худо билади, яна қанча вақт кетади. Ундан кўра, овқатни тезроқ пиширишим керак, кейин ечарман, унгача анча эриб ҳам қолар деб ўйладим. Фақат чап оёғим томири тортишгандек оғирлашиб, бир-бир санчиб-санчиб қоларди. Ҳеч нарсага эътибор бермай, тез-тез овқат тайёрлашни бошлаб юбордим.

Печкага оловни гуруллатиб ёқдим-да, деярли бир қоп буғдойни олиб кириб ошхонада турган хумнинг ичига солиб кўйдим. Кайфиятим яхшилигидан чарчоқларим ҳам тарқагандек бўлди. Дондан бир пиёлагина олиб, ҳовончада янчиб юбордим. Тез пишиши учун, қозонга солдим. Бироз ўтгач, майдаланганду суюк-

дан олиб, овқат ичига күшиб, майда қилиб қайнатиб күйдим. Жамила ҳамон ўзига келолмай қалтираб ётарди. Иссик печкага орқаси билан суюнтириб ўтказиб, оёқ-кўлларини ишқалаб ҳам кўрдим, ёрдам бермади. “Қиздиришим керак”, деб ўйладим. Ошхонадан ўтлар солиб кўйган, бувимнинг халталарини топиб чиқдим. Майда-майда тугунчаларга боғлаб кўйилган турли хил гиёхлар бор эди. Биттадан олиб, хидлаб кўрдим.

Охири ҳидидан танидим. Бу ўша ўт, шамоллаганда ичадиган. Отам буни даладан олиб келганлар, эсимда, тумов бўлганимда ҳам бувим шуни тез-тез, иссик-иссик ичирардилар, “Тезрок тузаласан” деб. Дарров чойга кўшиб, 3-4 пиёла синглимга ичирдим. Орадан бироз ўтиб, Жамила қизигандай бўлиб, ухлаб қолди. Овқатим тезрок тайёр бўлиши учун дам бадам қозонни ковлаб турдим. Қозонни ковлай-ковлай суюқлашгач, озгина сув билан яна бироз суюқ кукунидан солиб, димлаб кўйдим. Инграб йиғлаётган укамни оёғим устига ёстикни кўйиб, устига ётқизиб оёғимни тебратиб, деворга суюниб аллалай бошладим. Шу тахлит, деворга суюниб, қотиб ухлаб қолибман. Укамнинг инграшидан чўчиб уйғондим. Шошиб ўрнимдан туриб, қозоннинг қопқоғини очдим. Ичимга жон киргандай бўлди. Хурсандлигимдан ўйнаб юборай дедим. Укам ётган жойидан қўлини узатиб, “очқолдим” дерди. Кошикни учиди олиб ялаб кўрдим. Ох-оҳ қандай баҳт-а, – дедим бошимни сарак-сарак қилиб. Бундай мазани умримда энди тотганга ўхшадим шу онда. Нафсимни тиёлмай, қозон ичидан бир-икки қошиқ олиб едим, иссик экан. Тилим куйгандай бўлди. Умиджонни овқатлантиридим. Укамнинг олдига чўккалаб ўтирганимда, оёғим тортиб-тортиб оғриб қоларди, чидадим. Укам қанака ху-

зур килиб ейишини шунда күрдим. Фақат тақрорлаган гапи, шу овқатдан күп олиб келдингизми ака, дерди. Ҳа, укам күп олиб келдим, энди ҳеч ҳам оч қолмаймиз дедим уни ишонтириб. Жамилага ҳам сузиб, күлига тутказиб күйдим-да, ўзим ҳам ўтириб бир товоқни пакқос туширдим. Ана энди иссиқ овқатни еб туриб, кўзим юмилиб кетарди. Ойнадан кўчага қарадим. Аллақачон тонг отиб бўлган. Чарчаганимни энди сезяпманми, ёки ухламаганимгами, билмадим, ҳатто музлари эриб оёғимда ўзи қуриб кетган чориқни ҳозир ечаман деб, уйқу устун келиб ўтирган жойимда чўзилиб олдим. Чап оёғим ҳали ҳам сим-сим оғриб турардику, лекин чидаса бўлади деб ўйлаб ухлаб қолибман. Шу билан қанча ётдим, қай маҳал бўлди, кечами-кундузми, ҳеч нимани тушунолмай чап оёғимнинг оғриғидан кўзимни очдим. Уйни ичида укамни бир ўзи. Дераза ойнасида ҳосил бўлган парга қўли билан нималарни дир чизиб ўйнарди. Бечора Умиджон, қачондан бери ўзи-ўзи билан ўйнамасди, ҳатто уй ичида туриб юрганини ҳам яхши эслолмайман. Ҳаммасига оч қолиш сабаб бўлган эканда, дедим ўзимга ўзим.

Ўрнимдан туриб ўтирганимни биламан, оёғим томири тортишиб, оғриқ бирданига кучайиб кетди. Энди укаларимдан яширолмасдим. Вой-вой, оёғим деганимда, укам чопиб олдимга келди. Ака-акажон, уйғондингизми, нима бўлди, – деди. Шу пайт эшик очилиб, ҳовлидан синглим кириб келди. Мени ахволимни кўрди-ю, дарҳол устидаги чопонни ечиб, ёнимга ўтирди. Синглим нима қилишини билмай атрофимда айланиб қолди. Оғриқ бир минут ҳам тинмасди. Жамила келинг, ака оёғингиздаги чориқни аста ечиб кўяман деди. Рози бўлдим.

Синглим секин чориқни устидан ўраб-чирмаб ташланган ипни ечмокчи бўлиб ушлаганди, чинкириб юбордим. Жамила дарров қўлини тортиб олди. У қўярда-қўймай иккинчи соғ оёғимни амаллаб ечиб қўйди. Ўзим ҳам ҳайрон қолардим, ўнг оёғимни ушласа ҳам чап оёғимга оғриқ берарди.

– Балки оғилхонага кирганингизда от босиб олгандир, – деди Жамила.

– Йўқ, йўқ унака бўлмади, – дедим бошимни чайқаб. – Вой жоним оғрияпти, нима қилсан экан-а? – дедим оғриқдан қўзимга ҳеч нарса кўринмай. Кун бўйи оҳ-воҳ солиб ётдим. Кечга бориб иссиғим чиқиб кетди. Бутун аъзойи баданим ёнарди. Дард кучайгандан кучайиб борарди, энди хонани бошимга кўтариб, дод солардим. Укам билан синглим нима қилишини билмай боши қотиб қолганди. Синглим хона бурчагига бориб йиғлаб-йиғлаб кўз ёшини артиб олар, мен буни оёғимнинг оғриғи билан ҳам сезардим.

Ўтириб чарчаб кетганимданми билмадим, терга ботиб, орқам билан ёстиққа суюниб, чўзилиб ётиб олдим. Оёғим қимирлашга қўймасди. Кўзимни чирт юмиб ётган жойимда “Ёрдам беринглар, ёрдам, ёрдам”, деганимни билмай қолдим.

Синглим укамга нимадир деб тайинлаб, ўзи шошлиб чиқиб кетди. Менга энди барибир эди, нима қилсан, факат оғриқдан фориғ қилишса бўлгани, деб ўйлардим. Укам қўлига сочиқчани олиб терга ботган юзимни артиб, нозик қўллари билан бошимни босиб-босиб қўяр, менинг дардимдан у ҳам азоб чекаётгани билиниб туради.

Орадан кўп ҳам ўтмай синглим Ислом акамни бошлаб келди. Улар ҳайрон қолиб, “Нима бўлди?”

деб сўрадилар кўзлари хонасидан чиққудай бўлиб. “Мана шу оёғингми?” – дедилар, ечилмаган чорикни кўрсатиб. Синглим: “Ҳа”, деди мендан олдин. “Нима қилди?” сўрадилар. Жамилага ётган жойимдан қараб, тағин айтмагин дегандай имо қилдим. Синглим туфагини бир ютиб: “Билмадим, қаёққадир кетувдилар”, деди охири.

– Мирхосил укам, укажоним, овга чиққанмидинг? – дедилар оёғимни олдига ўтириб олиб?

– Ҳа, – дедим оғриқ аралаш оҳ-воҳлаб.

Улар ечмоқчи бўлиб, оёғимдан ушлаган эдилар, шунақа оғридики, гўё оёғимни болта билан уриб, иккига айиргандек туюлди. Бор кучим билан: “Йўқ тегманг акажон” дедим. Ислом ака додлашимдан қўркиб кўйиб юбордилар. Сўнг бирпас ўйлаб турдиларда, кайтиб эшикдан чиқиб кетдилар. Мен ҳеч тинмасдим. Оғриқ босилай демас, забтига олиб, тану, жонимни қакшатарди. Синглим бечора йиғлаб-йиғлаб дам-бадам иссиқ чой ичирап, дам сув.

Онда-сонда синглимга қўзим тушганида, “Эҳ Оллоҳ, йиғлаб юрсин деб, энг кўп кўз ёшини шу синглимга берган экансан-да”, деган ўй хаёлимдан ўтарди дард аралаш. Азобимнинг охири йўқдек туюларди. “Художон, биламан гуноҳкорман. Шунақа дард билан жазоламоқчи бўлсанг, ундан кўра, мана мен, жонимни ола қол, мен розиман! Фақат ўтинчим мени қийнама”, дердим бор овозим билан. Кўзимга ҳеч нарса кўринмасди. Оғриқ кучлилигидан бу гапдан синглимнинг қўркиб кетишини ҳам ўйламасдим.

Печка устидан нимадир олмоқчи бўлган Жамила гапларимни эшитиб, қўлидаги пиёлани тушириб юборди.

— Ака, акажон, нималар деяпсиз? — деб ўзини устимга ташлаб, ҳўнграб йиғлай бошлади.

— Жоним оғрияпти, ахир, — дедим чидолмай.

Эшик очилиб, Ислом акам шошилиб кириб келдилар Шаҳар касалхонасига олиб боришнинг мутлақо иложи йўқ, йўлларни кор босган. Қишлоқда эса биттагина медпунктда ҳамшира қиз ишларди. У хам шаҳарда тургани учун киши кунлари деярли келмайди. Ислом акам кўлида қанакадир гиёҳни чойга аралашиб, менга ичирдилар. Тахиррок экан. Майли, ҳозир менга захар беришса ҳеч хам иккиланмасдан ичиб олган бўлардим, факат оғриқдан кутулсан бас, деб ўйлардим.

Ислом акам йиғлаётган Жамилагага “Йигиштир кўз ёшингни ундан кўра менга ёрдамлаш”, дея койидилар. “Кани отангнинг ўткир пичоғини топиб кел”, деди. Синглим тезда нариги хонага чиқиб кетди. Орадан ярим соат ўтар-ўтмас, оғриқ сал пасайгандек бўлиб, кўзимга уйқу келди. Ислом акам терга боттан юзимни, соchlаримни сочиқ билан артиб, “Ухла, ухлай кол”, деганларида кўзим илингандай бўлди.

Ислом ака пичоқни олиб, оёғим томонга ўтди бўшашиб, қолганимдан оғриса ҳам, бошқа қаршилик қилолмасдим кўзимни чирт юмиб олдим, ярим бехуш эдим. Ислом ака қўл теккизмай яхшилаб кўздан кечириб, сўнг бақиришимга қулоқ солмай, ишга киришди аста-секин. Чориқни пичоқ билан кеса бошлади. Пичоқ қанчалик чориқни кесиб пастга тушса, менинг оҳвоҳим шунчалик кучаярди. Товонимга етганда, “Тўхтанг-тўхтанг”, деб дод солдим. Улар менга асло қулоқ солмай, бошларини кўтармай ишларини давом этарди.

Додлайверганимдан, “Нима қиласан, унда шундок ётаверасанми?” — деди жаҳл билан.

– Дам беринг, – дея бошимни у ёқдан бу ёкка урардим. Улар “Хўп, хўп” дедида, яна кесишида давом этди. Пичоқ чориқни эмас, нак оёғимни кесаётганга ўхшарди.

Мен дунёни кўчириб, бакира бошладим.

– Ўчир овозингни, ўғил боламисан ўзи? Бу нимаси, – деб уришиб берди Ислом ака. Синглим билан укамга нимадир пичирладилар-да, ўзлари қайчини қайнаб турган човгум ичига солиб, бироз ушлаб турди. “Нима бўлиши мумкин?”, деб кўнглимдан ўтарди. Сўрамадим, пайтава ёпишиб қолган бўлса шуни кессалар керак деб ўйладим. Қайчини кўтариб тепамга келдилар, мени юпатдиларми билмадим:

– Ҳозирнинг ўзида ҳаммасидан кутуласан, оёғингга пайпофинг ёпишиб қолибди, шу пайпоқни кесиб олиб ташлайман бўлди, – деди оёғим томон ўтиб.

– Вой-дод, отажон, чидолмайман, д-о-д-дод – дердим. Иш килиб оғзимга келган сўзларни гапириб, ала-мимни олгандай бўлдим.

– Сен эркаксан-ку, оддий нарсага шунча додлайсанми? – деди. Бу гали менга жасорат бағишлиган дай бўлди. Жамила билан Умиджон икки тарафимга ўтиб, қўлимни ушлашди. Бу сафар худди оёғимни кесиб олгандай оғридики, бу дардан уйни бошимга кўтариб, қадимни кўтариб, икки қўлимни тирадиб қолдим.

Бошимни осмонга қаратиб, уввос солардим. Шу орада укамнинг менга қўшилиб бор овозда йиғлаган овозини эшитдим. Устимда тикка турган синглим, юзини ёпиб, додларди.

– Мана, қара, – деб Ислом акам синглимга нимани-дур кўрсатди.

Синглим чопиб пиёладаги қозоннинг қорасини олиб берди. Ислом акам оёғимга яхшилаб сепиб боғладилар. Тайёрлаган дамламадан ярим косача күюкроқ қилиб ичирди. Терга ботган кийимларимни алмаштириб, ўраб ётқизиб кўйди. Энди худди ўлиб-тирилган одамга ўхшардим. Оғриқ анча тингандай бўлди-ку, лекин бутун баданим ёнарди. Ислом акам олдимда ўтириб, оғзимга мажбуrlаб овқат едирди. Шу билан улар дамлаб берган ўт таъсиридами, ёки дарданча чекинганигами билмадим уйқу тортарди. Ухлаб қолдим. Тушумда отам тепаликда туриб менга қараб турарканлар, Бойчиборимга ўтириб олганмишман, Ота-отажон келдингизми деб улар томон чопиб ҳеч етолмасмишман.

Кўзимни очдим, худди отамни ҳозир кўргандай бўлиб уйғондим. Худога шукур, оғриқдан қутулганга ўхшардим.

Секин ўрнимдан туриб ўтирдим. Синглим дарров менга қараб: “Ҳали турманг”, деди ранги ўчиб. Жойимда ўтириб оғриқсиз яшаш қандай катта баҳт эканлигини тушуниб етгандим. Худога минг шукроналар айтдим ўтирган жойимда.

Орадан уч кун ўтиб юра бошладим. Шу куни Шермат амаким яримта зоғора нон кўтариб кириб келди. Ислом акам айтган, шекилли. “Қийналган бўлсанглар уйга борсанглар бўларди-ку, овга боришга сенға ким кўйибди ҳали”, деди ачингандай бўлиб.

Кейин ўтириб оёғимни биргаллашиб ечдик. Латтага ёпишган жойлари жизиллаб оғирдиди. Кўриб, ўзим ҳам, “Ё алҳазар” деб юбордим.

– Нима, оёқ ялангмидинг, – деди кўзлари хонасидан чиқиб кетгандай бўлиб Шермат амаки.

– Йўқ, чориғимнинг ёни тешик экан, – дедим тара-шадай котиб қолган амакимга караб.

Кичкина бармоғим бира-тўла йўқ, иккинчисининг ярми йўқ эди. Умримда совук уради деганини эшит-ганман-у, бунчалик бўлишини ҳеч ўйламаган эканман.

Амаким малҳам қўйиб енгилроқ қилиб боғлаб қўйди. Ислом акам ҳам анча кун қатнаб, жароҳатимдан хабар олиб турди. Баъзида “Сенга чучла ҳасса қилиб кўйдимда”, деб кулдирарди ҳазиллашиб. Кунлар ўтиб оёғим битиб отдай бўлиб кетдим. Укаларим билан биз энди баҳтли эдик, эгнимиз бут бўлмаса ҳам корнимиз тўқ, ҳар кунга овқатимиз бор, бошқа бизга ҳеч нима керакмасди. Бугдой иликли суюк билан жуда ширин ва тўйимли бўларди.

Кечки пайт Йўлбарс иккаламиз роса ўйнадик. У энди менга кун ора худди дўстини кутиб олгандай пешвоз чиқарди. Кўпроқ акиллаб қолса кўлимни кўр-сатиб жим десам, овозини чиқазмайди жонвор.

Ҳар сафар Жамила сўраганида, мен иликли суюкларни Йўлчи амакидан олиб келганимни айтардим.

– Вой, ака, суюкни еймизми? – дерди синглим менга ғалати қараш қилиб.

Бувимдан эшитганман, суюк одамга яхши қувват бўларкан, кейин донимиз ҳам сал кўпроққа етишини айтдим.

– Ҳа, тўғри, баҳоргача етсинда, буғдойимиз, – деди синглим.

– Етиб, ортиб ҳам қолади, – дедим кўнғлини тўқ қилиб.

Бу сафар Жамила иккаламиз иштаҳа билан овқат қилдик. Суюкларни майдалаб янчганимиздан яrim пиёла олиб қозонга солдикда, узок кавлаб-кавлаб ара-

лаштириб турдик. Овқат тайёр бўлиб қолганида ичига отамнинг мурчидан солиб лаганга суздик. Чой дамлаб, дастурхон ёзди.

Укамни кўринг эди хурсандлигини “ширин” дейман деб “шилин” дерди. Буни кўриб синглим иккаламиз кулиб юбордик. Қип-қизариб кетган укам ҳам биринчи уялгандек бўлдию, кейин бизга кўшилиб кула бошлади. Овқатга иликнинг ёғлари чиқиб, шунақа мазали бўлиб кетибдики, ўша пайт биз учун бунданда бошка бахт керакмасди.

Йўлчи амаки каклик, кийикнинг гўштини есалар, биз суягини бугдойга кўшиб ердик. Бир куни буғдойни суюкроқ килиб, маставага ўхшатиб есак, иккинчи кун ширин атала килиб еймиз. Буғдойдан кўнглимиз анча тўк бўлганигами ҳамма эрта туриб, ўзиши билан овора бўлади. Синглим уй ичларини тозалаб, овқат пиширади. Мен билан укам қалин корларни кураб, ўтин ёрамиз, сув олиб кирамиз, шунақа қилиб, кунимиз ўта бошлади. Укамнинг анча-мунча семириб қолганини бир кун ариқ бўйига чикқанимизда Йўлчи амакининг гапидан сўнг эътибор бериб қарабман. Жамила тахмондаги кўрпачаларни қор устига олиб чиқиб, қоқиб-қоқиб, йифиб-теришга тушиб кетди. Мен укам билан кўча ариқ олдига сув олгани чиқдик.

Март ойи ҳам яқинлашиб кундузи кунлар сал илиб қолганига ариқ олдидаги қалин қорлар эриб, кечки совуқдан жудаям сирпанчик бўлиб қоларди. Сув олиш ҳам амримаҳол, ҳаммаёқни муз билан қоплаганини кўрсангиз. Болтани олиб чиқиб, музни кўчира бошладим. “Кўй”, деганимга қарамай, укам ҳам ёрдамлашарди.

Бир пайт чопганича Йўлбарс пайдо бўлди. Келди-ю икки оёғини елкамга қўйиб сўрашди. Мен ҳам ишимни ташлаб, у билан бирпас ўйнадим. Бироз ўтиб, Йўлчи амаки Умиджондан бир ёшгина каттарок ўғли билан кўлида челак кўтариб келиб қолишиди. Ҳар доимгидек ёвқарашиб қилди. Салом бердим, юзидан заҳар томарди. Катта-катта муз парчасини кўтариб кетаётган укамни кўрдию, кўзлари косасидан чиқай деб унинг олдига борди. Амаки укамни бўйнидан ушлаб ўғлининг олдига олиб келиб, нималарнидир ёниб-куйиб соқовчасига гапиради. Мен аввалига тушунмай қолдим, кейин аҳамият бериб қарасам, укам Пўлатдан анча-мунча се-мизрок ва баланд экан. Кўрдим-у ўзим ҳам хайрон бўлиб қолдим. Кўз тегмасин дедим ичимдан кувониб, ҳа тўғри суюклар ростанам яхши қувватми дейман аслида, ўзим ҳам энди тўлиқ ишондим. Бувим ҳақ эди. Этдай суюк фойдали эди. Болалар қиш бўйи кўришмаганигами, кўл ушлашиб, итнинг кетидан чопиб кетишиди. Йўлчи амаки негадир жазаваси тутиб келиб менга ёпишиб кетди. Нималардир демокчи бўлиб, жаҳл билан бир-икки итарди. Мен унинг гапини тушунмасамда, лекин нима демоқчилигини фаҳмладим. Бирданига қизишиб, вужудимда гайритабиий куч пайдо бўлди. Ичимда ҳамма нарсанинг ўз меъёри бордир ахир дедим. Менга қилган ёмонликлари бир-бир кўз олдимдан ўта бошлади.

Қўлимдаги болтани ерга ташладиму, кўкрагимга урган қўлини маҳкам орқасига қайириб четроткка олиб чиқдим. Жаҳл устида қор ичига яхшилаб кўмиб, факат бошини чикариб қўйдим. Шунда ҳам аламимдан чиқмай ичим ёнарди. Йўлчи амаки овозини чиқариб бақирмоқчи бўлди. Тезда бориб оғзига кор тўлдириб,

“Овозингни чиқарсанг, шу жойга кўмиб ташлайман”, дедим сенсираб. У жим бўлди.

Болалар кўринишмасди, нарирокқа бориб уларга карадим, иккаласи ҳовлига кириб томдан тушган баланд корни устида сирпанчик учишарди. Улардан кўнглим тўлиб чопганинча амакининг ёнига келиб, кор ичидан олиб судраб панарокқа, одамлар кўзи тушмайдиган жойга олиб бордимда, яхшилаб бир-икки мушт туширдим. “Сенга мен нима ёмонлик қилганманки ёшлигимдан қийнайсан, укамни нимаси сенга ёқмади. Ҳатоғри сен гўштини еяётган бўлсанг, биз суюгини, билдингми”, дедим бир силтаб қўйиб. Ўша еган гўштинг на сенга, на ўғлингга татимабди. Бунинг ҳаммаси Худони иши шуни биласанми?”. Қизишиб кетганимдан яхшилаб урмоқчи ҳам эдим, аммо бу шахтимдан қайтдим. Бор кучимни йиғиб урсам жони чиқиб кетишидан қўрқдим. Йўлчи амаки қўрқиб кетганидан ранги ўчиб, кечир дегандек қўлини кўксига қўйиб олганди.

Томоғидан сиқиб бошини корга ишқалаб-ишқалаб яна турғизиб қўйдим. “Эшитиб ол, яна бирор марта укамга бирор нарса дер экансан, мана шу тоғни кўряпсанми”, – дедим, кўлим билан кўрсатиб баланд тоғларни. Сени шу жойга олиб чиқиб чўққидан итариб юбораман, тушундингми? Токи сен ҳам шу тилсиз жониворларга үхшаб гўштларинг тилка-пора бўлсин. Тоғда осилиб қолган ўлигингни бургутлар еб кетсин, – дедим зарда билан.

Амаки дағ-дағ титраб бир нималар деб ғулдиради. Отамнинг қамалиши учун ёлғон кўрсатма бергансан тўғрими, дедим ўзим ишониб-ишонмай. У индамай бошини эгганича, миқ этмай туардилар. Наҳотки, шунчалик пасткаш бўлса, деб ичим титраб кетди, улар-

нинг гунохкордай туришларини кўриб. Айт-чи, мени отам Сталинни мазах қилганмиди, умрингда бир марта тўғрисини айт, деб сўрадим кўкрагидан бўғиб. У “Йўқ, йўқ”, деди дудукланиб. Унда сен нимага қўл қўйгансан, қўйганмисан? дедим ўзимни тутолмай бор овозим билан.

Йўлчи амаки довдираб, “Ҳа, ҳа”, деб қўзимга бақрайиб тикилиб. Бу гапни эшиздим-у тутақиб кетдим, ҳеч кутмаган эканман чамамда, наҳотки дедим ўз-ўзимга. Тоғларга қараб, бошим айланиб, бўғзимга нимадир тикилиб, дод солгим келиб кетди. Ўзимни босолмадим. Қўлимни қаттиқ муштлаб: “Кўзимдан тезрок йўкол, бўлмаса ўлдираман”, – дедим дод солиб. Ўзимга келганимда амаки йўқ эди. Мен кор устида узала тушиб ётардим. Бўшашиб уйга қайтдим. Умиджон ўртоғини Йўлчи амаки олиб кетганини айтди.

Шу кундан бошлаб отамни ундан ҳам қўпроқ кутардим. Келадилар, албатта келадилар, аслида Йўлчи амаки ҳам биларкан отамнинг айбсизликларини, деб ўйладим ичимда.

Кун тунга, тун кунга уланиб, баҳор ҳам кириб келди. Далаларда ҳам қорлар эриб, майсалар ниш ура бошлиди. Қиши қаттиқ келгани учун ариклар, дарёлар тўлиб-тошиб оқарди. Синглим дарё бўйига чиқиб, ялпиз, жағ-жағ териб келиб овқатимиз ичига аралаштириб, буғдойни камроқ ишлатиб тежаб қолишга ҳаракат қиларди. Орадан бироз вакт ўтиб, мен мушк ўти чиқишини пойлаб, далага чиқдим. Апрель ойининг ярми бўлсада, хали тоғларда қорлар ястаниб ётарди. Кун бўйи юриб ярим коп териб, кечга яқин уйга кириб келдим.

Нима бўлса бўлди эртага бозорга чиқаман, деб ўйладим. Синглим иккаламиз кечки пайт ўтларни ювиб-то-

залаң бозорга тайёр қилиб қўйдик. Аzonда туриб бозорга жўнаб кетдим. Мушк ўтини қопидан тўкиб, тагига қопни солдимда устига устма-уст чиройли қилиб териб қўйдим. Бунга қўзи тушган ҳар бир одам қизикиб сўрарди. “Кеп қолинг, обқолинг”, деб ҳеч оғзим тинмасди. Пешингача ҳаммасини сотиб бўлдим.

Бор пулимга буғдой сотиб олиб, шомга яқин уйга етиб келдим. Кўчада укам йўлимни пойлаб ўтиарди. Мени узокдан қўриши билан югуриб келди. Кўлига хўроздандни тутқаздим, ўзида йук хурсанд кетди.

Синглимга нон егим келаётганини айтдим. Нон емаганимизга ҳам анча бўлиб кетибди. Эртасига эрта туриб тегирмонга бориб келгунимча Жамила ҳаммаёқни супуриб-сириб, тандирни очиб тайёрлаб қўйибди.

Синглим ҳамир корди. Ҳамиримизни ошиши роса қийин бўлди. Пойлавериб охири тандирга олов ёқиб, иккаламиз амаллаб нон ёпдик. Албатта онамнинг нонларига ўхшамасди-ку, аммо бизники ҳам тандирдан нон бўлиб чиқди. Бизға шу нонни юзини қўриш ва ундан таралган ҳидини ҳидлашнинг ўзи катта завқ бағишларди. Учаламиз дастурхон атрофига тушлик қилгани ўтирдик. Нонимизни ўртага қўйсак, синглим ушатинг дегандек менга қаради. Мен нонни қўлимга олмасдан туриб, ака, сиз бувимнинг ўринларига дуо ўқиб кейин нонни ушатинг, деди маҳмадона укам. Жамила иккаламиз бир-биримизга қараб биринчи ҳайрон бўлиб, сўнг беихтиёр кулишдик. Бизлар энди-энди куладиган бўлгандик, унгача бизнинг на қулишга, на йиғлашга ҳаққимиз бор эди. Ҳаёт, яшаш шуни тақо-зо этарди. Биз ҳеч кимсиз бевакт қолган етимлармиз, аслида деб хаёлимдан ўтқазардим. Аммо отам борлар, бунчалик бўлиши мумкин эмас деган ҳақиқат ичимда

ётарди. Барибир шу куни биз учун яхшироқ, яна баҳтироқ үтди. Ҳам нонимиз, ҳам овқатимиз бор.

Кундан-кунга бозоримни кенгайтириб борардим. Бозорда гуллаган лоладан бошлаб ялпиз, ҳар хил үтларгача олиб чиқаман. Энди буёғига Худо хоҳласа қўркмайман деб үйлаб қўярдим. Уйимизда ҳам рўзғоримиз анча бут бўлиб, кунига бўлмаса ҳам ҳафтада бир синглим иккаламиз нон ёпамиз. Лекин мақсадим битта – кейинги қишига яхшилаб рўзғорни ғамлаш. Файратим ошгандан-ошиб, ҳатто буғдой ўримигача тинмай кунорга бозорга қатнадим. Саратонни иссифи бошланиб кун қизигандан қизирди. Шу куни Ислом амаки ҳашарга айтиб кетдилар, боришим керак деб үйладим. Эртасига синглим билан укамга уй ишларини тайинлаб, ўзим ўроғимни елкамга қўйиб, далага чикдим. Иссиқда жон олиб, жон бериб ишлайман, кечга яқин чарчаб уйга қайтаман. Кунлар үтиб ўрим ҳам охирлаб қолди.

Ўша куни қуёш янада қизиди. Пешинга яқин, чўллаб кетганимдан ёнимда ишләётган қўшнимнинг ўғли Шахбозга сув ичишга борасанми дедим. У ҳам зўргатурган экан, иккаламиз тепаликка қараб юрдик. Салгин на юришимиз билан шийпон тагида үтирган амакилар чақириб, бизларга ҳам мана бу човгумда муздек сув ола келинглар, дейишди. Мен ортимга қайтдим. Шийпон тагида уч киши үтириб, ниманидир ҳисоб-китоб қилишарди. Буғдой ўраётган аёллар ҳам бошларини кўтариб, Шахбозга идишларини тутқазиши. Биз ариқдан сув ичиб идишларни тўлдириб орқага қайтдик. Шахбоз кўлидаги сувни аёлларга бериш учун кетди. Мени эса шийпон тагида үтириб ҳисоб-китоб қилаётганларга олиб бордим. Мени қўрган раис бува шу пиёлагага тўлдириб қуй, болам, дедилар, тахтадан ясалган стол

устида түнкариб қўйилган пиёлани кўрсатиб. Човгумни кўтариб катта пиёлага сувни куйиб узатдим, Худога шукур, раҳмат дедилар раис бува ичиб олиб.

Ўйлаб туриб, улар ҳам иссалар керак деб ҳисобчи амакига қарадим. Ҳисобчи киши қултиллатиб 2 пиёла сувни ичиб олдиларда, раҳмат сувдай сероб бўлгин деб дуо қилдилар ҳам. Ислом амакимга ҳам қуидим. Акам ҳол-аҳволимни сўраб-суриштириб, сувдан ичгунлари-ча ҳисобчи киши кўзойнагини такиб ҳисоблашни давом этди. Ислом мана қара, деб чўтни бир уриб қўйиб нимадир ёзиб қўйди. Бунга норози қараган Ислом акам мени ёнларига таклиф қилди.

Мен ёнларига чиқиб ўтирдим. Ислом акам қани раис бува Мирҳосилгаям ҳисоблатиб кўринг, бу ҳисоб-ки-тобни яхши билади, деди мақтаб.

Шу билан мен ўша куни кечгача ҳисобчи амакилар билан ўтирдим. Эртасига уйдан чиқмасимдан ҳисобчи амаки кириб келиб мени идорага бирга боришимни, тезроқ тайёр бўлишимни айтди, ўзи маҳоркани тута-тиб кўча эшик олдида кутиб турди. Борганимизда Раис бува мени шу Тўйчи акага ёрдамчи қилиб тайинлади.

– Биз бунинг отаси билан синфдош бўлганмиз. У жуда виждони пок одам, – деди раис яна қайтариб. Бундан олдин ҳам ҳамманинг олдида айтганлари эсимда. Ичимдаги чўғ аланга олиб кетди. Яна кўнглимда умид учқунлари барқ урди.

Мен ширин хаёллар оғушида уйга қайтдим. Синг-лимга оқизмай-томизмай ҳаммасини гапирдим, у ҳам хурсанд бўлди. Шу кундан бошлаб ҳар куни ҳисоб-ки-тобдан бошимни кўтармай идорага қатнаб ишлай бошлидим. Бундан Тўйчи амаки ҳам миннатдор бўлиб, маошимни ҳам мақтаб-мақтаб ортиғи билан берарди.

Хаммасидан ҳам кузгача кишлашга етадиган озуқа ғамлаб олганимдан оғзим қулоғимда эди.

Орадан кунлар ўтиб, киш ҳам кириб келди. Бу йили киш олдинги йилдан енгилроқ келди. Мактабга бемалол бориб келиб ишлардим ҳам. Мен бор кучимни ўқишиңа бердим, математика фанидан менга тенг кела-дигани йүк эди. Ўқишим керак, отам келгунича кела-жакда колхозимизга бош ҳисобчи бўламан деб ният қиласардим ичимда.

Баҳорга чиқиб, 10 синфни тугатишим арафасида синфимиздаги болалар билан биргаликда устозимиз раҳбарлигига ҳарбий кўриқдан ўтиш учун бордик. Кўпчилик мактаблардан ўқувчилар боргани учун ул-гурмай бир кун колиб кетиб, учинчи куни шом тушганда уйга кириб келдим. Уйга киришим билан хонадан йиги овози келгандай туюлди. Ўтакам ёрилиб хонага чопиб кирдим. Укам билан синглим бир-бирини қучоқлаб олиб овозлари борича йиглашарди. Мени кўриб тахтадек котиб қолишиди. Нима гап, нега аза қиляяпсизлар, бирор ўлдими дедим жаҳлим чиқиб. Мен ўлгани кетмадимку, йифи йигини олиб келади дегандиларку бувим, деб уришгандек бўлдим. Аммо ичимда ўйланиб қолдим. Улар менсиз яшашга қийналишар экан, буни яна бир бора тушуниб етдим. Шу кундан бошлаб кўнглимга ғул-гула тушиб қолди, агар эртага армияга чақириб қолса нима қиласан. Буларни кимга ташлаб кетаман. Яна хаёлим кетиб отам келиб қолсалар эди-а, деб ўйладим. 10-синфни аъло баҳоларга тугатиб, колхозимизга ҳисобчи ёрдамчиси бўлиб ишни давом этдим.

Ҳаммаси рисоладагидек кетарди, кишига керакли ҳамма нарсаларни ғамлаб қўйганман. Салқин ту-

шиб куз яқинлашди. Маошни олиб синглим, укам ва ўзимга янги оёқ кийим олиб келиш учун якшанба куни бозорга тушдим. Бозор ичи шунақа ҳам гавжумки, гап эшитиб бўлмайди. Айланиб-айланиб, ахийри биринчи укаларимга, кейин ўзимга оёқ кийим олиб бекатга келганимда таниш бозорчи аёлларни учратдим. Аёллар, ха ўғлим чиқмай қолдинг, деб сўрашди. Мен ишлаётганимни айтдим. Уйга келганимда Жамила кўзимга яна йиғлагандек кўринди. Олиб келган оёқ-кийим ҳам уни унчалик хурсанд килмаганини сездим. Йўқ йиғламадим, деб туриб олди. Укам икка-ламиз кийиб кўрдик. Укам ўзида йўқ хурсанд. Ўзимга ҳам оёқ кийим роса ёқди. Кийишга кўзим қиймай олиб кўйдим. Эртасига эрта туриб яна ишга чиқдим. Иш кўпайгандан кўпайиб борарди. Йилнинг охири ҳисобот топширамиз деб қош қорайгандага уйга кела-ман.

Шундай кунларнинг бирида бўйнига узун катта сумкани осиб идорага Эргаш почтачи кириб келди. Мен тезда туриб жой бердим. У миннатдорчилик билдириб, бу ўзи яхши болага ўхшайдику, деди мени кўрсатиб.

Тўйчи амаки албатта яхши бола дейиши билан почтачи киши сумкаларидан бир конвертни чиқариб узатиб, мана буниси учинчиси, болам сен давлат билан ўйнашмагин, деди салгина кесатгандай бўлиб. Бу гапдан кейин. Жамиланинг қўнглига қил ҳам сиғмай, йиғлагудек бўлиб юрганини энди тушундим. Уйга борганимда синглим яшириб кўйган жойидан иккита чақириқ қоғозини олиб берди. Синглимга чақириқ қоғозини яшириб қўйсанг ҳам барибир армияга олиб кетишини ётиғи билин тушунтирасам ҳам йиғлайверарди ўпкаси тўлиб.

Иложи йўқ, вакт ҳам оз қолди, тайёрланишим керак Жамила билан маслаҳатлашиб, Шермат амакиникида яшаб туришларига қўндиrmокчи бўлдим. Иккаласи ҳам оёғини тираб, нима бўлса бўлар иккаламиз яшайверамиз, деб кўнишмади. Бошқа зўрламадим, негаки у жойда яшашнинг ўзи ҳам осон эмаслигини биламан. Ярим тунгача сухбатлашиб, ҳамма нарсаларни тушунтириб, асло қўркиш керакмаслигини айтдим. Эҳтиёт қилиб, тежаб ейилса, келгунимча оч қолмасликларини тайинладим. Бирпас дам олиш учун ётиб олмоқчи бўлдим. Шунча ҳаракат қилсак ҳам синглим иккимизнинг кўзимизга уйқу келмасди. Укам ҳам ҳа деганда, ҳеч ухлай қолмади, унга билдиrmай секин чиқиб кетмоқчи эдим. У бўлса аксига олиб нуқул савол бераверар: “Ака икки йил неча кун бўлади, кўлимда кўrsатиб беринг”, дерди тинмай. Мен саволлардан қочиб, сенга зўр нарса олиб келаман, энди ухлай қол, десам мени бўйнимдан маҳкам кучоқлаб ухламоқчи бўларди.

Мижжа қоқмай тонг орттиридик. Синглим ўрнидан туриб укам билан менга тикилиб турди, ўзимни ухланга солиб кўзимни юмиб олдим. У шунаقا бир оҳ тортдики... Жамила рўмолини бошига ўраб, ҳовлига секин чиқиб кетди. Ўрнимдан туришим билан укам ҳам туриб олиб йиғлашга тушди.

– Мен шу ердаман, мана шунаقا йиғлайверсанг, сенга ҳеч нарса олиб келмайман, – дедим уришгандек баландроқ овозда. – Ўғил бола ҳам шунаقا бўладими, сенга ишониб опангни ташлаб кетяпман, сен бўлсанг қиз боладан баттар йиғлоқилик қиласан дедим. Умиджонга қараб:

– Бўлди, ака сўз бераман, энди ҳеч йиғламайман, – деди тиззамга ўтириб олиб.

Учаламиз ўтириб чой ичдик, ҳеч кимнинг томогидан ҳеч нарса ўтмасди. Улар мени анча жойгача кузатиб боришиди. Ахийри тўхтадим-да, бўлди энди орқага қайтинглар деб укамга қарадим, у сакраб бўйнимга осилиб олди, уни юзларидан ўпиб-ўпиб ерга қўйдим. Синглимга қарадим, у йиглайвериб адо бўлганди. Акажон, икки йилни қандок ўтказамиз сизсиз, ҳолимиз не кечади, билмайман деди бўғилиб. Ичимда кимдир, “дод намунча оғир бўлмаса бу дамлар” деб фарёд соларди.

Орқамга қарамадим. Яна қарасам йиглаб юборарман балким деб ўйладим. Юрагим дов бермасди. Юриб бораряпманку, лекин бутун вужудим улар билан, қандок қилсанмикин, кимга айтсам экан деган фикрдан кутулолмай қолгандим. Армия деганларидан майли, менку қочмайман, аммо икки йил укаларим яшаб юришларига ишонмайман, улар ҳали жуда ёш, ёрдамга муҳтож деган фикр айланарди бошимда. Соат 17:00 га район ҳарбий бўлимига етиб келдим. Мени нега кеч қолганимни сўрашганида, икки қаровсиз қолган укам борлигини айтдим. Менга яна бир-икки йил рухсат беришларини, армияга олмасликларини зорланиб сўрадим. Бу гапим ҳеч кимнинг қулоғига кирмади ҳам. Қонун ҳаммага баробар дейишди, бўлди. Мен билан йигирмата болани қайтадан қип-яланғоч қилиб кўрикдан ўтказишиди. Қоғозга бир нарсаларни ёзиб битта усти ёпиқ машинада ва бир майор болани бошлиқ қилиб Тошкентга жўнатиб юборишиди. Тошкентга келганимизда болаларнинг ичидан мен билан яна учта болани олиб қолишиди негадир, бизни битта жойга турғизиб қўйиб, майор ўзи нарироқ кетди.

Биз уч киши нима бўлаётганини тушунмасдик, ахийри ёнимдағи бир ўртоғимиз гап очиб деди, менимча бизни З йиллик денгиз флотига олишса керак, деса бўладими. Рангим оқариб, ёнимдаги ҳамроҳимга нималар деяпсиз, қанақа уч йиллик деб юбордим аччиғим келиб. Майор бизни машинага ўтказиб, поллари ялтираб турган чиройли шифохонага олиб келди. У ерда ҳам бошдан-оёқ ечинтириб, текширишарди, у хонадан бу хонага кириб юравердик.

Болалардан бири қорним жуда очиб кетди, деди. Мени бўлса икки кундан бери туз тотмаган бўлсан ҳам қорним очмасди. Хаёлим фақат укаларимда, улар қандай яшайди энди нима қиласман Художон деб тақрорлардим тинмай. Мен энди уч йилликка кетишимизга ҳам ишонгандим. Бўлмаса бизларни яна шунча кўп қайтадан бирма-бир текширишармиди. Унда бизни нега болалар ичидан ажратиб олишади, деб ўйлаб этим увишиб кетарди. Яна қайтиб бошқа хонага олиб кириб, биратўла учта оппок кийим кийган шифокорлар кириб кўлимни бармоғидан бошлаб оёғимни бармоғимгача синчковлик билан кўришди, оёғимдаги кесилган бармоғимга қизиқиб қолишди. Нима қилган оёғингга деб сўрашарди ҳам, мен рус тилини унча-мунча биламан деб юрибман ўзимга. Улар шунчалик тез гапирганигами бир-бирига айтаётган сўзини қанчалик қулок тутиб турсам ҳам асло тушунмасдим.

Оёғимни кўрсатиб нимадир дейишарди, кейин қўлимни кўтариб юргизиб кўришди. Дафтарчага нимадир ёзиб туриб, бўлди ҳаммаси яхши кийиниб ол деганини тушундим холос.

Столда турган кийимимни киярканман, кўнглимда “эй Худойим ўзим учун эмас шу укаларим учун сўра-

япман, З йил аник улар яшолмайди”, дердим ўзимга-ўзим. Ичим қоп-коронғу, чирок ёкса ёришмайды. Бир күнглим кочиб кетсаммикин, деб ўйлардым. Оёғимданни кийиб туриб ерга қарадым, қани эди бувимнинг эртагига ўхшаб мана шу ер ёрилса-ю ичига кириб кўздан ғойиб бўлсан шунда, бир зумда укаларимнинг олдидиа бўлиб колсан. Шу хом хаёл билан аста оёғимни судраб, ёзиб ўтирган ҳамшира аёл олдига варакамни олиш учун келиб турдим. Мени турганимни кўрган ҳамшира қиз олдидаги стулчани имлаб, ўтириング деди русчалаб. Мени ўтиргим келмасди, индамай туравердим.

Ҳамшира аёл менга салгина энсаси қотиб қайтиб қаради-да, ўтириング деди бу сафар ўзбекчалаб стулни имлаб. Дарров ўтириб олдимда,вой Худога шукр ўзбекчани биладиган ҳам бор эканку дедим ичимда.

Ҳамшира ёзиб бўлиб, қўлимга варакамни узатиб энди бир нима демоқчи бўлганди, ундан олдин мен ўз дардимни бошлаб юбордим. Етимлигимни, бир укам, бир синглим қаровсизлигини тез-тез гапириб кетдим. У аёл гапимни тугатмасимдан сизни эшитиб ўтиришга мени вақтим йўқ. Етиммисиз, укаларингиз борми, йўқми, билмадим, сиз армияга яроқсиз экансиз деди. Мен турган жойимда довдираб қолиб, нима-а, ни-ни-ма-а дедингиз, дедим ўрнимдан туриб ва қайтиб ўтириб қолдим. Эсиб оғиб қолдими ёки нотўғри эшитдим-микин, деб ҳамшира аёлдан қайтиб сўрадим. Бу сафар ҳамширанинг жаҳли чиқиб кетди ва қани тез хонадан чиқиб кетингчи, деди столни бир уриб. Ҳамшира ана варакангиз қўлингизда ўқиб олинг керак бўлса деди жеркиб. Мен варакага қарадим, русчани тушунмайман дедим, яна безбетга ўхшаб.

Баттар жаҳли чиқсан ҳамшира аёл, бўлди қилинг, уйингизга кетаверинг, тўрт томонингиз қибла, деб эшикни очиб мени хонадан чиқариб юборди. У ёк бу ёқка қарадим, майор ҳам йўқ, бирга келган бола ҳам қаергадир йўқолган. Узун йўлак бўйлаб кетавердим. Атрофимга муралаб қарайман, у бу ким қани бу ёқка кел десая деган хаёл ҳам йўқ эмасди.

Тез-тез юриб кўчага чиқдим, ҳовлида қатор турган чиройли ўриндикларнинг четроғидагига бориб ўтиредим. Кейин яна бир ишонч ҳосил қилиш учун бирор рус тилини биладиганга кўрсатсан деган фикр келди бошимга. Бироз ўтиредим, қарасам тўғримдан сумкаси ни елкасига осиб, ораста кийиниб олган бир ўзбек киз мен томон келарди. Бу киз аник рус тилини билади, деб ёнига бориб саломлашдим:

- Яхшимисиз, яхши қиз – дедим илтифот билан. У:
- Ҳа раҳмат, хизмат – деди у.
- Илтимос, иложи бўлса мана шу варакада нима ёзилганини тушунтириб берсангиз, – дедим қўлимдаги варакани унга узатиб.

Киз варакага кўз югуртириб чиқди-да, менга қаради.

- Буни шу жойда ёзишдими? – деб сўради.
- Ҳа, ҳа шу жойда, – дедим.
- Ҳа-а, энди хафа бўлмайсизда, – деди мулойимгина жилмайиб, – бу ерда армияга бориш учун чап оёғингиз яроксиз деб ёзган, – деди варакани узатиб.

Шу жойда мен ўзимни тутолмай қолиб, урра деб кал бошимдаги шапкани осмонга варракдек учирив юбордим. Наҳотки шу бармоғимнинг йўқлиги баҳона бўлса деб ишонгим келмасди. Беихтиёр бувимнинг сўзлари ёдимга келарди. Худойим бандаларига бекорга дард бермайди, деганлари рост эканлигига амин бўлмасдан иложим йўқ эди.

Мұхаббатнинг ташрифи

Укаларимни ўйлаб кетдім, мени қайтганимни күришса, қувончлари оламга сиғмай кетади ҳали. Мен анча ҳовуридан тушиб үзимга келдімда, сұнг атрофимга қарадім. Ҳаммаёқ одам. Ҳар ким ҳар тарафға қараб юрарди. Ҳеч ким билан ҳеч кимнинг иши йўқ, мен бўлсам қаёққа, қайси тарафға боришни ҳам билмайман. Сўраб-сурештириб, автобус бекатига келиб, билет олиш учун навбатда туриб елкамга осиб олган халтамни олдім. Негадир халтамнинг оғзи очик эди, ичига қўлимни солдим-у жойимда қотиб қолдім. Ичидаги отамнинг ҳамёни йўқ эди, бошим қотиб нима килишимни билмай бир четга ўтириб ўйладім.

Энди нима қиласман, уйга етиб олиш учун тиламчилик қилсаммикин деб ҳам ўйладім. Бошимни ушлаб анча ўтирдім, шунда кўзим оёғимдаги янги сотиб олган ботинкамга тушди. Тезда оёғимдан ечиб олдімда чўнтағимдан дастрўмолчамни олиб ҳожатхона олдида оқиб турган сувга ювиб артиб тозаладім. Бекатга кираверишда 1-2 кампирлар тўқилган пайпок сотиб ўтиришганига кўзим тушган эди. Тезда уларнинг олдига бордім. Мен ҳам қаторига туриб ботинкамни ўтган кетганларга кўрсатиб сотишга тушдім. Бир-иккита одам сўради, лекин ялиниб-ёлворсан ҳам олишмади.

Охири тезроқ сотиб жўнаб кетишим керак, деган фикрда ботинкамни қўлимда кўтариб олиб олдімда чиқкан кишиларга таклиф қила бошладім. Айланиб бориб таксига қатор турган одамларга кўрсатдім, ҳамма кўрдику, лекин яна ҳеч ким олмасди. Бозоримга нима бўлди, битта оёқийимни сотиш қўлимдан келмаса, деб хаёлимдан ўтказдім. Бирданига йўл четида

башанг кийинган иккита гаплашиб туришган кишиларга кўзим тушди, уларга яқинлашдим-у жим қолдим. Улар папирос тутатиб, нимадир тўғрисида роса гаплашишарди. Мен сухбатни бўлмаслик учун ботинкамни ушлаганимча четроқда қараб туравердим. Улардан биттаси, яъни узун қора плаш кийган киши мени кўриб нимадир демокчи бўлди-ю, лекин сухбатдан ўзини узолмасди.

Шу пайт қора машина келиб улар олдида тўхтади. Иккинчи юқарок битта костюмдаги киши гапини тугатар-тугатмас хайрлашиб, катта бинога кириб кетдилар папиросни тутатиб. Қора плашли кишининг олдига чопиб бордим. Улар бир қўли билан машина эшигини ушлаганча яланғоч оёғимга қарадилар тикилиб.

– Мен, амакижон жон амаки мана шу ботинкамни ола қолинг кетишим керак, пулим йўқ, ўғирлатиб қўйдим. Уйимизда иккита укам бор, қаровсиз қолган, ёрдам беринг, – кетиб қолишдан қўркиб тўхтамай гапирдим.

У киши бошимдан оёғимгача кузатиб қаради-да қарега кетишинг керак деди яна мени зимдан кузатиб. Мен узокка, водий тарафга дедим, улар қаёқка дедилар такрорлаб, мен ҳам қайтардим. Ботинкани кийиб олишимни буюрди. Мен ҳайрон бўлиб туравердим. У киши бўл тез кийиб олда машинага чиқ, бўлмаса қолиб кетасан, деди бу сафар хиёлгина жилмайиб. Шошиб, хаяжонланиб оёғимни кийдиму машинага чиқдим. Бунақа машинага умримда биринчи марта ўтиришим.

Ғалати бўлиб кетдим. Кўзларим қувониб, ҳавасим келиб кетганидан ҳайдовчига салом беришни ҳам сал бўлмаса унутаёзгандим.

Машина кўзгалди, хаёлимда, эй Худойим мен ҳам бир кун келиб шунака машинада юрармикинман, ахир мен фақат азобга яралмагандурман, дердим хаёл суреб. Нотаниш киши боргунча сўраб нега келганимни, қайси қишлоқданлигимни, ҳамма-ҳаммасини суриштириб, ҳатто отам тўғрисида ҳам билишларини айтганида, отамнинг қачон келишларини ботиниб сўролмадим. Лекин имкониятни бой бермай, бирор иш бўлса қилиб, қишлоқка етиб олишимга пул топишим кераклигини айтдим. Улар нима иш қилишимни сўрадилар, мен ҳамма ишни қиласверишими айтдим.

Улар уйда бир ҳафталик иш борлигини, шунга қарашиб юборишимни сўради. Мен харчанд укаларимни олдига шошсам-да, хўп бўлади дедим, бир ҳафта дегани 2 йиллик армия эмаску, ҳозирча уйда ҳамма нарса етарли, ишларига қарашиб, рози қилиб кетишим керак деб ўйладим одамгарчилик юзасидан.

Машина чиройли тахтадан қилинган ҳаворанг дарвоза олдига келиб тўхтади. Караб туриб кўнглимдан ўтди, умримда биринчи марта кўришим бундай чиройли уйни. Бувим айтганлариdek, бир замонлар келиб, Мирҳосилбой бўлиб кетармушман. Мана сизга Мирҳосилбой керак бўлса, йўл кираси ҳам йўқ деб ўзимга ўзим мийигимда кулиб қўйдим.

Кўлимга ҳайдовчи берган катта сумкани кўтариб, амакининг ортидан эргашдим. Ҳайдовчи бориб дарвоза ёнидаги кичкина тугмачани босди. Биз уч киши бўлиб қаторлашиб уйга кирдик. Мен охирида турсам-да олдинда кетаётган ҳайдовчи ва амакидан бўйим анча баландлигидан ҳовлинин аниқ кўриб турадим. Эшикни ўрта ёшдаги бир аёл очди. Тушунишимча, бу амакининг аёли бўлса керак. Салом бердим, алик олган аёл

эрига қаради. Амаки ҳазиломуз сенга ўғил олиб келдим, деди кулиб.

Менга қараб кўзларини қисиб, ҳа чакки эмас, келишганини топибсиз, деди аёл табассум ила ичкарига бошлаб.

Шу пайт нариги хона эшиги очилиб соchlари тим кора қўнғироқдек, эгнида оқ-кора атлас кийиб олган 18-19 ёшлар чамасидаги бир қиз отилиб чиқди.

– Адажон, адажон, ассалому алайкум, – деб амакининг бўйнига осилди.

– Ваалайкум, кизгинам, яхшимисан, – деб эркалатиб қизнинг анордек юзларидан ўпиб қўйди. – Бу нима юриш битта юпқа ёзги кўйлакда шамоллаб қоласизку оппоғим – деди сизлаб, қизни эркалаб.

– Иссик-ку адажон ҳали бор совуққа, дарс қилиб ўтириб исиб кетдим, – деди қошига туташиб кетган кипригини пирпиратиб.

Қиз мен томон бир қараб саломлашгандек жилмайди. Мен шу лаҳзада, шу соатда турган жойимда ўзимни шундай бир нотавонга ўхшадимки, ҳозиргина армиядан укаларимнинг олдига қайтган баҳтимдан асар ҳам қолмаганди. У қизга қараганим сари ундан кўзимни узгим келмасди. У тоғлар багрида янги очилган қизил лолага ўхшаб жилваланаарди.

Мен жойимда туриб ўзимдан ўзим: “Эй Мирҳосил нималарни ўйлаяпсан, у сен узиб оладиган лола эмас. Кўлингни узатсанг ҳам етолмайсан. Сени бу аҳволингни кўрган одамнинг ўзи қўркиб кетадику деб, аста усти-бошингга бир назар солдим, устига-устак кал бoshимничи деб ўйлардим ўзимча.

Ҳайдовчи билан қоғозли пакетдаги нарсаларни ошхонага олиб кириб бердик-да, мени юринг деб ичкари-

сидаги катта боғли ҳовли томон бошлади. Шом тушиб қолганига яхши кўролмасам-да ҳайдовчи бола мени томорқада жойлашган эски уйга бошлаб кирди.

Хона ичида иккита одам ётадиган сим каравот, устида кўрпа-тўшак солиб қўйилган бўлиб биттасида кимдир ётарди. Уйнинг ўртасида эса эски стол стул устида дастурхонга ўралган нимадир бор. Ҳайдовчи шу ерга жойлашиб олишимни айтиб, иккинчи бўш турган каравотни кўрсатди. Ўзи эшикни ёпиб чиқди. Мен бориб ётадиган каравотга ўтиридим, хонани қўланса ҳид босиб кетган, каравотда ётган киши самагонка ичиб ухлаб қолганини билиш қийин эмасди.

Хаёлимда эса ҳамон ўша қиз. Яна ўзимга ўзим сен ўзинг кимсану, уни ўйлайсан. Сени тенгинг мана олдингда ётиби, агарда сен тузукроқ бола бўлганингда, бу ерга эмас, меҳмонхонага жой солиб берарди. Бувимнинг гапи бекорга эмас, teng тенги билан тезак қопи билан дердиларку; тўғрида мен ҳам битта қопим билан деб ўйлаб қопимни очдим. Ичидан қотиб қолган бир бурда нонимни олиб чайнашга тушишим билан эшик очилиб ҳайдовчи қўлида товокчада овқат билан кириб, уни стол устига қўйди. Мен ўрнимдан туриб дарров қиз тўғрисида сўрасаммикин деб ўйладим. Қанчалик хоҳласам-да ўзимни тутиб ботинолмадим. Туни билан ухламай хом хаёлларга берилиб тонга яқин ухлаб қолибман.

Елкамдан кимдир ушлаганидан уйғониб кетдим. У шеригим – Паша амаки эди. Михга осиб қўйилган сочиқни олиб, юз-қўлимни ювгани ҳовлига чиқдим. Катта ҳовлини ярмигача хом гишт териб қўйилган бўлиб, қолгани очик турарди. Буни қўриб амаки нима демоқчи бўлганини тушундим. Мен қиз кириб кетган

хона томондан кўзимни узмай ҳовлиниң ўртасида жойлашган қувурдан оқиб турган сув тарафга ўтдим. Эрталабки нонушта қилиб Паша амаки билан яқиндан танишиб олиб ва ишга киришиб, ғишт тера бошладик.

Күёш чараклаб чиқиб кун анча-мунча исиб қолганида уй эгалари бизни олдимизга келиб, хорманглар йигитлар дейишиди.

Мен худди ишимиздан хурсанддек очиқ чехра билан салом бердим, улар бараварига алик олишди.

— Мирҳосилбой, — деди амаки. — Мана шу ишни туғатсанг, ўзим рози қиласман, кейин кетаверасан қишлоғингга.

Мен энди негадир уйга шошмасдим.

Шу куни куни билан қизни яна бир марта кўрсам бўлди, бошқа у ҳақда ўйламайман, эсимдан чиқараман, деган хаёл билан эшикни пойлардим. Шомга яқин ишимизни тўхтатиб, хонамизга кирдик. Негадир дикқатим ошиб, каравотга ўзимни ташладим. Тезроқ бу ерлардан кетишим керак, деб ўйлаб қолдим негадир. Паша амаки кўлини ювиб кирди-да, менга русчалаб, “тур нега ётиб олдинг, овқат олиб келишяпти, еймиз”, деди столга ўтириб.

Мен ҳозир деб ётавердим. Эшик очилиб кимдир асалому алайкум, деди. Бу қизнинг овози эди.

Каравотдан учиб туриб кетдим. Рўпарамда қўлида лаганда овқат кўтарган кечаги қиз турарди. Мени бундай ҳаракатларимдан ҳайратланган Паша амаки билан қиз менга ғалати қараб турарди. Мен бўлсам бундай парипайкарнинг олдида ожиз қолгандим. У ойдай тўлишган, юзини худди сутга чайиб олгандек, икки юзи эса қизариб пишган бозорнинг олди пештахтасида турадиган анорга ўхшарди. Мовий кўзларининг бодом

қовокларига туташиб кетган қошлари устига тушиб турған бир чимдим майда соchlари худди құнғироқдек құзи билан қош үртасида үйнарди.

Мен бундай килиғимдан үзим ҳам уялиб кетдим. Буни сезган қиз гулғунчадек лабларидан ним табассум билан салом берди. Мени ҳаяжон босганидан үзимни зұрга құлға олиб дүриллаган овозда алик олдим. Қиз яна кулдіда, сизни армияга чақиришдими, деди. Шу заҳоти қал бошим әсимга тушиб, шунақа мулзам бүлдімки, асти құяверасиз. Бир құлым билан бошимни ушлаб, каравотни ағдар-тұнтар қилиб шапкамни қидира бошладим. Йүк тополмадим, стол томонға қарадим. Паша амаки менға қараб кулиб турарди. Мен уларға топиб беринг дегандек юзландым. Амаки мени тушунди, шекилли кираверишда қоқиб құйилған михдан шапкамни олиб менға отди.

Жон ҳолатда шапкамни олиб дарров бошимға кийдим-да, қизға юзландым. Қиз буни құриб құнғироқдай овозини барап алла қўйиб кулиб юбордіда, сұнг зұрга үзини босиб деди:

— Бор-йўғи шумиди, мен пулингизни йўқотиб қўйибсизми дебман, — деди роса устимдан кулгандай.

Қизнинг кулишлари бирам үзига ярашардикি. Мунча ёқимли бўлмаса бу қиз, тишлари дурдай, овози меҳригиёға үхшарди. Қиз кула-кула қўзи ёшланиб, ҳовли томон чикмоқчи бўлди. Шу пайт эшик тагида ётган Паша амакининг этигига қоқилиб кетди, югуриб бориб қўлидан маҳкам тутиб қолдим. Қиз кулишдан таққа тўхтаб, үзини нарирок тортиб олди, мени эса бутунлай ҳаяжон босиб, юрагим дук-дук уриб кетди.

Қиз чиқиб кетди, Паша амакининг зўрлаши билан овқат олдига ўтирдим. У аллақачон самагонини бирин-

чи стаканини ичиб олибди, ҳидини ҳаммаёкка тарқатиб. Мен русчани зўрға гапирсам-да, Паша амаки билан яхши тил топишиб олгандик. Амаки ҳам ўзбекчани унча-мунча тушунар экан. Мендан 10 ёшга катта бўлиб, жуда кўнгли очик самимий киши экан.

Столга ўтиришим билан Паша амаки:

– Ҳа, севиб қолдингми, – деб бошларини сарак-сарак килиб, – қийин жойидан ушлабсан-да укам.

– Йўқ унақамас, қанақа севги, – дедим, ҳушёр тортиб.

– Йўғе, келиб-келиб мени алдаяпсанми?

– Йўғе, нималар деяпсиз, бу қизни шу ерга келиб кўрдим, – деб беихтиёр бошимни эгиб, жойимга ўтириб қолдим.

Ҳа тўғри-да, менга ким қўйибди шундай қизга кўнгил қўйишни. Яна Мирхосилбой эмиш, ўргилдим сенданка бойдан, номи улуғ супраси қуруқ бўлсанг, дедим ўз-ўзимни устимдан кулгандай бўлиб.

Эрта туриб, яна ишга киришдик. Ўзимга-ўзим ҳовли томонга бошқа қарамасликка сўз бердим. Бор кучимни йиғиб, ҳамма ишимни тезроқ тугатиб, кетиш ҳаракатига тушдим.

Мени зўр бериб ишлашимни кўрган Паша aka ҳазиллашиб:

– Ҳой, ҳой секинроқ, ҳали нонушта қилмадик-ку. Қорин таталаб кетяпти, – деди ҳовли томонга қараб, – ҳадемай чойга чақириб қолишар-а.

Бошимни кўтариб Паша акага қарадим, у менга ниманидир имлади қўллари билан. Мен беихтиёр Паша aka кўрсатган тарафга, яъни дараҳтлар орасидаги уй томонга қарадим. Қарадиму, бошқа кўзимни узолмай қолдим. Йўлакдан боғ оралаб, тўкилган баргларни

шиқирлатиб, солланиб келаётган кечаги қизга маҳлиё бўлганимча туриб қолдим.

Бунчалар мафтункор бўлмаса бу киз, деб хаёлимдан ўтказдим. Қиз бизга яқинлашиб, кулиб салом берди. Шу дамда мен бу қизнинг битта табассуми учун жонимни бериб юборишга тайёр эканлигимни қалбан ҳис қилардим. Мен энди хаёллар оғушида осмонларда қуш каби парвоз қилиб, Паша акага берган ҳамма ваъдаларим ҳам эсимдан чиқиб кетганди. Майли Паша ака мени ваъдабоз десин, фақат шу қизнинг дийдоридан маҳрум қилма, Оллоҳим, дедим ичимда. Паша аканинг томоқ қирганидан хушимга келдим.

Алик олдим. Қиз нонуштага таклиф қилди ва аста ортига қайилди. Мен ўзимни тутолмай:

– Мунча шошдингиз, – деб юбордим.

– Нима дедингиз? – деди қиз худди шу гапимни кутиб тургандек биз томон ўгирилиб. – Нима, гапингиз бормиди, – деб тим қора ўрим соchlарини ўйнаб.

– Ҳа, гапим бор эди, – дедим фурсатни бой бермай.

Қиз менга ҳайратланиб қараганча, қах-қаҳ отиб кулиб юборди:

– Вой, йўғ-е, кечагина танишиб, бугун нима гапингиз бор бўлиши мумкин, – деди нозланиб.

Мен қиздан кўзимни узмай кузатардим, у худди бувимнинг додаларидан қолган олмос кўзли зираклар сингари товланарди.

– Мухим гап, – дедим қизни кўпроқ ушлаб туриш баҳонасида. Қиз яна яқинрок келиб:

– Ўта муҳим денг, унда бўлса айтаколинг, – деди кузнинг шабадасида нозик белига ёпишаётган қўйлагини тўғрилагандек менга юzlаниб.

Мен ҳам қўлимдаги ғиштни ерга қўйиб, энди нима гап тўқисаммикин деб турган ҳам эдимки, ҳовли томондан қизнинг онаси Инобат холанинг овози чиқди

– Ҳой Гавҳар қаёқдасан, келақол тезроқ, ўқишига кеч коласан-ку бунақада.

– Ҳозир, онажон, кетаяпман, – деб боф оралаб йўлакдан юриб кетди.

Биз ҳам қўлимизни ювиб, ҳовлининг бир бурчагида тайёрлаб қўйилган нонуштани ейишга тушдик. Инобат хола катта човгумда иссик чой дамлаб олиб келиб:

– Вой азаматлар, хорманглар, яхши ётиб-турдингизми, болам, – деб менга юзланди табассум ила.

– Ҳа, раҳмат, ўзингиз яхшимисиз? – дедим унга жавобан ўрнимдан туриб.

Нонушта вактида ҳам икки қўзим Гавҳар кириб кетган уйда бўлди. Эшик очилганда эса “Ё Аллоҳим!” деб юбордим.

Уйдан бувим тасвирлаб берган бир парипайкар чиқиб келди. Елкасига осиб олган сумкасини бир қўли билан ушлаб, иккинчи қўлини бизга силкитиб, хайрлашиб кўча томон юриб чиқиб кетди.

Мени кузатиб турган Паша амаки мийифида кулиб:

– Ҳа, мулла йигит, ваъдалар қани, биратўла юракдан уриб қўйибдику, буёғи нима бўлади энди? Ахир бу хўжайнинг ягона кизи, отаси партком секретари бўлса, сени ўзига teng кўрармикан, тагин билмадим, – деди чойни ҳўплаб.

Мен Паша амакининг гапларини тинглаб, ўйга толдим. Паша амаки тўғри айтаяпти. Йўқ, йўқ мен севиб қолмадим. Ҳали уйга қайтсан ҳаммаси эсимдан чиқиб кетади, деб ўзимни юпатардим.

Биз куни билан хом ғишт териб деворни анча күтариб күйдик. Кечга яқин чарчаб хонамизга кирдик. Паша амаки чарчаганидан дарров каравотга чўзилиб олди. Мен эса ҳамон деразадан Гавҳарнинг йўлини пойлардим. Стол устидаги бир-иккита қоғозларни, Паша амакининг шишаларини олиб чикиш баҳонасида ҳовлига чиқиб келаман. Мени бетоқат бўлаётганимни кўрган Паша амаки:

– Намунча бесабрсан бола, – деди ҳадеб эшикни очиб-ёпаверганимдан аччиқлари келғандай бўлиб.

Ғира-шира тушиб қолганида ҳовлида оёқ товушлари эшитилди. Шошиб ўрнимдан туриб деразага қардим. Эшик очилиб, Инобат хола кириб келса бўладими. Тарвузим кўлигимдан тушиб, ичим бўм-бўш бўлиб қолди. Томоғимга тиқилган тупикни зўрға ютиб, холага пешвоз чиқдим.

– Вой ўргилай сиздан болам чарчамадингизми, бугун эрталабдан бери бозорда юриб, сизлардан хабар ололмадим. Пешинги овқатни кўшнига тайинлаб кетгандим, едингларми? – деди хижолат бўлгандай.

– Ҳа холажон, едик. Овқат мазали бўлибди, раҳмат, – дедим қўлимни кўксимга кўйиб.

– Ҳа майли умрингдан барака топгур қўшним роса яхши келин чиқди-да, бир нарса десам, ҳеч йўқ демайди, – деди бугун бизга тушлик олиб чиққан Шарофат келинойини мақтаб.

Менинг эса хаёлим Гавҳарда. Сал қолди Гавҳар қаёқда деб юборишимга. Уни кўрмаганимга негадир иштаҳам қочиб, овқат егим келмасди. Қорним тўқлигини баҳона қилиб, ётиб олдим.

Яrim тунгача уйқум келмади, ўзимни кўярга жой тополмасдим. Қанчалик қизни ўйламасликка ҳаракат

қилсан-да, қўлимдан ҳеч келмасди. Ҳеч сўроксиз қалбимга кирган, унинг сиймоси кўз ўнгимдан кетмасди. Изтироб чекардим. Паша амаки хурракни отиб ухлаб қолдилар вино таъсирида. Бир кўнглим уйғотмоқчи бўлдим, кейин бу ниятимдан қайтдим. Деразадан кўчага боқдим. Ой тўлишиб, ўз жамолини ҳаммага кўз-кўз қилгандек нурини сочарди. Ҳовлига чиқдим. Аста ҳовли этагида жойлашган боғдан туриб ойни томоша қилдим. Заррин рангга кирган дараҳт барглари кузнинг майнин шабадасида шивир-шивир килиб, менга ҳудди муҳаббат ҳақида сухбатлашаётгандек туюларди. Оёғим беихтиёр ҳовли томон, яъни катта уй томон бошлади. Тўғридаги юзига ёпиб қўйган деразага яқинлашдим. Ўзимча шу хонада Гавҳар ётған бўлса керак деган тахминга бордим. Шамолда ҳилпираб турган пардани кўтариб, оҳиста уй ичига қарадим.

Қарадим-у қўрқиб кетдим, у ерда хурракнинг овози эшитилди. Қўрқанимдан пардани кўйвориб, оёқ учиди югуриб, ётогимға қандай етиб келганимни билмай қолдим. Хонага кирволиб, нафасимни зўрга ростладим.

Анча ўйланиб ўтирганимдан сўнг, чарчаганиданми ёки шароб таъсириданми ҳеч уйғонмаётган Паша амакини зўрлаб уйғотдим. Паша амакига илтимос қилдим. Охири Гавҳар ётадиган хонанинг деразасини кўрсатиб берди. Мен дарҳол ўша дераза томон ошиқдим. Деразаси баландроқ экан, боғдан ғишт олиб келиб устига чиқдим. Юзаки ёпилган деразанинг тавақасини секин очдим. Ойнинг ёруғи хонани ёритиб турарди. Хонага қараб улгурмасимдан, у ерда тим қора соchlарини ёйиб, ойга тикилиб турган Гавҳарни кўрдим. Гавҳар:

– Ким у? – деди секингина қўркув аралаш.

- Мен, мен, — дедим дарров қўркиб кетмасин деб.
- Нима қилмокчисиз? — деди хушёр овозда.
- Ҳеч нарса, қўрқманг, мен, мен, — дедим талмовси-

раб.

- Нима тинчликми, — деди ойнага яқин келиб.
- Мен сизга мана бу жаннатни кўрсатмоқчи эдим,
- дедим боғни кўрсатиб. Қиз ойнадан бошини чиқазиб мен кўрсатган томонга каради-да:

— Ҳозир, — деб тунги кўйлаги устидан халатини илиб, дерезага яқинлашди.

— Келинг, биргалашиб томоша қиласиз, - деб чиқишига ёрдамлашмоқчи бўлиб қўлимни унга узатдим.

Қизнинг билагидан маҳкам ушлаб токчага чиқардим. У пастга қараб, қўркиб кетди. Шунда унинг нозик белларидан кўтариб олдим-да, секингина ерга тушириб қўйдим. У қўлимга қўнган оқкушга ўхшарди.

— Вой, — дедиую, икки ёноғи қизариб кетди. Мени эса юрагим бўғзимга келиб ура бошлади. Унинг тафти, ёқимли иси мени сархуш қилганди.

Ўртамизга жимлик чўқди. Уялганидан менга тик қаролмаётган қизға:

— Юринг, боғ ичини айланамиз, — дедим ўзимни зўрга қўлга олиб.

Кечалари анча салқинлигига қарамай, шу кеча биз тонг ёришгунча боғни айланиб юрдик, кейин мен уни хонасига кузатиб қўйдим. Ётогимга кириб ўзимни каравотга ташлаб ўйга толдим. Биз деярли муҳаббат ҳақида гаплашмадик. Қани энди шу кеча ҳеч тугамаса, тонг отмаса дердим, аксига олиб вакт жуда тез ўтиб кетди хаёлимда.

Шу бўлди-ю, биз деярли ҳар кеча учрашадиган бўлдик. Мен энди Гавҳарга ипсиз боғланиб қолган эдим.

Кеч кириб, коронғу тушиши билан шошиб қолардим. Гавҳар жуда күнгли тоза, бегубор, меҳрибон қиз экан-лигига амин бўлдим. Унга оиласиз, унинг сирлари ҳакида гапириб берганимда кўзидан ёш оқарди.

Девор ҳам битиб, бизга берилган иш ҳам тугаб борарди. Бир томондан укам ва синглим олдига борищдан суюнсам, иккинчи томондан Гавҳардан ажралишни хоҳламасдим. Кетишимни ўйласам, юрагим нақ иккига бўлиниб кетаётгандек туюларди. Уч ҳафта деганда ишни тугатдик. Гавҳарнинг отаси мени ёнига чақириб, миннатдорчилик билдири ва бугун кеч тушиб қолганини, эртага кетишимга рухсат бериб, чўнтағимга бир сиқим пул ҳам солиб қўйди.

Биз охирги кеча учрашувга чиққанимизда, Гавҳар билан қўл ушлашиб, дарвоза эшигини секин очиб, кўчага чиқдик. Хонадонлар бир тарафга жойлашган бўлиб, уларнинг тўғрисида мактаб бор эди. Бу ерга келган куним, кеч бўлгани учунми, буларни пайқамаган эканман. Гавҳар мени мактабнинг ён томонидаги ариқ бўйига бошлаб борди. Сув бўйига қатор қилиб тут дарахти экилган бўлиб, биринчи ва иккинчи тутнинг белини болта билан ўйиб, унга тахтали ўриндиқ қоқиб қўйилган эди. Биз ўриндиққа келиб ёнма-ён ўтириб олиб, ястаниб ётган кенг текисликка қараб хаёл суреб колдик. Бир марта деразадан тушириб қўйганимни ҳисобга олмасак, биз ҳали бир-биrimизга бунчалик яқин ўтирмаған эдик. Бошқа кунлар мен деразани тақиллатганимда ўзи эшиқдан чиқиб келадиган бўлганди.

Елкам унинг елкасидан баланд бўлганлиги учун унинг нозиккина жуссаси қўйнимга кириб кетаётгандек туюларди. Қандайдир куч мени уни маҳкам қуҷоқлаб бағримга босишга, шабадада ўйнаётган қўнғи-

роқ соchlарини силаб эркалашга ундаётгандек бўларди. Ичим ёниб, юрагим ҳапкириб урап, ўзимни зўрға бо-сиб ўтирадим. Ўртамизда қолган чап кўлимни аста унинг чап елкасига кўйдим. Шунда киз худди менинг кўйнимга ёпишиб қолгандай бўлди. Мен ўзимга-ўзим, “ўзингни бос Мирхосил, бу қизга энди эришганингда у сени тарбиясиз деб ўйламасин” деб тинчланишга ҳара-кат қиласдим, аммо унинг тафтини сезганим сайин ҳа-роратим ошиб бораради. Ўртага жимлик чўкди. Бирор гап тополмай, тилим қотиб қолгандек ҳеч нарса деёл-масдим. Қиз ҳам бошини экканича жим ўтиради. Бир пайт менга у йиғлагандек туюлди. Шошиб қолдим, унинг нозиккина иягиға қўл теккизиб, ўзимга қарат-дим. Ой шуъласида унинг юзини ювиб тушаётган кўз ёшни кўрдим. Ич-ичимдан ачиниб кетдим. Бу ҳолатда ҳиссиётим устун келиб, уни худди йўқотиб қўяётгандек маҳкам қучоқлаб олдим, у ҳам мени бўйнимдан ушлади. Сочларини аста силаб, қулоғига “нима бўлди, гўзалим?” деб шивирладим. Қиз қулоғим тагида тур-ган лабларини пи chirлатиб “кетманг” деди... “Сизни қаттиқ севаман” дедим фурсатдан фойдаланиб, у ҳам, севаман, деди аста.

Гавҳар қайтиб келганимда қўшни келин Шарофат кенойи учрашишимни ва шу жойда уни кутишимни тайинлади. Қанча узок ўтирсак ҳам биз бир-биримизга тўймас эдик. Тонг ҳам отай деб қолди, уйга қайтиш керак, ноилож хайрлашдик. Хонага кирганимда Паша амаки аллақачон уйғонган экан. Мени кўриб:

– Ишқилиб кўриб қолишмадими? – деб сўради стол-га ўтириб.

Кечаси ухламаган бўлсам-да, кўзимга уйқу келма-ди. Сафар тараддудини кўриб, нарсаларимни йиғишти-

ра бошладим. Нонуштадан кейин Паша амаки билан хайрлашиб, ҳовлига чиқдим. Хола қандайдир тугуни олиб чикиб, укаларингга олиб боринг деб кўлимга тутқазиб ва эшикгача кузатиб чиқдилар хайрлашиб.

Мен маҳалладан юриб кетарканман, ичим бўум-бўшдек, қадамимни базўр ташлаб борардим. Бозорга етиб бориб, у ердан Гавҳарнинг отаси берган пулларга ошнинг масалликларини ҳамда укамга хўроздандни ҳам сотиб олиб, автобус бекатига келиб, орка ўриндиғига жойлашиб ўтириб олдим.

Машина ҳа деганда ўт олмай, ҳайдовчини хуноб килди. Ҳайдовчи пастга тушиб, темир бурагични олиб, бир-икки айлантирган эди, ҳартугул мотор ўт олди. Йўлга тушдик. Машина тошбақадан ҳам секин юради. Одамлар норози оҳангда “Тезроқ юрса-чи”, деб гапириб ҳам кўйишарди. Эскириб кетган автобус “Мана сизларга”, деб довоннинг ярим йўлида бузилиб тўхтаб қолди. Ҳайдовчи қўшилишиб машина учун қанақадир эҳтиёт қисмини олиб келиш учун базага тушиб кетишиди. Улар қайтиб келишганида аллақачон қоронғу тушиб бўлган эди. Охир-оқибат ярим тунга яқин автобус тузалди, биз йўлга тушдик. Машина охирги ўз бекатга етганида автобусда мендан бошқа ҳеч ким қолмаганди. Ҳамма бирин-кетин йўлда тушиб қолишиди, у ёғига бир ўзим яёв қоронғу тунда юриб борардим. Бугун ой кўринмай қолган осмонда паға-паға булутлар сузиб, уйимизга етиб келганимда эса тун ярмидан оққанди. Синглим кўркиб кетмаслиги учун эшикни тақиллат-масдан девордан ошиб тушдим. Дарвозанинг занжири устидан сим билан боғлаб ўраб кўйишибди. “Кўркишибди-да”, деб кўнглимдан ўтказдим. Ҳалтамни кўтариб, йўлақдан ҳовли томон икки қадам ташлаганимни

биламан, жойимда юролмай туриб қолдим. Томорқа тарафдан, яъни сой томондан қандайдир ёруғликка кўзимга тушиб, бутун баданим сесканиб кетди. Ҳеч нарсага тушунмай, нималигини билмай қотиб турардим. Ҳаёлимга ҳар нарсалар келиб, наҳотки укаларим йўқолиб колишган бўлса-я, деган ваҳима ҳам келарди бир тарафдан. “Йўқ-йўқ бунақа бўлиши мумкин эмас”, деб ўзимни қўлга олиб, бу қандай сирлигини билиш им керак деб ҳовлимиздан ўтиб, томорқа билан сой томонга аста боравердим. Яқинлашган сарим ёруғлик баландлашарди. Олдимда пайдо бўлган манзарадан тилим калимага келмай, қалт-қалт титрардим. Дарё бўйида ёқилган катта гулхан ёнида бувим айтган Кирклиз базми жамшид қилиб, атрофида қўл ушлашиб ўйнашарди. Жойимда ўтириб қолиб, кўзимни юмиб олдим. Билмадим, бу ҳолатим қўрқиб кетганимданми, ёки бувим айтганидай уларнинг ўйинининг устидан чиқсанг, эътибор бермай қарамагин деганларигамикин?

Ўйин-кулгу авжида, ёқилган гулханинг баландлигини эса ҳовлисига чиққан ҳар бир одамнинг сезмасдан иложи йўқ эди, унда нега қишлоқдагилар буни кўриб индамай ётишибди деб ҳайрон бўлардим. Нима одамлар шунчалик тош қотиб ухлаб ётишганмикан? Тавба. Қўл-оёғим у ёқда турсин, тишларим ҳам бир-бирига тегиб, такиллаб кетди. Сира ўзимга келолмасдим, бувимнинг гаплари ростлигидан даҳшатга тушиб, бувижон, мени кечиринг, бувижон, кечиринг дердим ичимда.

Шу он хаёлимга укам билан синглим келди. Агар улар кўришган бўлса-я, иккаласининг ҳам юраги ёрилиб, ўлиб қолади-ку, деб юргурганимча ҳовлимизга қайтиб келдим. Жон ҳолатда хона эшигини очмоқчи бўлдим, очилмади. Калит турадиган жойни

карадим, калит жойида йўқ. Деразани тақиллатиб, Жамила, Жамила деб чақирдим. Жимжит, демак, хонада ҳеч ким йўқ. Ундан-да баттар ҳаяжонга тушдим. Улар роса қўркиб кетишган, шекилли. Оёгимни қўлимга олиб, Шермат амакимниги югурдим. “Ҳа, Мирхосил, инсофинг бўлса, шунча кун иккита укангни ташлаб, бир қизни деб юармидинг”, деб ўзими-ўзим койирдим. Дарвозага етганимда нафасимни ростлаб олиш учун бироз тин олдим. Укаларимни каердаликларини аник билмаганим учун уларни яrim тунда безовта қилгим келмай, орқа томондаги эрганакни очиб кирдим. Болалар ётадиган хона олдига келиб, деразадан қарадим. Ой йўқлиги учун қоп-коронғида ҳеч нарса кўринмасди. Оёгимнинг товуши сезиб қолмаслиги учун ялангоёқ бўлиб олдим-да, ҳовли томон ўтдим. Даҳлиздан кириб, болалар ётадиган хона эшигини аста тортдим, очилмади, қаттикроқ ёпилган экан. Бирпас ўйлаб қолдим, агар улар шу ерда бўлишмаса, унда амакимнинг катта ўғлига вазиятни тушунтириб кетаман, деб ўйладим ичимда. Кейин даҳлиздан синглимнинг оёқ-кийими ни қидира бошладим, тополмадим. Нима бўлса ҳам хонага киришим керак, ишқилиб эшикни очганимда уйғониб кетишмасин-да, деган ўй кўнглимдан ўтди. Эсимга тушди, бувим ўлганларидан сўнг биз бу ерда яшаганимизда, кечаси ҳожатга чикқанимизда, эшикни шараклатиб очсак ҳам ҳеч ким уйғонмасди.

Нима бўлса бўлди, деб эшикни икки қўллаб ушлаб очдим. Худога шукр, ўзи меҳрибон, қўпол, қалин эшик бўлса ҳам фақат бир марта ғижирлаб, очилиб кетди. Ичкарига киришдан олдин секин кулоқ солдим. Хонага ҳали кириб улгурмасимдан кимнингдир

йиғи овози келгандай бўлди гўёки. “Ака, акажон”, деб алаҳсираётган укамнинг овозини иккинчи сафар аник эшилдим. Ичим узилиб тушгандай бўлиб кетди. Оёғим тагида катор ётганларни босиб олмаслик учун бурчакда туриб укамни қидира бошладим. Кўзим у бурчакда ўрин ичидаги ўтириб, йиглаётган укамни ғира-шира кўрдим. Овозимни чиқармай, пайпаслаб у томон энди ўтаётгандим ҳамки, унинг йигисидан кимдир уйғонибди, шекилли, жойимда қимиirlамай турдим. Уй ичи қоп-қоронғу, факат шу укам ўтирган жойгагина деразадан озгина ёруғлик тушиб турарди. Шу пайт Умиджоннинг бошига бир ёстиқ чунонам учеб тушдики, укам бечора деворга боши билан урилиб жойида қотиб қолди. Дод деб юборишимга сал қолди ўзиям. Унинг овози ичига тушиб кетиб, нафас ололмай қолди. Кўрқиб кетиб орқасига урдим. Худога шукур ичига ҳаво кирди, у йиглайвериб пишиб кетганди. Умиджон нозик қўллари билан юзимни силаб, “Ака, ака , 2 йил роса кўп эканку”, деб йиғи аралаш тинмай такрорларди қулоғимга. Назаримда бизнинг сухбатимиздан кимдир уйғонди. Энди менга барибир эди, уйғонишса уйғонишсин. У мен томонга қараб, “Ким, ким?” деди. Бу укамга ёстиқ отган амакимнинг иккинчи ўғли – Қодир эди, унга қараганда бу қилиғи биринчи марта эмасди. Фазабим қайнаб, аввалига жим турдим, кейин секингина, “мен Мирҳосилман”, дедим. У, “Вой, армиядан қочиб келдингизми?”, деди бошини кўтариб. Кейин у укамга отган ёстиқни қўлимга олгандим, у шунақанги қаттиқ эдики, худди ичидаги тош бордай туюлди, сўнг ўрнидан хиёл бошини кўтариб мен томонга қараб турған кора кўланкани мўлжалга олиб:

— Ҳа, кочиб келдим. Сен укамни уриб, ўлдириб қўйма деб,— дедим-да, бир қўлим билан укамни кучоклаганимча, иккинчи қўлим билан ёстиқни у томонга боркучим билан отиб юбордим.

Ёстиқ тарс этиб бориб бошига тегди. У “Вой-вой бошим”, деб йиғлашга тушди. Мен ҳам ўзимни билмаганга олиб:

— Укам, ёстиғингда ўзинг ёта қол, — дедим кесатиб.

Унинг ҳам дами чиқмай қолди. Биламан, бу амакимнинг ўртанча ўғли, доим жанжал чиқариб юради. Ўша пайтда ҳам ҳаммадан кўпроқ шу жанжал киларди. Умиджон бўйнимдан маҳкам кучоклаганича ҳеч қўйиб юбормасди. Укамни кўтариб кўчага чиқдим. Кўча хонадан салгина ёруғроклигини кўрган укам, бўйнимни бўшатиб, юзимға шундай меҳр билан қарадида, “Художонимга раҳмат!” деб қўйди.

— Умиджон, нега Художонга раҳмат деяпсан? — деб сўрадим.

— Раҳмат дейман-да, — деди болаларча беғуборлик билан ва гапида давом этди. — Мен бувим ўргатганларидай қилиб Художонимдан сизни қайтиб келишингизни сўраб, “Аллоҳумма солли ала Мұҳаммад ва ала оли Мұҳаммад” деган калимани ҳар куни кўп мартадан айтиб юргандимдан, кейин келдингиз-да, ака? — деди қўйнидаги бувимнинг тасбеҳини кўрсатиб.

У ҳам менга бир ой ичида бўлиб ўтган воқеаларни сўзлаб берди.

Синглим билан иккаласи биринчи кеча қўрқанларидан туни билан ўтириб чиқишгани, эртасига амаким бориб олиб келганидан бошлаб, ҳар куни Қодир уни уришини, овқатни жуда кам сузиб беришини, ўзини

синглим билан бирга ухлашига рухсат бермаганинча хўрсиниб гапирди.

Бизлар хонага қайтиб кирдик, укам қучоғимда шунақа хотиржам пишиллаб ухлаб колдики, ҳатто қўлини бўйнимдан олишга ҳам кўзим қиймасди. Уни кучокланча ўйга толдим.

Наҳотки, ойимни ўша Қирқизлар жазолашган бўлса, йўқ, йўқ ишонгим келмайди, лекин ўз кўзларим билан кўрганим-чи, у нима эди унда. Унақада бувимнинг ҳамма гаплари, огоҳлантиришлари тўғри экан-да. Бирор нима дейишга ожизман. Сувни, дарё бўйини ифлос қилиш мумкин эмас, бу жойларнинг одамлари бор, мен кўрганман дейманми? Унда ҳамма устимдан кулади-ку. Индамай қўйишдан бошқа чорам йўқ, тамом.

* * *

Эртасига эрталаб туриб ҳеч иккиланмасдан, ҳамма гапларни амакимга тушунтириб, укаларимни олиб чикиб кетдим. Биз яна ўз уйимизда учаламиз яшай бошладик. Синглимнинг хурсандлиги оламга сифмасди. Кўча-кўйда кўрган кўни-кўшнилар ҳам қайтганимдан хурсанд бўлишар, армиядан қайтганимни эшитган ҳисобчи амаки Ислом акам билан уйга келишди. Нега армиядан қайтариб юборишганига ишонгилари келмасди. Мен оёғимни сабабли эканини айтганимда Ислом акам ажабланиб қолди. Военкомат ёзиб берган қофозни олиб чиқдим, қофозни ўқиб чиққач, Ислом акам::

– Ҳа, бекорга айтишмайди, ҳар бир ёмонликнинг ортидан яхшилиги ҳам бор деб, – деди. – Яхши бўлибди қайтганинг.

Тўйчи амаки ҳам эртага идорага боришимни, ҳали анча-мунча ишлар борлигини айтиб чиқиб кетди.

Эрта туриб, идорага бордим. Тўйчи амаки билан биргаликда яна ишлай бошладик. Орадан икки ҳафта ўтар-ўтмас Гавҳардан хат олдим. Мактубда қачон келишимни сўрабди. Ҳаяжонланганимдан хатни қайта-қайта ўқидим. Хатдан худди унинг ифори келаётгандек эди. Тез-тез хидлаб кўярдим. Мактубни қўйнимга солиб олдим. Шу кеча мижжа қоқмадим, хатни кучоқлаб ётдим. Эртасига идорада пешинга яқин столга бошимни қўйиб, ухлаб қолибман.

Хат олган кунимдан бошлаб ҳаловатим йўқолди. Ислом акам ҳам худди бир нарсани пайқагандек, нукул тушлик пайтида: “Сенга нима бўлган ўзи, хаёлинг паришон ёки Йўлчи аканинг қизини севиб қолдингми?”, деб ҳазиллашадиган бўлиб қолдилар. “Севги одамни ёмон девона қиласи”, дерди кулиб.

Эртасига вилоят марказидан идорага раис бува келиб, бу йили картошка ургуни сотиб олиб, янгила масак бўлмайди, деб Ислом ака билан маслаҳатлаша бошлишди.

– Ҳозир ургуни сотиб олмасак, баҳорда кимматлашиб кетади. Эрта-индин бирортасини кўшиб шаҳарга жўнатамиз, – дедилар Ислом акага қараб раис бува.

Шаҳарга бориш учун имконият борлигини эшитиб, кечки пайт қани энди мени юборишса, деб чидолмай Ислом акамнинг уйларига бордим. Менинг бу кечки ташрифимдан бир гап борлигини сезган Ислом акам тинчликми деб оғзимга тикилиб турдилар. Мен уларга ҳаммасини, Гавҳарни севиб қолганимгача бошдан-оёқ гапириб бердим. Тўйчи амакига бирор нима деб

тушунтиришларини илтимос қилиб, мени ҳам бирга олиб кетишларини сўрадим. Бироз ўйланиб турган Ислом акамнинг юзлари тиришди.

– Ҳа, тўғри севиб қолибсан, лекин танлаган қизинг сенга тўғри келармикан?! У шаҳарлик амалдорнинг қизи бўлса, у киз қаёқдаю, сен қаёқда. Гапимни тушунаяпсанми, – деди жиддий оҳангда. – Йиғиштир бу ишингни, ўзимизнинг қишлоқдан топсанг, бошқа гап, – деб туриб кетди жаҳл билан.

– Тўғри айтаяпсиз, гапингизни тушундим. Лекин мен амалдорнинг қизини қидирмадим, – дедим ҳали эшикдан чиқиб улгурмаган Ислом акамга қаратса.

Бошимни экканимча, айтганимга пушаймон бўлиб ўйланиб қолдим. Ислом ака салдан сўнг қайтиб келди-да:

– Мирҳосил, мен сени тушунадиган аклли бола, деб юрсам, калта ўй бола экансан, – деди.

Шаҳд билан бошимни кўтариб:

– У яхши қиз, у ҳам топмади, мен ҳам топмадим, шунаقا бўлиб қолди, нима қилай? – дедим. – Нима десангиз денг, мен ундан ҳеч қачон воз кечмайман, тўғрисини айтсам, кечолмайман.

Ислом ака деворга суюнганича қотиб қолиб, бошқа гапирмади.

Мен умидимни узиб, ўрнимдан турдим-да, уйга жўнадим. Эртасига идорага барвактрок бордим. Ёзув-чизувларни тезроқ тугатсам, ўзим Гавҳарни кўргани бориб келаман, деб ният қилдим ичимда.

Орадан бир кун ўтиб, пешинга яқин идорада ишлаб ўтирсам, Ислом акам билан раис бува, яна бир нотаниш киши кириб келишди. Тўйчи ака билан тўрт киши

бўлиб, нариги хонага ўтиб, ниманидир узок маслаҳатлашишди. Мен эса ўз ишимни қилавердим, гап бир тўхтамга келган шекилли, ҳаммалари ўрниларидан туриб кўча томон юзланишди. Мен ҳам хурматларини қилиб даҳлизга чиқдим. Раис бува қўлимни қисиб, яша шоввоз, чарчамагин, деб хайрлашиб, шахтам қадам ташлаб чиқиб кетдилар.

Ислом ака уларни кузатиб, қайтиб кирдилар-да, мен ўтирган столга яқинлашиб, “Тугатиб қолдингми?” деб сўради. Мен столга эгиб олган бошимни сал кўтардим-да, гўё хафадай бошимни ҳа дегандай қимирлатиб қўйдим. У бўлса бармоклари билан чунонам чертдики, бошимнинг олови чиқиб кетди ўзиям. Ачишиб кетганидан бир бақирсаммикин деб ҳам ўйладим-ку, лекин ўзимни босдим. Қўлим билан ишқалаб-ишқалаб қўйдим. Ислом ака ўрнидан туриб, “Эртага тайёр бўл, келинни кўриб келамиз”, деди. Ҳижронда сиқилиб турган юрагимга бу гап мойдек ёкиб кетдики, асти қўяверасиз. Ҳазиллашаётган бўлмасинларчи, деб ўйлаб ҳам қолдим. Иккilanгандек уларга боқдим.

– Бўл, бўл, ишингни тугата қол, кетамиз. Обормасам бўлмайди, шекилли, қовоғингдан қор ёғиб юрибди-ку куёвбола, – деб кулди Ислом ака.

Шу кеча қани энди уйқу келса, тезрок тонг отсаю, йўлга тушсан. Ғира-шира бўлмай туриб, ювиниб-тараниб ҳам бўлдимки, ҳали кун ёришмайди. Уйғониб кетган синглим ётган жойидан:

– Ха, ака, тинчликми, бунча ясаниб олмасангиз? – деди ғалати қараш қилиб.

– Энди аканг оддий одам эмас, кимсан колхоз ҳи-собчисининг ёрдамчиси, – дедим синглимни. Кулди-

риш учун костюмимни қоқиб-кокиб, уйнинг ўртасида пўримча юриш ҳам қилиб бердим.

Синглим хандон отиб кулиб юборди:

– Вой-вой, бу юришда ҳисобчи ёрдамчиси эмас, биратўла райондан келадиган вакилларга ўхшаб кетдингиз, – деди устимдан кулиб.

Бизни кузатиб ётган укам эса ўрнидан иштонсиз ҳолда ортимдан қадамини катта-катта ташлаб, менга тақлид қилиб ўхшаб юра бошлади. Буни кўрган Жамила:

– Оббо, буниси ким бўлди энди? – деди кесатиб.

– Мен-чи, мен раис буваман, – деди бошини баланд кўтариб.

Синглим иккаламиз мазза қилиб кулардик.

– Раис бува шунаقا шим киймай юрар эканми? Сен Раис бувага эмас Йўлчи амакининг итига ўхшайсан, — деди ҳазиллашиб. Умиджонга алам килдими, билмайман, хафа бўлиб, йиғлашга тушди.

Синглим укамни қучоқлаб, бўлди кечир оппоғим, ҳазиллашдим-ку, сен бизнинг паҳлавонимиз, раис бувамизсан, деб эркалаб овутишга тушди. У овунмай, йиғиси келмаса ҳам, эркаланиб, ўзини зўрлаб қўли билан кўзини ишқалаб ҳиқиллайверди. Охири:

– Сен отамсан, тушундингми? Отамга ўхшайсан. Бўлди қил, бўлмасам шаҳардан сенга ҳеч нарса олиб келмайман, – дедим укамни урушгандай бўлиб. У шу онда:

– Хўп, хўп, йиғламайман, менга мана шунча хўрозқанд ва шунча конфет олиб берасиз-а? – деди бармокларини кўрсатиб.

– Ҳа, албатта, – деб ўпиб кўйдим.

* * *

Биз уч киши бўлиб колхознинг юк машинасида вилоят марказига – шаҳарга етиб келдик. Ислом ака билан раис бува айтган жойга бориб, ишни битириб, кейин бозордан уруғлик картошка танлаб оладиган бўлишди. Мен эса меҳмонхонада қолиб кеч бўлишини кутиб ўтирдим.

Кеч тушгач, хурсандлигимдан, оёкларимни қўлга олиб, Гавҳар айтган қўшни келиннинг уйига келдим. Шарофат келинойи мен билан иликкина сўрашдилар, қўлларига ёзган хатимни тутқаздим. Ўзим эса интиқиб, тутзор томон одимлаб кетдим. Сал панарокқа ўтиб, Гавҳарни интизорлик билан кутиб турдим. Атрофга қоронғу туша бошлади, ой ҳам салом бергандек кўкда пайдо бўлди. Мен унга қараб:

– Эй Оймоможон, бугун сен ерни шундай ёритгинки, токи соғинган севгилиминг неча бор киприк коққанини ҳам кўрайин, – деб сўрадим осмонга қараб.

Оймомо ҳам гўёки шуни кутиб “Мана мен” дегандек ўз нурини аямай соча бошлади. Ўрнимдан туриб, қарадим, кимдир келарди. Бу Гавҳар эди. У яқинлашган сари менинг юрагим қинидан чиқай деб, ўзимни қўярга жой тополмай, тинмай “Эй Аллоҳим, бу қандай туйғу эканки, кечиб бўлмас”, дердим ич-ичимда.

Гавҳар рўпарамга келиб, салом берди, мен алик олдим. Соғинч билан унга тикиларканман, ой шуъласида унинг қизарган юзлари-ю, камондек қошлари, қайрилма киприкларигача аниқ қўриб турардим.

Гавҳар мендан бир қадам нарида тўхтаб, қўлини узатди. Биз қўл бериб қўришдик. Мен унинг қўлини

қўйиб юбормадим, биз қўл ушлашиб, шилдираб оқаётган ариқ бўйлаб юриб кетдик.

– Сизни роса согиниб кетдим, – дедим секингина қизнинг қўлини сикиб.

Қиз бирдан тўхтаб, ҳушёр тортди-да ва менга қараб:

– Алдаманг, алдокчи, – деди эркаланиб аразлагандай ва менга тескари қараб олди.

Гавҳарнинг нозлари бирам ўзига ярашардики, бу эса менга жуда хуш ёқарди. Энди унинг икки қўлини ушлаб, ўзимга қаратиб олдимда:

– Сиздай парипайкарни алдаганнинг тили узилсин,
– дедим.

– Хат ёзганимга қанча бўлди-ку, – деди хиёл қулиб.

Мен нима бўлганини бирма-бир гапириб бердим. Шаҳарга уч кунга келган бўлсак, Гавҳар билан ҳар куни учрашдик. Охирги кун Гавҳар қўлида қандайдир тугун олиб чиқди.

– Бу нима? – дедим қизиқиб.

– Бу укангиз ва синглингизга совға, ўзим тўқиганман, – деди узатиб.

Тонг отганда ноилож ажрашдик. Уйга келиб, тўқилган нимчаларни укаларимга бердим, уларнинг хурсандлигини қўриб, ўзим ҳам суюниб кетдим. Синглимга нимча лоппа-лойик келди, укамга эса каттароқ эди:

– Ака неча пулга олдингиз, пулингиз кам эди-ку, айта қолинг, – деб қўймасди...синглим.

Мен қор ёққунича ҳар икки ҳафтада Гавҳар билан учрашиб турдим. Қор ёғиб, автобус юрмай қолганида эса бир-биrimизга хат ёза бошладик. Ҳар ҳафта почталон амакини пойлаб ўтираман.

Бир куни нонушта қилиб ўтирганимизда синглим менга ғалати караш қилиб:

– Ака, ёмонсиз-а? – деди бошини сарак-сарак қилиб.

– Нега, – дедиму Жамиланинг қарашларидан билдимки, ниманидир сезган.

Чўнтағимни кавлай бошладим. Синглим эса:

– Мана ака, овора бўлиб, кидириб юрманг, – деди хатни кўрсатиб.

– Вой тавба, худди ўғри мушукка ўхшайсан-а, синглим, – дедим озгина киноя билан. – Эсингда бўлса, бувим айтгандилар, бироннинг хатини ўқиш гуноҳ деб.

Синглим мендан бу гапни кутмаган эдими:

– Ака, нималар деяпсиз, эътиборингиз учун, биронга тухмат қилиш ҳам катта гуноҳ, деганлар бувим. Хатингиз тушиб қолса, гуноҳ мендами? – деди тескари қараб.

– Бўлди, бўлди. Мени кечир, кечир. Мендан ўтди, – деб ўзи сенга айтмоқчи бўлиб юрган эдим синглим, – дедим ўртани юмшатиб.

Шу куни синглимга бутун сир-асроримни оқизмай, томизмай гапириб бердим. Энди Гавҳардан хат келса, Жамила ўқимасдан асраб олиб қўядиган бўлди.

Қиши охирлагач, йўллар очилиб, қишлоғимизга автобус юра бошлади. Бир куни синглимга Гавҳарнинг олдига бориб келишимни тайинлаб, йўлга отландим. Синглим мени тушунди ва рози бўлди. Бекатга келганимда автобусда санокли одам ўтиради. Машина ўт олди ва биз йўлга тушдик. Худога шукурки, бу йил қиши яхши келди, қор қалин ёғмади. Бўлмаса ҳали ҳам бу йўлларни қор босиб ётган бўларди, дея кўнглимдан ўтди.

Қишининг бир куни қолса ҳам кўрк, деганларидек, ҳали ҳам изғирин совуқ эсиб турарди. Мен учрашув жойида Гавҳарни кутиб, роса совқотдим. У келиб, мени Шарофат келинойининг уйига бошлаб борди. Биз совуқдан кўркиб уйга кирдик. Гавҳар билан соғиниб учрашганимизгами, билмадим, эрталабгача сұхбатлашиб ўтириб, нонуштани бирга килиб, хайрлашиб, уйга қайдим.

Баҳор келиб, далада ишлар авжига чиқиб, қўлим-қўлимга тегмас эди. Эрта саҳар ишга кетиб, кеч кириб келаман. Ҳам далада ишлаб, ҳам Тўйчи амакига ҳисоб-китоб ишларида ёрдамлашиб тураман. Якшанба куни эса учрашувга шошаман, хуллас, кунлар бир-бирини қувлаб ўтиб борарди.

Буғдой ўрими бошланганида раис бува мени чақириб, эртага идорада мажлис борлигини, албатта келишимни қўймай тайинлади. Эртасига идорага йигирма чоғлик одам йигилиб, унда мени Тўйчи амакининг ўрнига ҳисобчи қилиб тайинлаб, Тўйчи амакини эса бригадир ёрдамчиси этиб сайлашди.

Мен ўзимда йўқ хурсанд бўлиб, уйга келиб синглimga айтдим. Жамила мени қучоқлаб олди.

Икки ҳафта идорага эрта аzonда бориб, кеч қайтиб, билмаган жойларимни сўраб-суриштириб, ҳисоб-китобимнинг ҳаммасини жой-жойига қўйиб, ишларимни тартибга келтириб олдим. Менинг бундай ишлашимни кўрган раис бува жуда “Яша шоввоз”, деб хурсанд бўлиб кетарди. “Бўладиган бола бошидан деб шунга айтишади-да”, деб кўярди.

Ишларимни саранжомлаб, Гавҳар билан учрашувга жўнаб кетдим. Унга бўлган янгиликни айтиб, Худо

хоҳласа ишларим сал яхши бўлса, кейинги йилга совчи жўнаташимни айтдим. Шунда у кўзига ёш олиб:

– Негадир кўнглим ғаш, – деди бошини эгиб.

– Унақа деманг, яхши ният – ярим давлат, дейишган, – дедим кўнглинини кўтариб.

Шу кунларда иш баҳона шаҳарга тез-тез катнай бошладим. Ҳар келганимда Гавҳар билан учрашиб кетмасам кўнглим жойига тушмасди. Биз қанчалик кўп кўришсакда, шунчалик бир-биrimizни тез софина-диган бўлиб борардик.

Буғдой ўрими тугаб, ғалвирни сувдан кўтарадиган пайт келганида, белимни боғлаб Ислом акам билан бирга ҳисоб-китобга тушиб кетдик. Ислом акам ҳисобчи бўлмаса-да, бошқалардан кўра яхшиrok тушунарди. Ҳали обкомдан комиссия келмасдан туриб, раис бувага ҳамма ҳисоб-китобни қилиб, биз планни икки баравар қилиб бажарганимизни аниқлаб бердик.

– Энди ўзинглар туриб берасизлар-да, болам, бу ёғига бўш келмагин, – деб қўйди, биздан мамнун бўлиб.

Раис бува билан деярли шу ҳафта меҳмонларни кутиб олиш учун тайёргарлик кўриб, шийпонда стол ясатиб қўйдик. Охири “Виллис” машинада беш киши келишди. Улар хирмонни кўрган заҳоти хурсанд бўлиб, кайфиятлари кўтирилиб, раис бувага қаратиб: “Энди буни ювиш керак раис” дейишли. Улар шу куни кечаси билан меҳмон бўлиб, роса ичишли. Эртасига эрталаб шийпонга келсак, меҳмонлар гандираклаб юришарди. Буни кўрган раис бува эса менга дўкончи амакининг ўйига бориб, ароқ топиб келишимни тайинлади. Меҳмонлар иккинчи куни ҳам чой ўрнига бош оғриғига

арок ичишиб, факат учинчи кунигина шийпонда эрталабдан ҳамма ҳеч нарса бўлмагандай йиғилиши.

Мехмонлардан иккитаси, стол олдида ўта жиддий ўтиришарди. Бир пиёла чойдан кейин хирмонбошига бориб, ҳисоб-китоб бошланди.

Улар ўзларича хирмонни ҳисоблаб, планга етмаяпти, кам чиқаяпти дегандек раис буванинг ёнига ҳисоб-китобларни ташлашди. Раис бува эсанкираб қолгандан ўтирган жойидан нарирокда уларни кузатиб турган Ислом ака билан менга қарадилар. Менга эса бу манзара болалигимдан таниш бўлганигами, жаҳлим чиқиб, ўзимни зўрға босиб, ҳали сенларга кўрсатиб кўяман, алдаш қанақалигини, деб қўйдим ичимда. Орадан бироз ўтиб, қизариб-бўзариб кетган раис бува мен билан Ислом акани чақирди. Шошмасдан улар олдига бориб ҳисоб-китобимни бошидан бошлаб аниқ қилиб, Ислом ака билан яхшилаб тушунириб, ҳисоблаб бердик. Охир-оқибат улар ҳеч нима деёлмай жим қолишиди. Бироз жимлиқдан сўнг меҳмонларнинг каттаси ўрнидан туриб:

— Майли, қани туринглар, кетамиз, қолганини хушёр каллага ҳал қиласиз, — деди машина томон юриб.

Ўша куни меҳмонлар попуклари пасайгандай бўлиб жўнаб кетишиди. Биз Ислом акам билан уйга қайтдик. Йўл-йўлакай Ислом ака:

— Сен, ўзиям роса бопладинг-да, укам. Русчани бунчалик билмасдинг-ку, худди бирор ўрғатиб қўйгандек гапирдинг, ўзиям, — дедилар.

— Албатта ўргатди-да, — дедим мен ҳам сирли қилиб.

— Ким? — дедилар жойларида тўхтаб қолиб.

Мен бироз ўйланиб туриб:

— Ким бўларди, келинингиз-да, — дедим кулиб.

— Йўғ-е, — дедилар ҳайратланиб.

— Ҳа, менинг ундан яширадиган сирим йўқ, ҳисоб-китобимни русчага айлантириб таржима қилиб берганди. Мен эса уни ҳар куни такрорлаб ёдлаб олдим.

— Вой, вой, келин ҳам ўрисчаниям биладими? — деди кизиқиб.

— Ҳа, 8-синфгача рус мактабида ўқиган экан, — дедим ғурурланиб.

Орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас меҳмонлар қайтиб келишди. Уларнинг гапи бўйича олдинги йили планни ярмини ҳам бажармаганимиз учун, шуни назарга олиб хисоблаганмишлар. Турган жойимда ёқамни ушлаб қолишдан бошқа иложим йўқ эди.

Ислом аканинг жаҳллари чиқиб кетиб, таламоқчи эди, раис бува, “Қўй ўзингни бос”, деб елкаларига уриб қайтарди.

Ҳафсаламиз пир бўлиб, Ислом ака билан уйга қайдик. “Одамга алам қилас экан, қачонгача шунака қилишаркин-а”, деб ўйлаб қолдим.

Орадан бир ой ўтар-ўтмас, ўйга ишдан келсам, райондан чакириқ қофози келибди. Хатни олиб, Ислом аканикига югуриб бордим. Уларникида Тўйчи амаки ҳам ўтирган эканлар, кейин билсам, уларнинг икковларига ҳам чакириқ қофози келган экан. Ичкари хонадан Ислом акамнинг кичкина ўғилларининг тинмай йиғлашиб эшитилиб туради. Ислом ака бир ҳафтадан буён касаллигини, на кечаси, на кундузи ухламай йиғлаётганини айтди.

Ўрнимдан туриб, Муқаддас келинойининг ёнлариға кирдим. Қўлларида тинмай йиғлаётган 5 ойлик Султонни қўлимга олдим, унинг иссиги борлиги билиниб турарди.

Эртага биз билан бирга бориб, дўхтирга кўрсатиш кераклигини айтганимда, Ислом ака рози бўлди. Эрта тонгдан Муқаддас келинойининг ўғилларини олиб биргаликда шаҳарга дўхтирга олиб кетдик.

Биринчи ижроия қўмитага бирма-бир кириб чиқдик. Деярли бирор нарса сўрашмади, фақат исми шарифимизни, оиласизни, ким билан яшашимизни сўраб, ҳам масини ёзиб олишди, холос.

Ундан сўнг болани олиб, касалхонага бордик. У ерда аллакандай ҳужжат сўраб, касалхонага қабул қилишмади. Асабийлашиб, нима қилишни билмай, касалхона ҳовлисидағи ўриндиққа келиб ўтириш. Боланинг эса ахволи оғирлашар, иссиги баландлигидан кўзини зўрға очиб ёпарди. Келинойи ҳам ўғлининг йигисига чидолмай йигларди. Ўйлаб-ўйлаб, қабулхонага қайтиб бордим ва ўрис кизга амаллаб боланинг иссиги баландлигини тушунтирудим. Киз, йўқ йўлланма керак, дедида, қўлимга битта дори бериб, шуни ичиришимни айтди. Дорисини болага ичирдик. Бошим қотиб турган пайтда Гавҳар эсимга тушиб қолди. Берган доримиз таъсир қилдими, дейман боланинг сал иссиғи тушиб, кўзини очди.

Уларни бугун меҳмонхонада қолишга зўрға кўндириб, ўзим Шарофат келинойи олдиларига шошдим. Гавҳар бу йил шаҳардаги Пединститутга ўқишига кирганини билардим. Гавҳар ўқишдан келмаган экан. Учрашув жойига қайтишга қарор қилдим.

Мен учрашув жойида анча ўтирдим. Гавҳар кечрок келиб, куттириб қўйгани учун узр сўраб, ўқишда қолиб кетганини айтди. Мен шунисига ҳам шукур деб ҳазиллашгандай бўлдим. Унга боланинг касаллиги, касалхонага жойлаштиришнинг иложи бўлмаганлигини гапириб бердим. Эртасига Гавҳарни касалхона олдида кутиб ўтирдик. У келди, салом бериб, бир қизариб кетди-да, кейин боланинг аҳволини кўриб, ҳозир деганича ўзи бино ичига кириб кетди.

Гавҳар кетиши билан Муқаддас келинойи қизиқиб:

– Ким бу, Мирҳосил? – деди кулимсираб.

– Кимлиги билан нима ишинг бор, болангни касалхонага жойлаштириб берса бўлди-да, – деди Ислом акам мендан олдин жавоб бериб. – Айтишади-ку, узумини егину, боғини суриштирма.

Зум ўтмай Гавҳар қайтиб чиқиб, болани қўлига олиб, ичкарига қараб юрди. Ортидан келинойим ҳам эргашди, биз эса ташқарида қолдик. Бир соат ўтар-ўтмас Гавҳар келинойим билан боласини касалхонага жойлаштириб чиқди.

– Раҳмат, раҳмат. Худодан қайтсин, илоҳо, – деди Ислом ака хурсанд бўлиб.

Гавҳар боланинг қаттиқ шамоллаб колганини, шамоллашни ўtkазиб юборганимизни айтди. Биз эса Муқаддас келинойи билан деразадан хайрлашиб, қишлоққа қайтиб кетдик.

Эртасига ишга чиқдим, пешинга яқин раис бува хомуш бўлиб кириб келди. Салом бердим, улар алик олиб, стулга ўтирди-да, “Чатоқ бўлди-да”, дедилар бошини чайқаб.

– Эй нима бўларди, раис бува қачонгача шунаقا қилишади, пичоқ келиб суюкка тегди-ку, – дедим кайфиятим бузилиб.

– Сен буларни ҳали яхши билмас экансан. Булардан ҳар нарса кутиш мумкин.

Кунлар ҳам анча салқин бўлиб қолди. Дараҳтларнинг барги заррин рангга кира бошлади. Якшанба куни Гавҳарни кўргани бордим ва биз биргалашиб касалхонага Муқаддас келинойини йўқлаб келдик. Султонбек анча яхши бўлиб ўйнаб ўтирибди. Гавҳар иккимиз Ислом ака бериб юборган тугунниям бериб, уларнинг кеполмасликларини, болаларга қарашадиган одам йўқлигини айтдим. Ҳар шанба учрашувга боришимни билиб, Ислом ака кечки пайт бизникига ул-бул солиб тугун кўтариб келади.

– Укам, раҳмат сенга, яхшиям шунаقا келин топганинг, бўлмаса нима қиласардик. Энди у ёғига ўзинг қарайсанда. Мен болаларни ташлаб боролмайман, – дедилар хижолат бўлиб.

– Ҳа, майли ака, ҳечқиси йўқ. Ўзим бориб келаман.

– Раҳмат укам, келинойинг билан тўйларингда белни боғлаб хизмат қиласиз.

Мен ҳар сафар Гавҳарнинг ёнига борганимда касалхонада учрашиб, биргаликда келинойидан хабар олиб кетадиган бўлдик. Ҳафта тугамасидан Ислом ака билан мени яна Тошкентга чақиришди. Биз ҳаммамиз яна район биноси олдида учрашиб, битта-битта ичкарига кириб чиқдик. Олдинги сафаргидек, деярли ҳеч нарса сўрашмади. Фақат исми шарифимиз, отамизнинг исмини, нима иш килишимизни ёзиб олишди, бўлди. У ердан чиқиб, Ислом акам билан касалхонага бордик. Дўхтир-

лар Султонбек анча тузалиб қолгани учун уйга жавоб беришибди. Уларни касалхонадан олиб чиқиб, автобусга ўтказиб юбордим-да, ўзим Шарофат келинойиникига йўл олдим. Кеч тушишига ҳали анча вакт борлиги учун айланма тор кўчадан юриб борардим. Бир пайт ёнимга Тошкентдан ўтириб келган машина келиб тўхтади. Эшиги очилди, мен машина ичиға қарадим-у бошимдан хушим ўчиб кетгандай бўлди. Машинада Гавҳарнинг отаси Хотам амаки мени худди еб қўйгудай ўтиради. Мен тезда ўзимни тутиб олиб, машинага яқинлашиб салом бердим. У индамай менга қараб:

– Ҳа йигит, ўзгариб кетибсанку, бу тарафда киминг бор? Бундан олдинги кун ҳам ўтиб кетаётганингни кўришибди, – десалар бўладими.

– Ҳа, битта дўстимни олдига келгандим, – дедим нима дейишимни билмай ўзимни зўрға ўнглаб олдим.

– У дўстинг кимнинг ўғли экан? Қаерда туради? – дедилар синчковлаб.

– У ёқда туради, – дедим қўрқиб кетганимдан чап тарафни кўрсатиб, энди аниқ қўлга тушдим деб ўйлаб.

– Отаси борми?

– Йўқ, – деб юбордим таваккал қилиб.

Машина эшиги зарда билан тарақлаб ёпилди-ю, юриб кетди. Мен турган жойимда на ортимга қайтишимни биламан, на олдинга юришни. Наҳотки, шу одам мендай бир ота-онаси йўқ йўқсилга қизини берса. Кўнглим ғаш бўлиб, йўлимда давом этдим. Ўша куни Гавҳарнинг ўрнига тун ярмида Шарофат келинойи чиқиб келдилар, бизларнинг Гавҳар билан касалхонада юрганимизни кимдир кўрганини, унинг чиқолмаслигини айтиб кетди.

Умидларим пучга чиқиб қишлоққа қайтиб келдим. Бир ҳафта ўтар-ўтмас чидолмадим. Нима бўлсаям Гавҳарни топиб кўришим керак деган хаёл мени қўймасди. Ўзимни қўйишга жой тополмайман, томоғимдан сув ҳам ўтмасди. Ишхонамдаги ишларимни унча-мунча битириб, синглимга бор воқеани тушунтириб, йўлга тушдим.

Автобусга ўтириб олиб минг бир хаёл билан шаҳарга етиб келдим. Бирор кўриб қолмаслиги учун яширинча Шарофат келинойининг эшиги тагига бориб, бир амаллаб эшигини тақиллатдим. Келинойи мени кўрған заҳоти ичкарига таклиф килди. Ортимдан маҳалланинг у ёқ-бу ёғига кўз ташлаб қўйиб, тезда дарвозанинг занжирини илди. Четдаги хонага кириб, бехавотир гаплашиб олдик. Келинойи ҳамма гапдан боҳабар. Ҳотам ака Гавҳарни уч кун қамаб қўйганини, шу кунларда роса бақир-чақир қилиб юрганини гапириб берди. Мен ҳам Гавҳарни кўрмасам кетмаслигимни айтиб, учрашишимизга ёрдам беришини илтимос қилдим. Шарофат келинойи бирпас ўйланиб туриб қўлимдан келсанку, бажонидил лекин иложим йўқ-да, дедилар ўйланиб қолиб.

Гавҳарнинг отаси аллақачон ишдан келиб, айвонда ёнбошлаб ўтирганини, қизларининг ҳар бир қадамини кузатиб турганини айтганида, ҳафсалам пир бўлиб, юрагим сиқилиб кетди. Яна қишлоққа қайтдим. Дунё қўзимга коронғу, ўзимни зўрлаб, ишга бориб келиб, қўкрагимни захга бериб ётаман.

Орадан яна бир-икки кун ўтиб, яна обкомга чақириб қолишиди. Ичимдан хурсанд бўлиб кетдим, бу сафар балким кўришармиз деб.

Эртасига эрталаб туриб оёғимни кўлимга олиб, эрталаб обком қабулхонасида навбатда турдим. Бироз ўтмай, бошлиқ олдига кирдим. Хаёлимда тезроқ кирсам-у тезрок Гавҳар билан учрашишга йўл топсам деган ўй кечарди. Рўпарамда авзойи бузук, корачадан келган, тўла юзли, киши ўтиради. Саломимга ё алик олди, ёки йўқ. Ўтилинг деди, стол ёнидаги стулни кўрсатиб. Негадир кайфиятим тушиб кетиб стулга ўтиредим. Сиз Усмонов Мирҳосилмисиз, деди дафтарга ҳам қарамай. Ҳа, худди шундай дедим уларни кузатиб туриб ва фамилиямни ёдлаб олгандай айтди-я, қаердан биларкан, бир кунда олдига шунча одам кириб чикса деб хаёл килдим.

– Хўш, – деб столга ручкани тескари тарафини уриб, олдидаги катта китобни очиб қарадиларда, сўнг мени бошдан оёқ кузатиб дедилар стулга суюниб. – Энди, йигитча айтингчи, нима учун сиз Совет давлатига хизмат қилишдан бош тортгансиз?

– Бош тортмаганман, – дейишим билан столни бир муштлаб, важоҳат билан, ҳозир сени ейман дегандай қаради.

– Сенга ўхшаган тили бурроларнинг попугини пасайтириб қўядиганлар топилади! Билағон, текин томоқларни, – деди тутақиб кетиб ўзларидан ўзлари. Ўтирган жойимда алланечук бўлиб кетиб, ҳеч нарса деёлмай қолдим. Менимча, гапиришдан ҳам фойда йўқ эди. Энди менга қўлларини бигиз қилиб гапиради.

– Сен тирранча балки армияга бормаслик учун бармоғингни ўзинг кесиб ташлагандирсан, – деб тухмат килди, ҳаммасидан ҳам “Отанг ҳалқ душмани экан”, деганига чидолмадим.

– Оғзингизга қараб гапириңг, – деб қизишиб кетганимни сезмай колдим.

Мен бўғилиб кетиб, бино ҳовлисига чиқиб кетдим. Томоғимга бир нарса тиқилғандек, кўйлагимни тугмаларини ечиб, ёкамни бўшатдим. Қаёқданdir чақирган овоз эшитилгандай бўлди. Беихтиёр овоз келган томонга қарадим. Бу ишга келаётган Хотам амаки эди. Ичимда, ха шу ерда ишлар эканда, деб ўйладим. Уларга салом бериб пешвоз чиқдим. Хотам амакининг қовоғидан қор ёғарди. У саломимга алик олдиларми, билмадим, эшитолмай қолгандирман, балки деб ўйладим. У ҳам келиб ўлганни устига тепган қилибди.

– Ҳа бойвачча, – деб келиб ёқамдан ушлаб ўзларига тортиб, – Мен машинамга ўшанда илонни ортиб келибманда, а, ҳа, итвачча, – деб итариб юборди. Жаҳл билан ичкарига кириб кетдилар. Мен эса қоним қайнаб кетганидан ўзимни зўрга босиб туардим. Агар шу одам ҳозир Гавҳарнинг отаси бўлмаганидами, қаппайган корнига бир мушт тушириб, хуморимдан чикардим. У ердан чикиб, Шарофат келинойиникига яна амаллаб етиб олдим. Узундан-узун ёзилган мактубни келинойидан олдим-у сабрим чидамай, панага ўтиб, хатни ўқий бошладим. Гавҳар учрашишнинг иложи йўклигини ёзганди.

Уни кўрмасдан туриб қишлоққа қайтолмасдим. Мехмонхонага жойлашиб, кечгача ерга кўксимни бериб ётдим. Кечга яқин бозорга чиқиб битта перашка билан яrim стакан чойни зўрга еб келдим. Дунё кўзимга тор. Эрталаб кечки пайт Гавҳарнинг йўлини пойлайман. Хотам амаки ишга кетиши билан Шарофат келинойиникига хат ташлаб келаман. Кўришнинг ҳеч

иложи йўқ. Келинойи хатни ҳам зўрға бераётганини, Хотам ака ўзи бирга машинада олиб бориб, олиб келаётганини айтди. Шунақа қилиб тўрт кун ўтиб кетганини билмай қолибман. Бешинчи куни ўрнимдан туриб, ойнага қарадим. Касалга ўхшардим. Қорним очганини сезиб, бозорга бордим. Чўнтағимда озроқ пулим қолгани учун ароқхонанинг олдидаги перашкага навбатга турдим. Зерикканимдан навбатда турганларни бир-бир кўздан кечиришга тушдим. Кўплари рус миллатига хос кишилар эди. Иккита перашка билан яrim шиша вино олиб, тахтаси қорайиб кетган столга ўтириб, винони роҳатланиб ичишарди.

Шу пайт не кўз билан кўрайки, навбатда Паша амаки турарди. Жон ҳолат ҳеч кимга қарамай, худди Гавҳарни кўриб қолгандек, бориб Паша амаки билан куюқ сўрашиб кетдим. Паша амаки билан вино, перашка олиб столга ўтирдик. Шу онда винонинг ҳидиниям сезмай қолдим. Хурсандлигимнинг чеки йўқ эди. Яrim ўзбекча, яrim русча қилиб, ҳол-аҳвол сураб муддаога ўтдим. Гавҳар билан кўришишим учун унинг ёрдами кераклигини тушунтирдим. Паша ака ҳамма нарсадан хабардор экан. Қизнинг қийналаётганини айтди.

Мен кечаси боришимни, факат эшикни очиб беришларини сўраганимда, “Йўқ бўлмайди, билиб қолади”, деб туриб олди.

Томоғимдан перашка ҳам ўтмади. Паша амакига зорланиб охири кўндиридим.

— Майли, унда кечаси 12 ларда, дарвозага эмас, иккаламиз қурган деворга арқон солиб қўяман. Мен ўзим бориб, сени тортиб оламан, — деди жиддий. Шунақа хурсанд бўлиб кетдимки, учиб меҳмонхонага қайтдим.

“Эй, Художон, ўзингта шукр” деб ювиниб-таранишга тушдим.

Бир амаллаб вактни ўтқизиб, девор тагига бориб, арқонни топдим. Бироз ўтиб, Паша амакининг овози келди. Улар мени девор устига чиқиб тортиб олдилар. Нарвон қўйиб қўйган эканлар, тушиб олдим. Нарвонни олиб аста ерга ётқизиб қўйдик. Гавҳар мени хонада кутарди.

– Фақат эсингда бўлсин, ойнани тақиллатишм билан дарров чиқ, тушундингми? – деб тайинлади Паша амаки.

Ойнадан ичкарига кириб олдим. Бизларга бошқа ҳеч нарса керакмасди. Гавҳарга қўзим тушиши билан у ўзини бағримга отди. Бизлар худди бир йил кўришмагандай бир-биrimizni қучиб уй ўртасида узоқ туриб қолдик. Гавҳар отасининг билиб қолганини, кимдир касалхонада кўриб, келиб айтганини гапириб берди. Тонг сахаргача дардлашиб бир-биrimizга тўймай вакт ўтиб кетди. Ойна тақиллагач, биз қўл ушлашиб, қиблага қараб ўла-ўлгунча бир-биrimizга содик қоламиз деб аҳдлашиб, ажралишдик.

Тонг сахарда уйга жўнадим. Автобусдан тушиб пиёда борарканман, Гавҳар билан бирга бўлишимизга ҳеч ҳам қўзим етмасди. Ҳали унга отаси билан учрашганим ҳақида гапирганим йўк. Отамни ҳалқ душмани дейди-я, қандоқ чидайман бунга, жойимда тўхтаб қолиб, йўлга туташиб кетган дарёга қарадим, дарё жуда осойишта оқарди. Агарда шу дарёга ўзимни ташласам, ҳамма дарду ғамлардан фориғ бўлиб, сувга қўшилиб, оқиб кетармикинман, дердим дикқатим ошиб. Мени кимдир чақирди, орқамга қарадим.

Бу укам Умиджоннинг овози эди. Тўрт кун йўқ бўлиб кетганимга ҳар куни хавотир олиб катта йўлга чиқар экан.

– Ака, акажон, – деб чопиб келиб бўйнимга осилди.

Умиджоннинг ортидан синглим келиб:

– Ака, шунчаям қолиб кетасизми, тоза хавотир олдик-ку, кечаси ухломадик, – дейишди бараварига.

“Мирхосилбой, сенинг ўлишга ҳаққинг йўқ, агар дарёга ўзингни ташлаганингда, орtingда сенсиз яшолмайдиганларинг қолиб кетар, сен эса ғирт дўзахи бўлардинг”, – деб кўнглимдан ўтди.

Эртасига ишга чиқдим. Ислом ака ишли одам ҳам шунча қолиб кетадими деб урушгандай бўлди-да, кейин идорага келиб обкомда нима деганини сўради, мен ҳаммасини бирма-бир кўйиб пишиб гапириб бердим. Раис буванинг ҳам обкомга кетганига икки кундан бери ҳали дараклари йўқлигини хавотирланиб гапирдилар.

Нима бўлганда ҳам ҳаёт ўз йўлида давом этарди. Гавҳар билан учрашиб, анча ўзимга келиб олдим. Эртасига ишга киришиб кетдим, ташвишларимни анча унутгандек бўлиб, ҳамма қатори биз ҳам қишига тайёр гарлик кўра бошладик. Ишдан сўнг уйга келиб, укаларим билан ҳовлимизга экилган картошкаларни кавлаб олиб, тозалаб, ўраларга солиб қўйдик.

Раис бувам ҳадеганда келавермагач, Ислом акам, Тўйчи амаки, ҳаммамиз хавотирга тушиб қолдик. Ҳеч тушунмасдим, нега булар бизларни қайта-қайта чақириб, ўз ҳолимизга қўйишмаяпти? Раис бува йигирма кун деганда уйига қайтди. Ислом акам билан тезда кўргани бордик. Уйда меҳмонлар кўп экан, гаплаша

олмай қайтиб келдик. Раис бувадан факат бизни кузатиб чиқканларида нега кеч келганларини сүрадик. Ҳаммаси яхши деганлари билан негадир күзимга хомуш күринди.

Орадан икки-уч кун ўтиб, Тўйчи амаки раис бува Ислом ака ва мени уйларига чақирғанларини айтди. Раис буванинг уйи нариги қишлоқда бўлғанлиги учун ишдан сўнг тўғри уларникуга ўтдик. Йўлда Ислом акамга “Нега чақирған эканлар?” дедим қизикиб. Улар “Ҳа нима бўларди, энди янги топшириклар бўлган бўлса шуларни айтадилар”, деб кўйди. Раис буванинг ўзи бизни кўчага чиқиб кутиб олди.

Бир пиёладан чой ичар-ичмас бизни хилват хонаға таклиф қилганида, юрагим аниқ нимадир бўлганини сезди. Раис бува бизни тўрга ўтқазиб кўйиб, ўзлари асабийлашиб хонанинг у ёғидан бу ёғига юра бошлади. Биз иккимиз уларга қараб ҳайрон бўлиб ўтирадик.

— Мен сизларга шуни айтмоқчиманки, — деди Раис бува икки кўли билан бошини ушлаб – икковингиз тезда бу ерларни тарк этишингиз керак. Ҳар қанча ўзини тутишга ҳаракат қиласа ҳам овозлари титраб чиқди, юзи гезарди.

Мен аввалига нотўғри эшитдимми деб ўйладим. Сўнг яна такрорлаганларида, худди бутун аъзои-баданим энди ишламай қолгандай туюларди. Бир-биrimизга тикилганча жим туриб қолдик. Раис буванинг юраклари безовталанаётганини тез-тез нафас олаётганларидан ҳам билса бўларди.

— Бўлмаса, сизлар ҳам бедарак йўқоласизлар. Улар ҳар нарсага қодир, мени эшитаяпсизларми? – деди бу сафар хуноблари чиқиб. – Мени 15 кун қамаб қўйиш-

ди. Эртагаёқ тайёргарликларингни кўриб, узоги билан 5-6 кун ичидаги бу ердан жўнаб кетишларинг керак.

Мен гангидай қолгандай аста ўрнимдан турдим. Уйга сиғмай қолдим негадир. Ислом акага туриш дегандек имо килдим. Ислом ака караҳт бўлиб қолганди, икки қўли билан тиззаларини ушлаганча ўридан кимирила-масдилар. Кўлларидан тортиб, ўрниларидан тургиздим.

Аллақачон гап нимадалигини тушунгандим. Шу онда одамзот ҳамма нарсага сабр билан шукур килиши керак эканлигини англаб етдим. Кечагина арзимас нарсага ўзимни дарёга ташламоқчи бўлганимни эсладим. Ислом акани кўлтиқлаб ҳовлига чиқдим. Раис бувага “Хайр”, дегандек кўча томон юрдик.

Орқамиздан қараб турган раис бува Ислом акамнинг ўзини тутишларини кўриб, қайтиб чақириб, нималарнидир гапириб-гапириб, уришиб ташладилар.

— Ўзингни кўлга ол, сен эркаксан, ҳалитдан шунаقا қилсанг, ўлиб кетсанг, болаларинг кимга қолади – деди яна дўқ уриб.

Мен нарироқда нима қилишимни билмай турардим. Қулоғим остида кимдир бонг ураётганга ўхшарди. Ислом акам сал ўзларини тутиб олгандай бўлиб йўлга тушдик. У қишлоқдан чикиб, ўзимизнинг тепаликка етгунимизча жим келардик. Фақат қадам ташлаётган оёғимизнинг товуши эшитиларди, холос. Баландликка чиқиб, Ислом акам “уф” тортиб, бориб харсангтош устига ўтирилар. Мен ҳам улардан сал нарироқ бориб тим қора тунга боқдим. Сўнг Ислом акам томон карадим. Улар кўйлакларининг ёқасини очиб ташлаганлигини кўрдим. Дастваб нима қилаёт-

ганини тушунмадим. Сүнг синчиклаб қарасам, үзини ўzlари бўғаяпти.

– Ўзимни ўлдираман, бу ноҳақликка чидолмайман, – деди йиғи аралаш бор овозлари билан бақириб.

Нима қилишимни билмай баттар тутокиб кетдим. “Нима қиласиз қийналиб, мана сизга осонгина йўли дарёга ташланг ўзингизни. Факат шуни билиб қўйингки, сизни болаларингиз сизга керак бўлмаса ҳеч кимга кераги йўқ. Хотинларга ўхшаб қилаётган ишингизни каранг, – дедим бор овозим билан мен ҳам. – Ким айтади сизни беш боланинг отаси деб? Хўп ўзингизни ўлдирдингиз дейлик, кейин ҳаммаси яхши бўлиб қоладими, болаларингиз бахтли яшайдими? Ёки бизга ноҳақлик қилишди, деб оламга жар солиб йиғлангчи, ким сизни эшитади? Айтинг, жавоб беринг, мен ҳам шу жавобдан ўзимга тўғри йўлни танлаб олай ахир. Ёки сиздан кўра мени дардим камроқми? Сиз менга далда бериш ўrniga ярамга туз сепиб, йиғлаб ўтиришингизни каранг.

Орадан бироз ўтиб, уялди, шекилли, олдимга келиб, елкамдан ушлаб:

– Ҳа йиғладим, сен-чи, сен, йиғламайсанми? – деди кўзларини олиб қочиб.

– Ака мен йиғлолмайман, эшитдингизми, йиғламайман! – дедим ўрнимдан туриб. Ўз уйимиз томон бурилдим. Бўғзимга нимадир тиқилгандек, уйимиз томон югуриб кетдим. Югуриб борарканман, факат “Йўқ, йўқ йиғламайман”, деб такрорлардим. Негадир қаттиқ чопгим келарди. Уйимиз эшиги олдига келиб, тўхтаб қолдим, ичим ёнарди, эшикни очиб, уйга киролмадим, қайтиб катта йўлга тушдим. Нима қилаёт-

ганимни, нима қилиш кераклигини ҳам билмасдим. Бор кучим билан чопиб борарканман, терга ботиб кетганимни сездим. Гүё тўхтасам, ғамга ботиб, бу ишларга чидолмай қоламан деб қўрқардим. Ой ҳам юкоридан: “Ҳой бола, қалайсан. Нима қилмоқчисан, қайт орқангга, бузоқнинг юргани сомонхонагача”, деб устимдан кулгандай мен билан баравар чопарди. Мен хаёлан ойга қараб, “Оймоможон, сен тепада туриб, ҳаммасини қўриб ҳакиқатни била туриб, устимдан куляйпсанми?” – деб яна тезроқ югуришда давом этардим.

Кимdir мени тўхтадгандай жойимда такқа тўхтаб қолдим, устимдан сув қуйгандай терга ботгандим. Энди бутун вужудим билан курашмоққа шайландим. Иккала қўлимни маҳкам муштлаб, худди оймомога ниманидир исботламоқчидек баланд кўтариб дедим: “Й-ў-к мен йиғламайман, йиғламайман, йўқ-йўқ йиғламайман эшитяпсанми, до-оод бундай яшашнинг дастидан до-о-од”, – деб қайта-қайта такрорлардим. Бутун баданим ўт бўлиб ёнарди.

– Майли менга тухмат тошин отсинлар, барибир йиғламайман. Майли мени оёғимдан оссинлар, барибир йиғламайман.

Йиғламадим отамни олиб кетганда,
Сабр қилдим, ҳеч кимсиз етим қолганда.

Фақат Сендан ўтинчим, Худойим, менга шундай куч ато этгингки, токи саргашталикда қалбим қийналмасин, – дедиму тиззам билан ерга ўтириб қолганимни билмай қолдим. “Йиғламайман, – деб беихтиёр ерга

эгилиб сажда қылғандай тупрокни ўпдим. – Мен, албатта қайтаман, она тупроғым, мени кутгил” – дедим. Бұшашиб чүзилиб чалқанча ётиб олдим. Совуқ ўтгандаій бўлди. Чўчиб уйғониб ўрнимдан туриб, ухлаб қолғанимни билдим. Қанча ётдим билмадим, бўшашиб, пардай енгил қолибман.

Эрталаб Ислом ака тонг сахардан кириб келди. Кўринишлари кечагидан анча яхши эди. Менга қараб ҳазиллашгандек:

– Ҳали ҳам ётибсанми, ялқовланиб? – деди ўзини мажбурлаб кулиб.

Биз бирга нонушта қилдик. Кейин Ислом акам гап бошлаб:

– Мени кечир укам, гапларингда жон бор, ўзимни кўлга олишим кераклигини билдим, – деди.

Ислом акам яна саволга тутиб:

– Жамилага айтмадингми? – деди паст овозда.

– Ака, ҳали нима деб тушунтиришни ўйлаб кўрмадим. Айтишга айтаман, синглимни кўндираман, лекин Гавҳарга нима дейман, ана шуни ўйлаб сиқилиб кетаяпман, – дедим улардан бирор бир маслаҳат кутиб.

– Нима дердинг, тўғрисини айтасан-қўясан. Ахир Гавҳар тушунадиган қиз-ку.

– Бугуннинг ўзида унинг ёнига бориб келишим керак, – дедим бошқа нуқтага тикилиб.

– Ҳа, эрта-индин борарсан. Ҳозир ундан ҳам зарур ишлар бор. Бугун аравани таъмирлаш керак, – деди салғашлари келиб.

– Ака, мен учун ундан зарурроқ иш йўқ, – дедим. Мени йўлдан қайтаролмаслигини тушунган Ислом ака:

– Ҳа майли, унда бориб кела қол, фақат қолиб кетма. Мен ўзим бу ердаги ишларни бошлаб тураман, – деди дастурхонга фотиха ўқиб.

Уйга кириб, синглимга тезда шаҳарга бориб, бозордан укамга пальто олиб келишимни айтдим. Синглим токчада турган ойлик маошимни олиб чиқиб берди:

– Ака, бу ойлингизни олсангиз, менга ҳам пальто олиб бермоқчи эдингиз, – деб эслатди.

– Ҳа, майли олиб бераман, – дедиму, ичимда, “Энди ойликни қаерда, қачон олишимизни Худо билади”, деб қўйдим.

Шаҳарга бориб, Шарофат келинойи орқали Паша амакини чакириб, кечаси Гавҳарнинг хонасига кирдим.

Бу сафар у менинг келишимни байрамдек кутиб олди. Мен охири ўзимда куч топиб, унга узок тикилиб турдим-да, ҳамма гапни бирма-бир тушунтиришга тушганимда, унинг ишонгиси келмасдан, “Йўқ-йўқ ҳеч ҳам унақа бўлиши мумкин эмас”, дерди ҳаяжонланиб. “Мен отамга айтаман”, деди қўзига ёш олиб. Уни зўрға овутиб отасига айтса, унданда ёмон бўлишини тушунтирдим.

– Гавҳар, азизам, сени ташлаб кетишга қўзим киймаяпти. Бу тақдир бизни бунчалар кийнамаса, жоним, – дедим унинг қўзёшини артиб.

– Мирхосил ака, мени ташлаб кетманг, илтимос, сизсиз яшолмайман, – деди йиғи аралаш қўзлари жавдираф. Ахир Худо олдида қилган қасамёдимизчи, – деди илинч билан.

– Ҳа, қасамимиз ўз кучида қолади, Худо шохид, – дедим-у, бошқа нуктага қараб қолдим.

Мен уни бир умрга йўқотиб қўяётгандек, маҳкам қучоклаб олдим. Уни ҳеч ҳам қўйиб юборгим келмас, бу онлар абадий давом этишини хоҳлардим.

– Йўқ, ишонгим келмайди, наҳотки иложи бўлмаса, – дерди Гавҳар тинмай.

– Иложи йўқ, агар шу ерда колсам, худди отамга ўхшаб қамалиб, дом-дараксиз йўқолиб кетишим аник. Сиз шуни хоҳлайсизми? – дедим охири ноилож.

– Йўқ, йўқ. Асло, ундей деманг, мен сизсиз бир кун ҳам яшай олмайман, – деди яна кўзёшини тўкиб.

Хижрон тонги яқинлашар, биз ноиложликдан бир-бирилизга тўймай хайрлашишга мажбур бўлдик. Паша амаки ойнани таққиллатиб, мени кутиб турарди. Гавҳар кетишимиздан аввал:

– Мирҳосил ака, йўқ деманг, кетгунингизча яна бир бор учрашайлик, илтимос, – деб ялиниб ёлвориб сўради.

Мен унинг қўлини маҳкам сиқиб:

– То иложи борича ҳаракат қиласан, агар насиб бўлмай учраша олмасак, унда мени кутинг. Мен, албатта, қайтаман, – деганимча девордан ошиб, кўчага чиқиб олдим.

Маҳалла бўйлаб кетарканман, бутун қалбим, вужудим Гавҳар билан қолгандек қуруқ гавдам соядек юриб борарди. Амаллаб бозорга етиб олиб, вакт ўтишини пойлаб, ўриндиқ устида ўтириб, кўз ўнгимдан Гавҳар билан ўтган даврларни ёдга олардим. Кун анча ёришгач, олдимга кимдир келиб ўтирганидан сесканиб, ҳушим ўзимга келди. Қарасам, лўли хотин қўлимни маҳкам ушлаб олди, “Фол очаман”, деди. “Йўқ” деганимга қарамай кафтимга тикилиб қараб турди. Гавҳар ўраб берган перашканинг иккитасини узатиб, нарирок

кетдим. У аёл перашкани олиб оғзига солдида, менга караб ҳей деди яна. Мен хохлаб хоҳламай ҳали күчада одам кам бўлганигами у томон қарадим. Аёл икки қўлинин катта очиб, сен мана шунақа бой бўласан деди. Эй, боре деб бозорга кириб укам учун иссиқ пальто олиб, уйга қайтдим.

Шу куни кечки пайт синглимга ҳаммасини бир чеккадан тушунтириб, Гавҳар билан ҳам хайрлашиб келганимни, узоғи сўнг бу ерлардан жўнаб кетишишимизни айтдим. Агар йиғлайдиган бўлса, юрагим буни кўтара олмаслигини яхшилаб тушунтирдим. Синглим ҳали ёш бўлса-да, унча-мунчага ақли етарди. Гапларимни диққат билан тинглаб, ичидан нима ўтса яшириб, йиғламасди. Индамай нарсаларни йиғишириб, тайёргарчиликни бошлаб юборди.

Эртасига Ислом акамникига бордим. Улар катта аравани таъмирдан чиқариб, тахт қилиб қўйибдилар. Муқаддас келинойим мендан Гавҳарни сўраб:

– Жуда ажойиб қизда, бечора йиғлаб колгандир? – дедилар ачиниб. Юрагим баттар ўртанди.

– **Ҳа**, келинойи, роса йиғлади, энди йиғлагандан нима фойда? – дедим ўзимни хотиржам тутишга ҳаракат қилиб.

Мен ўзимни қанчалик қўлга олишга ҳаракат қиласам-да, қалбим пора-пора бўларди. Бир томондан Гавҳар, иккинчи томондан она қишлоғим... Охирғи марта Гавҳарнинг ёнига бориб келсаммикин, деб ўйлаб ҳам қолдим шу онда. Кечки пайт Ислом акамга бу режамни айтиб, рухсат сўрамоқчи эдим. Уларнинг жаҳли чиқиб, уришиб бердилар:

– Э, сен ўзи қанака боласан, кеча бориб келдинг-ку. Борганинг билан энди нима ўзгаради, у кизният тинч қўй. Баҳтли бўлсин, яна отасининг кўлига тушиб қолсанг борми, бу сафар соғ кўймайди, бунинг устига у ёлғиз фарзанд бўлса, – деди. Буларни билиб бўладими, ушлаб олиб, қамаб қўйишлари ҳам мумкин.

Мен худди тузалмас касалга чалингандай уйга қайтиб кетдим. Кечаси билан мижжа қоқмадим, тонгга якин ухлаб қолибман. Синглимнинг туртиб уйғотганидан чўчиб тушдим.

– Ака, Муқаддас келинойи чақирайпти, – деди ховлиқиб.

Унда хозир жўнасак керак, деб ўйлаб кийимимни кийиб ховлига чиқдим. Кун энди ёришай деб қолган. Муқаддас келинойи очик айвонда омонатгина ўйланиб ўтирадилар. Салом бердим.

– Ҳа келинойи, жўнарканмизми? Намунча тез, ҳали шошманглар, дедиларку Раис бува, – дедим ёқмай.

– Йўқ, гап бошқа жойда, – дедилар сирли жилмайиб.

– Укажоним, Гавҳар келди, – деса бўладими.

– Нималар деяпсиз, қандай келади, бу ерларни билмайди, келолмайди, – дедим ҳайратимни яширмай.

– Гавҳар уйимизни сўраб суриштириб, яrim кечаси кириб келса бўладими? – деди келинойим. – Ўзиям роса чарчабди боякиш, келди-ю ухлаб қолди, шунинг учун сизни чақирмадик.

Мен нима қилишимни билмай, ювиниб-тараниб олдим.

Хурсандлигим бир тараф бўлса, иккинчи тарафдан кўнглимда “Ишқилиб тинчликмикин?”, деган хавотирим ҳам йўқ эмасди. Гавҳар мени меҳмонхонада кутиб

ўтиради. Йиғлаганидан ковоклари шишиб кетган. Келинойим бизға иссик чой дамлади.

Гавҳар уйдагиларга бугун ўқиши кечгачалигини, Тошкентдаги холасиникида қолишини тушунтириб чиқиб кетганини, йўлда адашиб қолганини, Муқаддас келинойини суриштириб, топиб келганини ва мени кузатиб кейин кетишини айтиб, дўланадай-дўланадай кўзёши тўқди.

– Гавҳар, жоним бунақада отанг эшитиб колса, сени роса койиди, жазолаши ҳам мумкин, – дедим ачиниб унга. У:

– Энди менга барибир, шундоқ ҳам отам мени бошқага унаштирмокчилар, – деди ўксиниб. Бу гандан сесканиб тушдим ва “Йўқ, йўқ мен сени ҳеч кимга бермайман” – дедим уни қучиб.

Кечга яқин иккаламиз бир қарорга келиб, Муқаддас келинойимга бизни Ислом акам никоҳлаб қўйишларини сўрадик. Ислом акам мени ҳовлига олиб чиқиб:

– Шундай қизни бахти қаро қилиб ташлаб кетасанми? – деб роса койидилар.

– Йўқ, ўзим билан олиб кетаман, – дедим безариб.

– Сени ернинг тагидан бўлса ҳам топиб, сабр қилишади, тушундингми? Шуни билиб қўй. Биз битта от арава билан узокқа боролмаймиз, улар ортимиздан бир зумда етиб олишади. Ана унда кўрасан томошани, хом калла? – деб ётоқларига кириб кетди жаҳл билан.

Нима қилишимни билмай хонага қайтиб кириб, бошимни ушалаганимча ўтириб қолдим. Муқаддас келинойи бўлса Гавҳарнинг ёнига бу аҳдидан қайтишига ундаш учун кириб кетдилар. Гавҳар уйга қайтса, отаси

ёши каттарок бир амалдор йигитта узатиб юбормокчи бўлаётган экан.

Майли мени шу ерда қолдириб кетсалар ҳам уларни қайтгунларича кутишга розиман, деб зорланибди. Охир-оқибат Муқаддас келинойим билан биргаликда, икки кун деганда Ислом акамни бизни никоҳлаб кўйишга кўндиридик. Гавҳарни шом тушгач уйимизга олиб келдим, қўшнилар пайқаб қолмасликлари учун.

Гавҳар шаҳарда ўсган бўлса ҳам ҳамма нарсага тез кўнишиб, нимаики бўлса, борича қабул киларди. Мен ундан “Қийналмадингизми?”, деб сўрасам, “Сиз ёнимда бўлсангиз, ҳамма нарса мен учун осон”, дерди. Гавҳар синглим билан овқат пиширишар, мен бўлсам, кўча эшик қулфини тузатиб, яхши ёпиладиган қилиб кетишга тайёргарлик кўрардим. Орадан уч кун ўтди. Тўртинчи куни Ислом акам келиб, раис илтимосимга биноан Бойчиборни бериб кетганларини айтиб, индинга кечаси йўлга чиқишимизни тайинладилар. “Гавҳарни нима киласан?” дегандай менга қараб турди.

Жамила билан Гавҳар кийим-кечакларни йифиб, кетишга тайёрлана бошлишди. Энди ёнимда севимли хотиним бўлганигами унчалик тушкунликка тушмасдим. Уни олиб кетаман деб ҳаммани кўндиридим. Гавҳар Шарофат келинойига хат ёзиб бериб юборди.

Пешинга яқин Умиджон иккаламиз ўрадан картошкalarни олиб, копга жойлаштираётган эдик. Бирдан эшик қаттиқ тақиллаганига юрагим шув этиб кетди. “Эшик очик-ку, қишлоқда ҳеч ким эшик тақиллатмайди, ким бўлиши мумкин? ”, – деган хаёл ўтди.

Эшик ортида бир аҳволда Шарофат келинойи турардилар. Мени кўриши билан “Вой, Худога шукур,

ахири келдим-а? Узок эканда”, деб юборди салгина ёришиб.

– Тинчликми, Шарофат келинойи, нима гап, киринг? – дедим уйга таклиф қила туриб.

– Йўқ, кирмайман, вактим йўқ, – деди жиддий холатда. Гавҳарни чакиринг, онасининг ахволи оғир, кон босими ошиб кетиб кеча тилдан қолган, кетмаса бўлмайди. Бир соатдан кейин автобус қайтаркан, улгуришимиз керак, кеч бўлди, – деди. – Мирҳосил, укам мени кечир, агар отаси касал бўлганда келмасдим, лекин онаси яхши аёл...

Бу хабарни эшитган Гавҳар шошиб қолди.

– Онажоним, онажоним, энди нима қиласман, – деб йиғлаб менга тикилди. – Нима қиласай, Мирҳосил ака, айтинг, – деди шошиб кийимларини йигаркан.

Чорасиз қолган Гавҳар уйига қайтадиган бўлди.

Гавҳарни кузатар эканман, ичимни ит тирнарди. Буни билдиринасликка ҳаракат қилиб, уни эркалаб юпартардим. Онамдан қолган олмос кўзли кичкинагина зиракларни Жамила Гавҳарга беришимни айтиб қўлимга тутқазди. Иккаламизни ётогимизга, яъни онам билан отамнинг хоналарига кириб, Гавҳарга қараб дедим:

– Агар қиз фарзанд кўрсанг, исмини онамнинг исми билан атаб, мана шу зиракларни қулоғига тақиб қўйгин, токи ҳеч қачон ечмасин, – дедим. – Агарда ўғил туғсанг, исмини отамнинг исми билан Ҳамидулла деб атагин, – дедим-у, ҳаво етмай қолиб, отилиб ҳовлига чиқиб кетдим. Мен томорқага ўтиб чукур-чукур нафас олиб, бувим ўргатган сурани қайтиб-қайтиб тақрорлаб анча ўзимни босиб, яна хонага Гавҳар ҳузурига кирдим. У йиғлаб бир нуктага тикилганча ўтиради. Вакт

тиғиз, автобус кетиб қолишини айтиб, синглим ва укам билан хайрлашиб йўлга тушдик. Йўл-йўлакай Гавҳар ўзи тўкиган дастрўмолчани олиб, кўз ёшларини артиб, менга узатди.

– Сиз ҳам мени эсдан чиқарманг, – деди маъюс боқиб.

Мен дастрўмолчани олиб қўйнимга солиб қўйдим. Биз автобус бекатигача етиб келдик. Автобус ичидаги аллақачон Шарофат келиноЯи үтиради. Биз худди бир одаммиз-у, энди иккига бўлингандек ажрашдик. Хаёллимда машина ичидаги 3-4 одам менга тикилиб турганга үхшарди. Энди менга барибир, қарашса қарайверсин, эртага мени улар бу ерлардан тополмай қолишиади, деб ўйлардим.

Гавҳар автобусга үтириб, ойнадан қўлини менга узатди. Мен унинг қўлини маҳкам сиқиб қўйишим билан автобус ҳайдовчиси эшикни ёпди ва машина юриб кетди. Автобус қўздан ғойиб бўлгунча Гавҳар қўлини силкитиб борди.

Мен караҳт ҳолда туриб қолдим. Бундай оғир жудоликка сира чидаб бўлмасди. Ундан қўра осмон устимга қулаб тушса, осонроқ бўлармиди, деб ўйлардим. Бирор судраб келгандай, уйга зўрга қайтиб келдим. Ётогимга ётиб, ҳали ифори кетиб улгурмаган Гавҳарнинг исини ҳидлардим. Мен шунда билдим, нега севишганлар бир-бирини деб ўзларини сувга, ўтга-чўкка отишини. Аммо мен нотавонга ўзимни бирор жойга отиш ҳам мумкин эмас деб ўйладим. Умиджон эса югуриб келиб:

– Ака, ака, келиноЙим кетдиларми, энди тўй қилиб олиб келамиз-а, – деб қўймасди.

– Ҳа, албатта, олиб келамиз, – дедим унинг беғубор кўзларига тикилиб.

Анчагача ўзимга келолмай ётдим. Турсам оёғим, ётсам, бошим оғрирди. Ҳеч нарса қилгим келмай хаёллим Гавҳарда. Қандоқ яшайман усиз деган хаёл бир зум тарқ этмасди. Девонага ўхшайман, бунча ҳам оғир бўлмаса бу дамлар. Синглимнинг кўзини шамғалат қилиб томорқа томонга ўтдим. Яна Оймомога юзландим:

– Салом, эй бутун оламни кўрувчи, айт-чи мендан ҳам баҳтсизроқ одам борми дунёда? – дедим овозимни чиқариб.

Бу сафар оймомонинг энсаси қотгандек туюлди. Анча сукут саклагандан мени бошдай оёқ кузатиб деди.

– Ҳа бор, сендан-да минг чандон баҳти қаролар борки, уларни ақли ҳам бут, гапира олади, бирорни сева олади. Аммо юролмайди. Лекин уларни ҳеч ким севмайди сенчалик. Қани айт-чи? Сенга нима бўлибди, кармассан кўрмассан ногиронмассан, билагинг кучга тўла, тоғни урса талкон қиладиган забардаст йигит бўлсанг! – деди тескари қарагандай бўлиб. Мен индаёлмай, анча вакт сукут саклаб турдим.

Бошқа нолимадим. Ўзимни кўлга олиб, эрта туриб синглимга нарсаларни йиғиштиришга ёрдамлаша бошладим. Синглим билан бувимнинг сандикларидан тортиб, деворда осиғлик турган катта соатгача ҳаммасини йиғиб, сандик ичига солиб жойлаштиридик. Эшикни қулфлаб, калитини кичкина темир қутига жойлаб, қутини эса ховлидаги олма дарахтининг тагига қўмиб қўйдик.

Ватанин тарк этиб...

Ярим кечаси Ислом акам келинойимнинг қўлларида саккиз ойлик чакалоклари ва тўртга болалари, жами етти жон аравага жойлашиб, эшигимиз тагида тўхташди. Мен укам ва синглимни аравага ўтқазиб, нарсаларни ҳам жойлаштиридим-да, ўзим уйимиз билан хайрлашиш мақсадида қайтиб уйга кирдим. Кўзимга уй деворлари ҳам мунгайиб қолганга ўхшаб кўринар, “Махшарда кўришгунча”, дейтгандек бўларди. Томоғимга нимадир тиқилиб, кўз ўнгим коронғилашиб кетди, деворларини силаб, хайрлашгандек бўлдим ва юрагимнинг уришига чидолмай тезда уйдан чиқдим. Айвон устунига ёпишиб туриб қолдим. Бошимга нимадир тегди, карасам, бувимнинг устун михига осифлик турган нимчалари. Уни синглим онда-сонда кийиб юрганди. Нимчани бағримга босиб, хайрлашиб “Биз қайтгунга қадар уйга қараб тур”, дедиму ташқаридан чақирган овозни эшитиб, югуриб чиқиб кетдим.

Арава олдида иchlари аламга тўлиб раис бува турарди. Бечора раис бувам нариги қишлоқдан бизларни кузатгани келибдилар. Раис бувамнинг исмлари Жўрахон ота, ўзи тоҷик миллатига мансуб, аёллари эса ўзбек бўлиб, умуман олганда, қишлоғимиз Ўзбек-тоҷик-қозоқ-қирғиз биргаликда яшаб, қиз бериб, қиз олишган. Ислом акамниям аёллари Муқаддас келинойи ҳам тоҷиклардан. Жўрахон ота жуда кўнгли тоза, меҳрибон киши. Улар мени ҳар доим қўллашларини билардим. Отамни ўта зукко, ақлли эди, бегуноҳ кетган деб ҳамма колхозчиларнинг олдида гапирганларидан кейингина “халқ душмани” деган гаплар анча камайиб қолган

эди. Шу-шу Жўрахон отани яхши кўриб қолганман. Мана ҳозир ҳам ўпкалари тўлиб, зўрға ўзларини тутиб “Ҳали ҳаммаси яхши бўлади, деб бизларга далда бўларди.

Жўрахон ота менинг чопиб чикқанимни кўриб, “Ҳа болам?” деди кўзимга термулиб. Ўртамизга жимлик чўкди, ҳаммамиз бир-биримизга қараб қолдик. Сукупнатни бузиб, Ислом акам дуо қилинг ота деди, зўрға ўзини қўлга олиб. Жўрахон ота чўкка ўтириб, ок фотиха бердилар. Сўнг Ислом акам билан кучоқлашиб хайрлашди, тескари қараб дастрўмолларини олиб юзларини тез артиб менга юзландилар. Келиб белимни маҳкам сиқиб: “Болам, паҳлавоним, мен сенга ишонаман, сен сув келса симириб, тош келса кемиришинг керак. Фақат тушкунликка тушмасанг бўлди”, деди охирида шашқатор кўзёшлари оқиб тушиб. Мен ҳам ийғлаб юбормаслик учун дарров ўзимни овунтириб чўнтағимдаги уйнинг калитини қидиргандай бўлдим ва калитни олиб уларга узатдим. Раис бува калитни олиб, киблага юзланиб дедилар қўлларини кўтариб. Токи сен қайтиб келиб, шу омонатингни олмагунингча мен ўлмай кутиб ўтираман, тушундингми, деди кўзимга тик қараб. Жўрахон ота сарғайганча орқада қолдилар.

Арава тўлин ой шуъласида юриб кетди. Биз икки оила, ўнта жон кийим-бош, егуликларимиз билан Раис бува берган катта тулпорга қўшилган Бойчиборим аравани тортиб борарди. Ҳеч кимдан садо чиқмас, ҳамма ортда қолаётган она қишлоғимиздан кўз узолмай қолганди.

Фақат бошини мағур күтариб бораётган икки тулпорнинг юриши эшитиларди, холос.

Тонг отганда тоғ бағрига етиб келдик. Отларни аравадан бўшатиб, дараҳтга узун арқон қилиб боғлаб қўйдик-да, тоғ бағридан оқиб тушаётган зилол сувдан чой қайнатиб нонуштага ўтиридик. Бир-икки соат дам олиб, сўнгра яна йўлга тушдик. Биз йўл юрсак ҳам мўл юрдик. Еттинчи куни кечаси каттакон сув бўйига етдик. Сув устидаги катта чироқ (маёқ) у соҳил билан бу соҳилни ёритиб турарди.

Ноҳост кўзим бир пас ҳам кутмай мендан узоклашиб кетаётган қуёшга тушиб юрагим дук-дук уриб кетди. Шошиб қолдим, бугун охирги кун нариги соҳилга ўтишимиз керак. Отимга бир қамчи урганимни билмай қолдим.

Бойчиборим ҳам бирданига юргилаб кетиб йўлга тушиб олди. Отимга нега тез кетяпсан демоқчи бўлардим. Кўз олдим қоронғулашиб бутун вужудим ёниб мен энди бир телбага айланиб қолгандим. Ўзимни бошқаролмай ичимдан турли гаплар қайнаб чиқарди.

Эй, Оллоҳим, ё Оллоҳим, бу нима бу айт оҳ алам-у,
оҳ алам

Қандай бедодлик бу оҳ алам-а, оҳ алам.

Гар синовинг бўлса, майли мени оловда ёндин,
майли мени сувда чўқдир

Нима истайсан мендан, эй фалак айт

Боримни бериш гар керак бўлса, жонимни айт

Лек мени бунчалик қийнама, қўлимдан келмаган ишга
Бўйнимни товлама.

Майли мен учун азиз бўлган муҳаббатим
дийдорини насиб этма,

Фақат сендан бир ўтингчим, шу болани соғ-омонлиқда күришни насиб этсанг бас.

деб бувимнинг кўшигини қайтаравериб чарчаб ҳолдан тойиб тинчиб қолдим. Қоронғу тушиб, биз қайиққа жойлашиб жўнаб кетдик...

(Давоми бор)

МУНДАРИЖА

Ҳаётнинг илк зарбаси	57
Соғинч	73
Нон қадри	108
Муҳаббатнинг ташрифи	171
Ватанни тарқ этиб...	227

Адабий-бадиий нашр

Гулчехра Қудратилло қизи

Мехрга қонған диллар

(құсса)

«ТАМАДДУН» нашриёти, 100011.
Тошкент шаҳри, Навоий қўчаси, 30-уй.

Мухаррир: Одил Икром
Мусаҳҳих: Диёра Абдужалирова
Саҳифаловчи: Улугбек Сайдов

Лицензия рақами AI №247. 02.10.2013 й.

Босишига 14.05.2018 йилда руҳсат берилди. Бичими 84x108 1/32.
Офсет усулида босилди. «TimesTad» гарнитураси.
Шартли б.т. 14,5. Адади 2000 нусха. Буюртма №47.

«TURON-MATVAA» МСНJ босмахонасида чоп этилди.
Тошкент ш., Талабалар қўчаси, 2-уй.



Гүлнәзара
Күдайева менен

«Жылға

жарылай, жарылай»

Детство

